


— ۱۹۹۵ —
۱۹۹۵




۱۹۹۵ — ۱۹۹۵

НАЖМИДДИН ФАИЗИДДИН ўгли
МУҲАММАД ҲАКИМ
ЖУРАХОН МУҲАММАД ҲОФИЗ ўгли

ЧУСТ ТАРИХИ

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi



ЧУСТ ШАҲРИ 1995 ЙИЛ

**КИТОБ ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН**

Масъул муҳаррирлар: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маориф ходими, тарих фанлари доктори, профессор **Султонмурод Солиев**, тарих фанлари номзодлари доцентлар **Турсунбой Файзуллаев**, **Баҳриддин Талапов**.

Китоб Наманган Давлат Университети тарих факультети олимларининг 1995 йил 28 июндаги Кенгашининг 8-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ЧУСТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ

Қ А Р О Р И

8 февраль 1994

Чуст шаҳри № 02/47

ЧУСТ ТАРИХИНИ ЯРАТИШ ҲАҚИДА.

Қўп миңг йиллик кўҳна Чуст тарихини яратиш, уни чуқурроқ ўрганиш ва омма ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Чуст тарихини яратиш мақсадга мувофиқ деб топилсин ва уни ёзиш бўйича иловадаги таркибда ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи аъзоларига етарли иш шароити яратиб бериш шаҳар маданият ва халқ таълими бўлимларига юклатилсин.

3. Иш жараёнида сарфланган ҳаражатларни қоплаш ва бошқа молжвий масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш шаҳар Ҳокими молжя бўлими (мудир А. Гаффоров)га юклатилсин.

4. Барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарларига, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раисларига ишчи гуруҳига ҳар томонлама амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини ҳамда ишчи гуруҳининг фаолиятини назорат этиб бориш шаҳар Ҳокими ўринбосари М. Мирзасевага топширилсин.

Шаҳар Ҳокими



М. БОБОЖОНОВ.

С Ў З Б О Ш И

Мустақиллик йўлида истиқлолни кўзлаб ҳаракат қилган халқимиз учун ўтмиш авлод-аждодларимиз тарихини ўрганиш, уларда ватанпарварлик туйғусининг уйғониши ва шу туйғунинг ривожлантиришда беқиёс аҳамият касб этади. Шу нуқтан назардан 3,5 минг йиллик тарихга эга бўлган Чуст тарихини ўрганиш ва тиклаш шаҳримиз ва туманимиз тарихчиларининг муқаддас бурчидир. Бу шарафли бурчни бажаришга бел боғлаган тадқиқотчилар жамоаси худди шу вазифани ҳал этишга уриндилар.

Муаллифлар жамоаси аввало Чуст тарихига онд чоп эгилган тарихий адабиётларни ўрганиш, жарида ва ойномаларда эълон қилинган мақолаларни таҳлил қилиш ҳамда архив ҳужжатлари ва фахрийларнинг хотираларини жалб этиш асосида қадимий ва навқирон шаҳримиз, туманимиз тарихини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Чуст тарихи китоби сўзбоши, кириш ва саккиз бобдан иборат бўлиб, у Чустнинг энг қадимий тарихидан то ҳозирги кунларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Китобнинг сўзбоши ва кириш қисми масъул муҳаррирлар: профессор С. Солнев, доцентлар Т. Файзуллаев ва Б. Талаповлар томонидан ёзилган. Ушбу китобдаги I бобнинг «Қадимий Чуст ҳақида», «Чустликлар юрт озодлиги учун кураш йилларида», VI бобнинг «Чустда миллий озодлик ҳаракати» бўлимлари ва «Чуст Ўзбекистон мустақиллиги йилларида» деб номланган VIII боби Муҳаммад Ҳаким ва Нажмиддин Маҳмудов ҳамкорликларида яратилди. I бобнинг «Чуст номи ҳақида», IV бобнинг «Чуст тумани ирригация ва мелиорация тизими ўтмишда ва ҳозир» бўлимлари ҳамда «50-90 йилларда қишлоқ хўжалиги ривожланиши» деб номланган VII боб Муҳаммад Ҳаким томонидан ёзилди.

«Чуст Қўқон хонлиги таркибида» деб аталган иккинчи боб Нажмиддин Маҳмудов ва Жўраҳон Азизовлар томонидан ҳамкорликда яратилди.

Қўлнингиздаги китобнинг «Чуст уездида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт» деб аталган III боби, IV бобнинг

«Октябрь воқеаларидан кейин Чуст», «30 йилларда Чустнинг ижтимоий ривожланиши», «Чустда ер-сув ислоҳоти» бўлимлари, «Чуст Улуг Ваган уруши йилларида» деб аталган V боб ва «Чустликлар 50-90 йилларда» боблари Маҳмудов Нажмиддин (Нажмиддин Файзиддин ўғли) томонидан ёзилди.

«Чуст тарихи»ни ёзишда ва нашр этишда Чуст шаҳар Ҳокими М. Бобожонов ва Ҳоким ўринбосари М. Мирзаеваларнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш лозим. Тадқиқотда яқиндан ёрдам берган Чуст давлат архиви бошлиғи Л. Д. Қоган, Республика Марказий архиви раҳбари Абдуллаев ва архив материаллари тўплашда кўмаклашган Т. Габзалилов, Давлетшина, Р. Маҳмудов, С. Турғунов, А. Абдуллаев, А. Ибрагимов ва Р. Қодирхонов, М. Рустамовалар ҳамда қўлёзмаларни машинкада ёзишда беғараз ёрдам кўрсатган Каромат Азизова, Дилобар Обидова, Малоҳат Мамаджонова ва бошқаларга муаллифлар ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

«Чуст тарихи» китоби тарихчилар, ўқитувчилар, умуман олганда барча китобхонлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Муҳтарам китобхонлар! Қўлингиздаги ушбу китоб Чуст тарихи ҳақидаги дастлабки изланишлар натижаси бўлиб, том маънода юртимиз тарихини қамраб олган деган тушунчани билдирмайди, айрим нуқсон ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Уйлаймизки, келажакда бу хусусда янги-янги изланишлар олиб борилади, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари очилади. Шунинг учун муаллифлар китобхонлардан таклиф ва мулоҳазаларини йўллашларини кутади.

Бизнинг манзилимиз: Чуст шаҳри, Ипак йўли кўчаси,
48-уй. Тарих музейи.

Қ И Р И Ш

Бугунги кундаги Ўзбекистон ижтимоий сиёсий ҳаёт шу билан характерланадики, унинг тарихида янги саҳифа очилди, асрлар оша халқимиз орзу қилган истиқлолга эришилди, уни мустақамлаш борасида маълум тажриба тўпланди.

Ҳа, элимиз бугун қанча шодланса, ифтихор қилса арзийди. Чунки унинг асрий интилишлари рўёбга чиқди, ҳурлик офтоби чарақлай бошлади. Эндиликда улуг боболар авлодлари нималарга қодирлигини жаҳонга намоиш этадиган, халқимиз ўз ақли ва заковати билан иш тутадиган кунлар келди. Босиб ўтилган қисқа давр шуни кўрсатмоқдаки айрим собиқ марказдаги кишиларнинг «Миллат, ҳеч бир жумҳурият ўзини ўзи энлай олмайди, бошқара олмайди, боқа олмайди, кун кечира олмайди» деган ақидаси пуч бўлиб чиқди.

Ўзбекистон мустақиллиги, жумҳурият халқларининг продаси сифатида қонуний тарзда ифода этилди. Энди у мустақил, демократик давлатдир. Биз энди тўла давлат маъмурий-ҳудудий тизимимизни белгилаймиз. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар бизнинг миллий бойлигимиз, мулкимиз ҳисобланади.

Галдаги вазифа—мустақил давлатни мустақамлашнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий базасини юзага келтириш, бошқарувда кечаётган ислохотларни тубдан ўзгартиришдир. Шу нуқтан назардан халқимиз босиб ўтган узоқ тарихий йўлни, қўлга киритилган мустақиллигини бугунги кун талаблари асосида мушоҳада қилиш фойдали деб ҳисоблаймиз.

Бу борада, аввалам бор, шуни айтиш керакки, Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» ва бошқа асарлари Республика ижтимоий—сиёсий, маънавий ҳаётидаги катта воқеалардир.

Ушбу асарларда истиқлолни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, уни мустақамлашнинг амалий йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Айни чоғда Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишга онд услубий йўл-йўриқлар ҳам кўрсатилди. Шу-

ларга асосланиб И. А. Қаримов китобларини Ўзбекистон истиқлолининг муҳим қўлланмалари деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари яна шунини ҳам айтиш керакки кейинги йилларда газеталар, илмий жаридалар саҳифаларида юртимиз тарихи, мустақиллик, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш каби долзарб муаммолар туғрисида неча ўнлаб илмий мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалар халқимиз дардига заррача бўлсада малҳамдир. Чунки бу мақолаларда Ўзбек халқининг азалдан озодлик учун кураши бўғиб келингани, бундай камсинишлар чор Россияси истилоси, сўнгра шўро тузуми даврида кучайганлиги эндиликда янги тараққий далиллари билан очилмоқда. Бироқ шунини ҳам айтиш керакки, бу ҳали эълон қилинган мақолалар жумҳуриятимизни бугунги мустақилликка эришиш йўлини илмий жиҳатдан тўла очиб беради деб айтишга асос эмас. Чунки, айрим мақолаларда босиб ўтилган йўл бир томонлама қараб чиқилмоқда. Ҳолбуки, маънавий ҳаётимизда, хусусан, мафкура ва сиёсатда яқин вақтларгача ҳукмрон бўлган мана шундай услуб бугун яроқсизлигини, жиддий таҳлилга, қайта мушоҳада қилишга муҳтожлигини ҳаёт яққол кўрсатиб қўйди. Боз устига иттифоқ тарқалиб кетганлиги, кўпчилик жумҳуриятларнинг мустақил суверен давлатлар мақомига эга бўлганлиги ҳам ижтимоий тараққиётга янгича тафаккур билан қарашни тақозо қилмоқда. Шу боис таъкидламоқчимизки, жумҳурият миқёсида юрт тарихини, халқнинг бой меросини, унинг азалий қадр-қиммат соҳибни эканлигини англашда юқоридагидек бир томонлама йўл тутиб бўлмайди. Шу боисдан аввалданоқ таъкидламоқчимизки, ўз тарихини унутган, уни хаспўшлаган халқнинг ҳеч қандай келажаги бўлмайди. Зеро, бугун Ўзбекистон жаҳон харитасида мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга мамлакат.

Ана шу тарихий ўзгаришлар жумҳурият аҳолисида мутлақо янгича ижтимоий онг шаклланишига олиб келмоқда. Бу борада аҳолининг тарихий билимлари билан қуроллантириш муҳимдир. Шу кунгача мавжуд архив ҳужжатларини, чуқур ўрганиб, Ўзбекистон тарихининг шўро инқилобигача бўлган, шунингдек, унинг совет даврини ҳаққоний ёритиш тарихчиларимиз олдидаги бош вазифалардан биридир. Бироқ, бугунги кунда юртимиз тарихи ҳақида етарли даражада янги китоб, рисола, дарслик ва қўлланмаларга эга эмасмиз.

Бу ҳол ҳам ҳозирда ўзбек халқи босиб ўтган узоқ тарихий йўлни кўрсатувчи яхлит фундаментал асар яратишни тақозо қилади.

Бизнингча, Ўзбекистон халқлари тарихини ҳолис ўрганишни аввало, ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоят тарихини чуқур ўрганишдан бошламоқ лозим. Ана шунда тўлақонли Ўзбекистон тарихи яратилиши мумкин. Халқимизнинг тарихини ҳолисона ўрганиш зарурлигини таъкидлаб жумҳурият Президенти И. А. Каримов шундай деган эди:

«Биз тарихимизни ёритишда, уни давр, муайян сиёсий гуруҳлар ёки айрим шахслар манфаатига мослаб талқин этишни қоралаймиз. Ғоят мураккаб ва зиддиятли тарихимизни ҳолисона ва илмий ўрганишни тарихчи олимларимизнинг масъулиятли ва олийжаноб вазифаси деб ҳисоблаймиз.»¹

Дарҳақиқат, ўтмишда содир бўлган барча воқеалар: яхшиси ҳам, ёмони ҳам—бизнинг тарихимиз, ота-боболаримиз хотираси. Шу бонедан ҳам тарихнинг халқ учун энг оғир ва шу билан бирга азиз бўлган саҳифаларига қора бўёқ суртиб бўлмайди. Айни пайтда тарихга ҳурмат туйғуси ўтмишдаги аجدодларимизнинг турмуш тарзига кўр-кўрона сажда қилини ҳам эмас. Зотан, халқимиз ўз тарихини жуда яхши ўрганиши ва билиши, ҳурмат қилиши керак. Тарих бизга сабоқ бериши зарур. Зероки, тарихни чуқур идрок этсаккина эски хатоларни такрорламаслик, бугунги кунни ва келажакни тўғри белгилаб олиш имкониятини ўрганишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам биз ватанимизнинг бутун тарихини тўла-тўқис, ҳеч қандай ғоявий либосларга буркамасдан, яъни уни ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолда халқ мулкига айлантиришимиз лозим.

Бу ҳол ҳар бир кишидан, зиёлию олимдан, Республика-мизда истиқомат қилаётган барча кишилардан ўзбек халқи эринган бугунги мустақиллик маъносини чақишни, уни мустаҳкамлаш йўлида яна инмалар қилиш кераклигини атрофлича мушоҳада қилишни талаб қилади.

Албатта, юқорида уқтирганмиздек, Ўзбекистон тарихини

1. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1991 йил 3 ноябрь.

яратиш хусусида гап кетганда шуни айтиш керакки, унинг тулақонли тарихини Республиканинг ҳар бир шаҳри ва вилояти тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан юртнинг кўҳна масканларидан бири Чустнинг вужудга келган давридан то ҳозирги кунгача босиб ўтган йўлини мушоҳада қилиш гоаят долзарб вазифалардан биридир. Айни чоғда Ўзбекистон мустақиллиги халқимизни истиқлол мафкураси гоаялари билан қуроллантиришни талаб қилаётган шароитда Чустнинг ўтмиши, унинг бугунги истиқболига жамоатчилик ва илмий ходимларнинг қизиқиши кучайиб бориши боиси ҳам аввало ана шу ҳолат билан белгиланади деб ҳисоблаймиз. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда Чуст тарихини яратиш боиси бизнингча шундаки:

Биринчидан: Чуст Республика шаҳарлари ичида қадимийлиги, узоқ ўтмишга эга эканлиги билан ажралиб туради. Кўплаб археологик қазилмалар натижаларида кейинги йилларда «Чуст манзилгоҳи», «Чуст маданияти» деган янги тарихий ибораларнинг пайдо бўлиши фикримизга далилдир.

Иккинчидан: Чуст Республикада яна шуниси билан ажралиб туради-ки, бу шаҳар ҳунармандлари томонидан тайёрланган, шунингдек, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган Чуст дўпписи, Чуст пичоғи фақат Республикамиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўзбек-тожик халқларига миллий ўзинга хослик бағишловчи маҳсулотлар сифатида машҳурдир.

Учинчидан: Чуст аҳолиси археологик қазилмаларининг гувоҳлик беришича, азалдан суғорма деҳқончилик билан, хусусан, пахтачилик, чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Тўртинчидан: яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Чуст аҳолиси таркибий жиҳатдан кўп миллатли, шу билан бирга миллатлараро дўстона яқдиллик уйғунлашган шаҳарлардан биридир.

Шу кунга қадар Чуст ҳақида, унинг ўтмиши ҳақида омма-
бон рисола², журналларда илмий мақолалар³ эълон қилинди,
газеталарда турли мавзуда чиқишлар қилинган⁴. Бироқ унинг
қадимий тарихи, бугунги кун ва истиқболли ҳақида яхлит
бир асар яратилмаган.

Ушбу рисола муаллифларини Чуст шаҳри ва тумани,
унинг халқи босиб ўтган узоқ тарихий йўлни, тарихий ҳуж-
жатлар, расмий материаллар ва шахсий кузатувлар асосида
мушоҳада қилишга ундаган нарса ҳам ана шу ҳолатдир.
Биз ушбу китобда бош мавзунини атрофлича ёритишга даво
қилмаган ҳолда Чуст тарихига онд расмий ҳужжатлар, тари-
хий манбаларни бугунги кун талаби нуқтаи назаридан мустақилликка эришиш жараёни тақозо қилган шарт-шароитлар
талаби асосида, ҳолисона кўрсатишга уриниб кўрдик. Айни
пайтда мустақиллик шароитида олиб борилаётган кенг қам-
ровли ишлар Чустда изчил амалга оширилаётганлиги, Чуст
меҳнаткашларининг мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб
ҳисса қўшаётганлиги ҳақида фикрлар юритилади. Рисола
истиқлолга эришган жумҳуриятда халқимизнинг мустақил-
лик тушунчасини янгича тушунишга, Ўзбекистон халқлари
тарихини ҳолисона идрок қилишга камтарона ёрдам беради,
деган умиддамиз.

2. Х. Санақулов «Чуст» этнографик очерк, 1991 йил.

3. В. И. Спришевский «Чустское поселение», Ташкент 1963 г.

4. С. Р. Биратов. «Уникальный брактееат из Варзикского могильника».
«Общественные науки в Узбекистане». 1990 г. № 1.

1 БОБ. ЧУСТ КИШИЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ ЙИЛЛАРИДА

1. ҚАДИМИЙ ЧУСТ ҲАҚИДА.

Чуст шаҳри Олмос—Варзик тоғолди текислигида, Чустсой атрофида денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баландликда жойлашган. Чуст Намангандан ғарбга томон 36 километр, Чуст темир йўл станциясидан шимол томон 13 километрда жойлашган. Ўтмишда Буюк Ипак йўли билан боғланган, ани пайтда Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларини узвий боғлайдиган автомобил (ҳалқа) йўли ўтган. Шимолий томонидан туман Тиён-шон, Чотқол тоғлари билан чегараланган. Шу бонс об-ҳавоси салқин. Ғарб томондан Чуст—Иоп адирликлари билан туташган, жанубда Сирдарё, Шарқ томондан Тўрақўрғон билан чегарадош. Суғориш манбалари: Ғовасой. Чустсой ҳамда сон-саноқсиз мусаффо тоза сувли булоқлардир.

Чуст Фарғона водийсининг ўтроқ аҳолисини шимолликлар билан боғловчи шаҳардир. Чуст тарихи ҳақида гапириш лозим бўлса, албатта гап Буваномозор ёнидаги тепаликка, у ерда олиб борилган археологик қазинмаларга бориб тақалади. Бу ерда яшаган аجدодларимиз ишлатган уй-рўзгор буюмлари ва бошқа нарсалар қолдиқларини топиб, тадқиқот ўтказган академиклар Я. Ғуломов, А. Леқаров, олимлар М. Э. Воронец, В. И. Спришевский, собиқ СССР фаилар академияси археология институтининг катта илмий ходими, тарих фаилари доктори Ю. А. Заднепровский, олимлар Е. А. Волкова, М. Б. Мехтарчиян, Б. Х. Матбобоев, У. Раҳмонов, тарих фаилари номзодлари С. Р. Баратов ва Хайрулло Муҳаммедовлар аниқладиларки, улар жез даврига, яъни милоддан аввалги II мишг йилларга тўғри келади.⁵

Шу даврда шаҳар тараққий этган бўлиб, бу жойда яшаган халқ катта маданиятга эга бўлган. Қазинишлари давомида топилган бугдой, арпа, сули уруғлари ҳамда тегирмон тошлари бу ерда халқнинг ўша даврда ўтроқ эканидан далолат беради. Шунинг айтиши керакки, Чустнинг қадимий халқи фақат деҳқончилик билан шугулланиб қолмаган, бу ерда яшаган халқ от, йирик шохли ҳайвон, қўй, эчки ва бошқа чорва моллари боқини билан ҳам шугулланган.

5. С. Р. Баратов «Культура скотоводов, Сев. Ферғаны»—Самарқанд 1991

Қадимги Чуст аҳолиси ўртасида ҳунармандчилик, айниқса кулолчилик авж олган. Чуст кулоллари ишлаган ажойиб кўзалар, ндиш товоқлар ўткир рассомларнинг қўли билан безатилар эди. Топилмалар ичида овқат пишириш учун тайёрланган қозонлар айниқса диққатга сазовордир. Бу қозонлар овқатнинг тез пиширилишини кўзда тутиб юпқа қилиб ишланган. Бундан ташқари турли матолардан ишланган уй рўзғор асбоблари ҳам топилди. Буларнинг ҳаммаси ўша даврда Чустда тўқимачилик саноатининг ривож топганини кўрсатади. Қазиниш вақтида пичоқлар, бигиз, ўроқ, балиқ ушлаш учун қармоқ, игна, ёй, ханжар синиқлари топилди. Буларнинг ҳаммаси жез даврига онд асбоблардир. Топилган ана шу нарсалар, айниқса ханжар, юган, эгар ва бошқалар Чуст халқининг ўтмишда чавандозликка қизиққанлигини кўрсатади.

Шуниси диққатга сазоворки, уй-рўзғор асбобларининг ҳаммаси маҳаллий хом ашёлардан ўз жойида тайёрланган. Қадимги Чуст халқи ов билан ҳам шуғулланган. Овчилар жайрон, қулон, кийик, архар, қобон ва бошқа жониворларни овлаш билан шуғулланган. Бу ерда дастлаб яшаган кишилар ўзлари учун қамишлардан турар-жой қилиб олганлар. Пахса деворлар олиб уй қурганлар. Ана шундай кулбаларнинг қолдиқлари ҳозирги вақтда ҳам шаҳар атрофида сақланиб турибди.

Олимларимиз қадимий Чуст шаҳрида яшаган халқнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш истехкомлари бўлганлигини ҳам аниқладилар. Бундай истехкомлар сойлар қазини йўли билан қурилган эди. Бу сойларнинг қолдиқлари ҳозирги вақтда шаҳарнинг жанубий—шарқий томонларида бордир. Бундан ташқари чустликлар ўзларини ёвдан мудофаа қилиш учун баландлиги 5 метр кенлиги 2 метрга етадиган ғишт қўرғон қилганлар.⁶

Тадқиқотчиларимиз аниқлашларича,—деб ёзади тарихчи олим Г. Қосимов — ибтидоий одамлар, хусусан, деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида ер, сув, қуёшга муносабат жуда кучли бўлган. Айниқса, сув илоҳийлаштирилган⁷. Бувано мазоридаги қадимий булоқ суви ҳам илоҳийлашти-

6. А. В. Арциховский. «Археология асослари». Тошкент, — «Ўқитувчи» 1970 йил.

7. И. Қосимов. «Қадимги Фарғона сирлари». Наманган, 1992 йил.

рилган. Шу жойгиша эмас, балки шаҳардаги Қайроқсада, Мавлоно Лутфуллоҳ, Баймоқ қишлоғидаги Қосимшайх, Варзиқ, Олмос, Тошқўрғон, Оғасарой ва бошқа қишлоқлардаги булоқ сувлари ҳам плодрийлаштирилган. Қадимги деҳқонлар ана шу булоқ атрофларини макон тутишган.

Бу даврда эркаклар оғир юмушлар билан, аёллар эса уй-рўзгор ишлари билан машгул бўлган. Тарих фанида «Чуст маданияти» номини олган бу жой аҳолиси деворлар билан ўралган мустақкам қишлоқларда, пахса ёки хом ғишлардан қурилган уйларда яшаганлар. Бу девор ғишларининг (қурилган уйларда) ўлчами 55x 32x8 сантиметр бўлиб, деворларнинг пастки қисмидаги ғишт ҳажми 55x33x10 сантиметрдан иборат. Буваномозор тепалигидаги харобадан узунлиги 286 метр, эни 2-3 метр ва баландлиги 4 метр (қолган қолдиқлари 1,5 метргача) келадиган ташқи деворлар кавлаб очилди. Бу мудофаа девори манзилгоҳнинг шимолий, ғарбий томонида бўлиб 1,4 гектарга яқин майдонни эгаллайди. бу эса бутун ҳароба катталигининг 3 дан 2 қисмига тенг, В. И. Спришевский томонидан 136 та бутун сақланган археологик идиш ва 2 мингга яқин турли буюм нарчалари топилган. А. Асқаров ва Б. Матбобоевлар эса бу манзилгоҳдан 600 дан ортиқ меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини топдилар. Уларнинг ҳисобига кўра топилдиқларнинг 27,5 фоизи деҳқончиликка, 10,5 фоизи металл қазиб олиш ва уй-рўзгор ишларида, овчиликда, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида ишлатилган. Меҳнат қуролларининг 8 фоизи ер ўчоқлар билан боғлиқ бўлган.

Буванодан топилган 62 та тош ва жез ўроқ, 415 та тош ёргучоқ, дон сақлаш учун ковланган 17 та ўра ҳамда куйиб кўмирга айланган арпа, бугдой, тарик, сули доилари; археологик топилмалар: суякдан ясалган моки, қадоқ тошлар, урчуқлар, жез игна ва бигизларга қараб хукм қилганда қадимги чустликлар ҳаётида деҳқончилик билан бирга ҳунармандчилик, тўқувчилик, тикувчилик ва овчилик муҳим роль ўйнаганлиги аниқ бўлади. Чустликларда маҳаллий дегрезлик ва мисгарлик анча тараққий этган. Чунки бу ёдгорликлардан жуда кўп металл буюмлар: жез ўроқ, пичоқ, пона, камон ўқларининг пайконлари, найза, учлари, зеб-зийнатлар, жез ойналар, биллагузуклар, исирғалар, чўлпилар, мўнчоқлар топилганлиги фикримизнинг ашъвий далилларидир.

Чуст маданиятига оид ёдгорликлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривож топганлигидан гувоҳлик беради. Сопол идишлар шакли хилма-хилдир, улар асосан товоқ, кўза, хумча, тувак, қозон ва кўпгина бошқа хил идишлардан иборат. Сопол идишларнинг сирти қизил бўёқ бериб сайқалланган. Уларнинг бир қисми қора бўёқда турли геометрик чизиқлар билан нақшланган.⁸

«Чуст маданияти»га мансуб топилмалар чорвадор қабилаларга мансуб моддий маданият қолдиқлари билан солиштирилса, жез даврида ўтроқ деҳқончилик билан шугулланган аҳолининг маданий жиҳатдан анча устуңлиги аён бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Чуст манзилгоҳи бошқа археолог олимларимиз диққатини ҳам тортган, улар бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдирганлар Жумладан, 1982-1984 йилларда олиб борилган қазув ишларида «Буваномозор» ёнидаги харобанинг гарбий-жанубий қисмида 500 квадрат метрдан ортиқ майдон очиб ўрғанилди. Шимолӣ қисмда 1,5 метр кенгликда 200 квадрат майдонда маданий қатламлар очилди. Бу ерда икки қурилиш горизонтида 44 та хўжалик ўра-омборлари топилди. Жанубий қисмида 300 квадрат метр майдонда ўтказилган қазилмалар вақтида 80 та чуқур ўра-омборлар очилди.

Буваномозорни қазини пайтида манзилгоҳнинг марказий қисмидан яна тўртта қабр топилди. Уларнинг 2 таси бузилмаган ҳолда, 2 таси бузилган ҳолда эди. Ҳаммаси бўлиб 21 та одамнинг жасад-қолдиқлари аниқланди. Улар турли ҳолда кўмилганлар. Чупончи: балоғатга етган аёл чап ёнбоши билан, бошини жанубий—гарб томонга қаратилган ҳолда қабрга қўйилган. Дафн этилган жой юқоридан 60 сантиметр чуқурликда. Бошқа бир жойдан топилган ўсмир жасадининг чап қўли олиб ташланган. В. Спришевскийнинг тахминича марҳум ҳужум вақтида ўлган. Кўмилган жасадларни антропологик ўрганиш ишларининг келиб чиқишини аниқлашда ёрдам беради. Антропологлардан В. Я. Зезекова ва Т. К. Хўжаевларнинг тахминича шимолӣ Фарғонада, чупончи,

8. А. В. Арциховский «Археология асослари» Тошкент 1970 йил, 278 б.
9. А. В. Арциховский «Археология асослари» Тошкент 1970 йил, 279 б.

Чуст маданияти даврида яшаган аҳоли ирқий жиҳатдан европонд ирқига мансуб бўлиб, Андронова типдаги Урта Осиёлик кишилар типига ўтаётган даврга мансубдир. Бинобарин, ирқлар аслида тарихан вужудга келган замонавий одам типининг географик (ҳудудий) вариантларидир.¹⁰ Фанлар академияси олимларининг Чустда олиб борган археологик қазиниша ишлари Ватанимиз — Ўзбекистон халқлари тарихига жуда кўп янгилликлар берди. Бу ердан топилган материалларга асосланиб Андижон вилояти Ойим қишлоғида, Қосонсой туманининг Тергачи қишлоғида, Қува ва Поп туманларида, шунингдек, Фарғона водийсининг кўп жойларида тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган янги-янги жойлар очилди.

Энди эътиборни «Буваномозор» сўзига қаратамиз, «Биби» ҳиндча сўз бўлиб — муқаддас аёл маъносини билдиради. Биби сўзи чуствликлар талаффузида «бува», «буви» шаклида ишлатилади ва она деган маънони билдиради. Кексаларнинг ривоятига кўра Бибиона мўътабар аёл бўлиб Қосимшайхнинг сингиллари бўлган эмиш. Икковлари ҳам Мавлоно Лутфуллоҳ билан замондош бўлганлар, яъни улар ҳам Мавлоно Лутфуллоҳ каби XVI асрда яшаб ўтганлар.

«Чуст маданияти» манзилгоҳларини ўрганиш иши ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Айниқса Варзик, Гова, Қорақўрғон қишлоқлари ҳудудларида ўтказилган тадқиқотлар натижалари юқорида баён этилган фикрларимизни янада ойдинлаштиради. Хусусан Чуст шаҳри ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг ҳам азалдан иқтисодий—ижтимоий ҳаётда ўз тартиблари бўлган. Нисбатан тараққий этган аҳоли яшаш жойлари бўлган. Бундай маълумотлар жумладан, С. Р. Баратов, С. Баратоваларнинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг 1990 йил I-сонда эълон қилинган, «Варзикдан топилган ажойиб брактеат» мақоласида берилган. Чуст туманининг Варзик қишлоғи ҳудудида 1986 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, муҳофазатини ўрганиш давомида биринчи бор ҳажми 13 миллиметрдан иборат бўлган, мисдан ишланган, кичик бир тангасимон ёдгорлик топилди. Чуқурликнинг тубида махсус мақбарасимон қилиб тошдан

10. И. Қосимов, «Қадимги Фарғона сирлари» Наманган, 1992 й. 27-35 б.

ясалган супада қабр қолдиги мавжуд бўлиб, бу қабр мугхонанинг асосини ташкил қилади. Унинг ўлчовлари қуйидагича: — айланаси 9 метр, қурилишнинг сақланиб қолган қолдиқларини энг баланд жойи 1,5 м. Ушбу қурилма девори икки томони ёшт билан кўтарилган бўлиб, ўртаси майда тошлар билан тўлдирилган. Девор қалинлиги 3,8 метр, Мугхонанинг жанубий қисмида 60 сантиметр ҳажмли йўлак мавжуд. Унинг баландлиги 74 сантиметр, баъзи жойлардагина унинг устки қисми сақланиб қолган холос. Ушбу йўлак ўлчовлари 210X180 сантиметр бўлган (қабр) хилхонага элтади. Хилхонанинг ичида қадимдаёқ ўз ўрнидан қўзғатилган 3 кишининг суяклари борлиги аниқланди. Бу суяклар (скелет) 30-40 ёшли эркек, 20-25 ёшли аёл ва 7 ёшгача бўлган ёш боланики эканлигини антрополог олим Ш. Абилов аниқлади.

Дафн этиш маросими давридаги турли буюмлар 13 та. Булардан 10 таси кулолчилик устахонасида тайёрланган ва 3 таси қўлда ясалган бўлиб, улардан ташқари кўплаб шиша, маржон, 2 та ўқ-ёйининг темир учи, 5 та темир халқа, 2 сурма қўйини мосламаси кабилар ҳам топилди ва ўрганилди. Бу нарсаларнинг барчаси эрамининг III-IV асрларида ишланган.

Тангасимон, мисдан ишланган брактеатда¹¹ инсон бошининг рельефи берилган.

Ушбу брактеатдаги суратга монанд сурат Г. А. Брыкина-нинг фикрича ҳукмронларнинг танга пулларида акс этган суратларига ўхшайди. Аммо эрамининг 1 минг йиллигига доир тангалар орасидан бу брактеатга ўхшаши топилмади.

Қайрагоч археологик манбасидан топилган кўзадаги сурат¹² билан брактеатдаги сурат ўртасида маълум даражада ўхшашлик борлиги туфайли брактеат қадимий шарқда ясалгани ва грек-бактрия усулидан фойдаланилганлигини тахмин қилиш мумкин. Юқоридагилардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, Варзик қабристонидан топилган брактеат ҳозирча фанга маълум бўлмаган танга пуллар сирасидан ва Чочда қўлланилган III-IV асрлардаги танга пулларга ўхшаш шаклда зарб этилган.

11. Брактеат—мисдан ишланган тангасимон металл. Унга одамнинг бош сурати зарб этилган.

12. Тревер К. В. «Памятники греко-бактрийского искусства» М. Ленинград 1940 г. стр. 112.

Бу гипотезага асос бўлувчи танга пулларни эҳтимол Чоч эмас, балки, Фарғона водийси билан боғламоқ мумкин-дир. Ҳозирга қадар эрамининг I миңг йиллигида Фарғона водийсида пул муомаласи тўғрисидаги муаммо ўз исботига эга эмас. Ҳозирги пайтда бу ҳақда хабар берувчи ягона топил-диқ V-VI асрларга оид I та танга бўлиб, у Самарқанд музе-йида сақланмоқда ва В. Л. Лифшиц таъкидлашича унда «Фар-ғона шоҳи» деган ёзув мавжуд. Бу тадқиқотлар давом этка-зилса янада ашқроқ хулосалар чиқариш учун имкониятлар вужудга келади, деган умиддамиз¹³.

Чуст туманида олиб борилган археологик тадқиқотлар фақатгина Буваномозор комплекси билан чегараланиб қол-май, ён атрофдаги қишлоқларда ҳам олиб борилди. Бу тад-қиқотлар натижасида бир қатор қурум ва муғхоналар, қа-брлар қолдиқлари топилди ва ўрганилди. Олиб борилган из-лавишлар туфайли Фарғона водийсининг шимолий ҳудудлари-да милоддан аввалги VIII асрлардан эрамининг VI асрлари-га қадар рўй берган маданий-ижтимоий ўзгаришлар ўрга-нилди. Шаҳарларда муҳим яшовчи аҳоли билан бир қаторда қишлоқ ва овулларда яшовчи, асосан, чорваччилик билан шу-ғулланувчи кўчманчи қабила ва уруғлар ҳаёти, тарихи ва уларнинг турли маросимлари ҳақида ушбу тадқиқотлар ту-файли маълумотлар йиғилди. Бу тадқиқотлар Варзик, Гова, Қорақўрғон қишлоқлари ҳудудларида жойлашган Шоҳ, Чим-бийсой, Кўчқор ота ва Қизил ариқ каби қадимий қабристон-ларда 1983-1989 йиллар давомида олиб борилган.

Археолог олим С. Р. Баратов бир неча хилхона, муғхона ва қабр қолдиқларини ўрганиб қуйидаги хулосага келган: — Текшириб ўрганилган қабрлар денгиз сатҳидан 700 дан 2 миң метргача баландликда жойлашган. Марҳумлар якка, гуруҳ таркибида қўйилган ва жасадининг 55 фоизи шимол томонга, 29 фоизи шарқ, 8 фоизи гарб ва жануб томонга мо-йилликда қўйилган. Деярли ҳамма ҳолларда эркак жасади ўртада, ўнг томонда аёл, чапда эса ёш болалар жасади қўйилган. Бу маълумотлар ушбу хилхоналар онлавий мақба-ралаб деган хулосага келиш учун кифоя қилади.

Ушбу археологик қазувлар вақтида жами 211 та буюм

13. С. Р. Баратов «Уникальный брактеев из Варзикского могилника Узбекистана ижтимоий фойдалар, 1990 йил, № 1, 35-38-бет.



8193

топилди. Булардан кўза—62 нусха, хумча—32 нусха, коса—1 та, иёла 15 та... Топилган буюмларнинг тайёрланиш жараёни, уларнинг ўзига хослиги бундай маданий қатламнинг Қовунчидан топилган маданиятига ўхшашлигини тасдиқлади. Боз устига Уструшона, Чотқол, Талас ва Арис дарёси атрофидан топилган буюмларга монандлиги ҳам кишини лол қолдиради. Ушбу топилмаларнинг текширилиши натижасида шу нарса аниқландики Варзик хилхонасига эрамиздан аввалги V-IV асрларга қадар одамлар кўмилган. IV асрга келиб Варзик, Гова хилхоналарига ўлик қўйиш тўхтатилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона водийси ҳудудларида қадимги даврда, илк ўрта асрларда икки хил маданий хўжалик тизими, яъни деҳқончилик ва чорвачилик мавжуд бўлган. Бронза даврида ҳар икки тизим замирида сиёсий, ҳарбий интеграция вужудга келган. Ушбу интеграция ривожланиб, пировардида урбанизациялашган маданиятга дохил бўлди. Шу даврдан бошлаб, яъни VI асрдан бошлаб кўчманчи чорвадорларнинг катта қисми ўтроқ яшашга ўтиб, деҳқончилик муттасил ривожлана борди. Чуст, Косон, Тудан—Хурд, Эски Аҳси, Поп, Тўрақўрғонларда айнан шу вақтдан деҳқончиликнинг ривожланиши рўй берди дейишга асос бор¹⁴—деб хулоса қилади С. Р. Баратов.

Биз юқорида тилга олган тадқиқотчи Й. Қосимов чуствик бобокалон деҳқонлар қадим-қадимдан қандай деҳқончилик билан шуғулланганликлари ҳақида қизиқарли мисоллар келтиради. Жумладан «Бундан бир неча йил муқаддам,—дейилади,—«Қадимги Фарғона сирлари» китобида, архелог олим В. Спришевский фан учун ғоят қимматли бўлган яна бир ноёб топилмани кўлга киритди. У Гова қишлоғи яқинидаги эдирли ерларда тошдан ясалган гумбаз мазор — «муғхоналарни» очиб текшириб кўрганда эрамизнинг III-IV асрларига оид шундай муғхоналарнинг биридан бир тутам пахта ипи ва чигит қолдиғини топди.

Бу ип ёғочнайча ичида бўлгани учун минг йиллар давомида чирмай турган. Бу топилма Ўзбекистонда пахтачилик тарихини ўрганишида катта аҳамиятга эга. Манзилгоҳни қазини вақтида ходимлар от, қўй, эчки, ит суякларини ҳам топдилар. Бу нарса

14. С. Р. Баратов. *Культура скотоводов северной Ферганы. Самарканд 1991 г.*

Буваномозорликлар суғорма деҳқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шугулланганликларини билдиради... Буваномозор манзилгоҳининг топиллиши ва ўрганиллиши Фарғона vodiёсида, шу жумладан, Наманган воҳасида бундан 2800-3000 йил аввал ота-боболаримиз тоғолди жойларида, сойлар сўзилида ва булоқлар атрофида илк бор суғорма деҳқончилик билан шугулланганликларидан далолат беради».¹⁵ «Ана шу йўсинда,—деб фикрини давом эттиради Й. Қосимов—унинг йил олдин, милoddан аввалги I минг йиллик атрофларида Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий районларида қадимги деҳқончилик марказлари вужудга келган. Бу ҳол Ўрта Осиёда бир вақтнинг ўзида милoddан аввалги биринчи минг йиллик атрофларида содир бўлган. Ана шу вақтда Шимолий Фарғонада (ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида) деҳқончилик маданияти пайдо бўлди. Бу маданият тарих фанига «Чуст маданияти» номи билан кирди».¹⁶

Юқорида келтирилган мисоллар асосида таъкидламоқчимизки, **биринчидан**, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи азалий, қадимий халқлар кулолчилик, кейинчалик ҳунармандчилик билан шугулланганлар. Табиийки бугунги кунда Республикамизда саноатнинг, хусусан, маҳаллий саноат ривожининг тарихий илдизлари ана шу қадимий Чуст ҳунармандчилиги билан ҳам боғлиқдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон халқлари ўтмишдан суғорма деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши билан шугулланган эканлар. Табиийки бу ҳол ҳам тарихан ҳозирги Чуст ҳудудида яшаган халқлар етиштирган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари қолдиқлари билан неботланмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон халқлари тарихида «Чуст маданияти», «Чуст манзилгоҳи» каби тарихий тушунчалар пайдо бўлиши мана шу ҳол билан изоҳланади.

Фикримизни давом эттириб Чуст шаҳрининг ёши, унинг қадимийлиги хусусида ҳам фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Шу кунларда кенг жамоатчилик, плмий ходимлар ўртасида «Чуст шаҳри неча ёшда?» каби саволлар тез-тез такрорланмоқда.

Тарихчи олим Х. Муҳамедов ўзининг «Чуст шаҳри 4000

15. Й. Қосимов. «Қадимги Фарғона сирлари» Наманган 1992 й. 33-бет.

16. Уша китоб 33-34 бетлар.

ёшдами?» номли мақоласида шундай ёзади. «Жумҳуриятимиз ҳудудида илк шаҳарлар дастлаб жез асрида, ибтидоий патриархал жамоалар даврида пайдо бўлган. Шундан сўнг шаҳарлар барпо этила бошлаган. Ҳозир жумҳуриятимизда шаҳарлар сони 100 дан ошиқ. Бу шаҳарларнинг энг қадимийларидан бири Чуст бўлиб, у 4000 ёшдадир. Чуст шаҳрининг Деҳқонобод маҳалласи шимолий-ғарбий томонида Буваномозор тепалиги бор. Бу тепани Ўзбекистон фанлар академияси Ойбек номидаги тарих музейи археология бўлими бошлиғи, марҳум М. В. Воронеж топиб текширган. Унинг вафотидан сўнг ҳам ўрганиш давом этди. 1958 йилда Ўзбекистон археология экспедицияси томонидан Фарғона водийсидаги археология ишларини ўрганиш мақсадида Буваномозорда ҳам илмий изланишлар олиб борилди. Археолог Сприншевский Буваномозорда булоқ суви олдидаги бронза (жез) асрига-бундан 4 минг йиллар аввалги даврларга оид турар жой ва қабрларни қазиб, анчагина уй-рўзғор ашёлари, сопол идишлар, ибтидоий кишиларнинг суякларини топиб текширган. У Буваномозор ёдгорлигини ибтидоий қишлоқ деб ҳисоблаган. Уша вақтда Яҳё Ғуломов ҳам шу фикрда бўлган. Аммо кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар натижасида биринчидан, Буваномозор ибтидоий қишлоқ эмас, балки шаҳар эканлиги, иккинчидан, Буваномозор шаҳри дастлабки Чуст шаҳри бўлганлиги, кейинчалик Буваномозор яқинидаги ҳозирги Чуст шаҳри пайдо бўлганлигини ҳисобга олиб у 4000 ёшда деган фикрдамиз».¹⁷

Иккинчи бир тадқиқотчи Н. Қосимов Чуст шаҳри ёши ҳусусида турлича фикрлар мавжудлигини таъкидлайди. Унинг уқтиришича Буваномозор харобасини биринчи бўлиб топган ва ўрганган археолог М. В. Воронеж 1954 йилда эълоп қилган тадқиқотларида унинг пайдо бўлиш хронологик санасини миллоддан аввалги III-II минг йилликларга тўғри келади деб ҳисоблайди.

Профессор А. Н. Берштам эса манзилгоҳ эрамиздан аввалги II минг йилликда вужудга келган деган фикрни билдиради. Академик Я. Ғуломов «Чуст маданияти» миллоддан аввалги 2 минг йилликнинг охири— I-минг йилликнинг даст-

17. Х. Муҳамедов «Чуст шаҳри 4000 ёшдами? Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси. 1994 йил 17 июнь.

лабки асрларига мансубдир деган фикрга келади. Ю. Заднепровский 1957-1962 йилларда Чустнинг ёши милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охири—1 минг йилликнинг бошларига тўғри келади,—деб ҳисоблашни таклиф қилади. 1963 йилда Спришевский дастлаб манзилгоҳ ёшини милоддан аввалги 2-минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади, деб ҳисоблаган бўлса, кейинчалик манзилгоҳ тарихий жиҳатдан милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охирлари 1-минг йилликнинг бошларига тўғри келади деган қатъий хулосага келди. Кейинги тадқиқотлар натижасида Буваномозор ёдгорлигининг ёши милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охирлари—милоддан аввалги X-VIII асрларга тўғри келади, деб ҳисобланмоқда. Аммо бу тарихий саналар ҳам аниқ чегара эмас.¹⁸

1974 йилда нашр қилинган Ўзбекистон ССР тарихи китобида: — «Фарғона водийсидаги ерлар сўнгги бронза даврида деҳқончилик учун кенг фойдаланилган. Тоғ этакларидаги текисликларнинг қулай шароити, сой сувларининг куплиги, кичик-кичик жилғалар ҳам мана шу сойчаларнинг сувини бошқаришга қодир эканликлари, ўтроқликка асосланган деҳқончиликнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига ёрдам берди. Чуст, Далварзин, Ашқолтепа, Тергачи ва шу каби қишлоқларда ушбу даврнинг белгиларини учратиш мумкин...

Милодгача бўлган 2-минг йилликнинг охири 1-минг йилликнинг дастлабки асрларига онд бўлган маданият қолдиқлари биринчи марта Чуста топилганлиги ва мукамалроқ ўрганилганлиги туфайли бу маданият «Чуст маданияти» деб аталадиган бўлиб қолди»—дейлади.¹⁹

Бундан ташқари 1992 йилда академик А. Асқаров таҳрири остида яратилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобида «Кейинги 20-30 йиллар ичидаги археологик излавишлар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида —урбанизация жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шаҳарларнинг дастлабки шаклланиши бронза (4-3 минг йил илгари) даврига тўғри келади—деб ҳақиқатни аниқлаб берди ва тасдиқлади» деган фикр баён қилинади.²⁰

18. И. Қосимов. «Қадимги Фарғона сирлари» Наманган 1992 й. 30-бет.

19. Ўзбекистон ССР тарихи. II. Мўминов таҳрири остида Тошкент «Фан» 1974 йил. 20-бет.

20. Ўзбекистон халқлари тарихи. А. Асқаров таҳрири остида, Тошкент 1992 йил.

Қурипиб турибдики Урта Осиё, хусусан Ўзбекистон худудидаги қадимий шаҳарлар ёши ҳақида, жумладан «Чуст маданияти» номи билан Ўзбекистон тарихига кирган Чуст шаҳри ёши ҳақида аниқ хронологик сана белгиланган эмас. Бироқ Чуст аҳолиси бронза даврига хос машгулотлар билан шуғулланганлигига бу ерда топилган меҳнат қуроқлари (уроқлар, ничоқлар, исканалар) гувоҳлик бериб турибди. Бу топилмалар қадимий Чуст аҳолиси ҳунармандчилик билан кенг равишда шуғулланганлигини тасдиқлайди, ҳунармандчиликнинг ривожланиши эса ўз навбатида шаҳарнинг ривожланишига сабаб бўлганлигига шубҳа йўқ.

Ана шу юқоридаги мисоллар ва айрим тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириб Чуст шаҳри ёшини 3500 йил деб вўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди деб ҳисоблаймиз. Чунки 4000-3000 йиллар аввал деб билдирилган фикрларнинг барчаси тахминий, умумлашмадир. Бу фикрни йирик археолог мутахассис В. И. Спиришевский ҳам тасдиқлаб, шундай ёзади:— «Чуст шаҳри эрамиздан 2 минг йил илгари ёки бундан 3500 йил илгари қайноқ ҳаёт кечирган шаҳардир. Қазинишлари давомида топилган буғдой, арпа, сули урутлари ҳамда теғирмон тошлари бу ерда халқнинг ўша даврда ўтроқ эканлигидан далолат беради^{20а}.

2. «ЧУСТ» НОМИ ҲАҚИДА.

Қўғина тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича Чуст шаҳри қадимдан ҳам Чуст ва Туз деб аталган. Бироқ 1990 йил июнь ойида Чуст туризм ва саёҳатлар бюроси томонидан тайёрланган Чуст ҳақида маълумот берувчи қисқача қўлланмада ёзилган ушбу фикр кини эътиборини ўзига тортади.

«..... Қадимда Туз деб юритилган Чуст шаҳри қўн асрлик тарихга эга...» Шу каби туман ва вилоят рўномаларида ҳам Чуст ҳақида гап борганида унинг иккинчи номи «Туз» бўлган деган фикрлар эълои қилинади. Ҳозиргача тарқалмаган Туз сўзи қасрдап чиқиб келди ва қайси манбадан олинди деган ҳақли савол тугилади. В. П. Семёнов—Тяншанский таҳрири остида юзага келган «Полное географическое описание нашего отечества» китобининг 12-том. Туркистон ўлкаси тўғри-

20а. «Чуст тақиқати» 1969 й. 15 октябрь.

сида берилган маълумотларида 1912 йили рус сайёҳи Д. Мамонтов Чуст шаҳрида бўлганлиги ва бу шаҳарни Туз ҳам деб атайдилар дегани кейинчалик бу сўзни тарқалишига сабаб бўлган.

Шунингдек 1982 йил Петербургда нашр этилган «Фаргона водийси очеркларидан» асарида шарқшунос олим академик А. Ф. Миндендорф, «Тусс», яъни шу шаҳар яқинида туз қазиб олинган деган маълумотни берган. Мазкур маъналарга асосланган айрим шахслар Чуст шўр ерлардан иборат деб талқин этишлари ҳақиқатдан йироқлигини бошқа асарлардан кўришимиз мумкин. «1969 йил эди. Биз Чустлик машҳур шоир Чустий домла билан у кишининг Тошкентдаги ҳовлисида шу хусусда суҳбатлашган эдик... Мен у кишидан: «Устоз, Чуст сўзи нима маънони билдиради?» деб сўрадим, У киши Чуст дегани форсча «Тез, яъни тезкор деган маънони билдиради», деб айтган эдилар»²¹. Кўриниб турибдики, Чуст шаҳрининг номи академик А. Ф. Миндендорф ёзганидек «Тусс», яъни, шу шаҳар яқиндан Туз қазиб олингани учун қўйилган эмас, ёки шўрсув ерлар эмас, балки сон-саноксиз мусаффо, тоза сувли булоқларга эга бўлган жаннатмакон маскандир.

Чуст сўзининг пайдо бўлиши ҳақида аҳоли орасида ҳам турли ривоятлар мавжуд.

Ривоят қилишларича, диний аллома, Чодак қишлоғида туғилган Мавлоно Лутфуллоҳ Ахча қишлоғи орқали Конинон (Карнон) га, маълум муддатдан сўнг Чуст шаҳрига кучиб келиб истиқомат қилганлар. Чустда бир қанча муддат яшагандан сўнг кексалар у кишини ранжитган эмиш. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустдан чиқиб, пиёда Наманган томонига кетаётганида чувслик ёшлар бундан хабар топиб, у кишини Резаксойга бормасдан, бериоқдаги айланма доvon этагидаги Белтош олдида учратибдилар ва Чустга қайтишларини илтимос қилишган экан. Шунда Мавлоно Лутфуллоҳ «Чуст омадед», яъни «тез келдингиз» деган эканлар. Шу билан шаҳарга Чуст номи берилганмиш.

Этнограф олим Х. Санақуловнинг «Чуст» деб номланган тарихий этнографик рисоласида «Туз» сўзини шаҳар маъносига, яъни Чуст деб талқин этилган. «Бобур «Бобурнома»

21. А. Жалил «Бўдтон ва ҳақиқат», Тошкент, 1993 й. 44 б.

асарида ҳижрий 908 (1502-1503) йил воқеаларини ифодалар экан Туз (Чуст) ҳақида қисқа маълумот бериб ўтади. Бобур ҳам Андижон, ҳам Аҳси, ҳам Уш жангларида гоҳо ғолиб, гоҳо мағлуб бўлиб, у ердан бу ерга кўчиб юрар экан: шундай ёзади: «Аҳсидан кетгач, ундан икки шаръий узоқликдаги Санг суви бўйлаб юқори юрдик:... Бу сув юқорироғида унга қўшилувчи сувли ирмоқ учради. Бу ирмоқ билан яна юқорига юриб, сувли ирмоқни ўнг қўлига қўйиб унга қўшилувчи чап ирмоқ билан Тузга чиқдик. Туз томонидан бир қора кўринди. Уларни бизни қувловчи душман билиб бошқа йўлга юришни маслаҳат қилдик. Дейдиларким:—олдимизда Гова йўли яқиндур. Ул йўлга юрдик. Қарнон сойи Говадан чиқиб келади. У орқали Говага бориб, бир муддат турдик, ундан кейин Андижон томон йўл олдик».²²

Мазкур «Бобурнома» асаридан келтирилган матида «Тузга чиқдик» сўз бирикмасидаги «туз»ни Чуст шаҳрига чиқдик деб талқин этилмоқда.

Бобур Мирзо Санг суви бўйлаб юқори, яъни шимол томонга юрган бўлсалар, ҳагто юқорироқ чиқиб, сувли ирмоқни ўнг қўлда қолдириб, ғарбий томондаги сувсиз ирмоқ билан тузга чиқишларини Чустга эмас, балки Чустдан бир неча чақирим ғарбда жойлашган Тошқўрғон текисликлари деб англаш керак. Чунки шу йўл билан Қарнон ва Гова қишлоқларига чиқиб бориш мумкин. Туз сўзининг 3 маъноси бор: 1. Ош тузи; 2. Текис ер, дала; 3. Тўғри, рост, келишган»²³

Мазкур сўз «текис ер» маъносида ишлатилганлигини гап маъносидан англаш қийин эмас:

Яна бир мулоҳазани ҳам айтиш керакки ўтмишда Чуст ва Тус сўзларини оғзаки ва ёзма матиларда бир маънони англатувчи сўз сифатида ишлатилган.

Жумладан: Сотиб Улуғзоданинг «Ёшлигимиз тонги» қиссасида: «... Тус атрофидаги қишлоқлардан каттаси бизнинг қишлоқдир.....» дейилади.

Яна бир жойда ёзувчи «... Интернетдан²⁴ менга фақатги-

22. Х. Санақулов «Чуст» рисоласи, 1991 йил, 4 бет.

23. Ўзбек классик адабиёти учун қисқача лугат. 1953 йил. 344-бет.

24. Мазкур интернет Камарсададаги «Учтилхона» қошида, яъни, «Намуна» мактаби қошида ташкил топган бўлиб, 1923 йилда унга ВЦИК аъзоси Ўрта Дадабоев номи берилган эди.

на 2 кунга рухсат берган эдилар, мен эртанги кун кечқурун-
гача Тусга қайтишим керак».²⁵

Ёки Тусда 3-4 нафар катта бойлар бўлиб, Маъруф бой
улардан бири эди... 90 ёшли Деҳқонобод маҳалла фуқароси
Файзиниссо Худоёрова суҳбатидан.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳозирча бирон
манбада Чуст шаҳри номи ҳақида муфассал маълумот берил-
маган.

Чуст номи ҳақида Тожикистон фанлар Академияси шарқ-
шунослик институтининг директори, шарқшунос олим Акбар
Турсуновнинг «Эҳъён Ажам» («Ажамнинг уйғониши») кито-
бида қуйидаги сатрларга дуч келамиз. «Самарқанд расадхо-
наси Темур Кўрагонининг истеъдодли набираси Улуғбек но-
ми билан маъруф, Муҳаммад Тарағай томонидан қурилди-
ким, ўша вақтда энг маълум ва машҳур ҳайъатшунослар
Ажамнинг манашу шаҳрида йиғилган эдилар. Улар орасида
машҳур уч олим — Гиёсиддин Жамшид Кошоний, Салоҳид-
дин Қозизода Румий (Уни Чустий ҳам дердилар, зеро аслан
Чуст деб аталмиш тожик аҳли истиқомат қилувчи шаҳарда
туғилган экан) ва Алиқушчи Самарқандий — шай заковат
бобида ажралиб турарди!».²⁶

Дарвоқе, XV-аср илм осмонида Салоҳиддин Қозизода энг
ёруғ юлдуз саналарди. Агар замондошлари Гиёсиддин Жам-
шиддин «Батлимуссоний» десалар, Қозизода Чустийни «Аф-
лотунни замон» деб атаганлар. «...Алиқушчи Самарқандий
ҳам риёзиёт илмининг билагонларидан бўлган экан. Хусусан
у Кошоний ва Чустий тадқиқотларини охирига етказиб, «Зи-
жи жадиди Кўрагоний»ни тузди, ўша даврда нашр эттирди.»²⁷

Қозизода Чустий яшаган ва илмий ишлар олиб борган
йилларни аниқроқ белгилаш учун Н. Маллаевнинг «Ўзбек
адабиёти тарихи» китобига мурожаат этамиз. «...Бу мадраса-
лар орасида ҳашамн ва гўзаллиги жиҳатидан 1417-1420 йил-
лар ичида қурилган Самарқанд мадрасаси мумтоздир...».
Мадрасанинг биринчи машғулотларини машҳур олимлар Му-
ҳаммад Ҳавофий ва Қозизода Румийлар ўтказган эдилар...»²⁸

25. С. Улуғзода «Ёшлигимиз тонги», Душанбе, 1967 йил. 5 ва 270-бетлар.

26. А. Турсунов. «Эҳъён Ажам», Душанбе, 1985 йил. 96-бет.

27. А. Турсунов. «Эҳъён Ажам», Душанбе, 1985 йил. 48-98-бетлар.

28. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент 1971 йил.

Мана шу манбалар эса «Чуст» сўзининг бундан 577 йил олгари ишлатилганлиги ва Чуст шаҳри бўлганлигидан далолат беради.

— Деҳлига саёҳат чоғида бизларни Агра шаҳри яқинидаги мақбарага олиб бордилар—деб ҳикоя қилади А. Тошбоев²⁹, Гагарин номли давлат хўжалигининг собиқ директори,—у ерда жуда ҳам чиройли қилиб ясалган, шийнончали ва атрофи оқ мрамор тош билан ўралган мақбарада араб алифбосида ёзилган «Абдуллатиф Чустий» деган ёзувини ўқиб бердилар. Ёзувдан маълум бўлишича ҳинд рожаларидан бири фарзанд кўрмаган экан. Рожа олим Абдуллатиф муолажаси тўфайли фарзандли бўлибди. Шу кундан бошлаб уни олимларга сардор этиб тайинлабди. Олим умрининг охиригача шу даргоҳда яшаб, илмий ишлар билан машғул бўлган экан. Унинг вафотидан кейин шу мақбара қурилиб ном абадийлаштирилган экан. Бу воқеа XVI асрда содир бўлганлиги мақбара ёзувида ўз аксини тонган.

Тожикистон Республикасининг Ҳисор тумани педагогика билим юрти ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Рустамжон Каримовнинг ҳикоя қилишича, шу туманда Чузи деб номланган қишлоқ бор экан. Қишлоқ аҳли билан суҳбатда мўсафидлар бу қишлоқ аҳлининг Чустдан кўчиб келганлигини ҳикоя қилишган. Талаффузда «Чустий»нинг «т» ҳарфи тушиб қолиб «Чуси» кейинчалик «с» ҳарфи «з» талаффуз қилиниб «Чузи»га айланган. Лекин қишлоқ аҳлининг биронталари Чуст шаҳрини кўрмаган эканлар.

Чуст туманида Чустнон қишлоғи бор. Мўсафидларнинг ривоят қилишларича, шу қишлоқ атрофида жуда катта ер майдони мавжуд бўлиб, бу майдонларни Чустнинг бойлари эгаллаган ва у ерда буғдой етиштирилган. Чустнинг бир қисм дони шу ердан келтирилгани учун Чустга нон берадиган бу макон Чустнон деб аталган экан. Албатта, бу ривоят ҳақиқатга яқин ва буни чуствонликлар ҳам тасдиқлашмоқда. Биз Чуст деб аталган қишлоқ номини Бухоро шаҳри яқинида ҳам учратдик. Шундай қилиб Чустнинг қўҳна шаҳар эканлигига шубҳа йўқ. Чуст сўзи эса форс-тожик тилидан олинган бўлиб, бу сўзнинг 6 та маънони англатишини тожик

29. *Азборотчи А. Тошбоев. Чуст шаҳри фуқароси.*

ва ўзбек классик адабиётида учратишимиз мумкин. ^{30, 31}

Шундай қилиб Чуст шаҳри номи тўғрисида баҳс кетад экан, уларга қўшилган ҳолда Чуст шаҳрининг номи ҳақидаги юқорида баён этилган фикрлар қатъий деб туриб олмоқчи эмасмиз. Чунки тарихий ҳақиқат илмий асосланган баҳслар билан, аниқ ашёвий далиллар билан, тирак мантиқий мулоҳазалар асосида аниқланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Чуст номи ҳозирги Чуст шаҳри ҳудудларида мавжуд бўлган қадимий аҳоли яшайдиган жой номи бўлиб, бу ном асрлар давомида ўзгармаган.

3. ЧУСТЛИКЛАР ЮРТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ ЙИЛЛАРИДА.

Маълумки, Ўзбекистон халқлари тарихида чет эл босқинчиларига, хусусан эронийлар, А. Македонский, араб истилоси, Чингиз бошлиқ мўғул босқинчиларига қарши юрт озодлиги учун кураш ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Шу йилларда Республикамизнинг бошқа шаҳарлари қатори Чустнинг, ундаги аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини билиш ҳам муҳимдир.

Тарихий адабиётларда таъкидланишича греклар жамияти қадимги полисларга, қулдорликнинг шаҳар давлатларига таянар эди. Грек жамияти ички зиддиятларни юмшатиш, бойиб олиш мақсадида Эронга қарши юриш қилиш пайига тушди. Грек дунёсининг бир қисми бўлган Македония подшоеси Филипп II, кейинчалик унинг ўғли Искандар бу уруш туфайли иқтисодий ва сиёсий инқирозга барҳам бермоқчи бўлди. Эрамиздан аввалги V асрдан бошлаб Македонияни бирлаштириш бошлади ва буни Филипп II даврида эришилди. Унинг даврида тактик жиҳатдан иқтидорли армия тузилди. Эронга қарши уруш эълон қилиш арафасида (э. а. 336 йил) Филипп II ўлдирилди. Тахтга унинг ўғли Искандар (Александр) ўтирди. Искандар 22 ёшга кирганида Эронга ҳужум қилди. Эрамиздан аввалги 334 йилда Граник ёнида, 333 йил кузида Эсса яқинидаги жангларда форс армиясини тор-мор қилди. Кейин Искандар (А. Македонский) Урта

30. *Бобурнома. Тошкент 1989 йил. 101-бет.*

31. *Фарғанаги забони тожиги. «Советская энциклопедия», Москва, 1969, II том.*

Осиёга ҳужум бошлади. Урта Осиё халқлари босқинчиларга қарши озодлик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Искандар Сўғда бўйсунмаганлиги учун 120 минг аҳолини қиргиндан ўтказди. Сирдарёга чиққанда (эрамиздан аввалги 329 йил) озик-овқат, ем-ҳашак юклаб олиб келгани жўнаб кетган грек аскарларини маҳаллий аҳоли тутиб олиб ўлдиришди. Ғазабланган Искандар аҳоли устига катта қўшни юборди. Натихада 30 минг кишидан кўпи билан 8 минг одам омон қолди. холос. Бу эса Сўғда оммавий чиқишлар учун туртки бўлди.

Самарқандда қолдирилган македонияликлар гарнизонини Спитамен (Бесснинг сафдоши, Самарқанд қўшини бошлиги) қамал қилди. Спитаменга саклар, массагетлар ёрдамлашди. Бундан хабар топган Искандар тажрибали саркардалари Андромач, Менером ва Каран бошчилигида кучли қўшни юборди. Ҳарбий ишда тажрибали Спитамен усталик билан курашиб уларнинг кўпчилигини қириб ташлади. Искандар аҳволни билгач тезлик билан етиб келади, лекин бу вақт Спитамен чўлга чекиниб бўлганлиги учун уни тополмайди. Тинч аҳолини талаб улардан ўч олади. Шундан кейин Искандар Амударё ортида осойишта қишлашган маъқул топиб, ўша ёққа қароргоҳини кўчирди. Бу атрофдаги элатлар билан дипломатик мулоқотлар олиб бора бошлади. Хоразм ҳукмдори Фараҳман билан олиб борилган музокараларда Искандар ўзига маъқул шартларда сулҳ тузишга эришди. Искандар босиб олган ерларида асирлар кучи билан 12 та шаҳар қурдирди. Улардан бирини Искандария деб атади. Бу шаҳар ҳозирги Хўжанд шаҳрининг атрофида жойлашган эди. У грек ҳокимиятини ихтиёрий тан олган қабила ва элатларга ер берилишини ҳамда улар солиқлардан озод этилишини эълон қилди.

327 йилда Македон армиясининг бир қисми Ҳиндистон томон йўл олди. Искандар давлатлараро муносабатларини қариндош-уруғчилик алоқалари билан мустаҳкамлаш мақсадида Бактрия ҳукмдорларидан бири Оксартнинг қизи Роксаанага уйланади. Лекин бу билан у ўз мақсадига эриша олмади. Юртимизда босқинчиларга қарши ҳаракат давом этаверди. Спитамен ўз қўшини билан гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиб грекларга зарба берарди. Спитаменнинг обрўси кун сайини охиб бораётгани Искандарни ташвишга солиши натижасида у Спитамен боши учун катта му-

кофот беришни ваъда қилади. Натижада сотқин кимсалар халқ қаҳрамони бошши хиёнаткорона кесиб, Искандарга тортиқ қилишади. Спитамен халокатидан сўнг ҳам озодлик ҳаракати давом этаверди, лекин илгаригидай фаол тус олаолмади. Искандарнинг саркардаларидан бири Кратер Спитаменнинг содиқ сафдошлари Катан ва Австон бошчилигидаги қўзғолошчилар отрядларини тор-мор келтирди. Искандар Сирдарёгача етиб бориб, ундан у ёғига силжий олмади. Бу томонда саклар ҳудуди бошланарди, улар билан тўқнашини истилочига зарурий натижа бермас эди. Шу муносабат билан Чуст ҳам ён атрофдаги бошқа шаҳарлар қатори Искандар ҳужумидан омон қолди³².

Эрамиздан аввалги VI-асрлар давомида Марказий Осиё ҳудуди бир неча бор турли қабила ва элатлар босқинига дучор бўлди. Дастлаб эронийлар, кейин юнон-макдунийлар, қўшонлар ҳукумронликлари даврида бизнинг ўтмиш аجدодларимиз доимо мустақиллик учун ҳаракат олиб бордилар. Эрамиздан аввалги II-I асрлар давомида ҳозирги Фарғона водийси ҳудудларига Хитой босқинчилари бостириб келинди. Уларнинг ҳужуми натижасида гулдек дийёрнинг кўйлаб шаҳар ва қишлоқлари вайрон этилди. Хитойликлар бизнинг ўлкани Довон ва Паркана деб аташарди ва бу ерларда учкўр отлар етиштирилишини билиб шу отларни етиштирувчи миришкор халқни қул қилишни хоҳлар эдилар. Лекин матонатли боболаримиз ёвни енгиб ўз юртлари ҳудудидан кувиб чиқардилар. Водийда бир мунча вақт осойишталик ҳукм сурди. Эрамизнинг I-III асрларида Урта Осиёнинг кўпгина қисми кушон империяси таркибига кирган эди. III жумладан Фарғона водийси ҳам кушонийларга тобе эди. Бу даврда сугорма деҳқончилик ривожланди. Савдо-сотик, ҳунарманчилик кенг кулоч ёйди. Кўпгина давлатлар билан иттиқодий алоқалар йўлга кўйилди.

Сугорма деҳқончилигининг ривожланиши тўғрисида кўплаб сув чиқариш иншоотлари қурилди. Империянинг кўплаб чекка шаҳар, қишлоқларида мустаҳкам иттехком-қалъалар қурила бошланди. Қалъалар ичига арklar бўлган. Амалий санъат кенг тараққий этган³³. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари ясаш, мато тўқиш ривожланган. V аср-

32. М. Эгамбердиев. *Сариқ аждар ҳамаиси*. Тошкент—1989 йил.

33. Ш. Каримов. *Ўзбекистон тарихи ва маданияти*. Тошкент—1992 йил 38—42 б.

ларга келиб Кушонлар салтанати ўзаро низолар туфайли емирила бошланди. Катта салтанат бўлиниб кетди. Эфталитлар, Сосонийлар давлатлари вужудга келди.

Фарғона водийси аҳолиси маданияти ўзига ҳослиги ва чуқур қадимий анъаналарга эга эканлиги билан бошқа жойлар маданиятидан фарқ қилади. Бу фикримизни Пои шаҳри ҳудудидаги Мўнчоқтенадан топилган археологик топилдиқлар, Варзик муғҳонасидан топилган брактеат исботлайди. Хулоса қилиб айтиш керакки, V-VI асрларга келиб бизнинг ҳудудларимизда меҳнат қуроллари тараққий этди, темир ишлаш такомиллашди, хунармандчилик ўсди ва айрибошлаш, савдо-сотиқ кучайди. Пировардида шаҳарларнинг ривожланиши рўй берди. VI асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудлари турк ҳоқонлиги таъсири остида қолди. Сосоний эронликлар ва турк ҳоқонлиги ўртасида бўлиб ўтган жаанлар натижасида турк ҳоқонлиги заифлашди, араб истилочилари бундан усталик билан фойдаланиб қолди.

Ана шундай бир даврда араблар катта лашкар билан Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб киришди. Бу босқинчи кўшинларга халифанинг Хуросондаги ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилик қилди. 674 йилда улар Пойкент ва Бухоро шаҳарлари ҳамда унинг атрофидаги манзилгоҳларни талон-торој қилдилар.

705 йилдан бошлаб араб феодалларининг Ўрта Осиёга истилочилик юриши кучайди. Хуросондаги янги ноиб Кутайба ибн Муслим бошчилигида 706 йили Чоржўй, Карки, Бухоро, Пойкент шаҳарлари, 709 йили эса Бухоронинг мустаҳкам қалъаларидан Шофиркон, 710 йилда Кеш ва Насаф забт этилди. Бухоро, Сўғд, Шофиркон (Варданза) ва Фарғона ҳукмдорлари турклар билан қўшилиб, араб истилочиларига қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилдилар, лекин ўзаро келишмовчиликлар, ихтилофлар иттифоқни сусайтириб юборди. Бу эса Кутайбага қўл келди. 712 йили Кутайба Хоразмни ҳам бўйсундирди. Уша йили йирик иқтисодий-маданий марказ бўлган Самарқанд ҳам бўйсундирилди. Самарқанд подшоеси Гурак (710-737 йил) билан тузилган битим шартларига биноан Самарқанд ва Сўғдиёна халқи арабларга ҳар йили 2 миллион 200 минг дирҳам миқдоридан бож тўлаш ва араб қўшинига 100 киши тўплаб беришга мажбур этилди.

713-715 йили Кутайба Чоч (Тошкент) ҳамда Фарғона

вилоятларини, шунингдек Еттисув ва Қашқаргача бўлган ерларни ҳам босиб олди. Араб истилоси Урта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётига катта зарар етказди. Бир қанча шаҳарлар кули кўкка совурилди, минглаб кишилар ўлдирилди, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм кутубхоналарида сақланаётган ўн минглаб ноёб асарлар йўқ қилинди. Урта Осиё халқларини мажбуран ислом динига киритдилар. Аҳолининг ярим мулки араб қўшини фойдасига мусодара қилинди. Меҳнаткашлар зиммасига оғир солиқ ва топшириқлар юклатилди. Водийнинг бир гушаси бўлмиш Чуст халқи ҳам араблар зулми ва истибдодини бошдан кечира бошладилар.

Чуст шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларни араблар истило қилишлари ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд. Масалан: Жомашўй қишлоғи ҳақидаги ривоят (эмишки араб қўшини дарё бўйига келишган, шу жойда ўз кирларини ювишган экан.) Шаҳидон қишлоғи-шаҳид ўлган аскарлар қабрлари деган сўздан келиб чиқан. Олмос қишлоғида араблар маҳалласи мавжуд эканлиги ва Ғова қишлоғининг юқори қисмида жойлашган Араб қишлоғи мавжудлиги ҳам фикримизга далилдир. Шунингдек Чуст туманидаги Тошқўрғон қишлоғида Абдурахмон ибн Авф деган арабнинг қabri мавжуддир. Мархум Муродхон Тўра ҳикоялари бўйича Абдурахмон араб қўшинида байроқбардор бўлган ва шу жойда шаҳид бўлган Тошқўрғонда дафн этилган экан³⁴.

Урта Осиё халқлари араб истилочиларига қарши бир неча бор кўзғолон кўтардилар. VIII асрнинг ўрталарида бўлган Исҳоқ Турк кўзғолони, 769-776 йиллар бутун Мовароуннаҳрни ларзага солган Муқанна (783 йили ўлдирилган) бошчилигида бўлиб ўтган кўзғолон, 806-810 йиллардаги Рофиъ ибн Лайс бошчилигида Сўғда бўлиб ўтган деҳқонлар кўзғолони шулар жумласидандир. Рофиъ ибн Лайс ҳаракатини кўллаб-қувватлаган Шош, Хўжанд, Чағониён, Бухоро, Хоразм аҳли каби Фарғона отрядлари ҳам ушбу курашда қатнашганлар.

Араб истилоси даврида ён атрофдаги шаҳарлар каби Чуст аҳли ҳам араб зодагонлари манфаати йўлида меҳнат қилиб, турли туман закоту ушрлар тўлаб ҳаёт кечирганлар.

34. *Ахборотчи А. Маърупов. Чуст Жоме масжиди имоми.*

Ҳар бир онла биттадан арабни боқиб, унинг топшириқларини бажо келтирган ва араб тилида сўзлашга, ислом дини тоат ва ибодатларини бажо келтиришга мажбур эди. Бундай шариит халқ норозилигини тобора кучайишига сабаб бўлган.

Араб халифалиги таркибига кирган халқларнинг иқтисадий ва маданий тараққиётидаги катта тафовут уларнинг этник жиҳатдан бир хил эмаслиги, улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг заифлиги айниқса, ер-сув ва бойликларнинг тобора маҳаллий феодаллар ҳамда араб ҳарбий бошлиқлари қўлида тўплана бориши ва ниҳоят маҳаллий аҳоли билан босқинчилар ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кучайиб кетиши халқ ҳаракатлари ва феодал курашини кучайтириб юборди. Бу ҳол ўз навбатида араб халифалигини қирозини тезлаштирди. IX асрнинг биринчи чорагида унинг заминида мустақил маҳаллий феодал давлатлари пайдо бўла бошлади.

Хуросонда Тохирийлар (821), Сийистонда Саффарийлар (867) ва ниҳоят Мовароуннаҳрда Сомонийлар (819 й.) ҳокимият тенасига келдилар. Бошқа ўлкаларда ҳам шундай аҳвол юз берди. 935 йилдан бошлаб Аббосийлар сиёсий мавқеаларини тамоман йўқотдилар ва номигагина ҳалифа бўлиб қолдилар ҳолос.³⁵ Араблар Мовароуннаҳрни эгаллагач, гарчанд уларга қарши халқ қўзғолонлари бўлиб турсада, илм ва маърифатни ривожлантиришга ҳаракат бошлашди. Чунки ислом шариятларида «ҳар бир мўъмин ва мўъминна умри давомида илм ўрганмоғи жондир» деган шарт мавжуд. Бир қатор шаҳарларда мадрасалар барпо этилди. Мактаблар очилди. Таъкидлаш жонзки орадан бир неча вақт ўтгач Ўрта Осиёлик олимлар бутун араб мамлакати ва ҳатто кўплаб гарбий мамлакатларга ҳам донг тарата бошладилар. Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий ва Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Ал-Термизий... Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудларидан IX-XVI асрларда етишиб чиққан олим ва фозил, шоир, табобат пирларини бутун олам тан олган. Ал-Хоразмий-алгебра фани ривожига катта ҳисса қўшган бўлса, Беруний-Христофор Колумбдан бир неча юз йил илгари Америка қитъаси мавжудлигини ҳақида фикр билдирган эди.

35. В. А. Лўмедов. *Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент—1991 й. 64-66-бетлар.*

Демак, араблар диёримизни забт этиш билан бирга ўз динлари иеломни ҳам жорий қилганликлари ёзув-чизув, давлат ишларини араб-форс тилига ўтказилишига сабаб бўлди. Албатта, бу жараён осонликча бўлган эмас. Араб истилосига ча бўлган диний эътиқодлар, ўрф-одатлар ўз ўрнини янгилликка осонлик билан бунатиб бермаган, ҳатто баъзи бир удумлар ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Иелом дини келгунга қадар оташпарастилик динига эътиқод қилган чувтликларнинг бугунги авлодлари ҳаётида ҳали ҳам оловга тоиниши ҳолатлари мавжуд. Масалан: келинни олиб келганда куёв дарвозаси олдига катта гулхан ёқилади. Келин ва янгалар олов атрофида айланиб ўтиб кейин ҳовлига кирадилар. Гуё шунда олов барча инс-жинсларни куйдириб йўқотар эмиш. Шунингдек, чақалоқни бешикка белашдан олдин «алос-алос» қилиши: бунда бешик усти очилиб турли хил мато лахтагидан олиниб, бир-бирига боғлаб, унинг уч томонига ўт қўйилади. Ениб турган лахтакни бешик ичи ва атрофида айлантирилиб, «алос-алос, кулли балодан халос» дейилади ва лахтаклар танилаб юборилади, кейин бела бешикка беланади. Булардан таниқари чироқ қўйиши маросими, беморларни даволанда гулхан атрофида айлантириши каби расмлар ҳам оташпарастилик дини удумларидадир. Ҳозиргача қарияларимиз кул ва супуриндани қўшмаслик туғрисида насихат қилинади, сабаби оташпарастилик дини акидаларида бу ҳолда аза ва тўй бирланиб кетади деган ақида борлигидадир.

Юқоридаги одатларнинг ҳозиргача давом этиб келаётгани аждоқларимизнинг йиллар давомида оловга сиғиниб келганликларининг тасдиғидир.

Араблар истилосидан қутулар-қутулмас халқ мўғул босқинчилари зулми остида қолди. Табиийки Ўзбекистоннинг бошида ҳудудларидаги халқлар қатори Чувт аҳолиси ҳам бу даврдаги қийинчиликларга дучор бўлди. Салкам икки аср давомида аждоқларимиз кўчманчи мўғуллар зулми асоратида бўлиб, бошларидан не-не кулфатларни кечирдилар. Босқинчиларга қарши кураш узоқ вақт давом этди. Жалолиддин Манғуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий ва яна кўнлаб бошқа қаҳрамонлар бу курашларга раҳнамолик қилишди.

Чингизийлар истилосидан кейин Марказий Осиё ва хусусан Наманган вилоятидаги шаҳар ва қишлоқлар тушқунлик

огушида эди. Мугуллар халқни аёвсиз талаш билангина чеклашиб қолшмади. Улар юртимиз маданияти, санъатига ҳам катта путур етказишди. Агар баъзи-бир қалъалар уруш пайтида вайрон этилган бўлса, бошқа бирлари зулм кучлилигидан ҳувиллаб қола бошлади. Натижада чингизийларга қарши халқ қўзғолонлари авж олди. XIV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда бошланган сарбадорлар (ўз бошини дорга тикканлар) ҳаракати худди шундай норозилик натижаси эди. Сарбадорлар Хуросонда бир қатор муваффақиятларга эришгач, уларнинг ҳаракати бошқа жойларга ҳам тарқала бошланди. Айниқса Хуросонда мустақил давлат тузилиб Сабзавор шаҳри (1337-1381 й.) пойтахт бўлгач, сарбадорлар ҳаракати оммавий тус олди.

Самарқандда сарбадорлар ҳаракати туфайли Илёсхўжа устидан қозонилган ғалаба натижасида 1366 йилда Ҳусайн ва Темур шаҳарни ўзларига бўйсундириб оладилар. Ҳусайн ўз иттифоқчисига инсбатаи хоинлик қила бошлагани туфайли 1370 йилда Темур уни ўз йўлидан суриб ташлади ва Мовароуннаҳрнинг якка ҳукмдори бўлди. Амир Темур қисқа вақт ичида Фарғона ва Шош ерларини ўзига бўйсундирди. У Фарғонани қўлга киритгач бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам тиңчилик ўрнатилди. Осуда ҳаёт бошланди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожлана борди. Амир Темур Фарғона водийсининг қўлаб ерларини «тархон», «суюрғол» сифатида ўзининг яқин одамлари, содиқ бек, амалдорларга инъом қилганди.³⁶

Шунинг натижаси ўлароқ, ер-сув зодагонлар ихтиёрига ўта бошлади. Зодагонларга ер «суюрғол» сифатида абадий фойдаланиш учун берилиши, солиқлар тизимини кучайтирди, деҳқонларнинг аҳволи дастлабки вақтларда мушкуллашди. Бу даврда асосий солиқ-хирождан ташқари, янги, бегор деб аталувчи ҳашар мажбурияти жорий қилиндики, бу оғир мажбурият эди. Бегорга деҳқон ва ҳунармандлар сафарбар қилинарди. Улар истехком, қалъа, сарой, мадраса ва бошқа бинолар қурилишида ишлатиларди. Темур ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда бинолар пишиқ ғиштдан қурилган, гулдор пешвоқлар билан безатилган, оқ ва мовий рангдаги

36. Ш. Керимов. *Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. Уқитувчи. 1992 й. 74-бет.*

бўёқлар кўпроқ ишлатилган. Бу ранглар биноларга улуғворлик бахш этарди.

Бобокалонимиз Амир Темур даврида савдо-сотиққа катта эътибор берилди. Кўнлаб давлатлар билан карвон йўллари орқали алоқа ўрнатилди. Барча карвон йўллари Темур давлатининг пойтахти Самарқандда туташарди.

Фарғона vodiysidaги кўнлаб шаҳар, қишлоқларда карвонсаройлар қурилди. Ҳайдаланадиган ерлар эса майда деҳқон ерларига бўлинган бўлиб, мулк эгаси деҳқонга омов, ҳуқуқ ва уруғлик ажратарди. Деҳқон тулайдиган асосий солиқ-ср солиғи бўлиб қолди. Солиқ пул ёки маҳсулот билан туланиши мумкин эди. Чустда ҳам бошқа жойлардаги каби аҳвол мавжуд эди. Ҳунармандлар ўз даромадларининг чорагини хазинага тулашарди. Ҳунармандлар ўз ҳунарларига мувофиқ тарзда «иттифоқ»ларга бирлашиб заргарлар, темирчилар, кўнчилар, туқувчилар ва бошқаларни ҳосил қилардилар.

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йилда Фарғона ярим мустақил ҳолда Темурнинг набираси Аҳмад ҳукмронлигида эди. 1411 йилда Улуғбек Аҳмаднинг сингиб Фарғонани босиб олди. Кўн вақт мобайнида Фарғонага муғуллар ҳужум қилиб турганин, лекин 1413-1419 йиллар мобайнидагиша улар Андижон ва Қонибодомни бир неча бор босиб олинолди ҳолос.

Албатта, темурий шаҳзодаларининг тахт учун курашлари халқ ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Янаш оғирлашиб кетди. Галаёнлар рўй бера бошлади. 1449 йилда Улуғбек катл этилди. Мовароуннаҳрда тахт учун кураш авж олди. Курашлар натижасида Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг набираси Абдусанд Бухоро ҳукмдори бўлди. Ўзаро уруш натижасида у Самарқандни ҳам эгаллади ва Хиротни эгалагач темурийлар давлатини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Мовароуннаҳр унинг фарзандлари ўртасида тақсимланди. Султон Аҳмад-Самарқандда, Султон Маҳмуд-Бухорода ва Умар шайх Мирзо-Фарғонада ҳукмдорлик қила бошлашди.

Умар шайх Мирзо Андижон марказини Ахсенкент деб танилаганди. Унинг даврида бир неча вақт осудалик ҳукм сурди. 1495 йилда Умар шайх фожияли ҳалок бўлгач, Андижон тахтига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўтирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даври зиддиятларга бой давр бўлди. Ўзаро курашлар авж олди. Темурий шаҳзодалар тахтга эга бўлиши учун фаол ҳаракат олиб боришарди. Бобурнинг

укалари ҳам Андижонни қўлга олиш учун тинмай ҳаракат қилишарди. Бундай ҳаракатлар натижасида Бобуршоҳ саройидаги мансабдорлар ҳам турли гуруҳларга бирлашган эдилар. Бобурнинг ўзи эса бобоси Амир Темур давлатини тиклаш иштиёқи билан ёнарди. У бир неча бор Самарқандга юриш қилди ва ҳатто эгаллади. Аммо фитналар туфайли Андижондан ҳам, Самарқанддан ҳам маҳрум бўлди ва пировардида Ўрта Осиё ҳудудларидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бобур Андижон шоҳи бўлиб турган бир вақтда Чуст атрофидаги қишлоқларда бўлган. «Бобурнома» китобида ёзилишича:

«... Дедиларким: Олдимизда Ғова йўли яқиндур. Ул йўл бирла Фаркатка ошарлар. Ул йўлга бошладилар.

Кечанинг уч посигача йўл келдук. Қарнон сойигаким Ғовадан чиқиб келур, етдук. Бобс Сайраминий дедиким:—Сиз мунда туринг, мен бориб, Ғаво йўлини эҳтиёт қилиб келай.

Муддатидан сўнг келди . . .

. . . Қарнон доруғаси Баида Али эди. Дедиларким: Отимизга ва ўзимизга бўғуздин гузар йўқдур. Мен Қарнонга борай, ҳар нима муяссар бўлса келтурай...»³⁷

II БОБ. ЧУСТ ҚУҚОН ХОНЛИГИ ВА ЧОРИЗМ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ УРНАТИЛИШ ДАВРИДА. 1. ЧУСТ ҚУҚОН ХОНЛИГИ ТАРКИБИДА.

Ўрта Осиё XVI асрдаги ўзаро курашлар оқибатида, икки мустақил хонлик Бухоро ва Хива давлатларидан иборат бўлиб қолди. Бу давлатларнинг мунтазам равишида ўзаро кураши ва душманликлари ҳар икки хонликнинг ҳам ўта заифлашувига сабаб бўлди.

1680 йилда курашлар натижасида заифлашган ҳокимиятидан Бухоро ҳукмдори Абдулазизхон воз кечиб, муқаддас ҳаж сафарига отланди. Бунинг натижасида Бухоро тахтига Субхонқулихон чиқди. Унинг бошқаруви даврида ҳам ўзаро урушлар тўхтамади, натижада унинг бошқарув даври сўнггида очлик, пачорлик ҳукм сура бошлади. Субхонқулихон 1702 йили вафот этди.

Тахтга унинг ўғли Убайдуллохон ўтирди. Унинг даврида Аштархонийлар давлатининг инқирози энг юқори чўққига кўтарилди. «Дарвишлар ташкилотининг ер-мулкларини чеклашга қилинган ҳаракат хоннинг обрўли Жўйбор ҳожилари

37. З. М. Бобур. «Бобурнома» Тошкент, «Юлдузча», 1989 й. 105-бет.

билан туқнашувига олиб келди. Бу ҳаракатлар билан у қудратли корпорация қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлди.³⁸

1709 йил Фарғона водийсидаги Чодак (Шон тумани қишлоғи) ҳожилари қўзғолон кўтариб, ўзларининг мустақил давлатларини ташкил этиб, Шоҳруҳбийни тахтга ўтқаздилар.³⁹ Бу воқеани Маҳмуд Ҳаким Яйфоний шундай таърифлайди. «Тарговда⁴⁰ бир обрули киши тўй маросими ўтказадн, бу жойга атрофдаги энг обрў эътиборли кишилар тўпландилар. Базмда бир фикрга келадилар-мустақил давлат барно қилиш, қатнашувчилардан аскарбоши Шоҳруҳхонни яъни Ашурбий ўғлини тахтга ўтказиш. Бу даврда эса атрофдаги ҳожиларнинг таъсири жуда катта эди. Катта ҳокимни Тарговга олиб келиб қатл этадилар.⁴¹ Бундан руҳланиб Чодак томон йуналидилар. Бир печа кун мобайнида ҳоким, қози ва бошқаларни Наманган ва Чуст бекликларига тайинлаб, сўнг Тарговга қайтадилар ва «Тенақўрғонни»⁴² пойтахтга айлантириб у ерда ўрда, бозор ва расталар барно қилдилар.⁴³

Шоҳруҳ тахтга ўтиргач, ён атрофдаги кичик бекликларни ўзинга тобе бўлишга ундайди. Наманган ва баъзи бир бошқа бекликлар раҳбарларининг рад жавобларидан раижиган Шоҳруҳ қўшини билан Наманган сари йўл олади. Балиқчи яқинида Шоҳруҳбий чодир тикишга буйруқ беради ва наманганликларни ихтиёрни равишида, урушсиз унинг ҳукмронлигини таи олишларини кутади. Бу беҳуда қон тукилишини олдини олиш учун қилинган ҳаракат эди. Кутини асносида Шоҳруҳбий ов билан вақт ўтказарди. Қўқисдан Шоҳруҳбийга йўлбарс ҳужум қилади, у эсанкирамай йўлбарсни қарши олади ва қисқа олишувдан сўнг уни бўғиб ўлдиради.⁴⁴ Бу воқеани эшитган Наманган аҳли Шоҳруҳхон билан уруш қил-

38. *История Уз. ССР. 1 том, Ташкент, 1957 г. Стр. 560.*

39. *Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Тарихи салотини Фарғона. Хўқанд. 1914 йил. 5-бет.*

40. *Таргов—Қўқон шаҳри яқинидаги қадимги қишлоқ.*

41. *Х. Н. Бобобеков. Народные движения в Кокандском ханстве. Ташкент, 1990 г. стр. 49.*

42. *Тенақўрғон—Қўқон шаҳридаги қишлоқ.*

43. *Х. Н. Бобобеков. Народные движения в Кокандском ханстве. Ташкент, 1990 г. стр. 49.*

44. *Бобобеков Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве, Ташкент, «Фан», 1990 г. стр. 26.*

май, унга тобеликни ган олишди. Шохруххон Наманганда катта тағана билан кутиб олишди.

Қўқон хонлиги бошдан оқ кучли ҳарбий зодагонларга эга бўлган, ҳарбий феодал тизимдаги давлат сифатида таркиб топди. Бутун хонлик 15 та катта кичик бекликка бўлинган эди. Бу бекликларнинг ҳокимлари, беклар айни вақтда жойлардаги ҳарбий кучлар қўмондонлари ҳам эдилар. Армияга умумий қўмондонлик хоннинг вазир, олӣ мартабали амалдор-мингбоши зиммасида бўлган.

Мингбоши аслаҳахона, қўшиннинг асосий кучлари тупланган ва хоннинг шахсий гвардияси—шербаччалари тупланган Қўқонда бўларди. Қўқон хонига тобе барча уруглар, кучманчи қабилалар ва бекликлар хоннинг биринчи даъвати биланоқ ўзларининг жапговар бўлималарини йиғилиш жойларига жўнатмоқлари лозим эди. Қўқон хони шу тарзда даъва қилган пайтида озик-овқат орттилган ун икки минг арава ва олтмиш минг сипоҳни йиға оларди.⁴⁵ Бу қўшни давлат ҳисобига яшар ва ҳокимларга эмас, балки мингбошига бўйсунарди.

Қўқон хонлиги ўзининг қулай жугрофик мавқеи туфайли йирик савдо маркази ва манзили ҳисобланган. Ҳиндистон, Бухоро, Афғонистон, Россия савдогарлари ўз молларини бу ҳудудга кўлаб олиб келишарди. Қашқар савдогарлари ҳам Хитой маҳсулотларини етказиб туришарди. Натичада Қўқон, Наманган, Чуст, Уш, Узган, Хўжаид ва бошқа жойларда савдо-ҳунармандчилик ривожланди. Бу шаҳарларда дукон, карвонсаройлар пайдо бўлди.

Шохруххон вафогидан кейин Қўқон тахтига 1721-1770 йилларда Абдурахимбий, Абдукаримбий ва Эрдошлар ўтиришди. Узаро уруш-пизолар бўлиб ўтди. 1770 йилда Абдулло қушбеги ва Ғурумсарой ҳокими Утаи баковул Қўқон боёнлари ва оқсоқоллари билан биргаликда Норбўтабийни тахтга ўтиришга кўндиришди ва у бу таклифни қабул қилиб тахтга ўтирди.⁴⁶

Ўз ҳукмронлигини 1770 йилда бошлаган Норбўтабек Чуст ва Наманган ҳокимларининг мустақилликка интилиши-

45. Г. А. Хидоятгов. «Мелинг жонажон тарихим», Тошкент, 1992 йил, 223 бет.

46. Х. Н. Вобобеев. Пародные движения в Кокандском ханстве, «Фан», Ташкент, 1990 г. стр. 26.

ларини бостирди, Хўжандга ҳужум қилиб хонликка бўйсундирди. Норбўтабек Хитой билан иттифоқ тузди, аммо Бухоро хонлиги билан ўзаро ихтилофга барҳам беролмади. Ўз хонлиги ҳудудларини кенгайтиришга тинмай ҳаракат қиларди. Шу мақсад билан у Тошкентга юриш қилди, аммо муваффақиятсизликка учради. Бу ҳақда Е. П. Ковалевский шундай ёзади: «Мен Тошкентда бўлган давримда Тошкент хони Юнусхўжа Қўқон хонлиги қўшинини тор-мор этди. Қўқон хонини асирга олиб қатл этди ва Қўқонга ўз одамини хоним этиб тайинлади». Бу ерда Ковалевский хатога йўл қўйган, қатл этилганлар орасида Норбўтабек бўлмаган.⁴⁷

Норбўтабек даврида кўпгина туманларда норозилик аломатлари сезила бошлайди. Тошкент остоналаридаги мағлубият халқнинг оғир аҳволини янада ёмонлашувига олиб келди. Норбўтабек хонлигининг сўнгги йилларида хонликнинг турли ерларида норозилик ҳаракатлари рўй бера бошлади. Шарқшунос олим В. П. Наливкиннинг хабар беришича Ирисқуябой Норбўтабекка қарши кураш бошлайди. Айти шундай ҳаракатлар 1800 йилда Чуст беклигида ҳам бўлиб ўтди. Қўқонли Чуст ҳокими Бузрукхўжа томонидан кўтарилади. У жамо отрядини тор-мор қилади. Норбўтабек 1801 йилда вафот этган ва тахтга Норбўтабекнинг ўғли Олимбек чиққан. Олимбек юриш қилиб келаётганини билиб Бузрукхўжа Чотқолга қочади. У ердан ўз ўғилларини Тошкентга Юнусхўжадан ёрдам сўрагани юборди ва ёрдам келиши билан Бузрукхўжа Чустни яна ишғол қилади. Олимхон қўшини тўлаб яна Чустга юриш қилади. Аҳоли қон тўкилишини олдини олиш мақсадида Бузрукхўжани Қўқон хонига тутиб беради ва бир неча фурсатдан сўнг хон амри билан Бузрукхўжа ўлдирилади.⁴⁸

В. П. Наливкин бу воқеалар тўғрисида шундай ёзади: — «Бу ва шунга ўхшаш барча уруш, қўзғолонлар асосан оддий меҳнаткаш халқнинг, деҳқон ва чорвадорларнинг зиммаларини

47. Х. П. Бобобеков. Народные движения в Кокандском ханстве, Ташкент, 1990 г. стр. 28.

48. Х. П. Бобобеков. Народные движения в Кокандском ханстве, Ташкент, 1990 г. стр. 51.

га оғир мажбурият бўлиб тушарди. Булардан ташқари халқ учун ким хон бўлишнинг аҳамияти йўқ эди. Халқ фақат кучли ҳокимиятни ёқларди. Олимхоннинг Чустга юриш қилаётгани маълум бўлгач, Бузрукхўжа халқ томонидан қўлга олинди ва хонга топширилди.⁴⁹

Норбўтабий вафоти туфайли хонлик тахтига талабгорлар кўпайиб кетди. Баъзи бир маълумотларга қараганда тўртта гуруҳ тахт учун кураш бошлаган. Бузрукхўжа ҳам шулардан бири бўлган бўлса керак. Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Тарихи салотиқи Фарғона» асарида ёзилишича:— «Олимхон Ширмуҳаммад ясовул, Тошмуҳаммад Мирзо, Бузрукхўжа ва Хўжабекларни ўлдиришга фармон берди. Ҳукм тезда бажарилди⁵⁰.

Умуман олганда XVIII аср охири XIX аср бошларидаги Қўқон хонлигининг еттиинчи ҳаётида кўплаб қўзғолонлар, талашлар бўлишнинг асосий сабаблари уша давр ижтимоий-иқтисодий мушкулликлари туфайли бўлиб ўтган деган хулосага келиш мумкин. Қалмиқ қабилаларининг ҳужуми, маҳаллий амалдорларнинг бебошликлари халқ турмушини оғирлаштиради. Бундай вазиятда халқнинг норозилик ҳаракатлари бўлиши табиий бир ҳол эди. 1721 йилда Андижон, 1728/49 йилларда қипчоқлар, 1800 йилги Чуст, 1821 йилдаги Тентак Тўра қўзғолонлари ва бошқа талаёнлар юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Наманган беклиги ҳокими Олимхон Қўқон хонлиги тахтига ўтиргач хонликда бир мунча муътадил вазият вужудга келди. Тошкент, Чимкент, Туркистон бўйсундирилиб хонлик чегаралари анча кенгайтирилди. Ҳарбий ислохотлар ўтказилди. Олимхон Қўқонни хонлик деб эълон қилди ва ўзи «хон» унвонини олди. Маҳаллий бой-амалдорлар Олимхоннинг кучли, мустақил давлат тузишга интилаётганидан ташвишланиб, унинг укаси Умарбекини тахтга ўтказишди. Олимхонни эса Олтиқўшда отиб ўлдиришди.

Умархон (1810-1822) даврида Қўқон хонлиги феодал урушларини давом эттирди. Қайтадан мустақил бўлган Чимкент ва Туркистон бўйсундирилди. Россия билан савдо ало-

49. Х. Н. Бобобекова, *Народные движения в Кокандском ханстве. Ташкент, 1990 г.*

50. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, «Тарихи салотиқи Фарғона», Хўқанд, 1914 й. 12-13 бетлар.

қалари кучайтирилди. 1818 йилда Умархон «Амир ул-муъминин» унвонига эга бўлди.

Олимхон ва Умархонлар ҳукмронлиги даврида Чуст ва Наманган бекликларидаги ижтимоий ҳаёт умумий ҳоликдаги ҳаётдан деярли фарқ қилмасди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар тирикчилик ўтказиш учун тинмай меҳнат қилишарди. Чуст беклигидан турли маҳсулотлар олиб кетиладди. Пахта, тикувчилик, тўқувчилик маҳсулотлари, дон маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқиларди. Ҳунармандчилик маҳсулотларидан дўппи, каштачилик маҳсулотлари, пичоқ кабилар анча харидоргир эканлиги учун кўплаб савдогарлар ҳунармандларга хом ашё отказиб бериб, тайёр маҳсулотларини олиб кетишарди.

Чуст шаҳри территориясида XIX аср бошларидаёқ ҳунармандларнинг бир маҳалла, кўчаларда жойлашуви шаклланиган эди. Дўзанда, Бофанда, Кўнчилик деган атамалар таҳлил қилинганда уларнинг маълум бир касб усталарининг яшаётган жойларига нисбатан берилгани маълум бўлади. Уша усталарининг авлод-аждодлари айнан шу маҳалла ва кўчаларда ўтроқ ҳаёт кечириб, ота-боболари касбинини ардоқлаб яшаётганлиги туфайли уша ҳунар номи билан жой номлари аталиб кетган. Дўзанда—тикувчи, Бофанда—тўқувчи, Чармгарон—кўнчилик айнан шундай пайдо бўлган деб айтиш мумкин.

С. Қораевнинг «Географик номлар маъноси» китобида ёзилганидек:— «Жой номларининг халқ яратади. Халқ тарихи, этнографиясига онд сўзлар шаҳар ва қишлоқ номларида кўпроқ аке этади».⁵¹

XIX аср I ярмида Чуст беклигига қарашли ерлар, Ерқишлоқ, Боймоқ, Дамобод, Қизилтепа, Шоён, Қаркидон, Гова, Қарион, Олмос, Ахча ва бошқа жойларда деҳқончилик ривожланди. Пахта, бугдой, сўк, оқ жўхори каби экинлар, сабзавотлар кенг миқдорда етиштирила бошлади. Чақир тўқай, Дуоба, Саримсоқтепа, Санг томонларда эса қўшимча равишда шולי етиштирилган.

Чорикорлик, мардикорлик кенг қўлланилган. Ўз ерига эга бўлмаган деҳқон, ер эгаси — мулкдордан маълум даражада ер олиб унга ишлов берарди, олинган ҳосилнинг учдан бир қисми миқдорида ҳақ тўларди. Умуман XIX аср бошларида

51. С. Қораев, «Географик номлар маъноси» Тошкент 1978 й. 3, 4-бетлар

деҳқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам бир неча хил солиқ ва мажбуриятларни тўлашлари лозим эди.

1. Баҳорда ҳар бир экувчи оиласидан 1 қўй (ҳазинага).
2. Бек учун бутун бир қишлоқдан 10-16 та ситир.
3. Рўза ойи тугаши билан бериладиган закот.
4. Бугдой ўрминини бошлаш учун бекдан олинадиган рухсатнома учун алоҳида ҳақ тўланарди. Қўшнинг таъминлаш учун ҳар бир булис ёки маҳалла аҳли ўтин тайёрлаш шарт эди. Саксовул, шинғил, юлғин каби ўтинлар бевосита қалъага элтиб берилган. Ёғ, гўшт ва балиқ мойи билан таъминлаш ҳам деҳқонлар зиммасида бўлган.

Ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг ривожланишига савдогарлар катта ҳисса қўшганлар. Бухоро, Афғонистон савдогарлари Чуст, Намаган улар орқали Қашқар ва Хитойнинг бошқа вилоятларига мунтазам равишда ўтиб туришган. Савдо муносабатлари халқлар маданияти ўсишига, ҳунармандчиликнинг янги турлари пайдо бўлишига олиб келган. XIX аср ўрталарида Чустда усталар, халифалар ишлатишни кенг йўлга қўйишган. Бу даврда деҳқон, ҳунарманд, савдогарлардан олинадиган солиқлар турлича бўлган. Шоли, бугдой, жўхори майдонларидан олинадиган солиқ ҳосилнинг бешдан бир қисмидан иборат бўлса, боғ, мевазор, ерлардан ва сабзавот экилган ҳамда пахта майдонларидан олинадиган хирож ҳар бир экин майдони учун алоҳида ҳисобланган.

Бир таноб ер учун 50 тийин таноблик (агар мевасиз дарахт ўсса) ва 2 сўм мевали дарахтлар бўлса ҳамда 1 сўм, (беда, пнёз, эртаги сабзи экилган ердан) бўлган.⁵² Ҳунармандлардан ҳам турли миқдорда солиқ олинарди. XIX асрнинг 50-60 йилларида Қўқон хонлигининг барча ҳудудларида солиқлар кўпроқ натурал ҳолда олинарди. Агар деҳқонлардан дон, сабзавот, мева билан солиқ олинган бўлса, чорвадордан кўй, эчки, от, ситир ва бошқалар билан олинарди. Ҳунармандлар эса ўзлари ясаган, тайёрлаган буюмлари билан солиқ тўлашган. Солиқнинг бир қисми пул билан ҳам олинган.

XIX асрнинг 1 ярмида Қўқон хонлигида ер асосан хон ва хон амалдорлари қўлида эди. Шунингдек Чуст шаҳри ҳудудларидаги экинзор ерлар, яйловлар ҳам амалдорлар, бойлар

52. *Туркестанские ведомости. 1876 г. № 16.*

қулида эди. Кичик, сув чиқиши қийин бўлган, кам ҳосил ерларгина деҳқонлар мулки эди. Чуст туманидаги ҳозирги «Зарафшон» ва «Машъал» помли жамоа хўжаликларига қарашли ерларнинг кўпчилик қисми Чуст шаҳар бойларига қарашли бўлганлиги ҳақида ёши улуғ кексаларимиз ҳикоя қилиб беришди.

Мирсади ота Отабоев (83 ёш) ҳозирги рус қабристонининг ўнг томонида жойлашган 20 гектардан кўпроқ ер Рўзимбой савдогар ери бўлиб унда 10-20 киши чоракорлик қилган деб раҳматли отам Отабой мингбоши ҳикоя қилардилар деб эслайдилар.

Аҳолининг аҳволи мушкул бўлсада, ҳунармандчилик яшигини ривожланганди., Пахтачиликнинг кенг йўлга қўйилганлиги туфайли тўқувчилик ҳунари ҳам ривожланган. Қўқон холигида тўқилган газламалар нафақат Осие қитъаси, балки Россияда ҳам харидоргир эди. Чунки бу матолар ўзининг пишиқлиги, мустаҳкамлиги билан ажралиб турарди.⁵³ Чуст, Бешариқ, Наманган, Марғилон тўқувчиларининг маҳсулотлари айниқса машҳур эди. Чуст аёллари тикадиган дўши водийнинг барча ерларида харидоргир маҳсулот ҳисобланарди.

Пахта ва пилла етиштириш авж олганлиги туфайли қишлоқ аёллари турли каштачилик, тикувчилик ишлари билан ҳам шуғулланишарди. Аёллар гиламдўзлик (асосан шолчалар тўқиш), белбоғлар, дўшилар тикиш ва жияк тўқиш билан шуғулланганлар.

Шу ўринда дўши ва дўппичилик тарихи ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Тарих китоблари, дарсликларда ёзилишича, Эронда топилган, Беҳистун қоятошига ўйиб ёзилган мати ва бўртма одам сурати бу ҳақда айрим маълумотларни беради.

Милoddан аввалги 519 йилга тааллуқли бўлган Беҳистун устундаги одам суратларидан бирининг бош қийми ҳозирги дўшига жуда ҳам ўхшар экан. Мана шу устундаги ёзувда Доро томонидан бўйсундирилган халқларнинг номлари ёзилган ва уларнинг пчида саклар, сўгдлар, хоразмийлар ҳам тилга олинган. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Беҳистун қоятошларига ўйилган дўппилик одам ҳам шу қабилалардан бирига мансуб бўлиши мумкин.

53. *История Узбекской ССР. Ташкент—1974 г. стр. 122.*

Бевосита дўннининг ўзига келсак биз ҳозир ардоқлаб кийиб юрадиган дўннимиз 2500 йил аввал ҳам мавжуд бўлган. Дўннидаги шакллар хитойликларнинг «И Цзин» усулидаги фол кўриш китобларида берилган суратга ўхшайди. Хитойликлар муқаддас санайдиган Дао рамзлари Чуст ва Марғилон дўннилари гулларида ўз аксини топган. Қадимда «Буюк Ипак йўли» Хитой ва Урта Осиё ҳудудида ўзаро боғланганлигини ҳисобга олсак, бундай ўхшашлик бежиз эмаслиги аёнлашади. Мисол учун дўнни тепасидаги гул оқ ипак билан қора матога тикилади. Дао рамзи ҳам оқ ва қорадан иборат.⁵⁴ Дўнни кизагида гуллар сони 16 та, «И цзин» даги гексаграммалар жадвали ҳам 16 та триграммадан ташкил топган. Дўннидўз аёллар дўнни тепа ва кизагини тайёрлашда илтакачлар ёрдамида хитой қоғозини тенчиланган (қовиқлар) мато ва астар орасига тикиб чиқадилар. Қовиқ қанчалик майин бўлса илталар ҳам шунчалик кўп бўлади. Демак Чуст ва Марғилон дўнниларининг тарихи Хитой билан алоқадор. Дўнни ўзбек маданиятини Хитой ва бутун Шарқ маданияти билан боғловчи воситадир. Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини келгусида ўтказиладиган тадқиқотлар кўрсатади деган умиддамиз. Бу нарсалар савдогарлар томонидан улгуржи сотиб олиниб, кейин бозорларда чакана савдога қўйилар эди.

Кўқон хонлиги ҳудудларидаги шаҳар ва қишлоқларда ҳафтанинг ҳар кунинда фаолият кўрсатадиган бозорлар мавжуд бўлган, Масалаи, Шаҳанд бозори жума кунин, Наманган бозори жума, Андижон-пайшанба, Кўқон-чоршанба, Олмосшанба, Чуст бозори якшанба, жума кунлари ва шунга ўхшаш. Бозорнинг ўзига хослик жиҳати шунда эдики, маҳсулотнинг аниқ бир нархи мавжуд бўлмай, эҳтиёжга қараб белгиланарди.

Кўқон хонлиги Худоёрхон ҳукмронлиги даврида кўп бор ички ишлар туфайли уруш ва вайронгарчилик остида қолди. Меҳнаткашлар аҳволи огирлашди. Марказда бўлаётган воқеаларнинг шаҳар ва қишлоқларга таъсири ниҳоятда кўп бўлди. Экинзорлар вайрон этилди, тинчлик йўқотилди. Худоёрхон бир неча бор тахтдан маҳрум бўлди. Унинг ҳар сафар

54. У. Тўйчиев, «Бошга кийиб юрадиган китоб», «Савдат» журнали 1992 й. 11-сон, 25-бет.

қайтадан тахтга ўтириши халқ бошига оғир кулфатлар олиб келарди.

1865 йилда Худоёрхон Қўқонни янгитдан эгаллади ва «19 йил мобайнида ўз халқини талади»⁵⁵. Худоёрхон 1865-1876 йилга қадар уч маротаба тахтдан кетиб, қайтди. Унинг даврида мулкний тенгсизлик, ўзаро низолар авж олди. Оддий, меҳнаткаш халқ бениҳоя азобларга дучор бўлди. Бу давр Россия давлати кўшинларининг хужуми ва Қўқон хонлигини босиб олишлари даври бўлди. Халқни эзиб, ҳукмронлик қилаётган Худоёрхонда русларгача деярли ўзгартирилган бўлмади. Аҳолининг асосий қисми ўз кучи билан тикланган уйларда истиқомат қилишар, уйлар паҳса деворли, баъзан сичли бўларди ва ошхона, ётоқхона вазифаларини бажарар эди. Уйлар кўпинча икки, баъзан уч хонадан иборат бўлган. Уйларда деворлар қалли, 1 газ, 1,5 газ* бўлиб қулайлик учун деворлардан махсус тоқчалар ишланган. Кўпгина уйларда тоқча ичига хум ва кўзалар қўйилиб, уларда дон маҳсулотлари сақланган. Учоқ уйнинг кириш қисмида жойлашган. Шу билан бир қаторда баъзи бир уйлар туйнукли бўлган. Уй қурилишида асосан икки усул қўлланилган. Пеш айвонли ва қашқар айвонли. Пеш айвонли уйлар неча хона бўлишидан қатъий назар олди томони тўлиқ айвондан иборат бўлган. Қашқар айвонли уйларнинг эса икки томони хона ва ўртаси айвон бўлган.

Аҳоли уйларида печлар бўлмаган, уйда иситиш воситаси сандал ва ўчоқ бўлган. Кўпгина уйларда дераза ўрнига тахтадан ишланган дарчалар мавжуд бўлган. Уй қуриш учун ишлатилган ёғочлар асосан терак, тоғ ва юлғун, садақайрағочнинг бир тури бўлган. Шаҳар территорияси бир неча маҳаллардан иборат бўлган. Яккабулоқ, Пансада (Панжеда) Сероб. Дўзанда ва Хўжаобод каби маҳаллалардаги уйлар қалъа ҳовли ҳисобланган. Яъни аҳоли бу уйларда кеч куздан эрта баҳоргача яшаган. Баҳор, ёз ва кузда дала ҳовлиларга кўчиб чиқибган. Бундай одат Варзик қишлоғида хозиргача сақланиб қолган. Халқ шеvasидаги қалача, боғ деган атамалар айнан шу одатга боғлиқдир.

* *Изоҳ: қадимги йлчоқ, 1 газ—70, 72 см.*

55. *Бобоев Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве. Ташкент. «Фан» 1990 г. стр. 29.*

2. ЧУСТ РОССИЯ ХУКМРОНЛИГИ УРНАТИЛИШИ ДАВРИДА

Россиянинг Урта Осиёга бўлган қизиқишлари тугрисида жуда кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Бу қизиқиш император Пётр давридаёқ кучли бўлганлиги ҳақида, у юборган элчилар, экспедициялар ҳақида ССЖИ тарихи дарсликларида, Ўзбекистон ССР тарихи дарсликларида маълумотлар берилган. Лекин бу маълумотлар бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, ўша давр мафкуравий талабига, яъни, коммунистик мафкурага мослаштирилган. Асосий гоявий мазмун Марказий Осиё ҳудудлари аҳолиси, хонликлар Россия таркибига ихтиёрий қўшилган деган фикрга олиб келади. Аслида-чи? Ҳеч бир халқ ихтиёрий равишда бошқа бир юртга муъте бўлмайди. Бу фикрни исботлаш учун форс подшоҳи Қир, Македониялик Александр, араб халифалари ва мўғуллар босқинларини эслаш kifоя.

XIX асрнинг ўрталарига келиб саноати ривожланаётган Россия хом ашёсиз қолди. Асосий сабаб АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли пахтанинг камлигидан эди. Буидан ташқари Россия ўзининг чегараларини Англия, Эрон, Туркия территорияларидан бўладиган тажовузкорлик ҳаракатларидан мустаҳкамлашга интилар эди. Чунки инглизларнинг Ҳиндистондаги мулклари билан Урта Осиё хонликлари ўртасида жойлашган Афғонистон инглизлар сиёсатининг амалга ошишига тўсиқ бўларди. Афғонистон Англия учун асосан Урта Осиёга ўтиладиган кўприк, мазкур ҳудудлардаги бўлажак босқин учун пландарм сифатида аҳамият касб этарди. Бу нарса XIX аср охириларида «афғон сиёсати»ни ишлаб чиқишга олиб келдики, бу сиёсатда назорат ўрнатишдан иборат эди. Бу сиёсатни амалга ошириш учун инглизлар икки марта Афғонистонга бостириб кирдилар, аммо 1838-1842 ҳамда 1878-1880 йиллар мобайнида афғон халқининг қаттиқ қаршичилигига учрадилар ва чекинишга мажбур бўлдилар.

Шу билан бирга Осиё—Ҳиндистон компанияси Урта Осиё хонликлари бозорларига киришга ва уларни эгаллаб олишга, у ердан Россияни сиқиб чиқаришга зўр бериб уриндилар. Рус ҳукмрон доираларида инглиз савдосининг Урта Осиёда ўсиб боришидан қаттиқ ташвишланиш пайдо бўлди. Шу туфайли ҳам Россия Кавказорти ўлкаларига, Марказий Осиё

худудларига силжиши табиий бир ҳол бўлиб қолди.⁵⁶

Умуман XVIII-XIX асрларда йприк давлатлар саноатни ривожлантириш, янги мустамлакаларни эгаллаш учун ҳаракат қилаётган бир даврда Россия ҳукумати бундай ҳаракатдан четда қолишни истамасдилар аябатта. Рус қўшинларининг ilk ҳужумлари даври 1864 йилда бошланди. Қўқон хонлигининг Авлиёота, Чимкент каби шаҳарлари босиб олинди. Тошкентга бўлган ҳужум даврида Фарғона водийси аҳолисидан бир печа минг киши хон қўшини сафига сафарбар қилинди. Қўқон хонлигини бўйсундириши учун русларга 12 йил вақт керак бўлди. Мана шу давр ичида Россия таркибига «иштиёрний қўшилган» халқдан минглаб одамлар ўлдирилди. Бу ҳақда босқинда қатнашганларнинг эсдаликларида ҳам ёзилган. «Дорга осилган одамларнинг типирчилаб турганида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим» деб ёзади. В. Верешчагин ўз кундаликларида⁵⁷.

Туркистонни мустамлакага айлантириши учун рус ҳукмдорлари барча ҳаракатларни қилдилар. Қўқон хонлигининг кўнлаб шаҳарлари қаторида Чуст шаҳри аҳолиси ҳам босқинчиларга тобе бўлишни хоҳламасди. Чуст ва Наманган шаҳарлари 1864 йилдан бошлаб 1874 йилнинг октябрига қадар ўз мустақилликларини сақлаб қолишди. Қурол-аслаҳанинг йўқлиги, ҳарбий тажриба камлиги туфайлигина руслардан енгиллишди. Чуст шаҳрига генерал Скобелев бошчилигида 3 рота, бир ярим юзликдан иборат отряд, 4 та тўп билан октябрь ойи ўрталарида юриш қилинди ва жанглардан сўнг 24 октябрь кўни чустликлар енгиллишди. 11 ноябрда «Чуст иши» ниҳоясига етказилди.⁵⁸

«Чуст иши» атамасининг вужудга келишида Пўлатхон ҳаракати бўлаётган бир вақтда водий халқининг ҳам Насриддинхон ва ҳам рус босқинчиларига қарши ҳаракатлари акс эттирилган. 1875 йилнинг октябрь ойида Чуст ва Наманган аҳли қўзғолонини бостириши учун ҳаракат бошлаган Скобелев генерал-майор унвонини олди. 23 октябрда Скобелев

56. Хидояттов Г. А. Менинг жолажон тарихим. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 й. 270-бет.

57. М. Ҳасаний. Туркистон босқини. Тошкент, Нур. 1992 й. 34-бет.

58. Ўша китоб. 34 бет.

ўз отряди билан Тўрақўрғонга ҳужум қилди ва қўзғолончиларини егиб Чуст шаҳрига юриш қилди.⁵⁹

Чуст шаҳри тўплардан ўққа тутилди ва бу ерда ҳам қўзғолон кўтарган маҳаллий аҳолидан шафқатсиз ўч олинди. 26 октябрь куни Скобелев отряди Наманганга қайтиб келиб 27 октябрда шаҳарини 16 та тўпдан ўққа тутди. Қўзғолончилар қаттиқ талофатга учраб, Балиқчи қишлоғига чекинишди.⁶⁰ Гарчанд қўзғолон кўтарган халқ мағлуб этилган бўлсада руслар ўзларини Чуст, Наманган ва Тўрақўрғон ҳудудларида эркин сезишмасди. Н. Петровскийнинг 1875 йил 24 ноябрда ёзган маълумотномасида бу ҳақда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

«... июль ойдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Қўқон хонлигида очиқ қўзғолон давом этаётир. Қўзғолончиларга рус қўшинлари томонидан бир неча бор қақшаткич зарба берилганга қарамай, қўзғолон тобора кенгроқ кўламда давом этмоқда. Бундан ташқари ерли аҳолининг русларга бўлган нафрати тобора кучайиб бормоқда. Туркистон ўлкасини эгаллаш бошланган вақтда аҳоли русларни ҳар ҳолда бунчалик нафрат билан кутиб олмаганди».⁶¹ Бу маълумотнинг ўзини Қўқон хонлиги ихтиёрини равишда Россия таркибига қўшиб олинди деган маълумотларининг нақадар сохта эканлигини исботлайди. Комил ишонч билан айтиши мумкинки, Марказий Осиё ҳудудлари Россия қўшинлари томонидан босиб олинган. Бу сиёсат XIX асрдаги ривожланган мамлакатлар: АҚШ, Англия, Франция мустамлакачилари ҳаракатига Россиянинг ўзига хос жавоби эди. Капиталистик тузум ривожланган бу давлатлар билан Россия рақобатлаша олмасди, дунёни қайта бўлиб олиш сиёсатига фаол қатнаша олмасди, лекин Англиянинг Афғонистонга ҳужуми рус ҳукмдорларини тезроқ ҳаракат қилиб Шарқдаги чегараларини мустаҳкамлашга мажбур қиларди. Қўқон, Бухоро ва Хива хонлиқларининг Россия томонидан босиб олингани худди шу сиёсат натижасидир.

Йиллар давомида бу тарихий ҳақиқатдан қўз юмишга, ўз анъаналаримиз, урф-одатларимизни унутишга, йиллар давомида фойдаланиб келган ёзувимиздан воз кечишга мажбур бўлдик. 1876 йилда Пўлатхон (Мула Исҳоқ) қўзғолони

59. М. Ҳасаний, «Туркистон босқини». Тошкент «Шур» 1992 й.

60. Ўзб. Респ. давлат ҳужжатгоҳи И-715 фонд. 1-рўйхат, 64-ҳуж. тўпа.

61. ЦГИА СССР ф-560, оп-21, дело-335, листы 1—10.

гор-мор қилинган руслар Қўқон хонлигини бекор қилиб, Фарғона вилоятини ташкил этишди ва уни Туркистон генерал-губернаторлиғи таркибига киритишди. Истилочилар бу мақсадларига эришмоқ йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтишмади. Гулдек ўлка вайрон этилди, юзлаб одамлар осилди, чошилди, отилди. Бу ёвузликлар рус тарихчилари М. Терентьев, К. Абезя, А. А. Макеев, А. Серебряников асарларида бир мунча ҳаққоний ёритилган. Улуғ рус ёзувчиси граф Л. Н. Толстой ҳам босқинчи подшо, Россиянинг шуҳратнараст генераллари, сарбозларининг Марказий Осиё ва Қозоғистонда олиб борган хунрезликларидан газабланган эди. 1874-1876 йиллардаги халқ ҳаракатига баҳо бериб К. П. Кауфман шундай хулосага келди: «Агар биз фақат Қўқон хони қўшини билан тўқнашганимизда эди, бизнинг экспедиция тезда ўз мақсадига эришган бўларди. Аммо бу кураш хон ва унинг қўшини билан эмас, балки халқ ҳаракатига қарши бўлди. Халқ ҳаракатини бостириш эса осонликча кечмади. Рус қўшинлари Урта Осиёда бунчалик қаттиқ қаршиликка дучор бўлмаганди. Бу уруш даврида хонларга қараганда халқ катта куч эканлигига амин бўлинди».⁶¹

«Рус амалдорлари Марказий Осиё ва Қозоғистон ерларини эғаллаш йўлида ҳеч қандай ваҳшийлик ва қотилликдан қайтишмаган. 1864 йилда рус зулмига қарши Еттисувдаги дунганлар қўзғолон кўтардилар. Лекин улар қириб ташланди, ҳаммаёқ қонга ботирилди»,⁶² деб ёзади рус тарихчиси М. Терентьев.

М. Д. Скобелев фикрича «ерли аҳолининг тўла-тўқис енгиллиги ва рус ҳокимлигининг ўриятилиши 1876 йилнинг охирларида амалга оширилди... Қўзғолон енгилди, аммо халқ тўла бўйсунмади».⁶³

Босқинчилар халқ қўзғолонини енгиб бўлишгач мустамлакачилик сиёсатини амалга ошира боришди. Серҳосна ерлар халқ тўлидан тортиб олина бошлади. Қўшлаб рус миллатига мансуб кишилар Қўқон хонлиги ҳудудларига кўчириб келинди. Эяка руслаштирида бошланишига илк кадамлар қўйилди.

Пахта, маъдан, рангли металл, қоракўл тери, пилла, мева маҳсулотлари, отлар, туялар қарвонларида Россияга ташиб кетила бошланди. Ўз мақсадига эришган рус бойлари арзон

61. *Саб. Давлат Марказий архиви И-715 ф. 1-рўйхат 67-иш 319, 323-6.*

62. *Саб. Давлат Марказий архиви И-715 ф. 1-д. 67 А. 3-бет.*

63. *Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. Тошкент, Нур. 35, 37-бет.*

хом ашёдан ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотиш эвазига янада бойиш бошланди. Россия марказий шаҳарларида тўқимачилик саноати янада ривожлантирилди. Бу эса хомашёни кўплаб келтирилишини тақозо қилди. Натижада эшак, туя карвонлари ўрнига темир йўл карвони юришини йўлга қўйиш учун руслар Туркистонда темир йўл қурилишини бошлаб юборишди. Темир йўл қурилиши 1881 йилда бошланди ва 1899 йилда Тошкентга етиб келди.

1906 йилда эса Оренбург-Тошкент темир йўли ишга тушди. Фарғона темир йўли 1912 йилда қуриб битказилди. Темир йўл ишга туширилгач Туркистон ерларининг бойликлари эшелонлаб таниб кетила бошланди. Маҳаллий халқ икки томонлама азобда қолди. Яъни биринчи томондан, рус амалдорлари, савдогар бойларнинг зулмлари ва иккинчи томондан маҳаллий амалдорлар, савдогарларнинг бебошликлари остида қолган халқнинг турмуши тобора ёмонлашди. Натижада Туркистон ўлкасида бир қатор халқ қўзғолонлари рўй бера бошлади.

Агар 1873-1876 йилги қўзғолон асосан Фарғона водийсидаги шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтган бўлса, кейинги қўзғолонлар стихияли равишда бутун Туркистонга ёйилди. 1892 йилдаги Тошкент қўзғолони, 1896 йилги вабо қўзғолони, 1898 йилги Андижон қўзғолонлари шулар мажмуидандир. 1905 йилда Россиядаги революция таъсирида Чуст, Наманган, Косон каби жойларда ҳам халқ ҳаракати бўлиб ўтди. Энг йирик қўзғолон 1916 йилги мардикорликка олишга қарши бўлди. Бу қўзғолонларнинг барчаси чор амалдорлари томонидан қонга ботирилиб бостирилди. Чор жаллодлари билан халқ тўқнашувлари натижасида қанчадан-қанча бегуноҳларнинг қони оқди, соддадил деҳқон, косиблар мажруҳ этилди, Сибирга сургун қилинди.

Туркистон ўлкасида рус мустамлакаси йилларида озми-кўпми саноат ривожланаётгани рус ишчиларининг кўчиб келишлари ва Россия марказий ҳудудларида социалистик ҳаракат аъзолари бўлган одамларнинг сургун қилинганликлари натижасида ерлик аҳолининг сиёсий оғида бир мунча ўзгаришлар вужудга келди. Рус ҳокимиятига, амалдорлар зулмига қарши ҳаракатлар авж олишига сабаб бўлди.

Бу хилдаги сиёсий ҳаракатлардан дастлабкиси Чуст

худудда 1905 йилга тааллуқлидир. 1905 йилнинг баҳорида деҳқонларнинг ғалаёвлари Наманган уездининг бир қатор жойларида кескин тус олди. Бундай ғалаёвлар Тергачи, Интиқўрган, Бонин, Олмос қишлоқларида бўлиб ўтди. Олмос деҳқонларининг Чустга қараб юришларида пристав уларнинг йўлини тўсиб, икки бор ўқ узган. Аммо халқни қайтариб бўлмади. Натижада ҳаракат раҳнамоларидан 5 киши қамоққа олинди.⁶⁴

Бундай ҳаракатлар маҳаллий аҳолининг мустамлакачилик зулми ва адолатсизликка қарши норозилиги кучайишига ҳамда сиёсий онгининг ўсиб боришига сабаб бўларди. Демак, XIX асрнинг охириларига келиб Россия Қўқон хонлиги худудларини ўз мустамлакасига айлантирди. Бу худудда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Ўлканинг сиёсий-маъмурий тузилиши мустамлакачилик ва ерли аҳолини миллий жиҳатдан эзишга асосланган эди. Генерал—губернаторлик подшо Россиясининг ҳарбий феодал бўйинтуруғи бўлиб, унинг асорати остида халқлар зўрлик билан бирлаштирилди. Россия маъмурлари туб аҳолига нисбатан камситувчанлик сиёсатини олиб борди, ўлкани бойлик орттириш манбаи деб билди. Юртимизнинг иқтисодий тараққиётига, замонавий саноатини ривожланишига зид йўлдан борди, яъни ўлкада оз ҳаражат қилиб, кўн фойда-даромад келтирадиган енгил корхоналарни қуришга асосий диққатни қаратди. Чор маъмурлари минглаб рус онлаларини Марказий Осиёга кўчириб келди. Маҳаллий деҳқонларнинг серунум ерлари уларга олиб берилди.

1886 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги низоми Россия ҳукумати томонидан тасдиқланди. Бу ҳужжат Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини ва хусусан, аграр сиёсатини қонун тариқасида мустаҳкамлади,

64. *Ўзбекистон тарихи. II-том. 1971 й. Тошкент, 241-бет.*

III БОБ ЧУСТ УЕЗДИДА ИЖТИМОИИ, ИҚТИСОДИИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Россия томонидан Қўқон хонлиги ҳудудлари босиб олин-
гач, ўлкада бир қатор ўзгаришлар рўй бера бошлади. Булар
бошқарув тизимида, солиқлар мажмуида, ички-ташқи сиёсат-
ларда ўз инъикосини топди. Расман Қўқон хони ўз ҳокимия-
тини сақлаб қолган бўлсада, аслида у рус подшосига қарам
(вассал) эди ва унинг буйруқ кўрсатмаларига амал қилиш-
га мажбур эди. Худоёрхон ҳам, Насриддинхон ҳам шу тарзда
ҳукмронлик қилишди.

1873-76 йиллардаги қўзғолон енгилгач, подшо Александр
II фармонига биноан 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги
бескор қилинди. Унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил қи-
линиб уездлар ва бўлис (волость) ларга бўлинди. Подшо
фармонида қуйидагилар баён этилганди:

«—Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг
ахборотига биноан жорий йил февраль ойининг 19-кунидан
бошлаб...

1. Рус қўшинлари томонидан забт этилган, 1875 йилга
қадар, Қўқон хонлигини ташкил этган ҳудудлар империя тар-
кибига киритилсин ва ушбу ҳудуд Фарғона вилояти деб юри-
тилсин». ⁶⁵

1876 йилдан бошлаб Фарғона вилоятида бир неча уездлар
ташкил топди. Қўқон, Наманган, Чуст⁶⁶ ва бошқалар 1876
йилнинг 3 апрелида Туркистон ҳарбий округи Генерал-гу-
бернатори фармонига биноан ташкил этилди. Чуст уезди
бир неча бўлис ва қишлоқ жамоаларини бирлаштирди. Чуст
уездининг таркиби қуйидагича эди:

1. **ЧУСТ БУЛИСИ** (волость) — Хон мачит, Мавлоно, Кун-
чиқар қишлоқ жамоалари билан;
2. Хисорак қишлоқ жамоаси — Хисорак, Дуоба, Садача ва
Саримсоқтепа маҳаллалари билан;
3. Ёркишлоқ қишлоқ жамоаси — Ёркишлоқ, Тепақўрғон,
Шўркент ва Шўрақўрғон қишлоқларин билан:

II. ОЛМОС БУЛИСИ.

1. Ахча қишлоқ жамоаси — Ахча, Звутқон қишлоқлари билан,

65. Ўзбекистон Респ. Давлат архиви. II-715-ф 1 р. 66 д. 371 б.

66. Ўзб. Респ. Давлат архиви. II-19. ф. 1 р. 10 д.

2. Қанап (Қарноп қ/ж), 3. Юқори Олмос қишлоқ жамоаси — Қора тепа, (Тоймас) ва Олмоснинг бир қисми, 4. Қуйи Олмос қишлоқ жамоаси — Олмоснинг II қисми, Сарак (Серяки). 5. Гова қиш.ж. — Гова Қўрғонча, Суанкуль (Сувоқул), Тошқўчган, Сангбўрон.
6. Оғасарой қ/ж — Оғасарой, Мирзавот билан (Мирзаобод).
7. Тошқўрғон қ/ж — Тошқўрғон Машҳад билан.

III. ТУРАҚУРҒОН БУЛИСИ.

Ўртепа, Аргин, Сайрам, Ахси, Қўқимбой қишлоқ жамоалари билан.

IV. АШТ БУЛИСИ.

Х. Оқжар, Қуйи Ашт, Юқори Ашт, Ошоба, Гудос ва Пуник қишлоқ жамоалари.

V. БОЁСТОН БУЛИСИ.

Х. Ола Бўқа, Жаноқ, Оққўрғон, Боёстон, Урюктин-Қизил Тўқай, Қуюкман, Урюкта, Оқтерак, Гунг қишлоқлари билан бўлган қ/ж.

VI. БОБОДАРХОН БУЛИСИ.

Қамишқўрғон, Шайдон, Пағоз (Папғоз) ва Мулломир қ/ж.

VII. ВАРЗИК БУЛИСИ.

Боймоқ, қ/ж-Боймоқ, Шоён, Дам, Шўрбулоқ, Чустнон билан, Қорақўрғон, Варзигон билан, Варзик, Қаркидон қ/ж.

VIII. КОСОН БУЛИСИ.

Юқори Қосон, Қора сув, Хитойсой, Қуйи Қосон қ/ж.

IX. ҚУТЛУҒ САИД БУЛИСИ.

Сумсор, Ўртатўқай, Кўксарак, Шокафтар, қ/ж. Кўк сарак овул жамоаси. — Гова, Бештош, Мозор, Араб, Кўктош қишлоқлари билан.

X. ПОП БУЛИСИ

Санг, Санг ва Тўда, Поп, Уйғур, Хўжаобод қ/ж.

XI. ТЕРГАЧИ БУЛИСИ.

Тагижар, Чиндавул, Тергачи ва Куйик мозор қ/ж.

XII. ЧОДАК БУЛИСИ.

Гурумсарой, Пунгон, Тепақўрғон, Қуйи Чодак, Хонобод, Чоркесар қ/ж.

XIII. АХСИ-ШАҲАНД БУЛИСИ.

Ахси, Бураматут, Лангарбобо, Мозориқўхна, Найманча, Борборбоши, Қалвак ва Қатагон қ/ж.⁶⁷

67, *Ўзб. Респ. давлат архиви. 19-ф. 1-р. 2919-д, 22, 28-бет.*

Ушбу рўйхат Туркистон улкаси давлат палатаси томонидан тасдиқланган. Келтирилган рўйхатдан маълум бўладики, Чуст катта худуднинг маркази сифатида катта мавқега эга бўлган.

Бу даврда, яъни 1876-1900 йилларда Чуст уезди ҳудудида 9 та мадраса ёшларга таълим-тарбия берган. Шаҳар ичидан эса 2 та мадраса мавжуд бўлиб,⁶⁸ улар «Ҳазрати Мавлоно» ва «Мулла Муҳаммад Юсуф Халифа» мадрасалари⁶⁹ деб аталган. Шаҳарда 84 та масжид бўлиб ҳар бир масжиднинг ўз мактаби бўлган. Бу мактабларда турли ёшдаги болалар таълим олишган. (7 ёшдан 14 ёшгача). Мактабда муваффақиятли ўқиган ўқувчилар мадрасаларда ўқишни давом эттиришган. Ўқиш учун бериладиган ҳақ турли миқдорда бўлган, яъни ҳар бир ўқувчининг ота-онаси ижтимоий аҳволига кўра ҳақ тўлаган. «Ҳазрати Мавлоно» мадрасасида бош мударрис ва иккинчи мударрис мансаблари мавжуд эканлигини ҳисобга олсак бу мадраса анча катта бўлганлигини фараз қилиш мумкин. Мактабларда ўқиш, ёзиш, қироат, диний таълим ва абжад ўргатилган. Ўқиш форс-тожик ва араб тилларида олиб борилган. Чуст шаҳрида ва уездеда XIX асрнинг 70-80 йилларида почта хизматини йўлга қўйиш учун 1 та от алмаштириш бекати қурилган бўлиб, бу бекатда 10 тагача алмаштирилувчи отлар бўлган. Қўқон, Наманган, Марғилон уездлари билан ёзишмалар олиб борилган. 1885 йилда почта 285 сўмлик алоқа хизмати кўрсатган. Таркибида 1 та бекат назоратчиси, 1 та почта яшиги ва 9 та от бўлган⁷⁰.

Чуст шаҳрида 2 та бозор бўлиб 1 таси деҳқон, ҳунармандлар учун маҳсулот сотиш ва олиш учун хизмат қилган бўлса, иккинчиси ҳашак, ўтин ва мол бозори ҳисобланарди. Ушбу бозорлар асосан жума куни фаолият кўрсатган.

68. Ўзб. Респ. дав. архиви. 19-ф. 1-р. 1486-д. 1-10—варақ.

69. Ўзб. Респ. дав. архиви 19-ф. 1-р. 1577-д.

70. Ўзб. Респ. дав. архиви. 19-ф. 1-р. 1458-д. 521-в.

Чуст уездининг маъмурий ҳудудида яшовчи аҳоли турлича бўлган. Қуйидаги жадвалдан ўқувчи бир хулосага келиши мумкин.

ЧУСТ УЕЗДИНИНГ МАЪМУРИЯ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИСИ*

1—жадвал.

Аҳоли яшайдиган	хўжа-лик	қибит-ка бос тирма лар	яшов. маъл. Руслар		Сартлар		жамм кат-ар		Болалар		
			катталар	болалар	катталар	какталар	эр	аёл	эр	аёл	
											эр
1. Чуст шаҳрида	2116	—	4	2	4	2799	2241	3008	2459	1536	1465
2. Волостда						283	256	473	429	256	184
3. Чуст	350	17	—	—	—	2696	2268	3047	2595	1593	1364
4. Олмос	2139	14	—	—	—	1862	1550	2628	2126	1343	1184
5. Ашт	1907	337	—	—	—	640	555	2584	1948	1463	1030
6. Бободархон	1702	175	1	—	—	1139	864	2398	1894	1223	981
7. Варзик	1615	119	—	—	—	728	422	1959	1693	1173	895
8. Боястон	573	1130	1	—	—	3051	2623	3095	2660	1427	1422
9. Поп	2281	14	1	2	2	3681	3124	3858	3285	1851	1740
10. Ахси—Шаҳанд	2946	—	—	—	—	1548	1125	3014	2390	2470	1172
11. Чодак	1684	483	1	1	1	2617	2125	3043	2531	1520	1360
12. Косонсой	2326	96	—	—	—	950	720	1553	1253	786	666
13. Тергачи	1088	—	—	—	—	2533	2113	3004	2514	1491	1351
14. Тўрақўргон	2163	41	3	—	—	—	—	1992	1398	994	721
15. Қутлуф Саид		1304	1	—	—	11	9	614	479	268	265
16. Чотқол волости		431	1	—	—	—	—	—	—	—	—
жами:	21990	4161				9999		36273	29640	18284	15803

71. Ўзб. Респ. баълоғ архиви. 19 ф. 1-р. 1458-дело.

Чуст шаҳри Чуст уездининг маркази бўлган бир вақтда шаҳарда турли ташкилот ва хизмат корхоналари мавжуд бўлган. Масалан, Миршаблар маҳкамаси, Қамоқхона, Суд идораси, Қозихона, Пристав ва бошқалар, 1885 йилда аҳоли қўлида қуйидаги миқдорда уй ҳайвонлари мавжуд бўлган:⁷²

2—жадвал.

номлари	туя	от	эшак	сигир	хўкиз	эчки	қўй	Изоҳ:
Шаҳар	13	599	345	490	246	408	81	
уездда	588	13579	1752	10038	5196	74095	30598	
жами	601	14178	2097	10528	5442	74503	30687	

Айни шу вақтда шаҳарда пахта заводлари, чўян қуйиш ва ёғ заводлари ҳамда пиллакашлик корхонаси ҳам мавжуд бўлиб унда усталар, хизматкорлар ва ишчилар меҳнат қилишарди. Меҳнат учун ҳақ кунлик ёки ойлик иш учун бериларди. Қуйида Чуст уезида ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисида маълумот берилди:⁷³

3—жадвал.

номлари	Фабрика ва завод	Усталар кунлик	Қароллар		Хизматкор.	
			йил	кун	йил	ой.
Чуст шаҳри	пахта, чўян қуйиш ва ёғ.	0,10 сўм	30 сўм	20 тийин	39 сўм	3 сўм
Уезд	Пиллакашлик	0,15 сўм	40 сўм	30 тийин	70 сўм	7 сўм

4 жадвалда эса Фарғона вилоятида гўшт ва гўшт маҳсулотлари учун 1885 йил ҳолатига ўрнатилган нархлар билан ташишган ўқувчи ўша давр иш ҳақи ва харид нархлари билан таъиниши учун маълумот берилди.

72. Ўзб. Респ. давлат архиви. 19-ф. 1 п. 1359 д.

73. —»— —»—»— 19-ф. 1 п. 1458 д.

Гўшт маҳсулотлари учун нархлар.⁷⁴

Мол гўшти	суяксиз, лаҳм	I қадоғи ⁷⁵	9 тийин
	қовурға	I қадоғи	7 тийин
	бўйин гўшти	I қадоғи	6 тийин
Мол ёғи	бўйрак	I «—»	16 тийин
	аралаш	I «—»	14 тийин
Қўй гўшти		I «—»	12 тийин
Эчки гўшти		I «—»	9 тийин
Қўй ёғи	чарви	I «—»	20 тийин
Қўй ёғи	қўйруқ	I «—»	24 тийин

Чуст шаҳри ва уездида ишлаб чиқилган маҳсулотлар турли мато, тамаки, кишмиш, ўрик, жун ва бошқалар Тошкент, Қўқон, Авлиёота ва ҳатто бошқа шаҳарларга олиб бориб сотилган. Шунингдек, шаҳримизга бошқа жойлардан қанд, чит, чой, бўёқ каби маҳсулотлар олиб келинган. Қўйдаги жадваллардан бу сўзимизнинг исботини топиш мумкин. Чуст уезидан олиб кетилган маҳсулотлар:

Тошкентга — 87 арава, 55 отда — мато, — 328 тўп ёки 25 минг 95 сўмлик. Тамаки — 48 той, 254 сўмлик, кишмиш — 32 пуд 30 сўмдан. Ўрик 512 пуд, жун 15 пуд, чарм 30 пуд.

Қўқонга — 15 та аравада тамаки, 480 пуд.

Авлиёотага — 40 та отда мато 321 пуд.

Хўжандга — 1 та аравада 32 пуд тамаки олиб кетилди.

Чустга эса қўйдаги моллар олиб келинган: Қўқондан 5 арава, 12 отда чит 156 пуд, чой 30 пуд, қанд 22 пуд, Сангдон 32 пуд, Тоғ пистаси 26 пуд.

Тошкентдан 3 та отда чит 16 пуд ва Авлиёотадан 10 та отда 100 пуд наमत келтирилган. Шунингдек Намангандан 2 та аравада 55 пуд чит ва рўмол келган.⁷⁶

Бу маҳсулотларнинг олиб келинганлиги бир бирига солиштирилса 130 пуд маҳсулот олиб келинган ва 5128 пуд маҳсулот олиб кетилгани аниқ бўлади. Юқорида кўрсатилган

74. Ўзб. респ. давлат архиви. 19-ф. 1-р. 22919 д.

75. Қадоқ—огирлик ўлчови, 440-гр. пуд-16 кг.

76. Ўзб. респ. давлат архиви 19-ф. 1-р. 22919. д.

келтирилган ва олиб кетилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумот 1 ойлик миқдорни ташкил этади. Булардан ташқари чуствлик ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари хорижий мамлакатларга юборилиб турилган, савдогарлар томонидан карвонларда олиб кетилган.

Албатта бу даврда деҳқонлар ҳам ўз юмушларини маромига етказиб адо этишган. Улар олинадиган даромдларидан ҳазинага турли солиқларни тўлашган. Баъзан ҳукумат кам миқдорда бўлсада деҳқонларга мурувват қилган. Маълумотларга қараганда 1884 йили Олмос бўлисида апрель ойининг иккинчи ярмида кучли ёмғир ёғиб, сел келган. Сел Юқори Олмос қишлоғида 70 таноб, Қуйи Олмосда 207,5 таноб ва Тошқўрғонда 51 таноб экин майдонини ювиб кетган. Бўлис оқсоқоли сел натижасида қўрилган 1748 сўм 28 тийинлик зарар ҳақида уезд ҳокими Арванитакига хабар қилган. Арванитаки эса ўз навбатида Фарғона вилояти ҳокимига бу хабарни етказган. Натижада вилоят ҳокими маҳсус қарор чиқариб зарар кўрган хўжаликларни жорий йил солиқ-тўловларидан озод қилган.

1885 йил 12 март куни Чуст уездида ҳарорат 30 даража иссиқ бўлган, 13-дан 14-га ўтар кечаси эса пастлаб-3 даражага тушиб кетган. Бунинг натижасида уезд ҳудудидаги мева дарахтлари зарарланган. Урикнинг 46 фоизи шафтолининг-28 фоизи, олманинг- 10 фоизи ва бодомнинг 3 фоизи ҳосили побуд бўлган. Бу ҳолда ҳам маълум миқдордаги хўжаликларни солиқдан озод этиш ҳақида вилоят ҳокими қарор қабул қилган.⁷⁷

XIX асрнинг охирларига келиб Чуст шаҳрида фаолият кўрсатаётган пахта заводлари 5 тага етди. Улардан ташқари 3 та чўян қуйиш ва битта ёғ заводи ҳам бор эди. Бу заводларнинг барчаси бойларга қарашли эди. Пахта заводлари кейинчалик «Беш бош» уюшмаси таркибига киритилди. «Беш бош» уюшмаси пахта тозалаш ва пахта мойи ишлаб чиқариш саноатида ҳукмронлик қилган акционерлик жамияти бўлиб, 1914 йилда ташкил этилган. Пахтани сотиб олиш ва пахта тозалаш, ёғ заводлари қуриш билан шуғулланган. «Беш бош» да 5 та пахта фирмаси — Вл. Алексеев, «Бр. Шлоссберг», «Московское торгово-промышленное товарищество», «Форс»

77. Ўзб. Респ. давлат архиви. 19-ф. 1-рўй., 23412-дело.

ва «Большая Ярославская мануфактура»лар мавжуд эди. Унга 39 та пахта тозалаш, 5 та пахта ёғи ишлаб чиқариш заводлари қараган. «Беш бош» Россиянинг «Саломас» синдикати аъзоси, Рус-Осиё банки ҳиссадори бўлган. 1918 йил март ойида «Беш бош»нинг барча корхона ва мол-мулклари миллийлаштирилган.⁷⁸

Яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш жонз деб ҳисоблаймиз. Чор ҳукумати пахтадан даромад олишни кўпайтириш мақсадида турли ҳаракатларни амалга оширарди. Худди шунингдек пахтачиликни ривожлаштиришга ҳам катта эътибор бериларди. 1879 йилда Россия ҳукумати пахта толасининг навиини яхшилаш учун Америкадан «Упланде» навли пахта уруғини сотиб олади. Чуст уездининг ҳокими Арванитакни бу уруғдан 28 фунтини шаҳримизга олиб келиб, деҳқонларга эктирарди. Пахта уруғи 7 таноб ерга 28 март куни экилади. Ўша йили уездда сув тапқислиги юз беради. Синов майдонидаги ғўзалар сувсиз қолмаслиги учун ҳоким ғўзаларга сувни араваларда ташиттиради. Пахта яхши ривожланиб, август ойи охирларида очилади. 20 сентябргача пахта уч марта териб олинади. 7 таноб ердан 127 пуд, ёки 2032 килограмли ҳосил олинди. 1880 йилда экилган «Упланде» пахтасидан 240 пуд. 1881 йилда 500 пуд. ҳосил олинди. 1884 йилга келиб деҳқонларга 32000 килограмли янги нав уруғлари тарқатилди. Ўша даврда 1 пуд. пахтанинг нархи 1 сўм 40 тийин бўлган.

1900 йилга келиб Чуст уезди территориясида 15000 десятина* ерга чигит экилди ва 50000 пудга яқин ҳосил олинди. Шу даврда шаҳарнинг ичида 15 дан ортиқ сув тегирмонлари бор бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатарди. Тегирмонлар билан бир қаторда обжувоз, мойжувозлар ҳам гурунч ва ёғни аҳолига етказиб турарди.

XIX аср давомида асосий транспорт воситаси аравалар бўлиб, юк ташишда ҳам, одамлар ташишда ҳам қўлланилган. Аравалар камлиги туфайли, кўпчилик йўловчиларда маблағ камлиги сабабли аҳоли ён атрофдаги бозорларга пиёда бориб келарди. Ҳозирги кунда Чуст-Ахси қишлоғи оралигидаги автомобил йўли қадимдан Дастар қози даштлиги номи билан юритилган пиёдалар йўли замирида қурилган. XIX

78. «Тошкент» Энциклопедия. 1992 йил. 66-бет.

* Десятина — 10 сўтик (гектарнинг ўндан бир улуши).

охирларига келиб шаҳарда биринчи «прогон» аравалар, файтуи ва извошлар пайдо бўлди. Файтуилар асосан қўш отли бўлган. Файтуилар келиши билан баъзи бир аравакашлар унга ишга ўтишди. Шунинг учун улардан кўпчилигини отларига «прогон», «файтунчи», «карвон» каби сўзларни қўшиш одат тусига кирди. Шаҳарнинг ўша даврдаги ва ҳозирги қиёфасини солиштириш жуда мушкул. Бу фарқни тасаввур қилиш учун одам мисли бир хаёлпараст бўлмоғи даркор. Тор, эгри-бугри кўчалар, қишда лой, ёзда тизза бўйи тупроқ. Икки арава рўпара келса ажралиб кетиш машаққатлари ўтиб тушарди. Ҳар бир кўча, маҳаллада иччи учун ишлатиладиган сув ҳовузлари бўлиб, улар сув камчил вақтда аҳоли жонига ора кирарди. Баъзи бир хонадонларда эса қудуқлар бор эди. Улардан қўни-қўшнилар ҳам фойдаланишарди. Ҳовузлар, ариқлар тез-тез ҳашар йўли билан тозаланиб туриларди. Сувга аҳлат тўкиш, сув йўлини тўсиш, сув устига, яқинига турли ёрдамчи бинолар (молхона, хожат-хона каби) қуриш қатъий ман этилган бўлиб, бу қоидаларни бузганлар қаттиқ жазоланар эдилар.

Ҳозирги кунларимизда эса сув ҳавзалари жуда ҳам аянчли аҳволга тушиб қолди. Ҳаёт манбаи сувни исроф қилиш, ундан ёвузларча фойдаланиш оддий бир холга айланиб қолди. Ариқлар тозаланиш ўрнига тобора торайиб, йўқолиб бормоқда.

Чуст шаҳри ва уезднинг тарихига назар солсак, шаҳар ХХ аср бошларида уезд маркази эмас, балки уездга бўйсунмайдиган шаҳарга айланганини эътироф этамиз. Шунинг билан бир қаторда Чуст шаҳрининг 1901 йил январь ҳолатига бўлган қирим-чиқимлари жадвалини кўриб чиқамиз:

5—жадвал

№	Даромад турлари	тушум миқдори
1	2	3
1.	Кўчмас мулк солиғи	2517 сўм. т.
2.	Савдо, ҳунармандчилик билан шуғулланиш рухсатномалари учун солиқ	297 сўм 30 т.
3.	Извошчилардан олинадиган солиқ	48 сўм.
4.	Нотариал йиғим	—
5.	Шаҳар тарозиси ва кўчмас мулкдан	1980 сўм 33 т.

6. Турли буюмлар ва ер сотишдан	132 сўм.
7. Касалхона ва дорихонадан	428 сўм 26 т.
8. Жарима ва пенялар	—
9. Утган йиллар боқимандаси	7 сўм.
10. Капитал учун қўшимча фонзлар	4 сўм.
11. Турли даромадлар	—
ЖАМИ ДАРОМАД:	5414 сўм 47 т.
Оборот киримлари	13 сўм 20 т.
1899 йилги қолдиқ	5830 сўм.
ЖАМИ ХАЗИНА КИРИМИ:	11267 сўм 67 т.

6—жадвал

№	Чиқим турлари	Миқдори
1.	Бошқарма ходимлари маоши ва устама мукофот	480 сўм
2.	Полиция маҳкамасига	2447 сўм 58 т.
3.	Ободончиликка	150 сўм
4.	Шаҳарда янги бинолар қуришга	—
5.	Кўча ва майдонни ёритишга	275 сўм 30 т.
6.	Ирригацион қурилмаларга	120 сўм
7.	Биноларни таъмирлаш учун	
8.	Халқ таълими учун	
9.	Касалхона ва дорилар учун	1492 сўм 42 т.
10.	Турли ҳаражатлар	101 сўм 33 т.
11.	ЖАМИ	5068 сўм 63 т.
	Оборот чиқими	122 сўм
	Умумий касса чиқими	5190 сўм 63 т.
	1901 йил январига нақд пул қолдиғи	6077 сўм 04 т.

1901 йилда Чуст шаҳрида бир қатор мактаблар мавжуд бўлиб уларда ҳам қизлар ва ҳам ўғил болалар алоҳида-алоҳида таълим олишган. Қуйидаги жадвалда Чустдаги мактаблар, ўқитувчи ва ўқувчилар сони ҳақида маълумотлар берилди.

№	Кўрсаткичлар номи	сони
1.	Эркаклар мактаби	16
2.	Ўқувчилар	176
3.	Ўқитувчилар	16
4.	Аёллар мактаби	11
5.	Ўқувчилар	97
6.	Ўқитувчилар	11
7.	Мадрасалар (туманда)	7
8.	Мударрислар	8
9.	Талабалар	120
10.	Йиллик вақф даромади	2840 сўм
11.	Қори хоналар	9
12.	Ўргатувчи қорилар	9
13.	Ўқувчилар	39
14.	Вақф ерларидан олинган дондан даромад	715 сўм.
15.	Далонлхона	йўқ

Бу маълумотдан кўришиб турибдики кўп вақтлар таъкидланиб келганидек Ўзбекистон халқлари ёппасига саводсиз бўлмаганлар, озми-кўпми мактабларда таълим олганлар. Мана шу йилларда Чуст шаҳрида 84 та масжид бўлган, бу масжидларнинг вақфларидан тушадиган даромад 3202 сўмни ташкил этган. Шаҳарда 6 та мазор бўлиб, уларнинг шайхлари тўққиз киши бўлган ва вақф даромадлари 1190 сўмни ташкил этган. Чуст шаҳрининг аҳолиси сони ҳам секин аста-оша бошлаган. Агар 1898 йилда 16640 киши шаҳарда истиқомат қилишган бўлса, 1900 йилда аҳоли сони 17603 кишига етди.⁷⁹

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики Чуст шаҳрида мактаблар мавжуд бўлган, лекин улар Чор ҳукумати томонидан маблағ билан таъминланмаган. Юқорида берилган жадвалдан кўришиб турибдики нафақат халқ таълимига, балки ободончилик, бинолар қурилиши, таъмирланиши учун ҳам ҳукумат ҳеч қандай маблағ ажратмаган. Чуст уездига

79. ЧУСТ ДАВЛАТ АРХИВИ. 222-ф., 1-р., 18-д., 119, 123 б.

қарашли бўлиш ва қишлоқларга ҳам марказий бошқарув аппарати томонидан ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Бу бўлишлар ўз-ўзини таъминлаши ва хазинага турли солиқларни тўлаши лозим эди.

1900-1917 йиллар мобайнида Чуст ва унинг атрофидаги қишлоқларда ҳам Россия империясининг бошқа ўлкаларида юз бераётган воқеалар таъсирида ўзига хос ўзгаришлар рўй бера бошлади. Россия империясининг ҳукмрон доираси революцион ҳаракатларни сусайтириш мақсаднда кўплаб большевикларни Марказий Осиё ҳудудларига бадарга (сурғун) қила бошлади. Большевиклик гоёлар шу тарзда бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келди. Чуст шаҳрида катта завод, фабрикалар бўлмаса ҳам, мавжуд 5 та кичик пахта тозалаш, ёғ заводлари ишчилари ўртасида инқилобий гоёлар уруғи сочила бошланди.

1905-1907 йилги рус революциясининг учқунлари Чустга ҳам етиб келди. 1905 йилда Қўқонда РСДРП тўғараги тузилди. Қўқондаги бу тўғарак ҳам шаҳарнинг ўзида ва ҳамда ён атрофдаги катта-кичик аҳоли яшаш жойларида фаол равишда тарғибот ташвиқот ишларини олиб борди. Рус-тузем мактаблари ва овруноликларнинг маҳаллий аҳоли билан мулоқотлари туфайли ерли аҳоли тилига рус сўзлари кириб кела бошлади. 1892 йилда ўзбеклар 113 та рус тилидаги сўзларни ўз нутқларида ишлатишарди, рус тилида эса 112 та ўзбекча сўз ишлатиларди.⁸⁰ 1905 йилга келиб эса бундай сўзлар ҳар икки тилда ҳам анча кўпайди. Россиядаги воқеалар туфайли Чустдаги пахта заводларида ҳам сиёсий талаблар билан ишчилар чқишлари рўй берди. 8 ссатлик иш вақти ўрнатиш, иш ҳақини ошириш, иш жойларида тартиб ўрнатиш, тиббий муолажаларни йўлга қўйиш ҳақида талаблар ўртага қўйилди. Олмос қишлоғи деҳқонлари Наманган шаҳрига норозилик намойиши ўтказиш учун боришга ҳаракат қилишди.

1912 йилнинг 1 июлида Тошкентда бўлиб ўтган сапёрлар қўзғолони ўлкада революцион ҳаракатнинг янада авж олишига янги туртки бўлди. Туркистонда социал-демократларнинг фаоллашуви рўй берди. Тошкентнинг ўзидагина учта катта социал-демократик гуруҳ ташкил топди. Худди шундай гуруҳлар Қўқон, Самарқанд, Туркистон ва Косонда

80. *Русский язык и литература в узбекской школе. 1972 г. № 2 с. 86-88*

ҳам фаолият кўрсата бошлади. Гуруҳлар фаолияти туфайли жойларда ишчиларнинг чиқишлари авж ола бошлади. 1913 йилнинг охирларига келиб Тошкент, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида темир йўл ишчилари ва қурувчиларининг иш ташлашлари содир бўлди.

1914 йилда бошланган биринчи жаҳон урушида Россиянинг иқтисодий ресурслари тугаши, шунингдек, унинг таиғ аҳволи Туркистон ўлкасидаги талон-торожни янада кучайтирилишига олиб келди. Туркистондан озиқ-овқат, ем, ёқилғи, пахта ёғи, совун, гўшт, вино ва мева олиб кетиш авж олди. Булардан ташқари туя, от, арава ва ўтовлар ҳам фронтга олиб кетила бошланди. Бу ўринда маълумотларга мурожаат этайлик: «—Туркистонда йиғиладиган ер солиғи 1914 йилдагидан икки баробарга ортди. Ҳунармандлардан олинadиган солиқ 1140676 сўмдан 2839240 сўмга етиб борди. Аҳолидан турли йиғим ва «иона»лар тўллаш одат тусига кирди»—деб ёзилади «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» дарслигида. 1916 йилда Наманган уезди аҳолисидан мажбурий равишда 3360 от, 119640 сўм пул, Скобелев (Фарғона) аҳлидан, 4325 от, 200 ўтов, 178656 сўм пул йиғиб олинган.⁸¹

Расмий маълумотларга қараганда 1914-1916 йилларда Туркистон ўлкаси ҳалқидан «уруш эҳтиёжлари учун» 70 минг от, 13441 ўтов, 30 минг метр намат (кигиз), 300 минг тонна гўшт, уч миллион пуд пахта ёғи, 12 минг туя ва бошқалар мусодара этилганди.⁸²

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Россия олиб бораётган уруш Туркистон ўлкасида ҳам ҳаётни издан чиқарди. Шу билан бир вақтда у минглаб одамларнинг кўзини ҳам очди. 1914-1916 йиллар мобайнида кўмир конлари ишчилари (Сулукта), темир йўлчилар (Еттисув, Тошкент, Қизил Арват) ва бошқалар кўтарган иш ташлаш, стачка ҳаракатлари фикримизни исботлайди.

Бу даврда бизнинг юртимизда жадидлик ҳаракати ҳам анча фаоллашди. Жадидлар орасида кўплаб илғор маҳаллий зиёлилар, шоирлар бор бўлиб, улар оммани маърифатли қилиш ва реакцион тузумга қарши курашга сафарбар этиш

81. III. Каримов ва бошқалар. *Ўзб. тарихи ва маданияти. Тошкент. 1992 й. 146 б.*

82. *Уша китоб. 147-бет.*

йўлида анчагина саъй-ҳаракат қилишди. Халқ орасидан ет-пиш чикқан ёрқин истеъдод соҳиблари Ҳамза, Абдулло Со-лиҳ (Завқий), Абдулло Авлоний, Аваз Утар, Абдулло Ала-вий, Сўфизода кабилар меҳнаткашларнинг олгини чархлаш, инқилобий фаоллигини оширишда катта ишларни олиб бор-дилар. Муҳаммадшариф Сўфизода ўзининг «Эй, Чуст» ном-ли шеърида замона қийинчилликлари, меҳнаткаш аҳлига со-лиқлаётган янги солиқларнинг кўпайиши, турмушнинг янада оғирлашувини шундай тасвирлаган:

«... Боғингда экилди узумнинг ўринга пахта,
Ҳоло яна шукр, элдаги гилосларнинг бор.
Ҳар «товламачи» егинда бедоналарнинг кўп,
Дастмоеси йўқ косибни карбосларнинг бор.

Пешонасига қарс уриб дод дегани эл,
Эскигина ҳаммому пучуқ тосларнинг бор.

Бир камбағалу бўйин синиқ, ўглига чандон,
«Ур-ур» яна «кес-кес» яна «ос-ос»ларнинг бор.

Эй, Чуст, не ажаб носкашу носларнинг бор,
Кўртилки, ҳасени, неча ифлосларнинг бор.»

ски:

Нархнин қиммат қилинг дерлар саноат молини,
Орттириш лозим эмиш ҳар бир солиқ амсолени.⁸⁷

Жаҳон уруши жабҳаларида азоб чекаётган аскарлар, фронт орқасида оғир меҳнат асоратида қолганлар, деҳқон-лар оммаси бундайини разолатли урушга қарши бош кўтара бошладилар. Бундай ҳаракатлар Россия империясининг кўп-гина жойларида забастовка, стачка, намоёншлар тарзида рўй бера бошлади.

1916 йилнинг 25 июнида чиқарилган «Империядаги гай-ри миллат аҳолининг эркакларини ҳаракатдаги армия тур-ган районларда мудофаа нишоотлари ва ҳарбий алоқа йўл-лари қуриш ишларига жалб қилиш тўғрисидаги» подшо Ни-колай II фармони қизиб турган ёққа сув сепиш бўлди. Бу фармон асосида Марказий Осиё халқлари мардикорчиликка олини бошлаши бутун ҳудудда норозилик ҳаракати кучайи-шига олиб келди. Боз устига маҳаллий амалдорларнинг пора-шанига фақат камбағал оилалар фарзандларини рўйхатга

87. «Шарқ надули». 1991 й. 3-сон.

олишлари одамларнинг сабр касасини тўлдириб юборди. Чунки фармонга биноан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркеклар қурилиш ишларига сафарбар этилмоқлари лозим эди. Шаҳар ва қишлоқда яшовчи аҳолининг асосий иш бажарувчилари ҳам айни шу ёшдагилар эдилар. Сафарбарликнинг биринчи босқичида Туркистон ўлкасидан 250 минг киши чақирилиши кўзда тутилган эди. Чунончи, Сирдарёдан 87 минг, Ёттисувдан 60 минг, Фарғонадан 50 минг, Самарқанддан 38 минг ва Закаспийдан 15 минг одам олиниши белгиланганди. Мардикорликка олиш рўйхатларини бўлиб раҳбарлари, оқсоқоллар, элликбошилар тузишарди. Улар эса турли нопокликлар билан шуғулланишар, бадавлаг оилалар фарзандларини рўйхатларга қўшишмас эдилар. Бундай ноҳақлик ва фирибгарлик пачор ҳаёт кечираётган меҳнаткаш омманинг тоқатини тоқ қилиб юборди ва уларнинг бош кўтариншларига олиб келди.

Шу тариқа Ўзбекистон ҳудудида 1916 йилги халқ кўзғолонлари рўй берди ва бу кўзғолонлар алангаланиб кетди. 1916 йилги кўзғолоннинг энг қайноқ нуқталаридан бири Жиззах ва унинг уезди бўлди. Расмий ҳужжатларга кўра 1916 йилда Фарғона вилоятида 107 жойда кўзғолон ва галаёиллар бўлиб ўтган.⁸⁴

Бу ҳаракатларда бизнинг вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам қатнашинган. Мисол учун 1916 йилнинг 11 июлида Намангандаги «Курашхона» мавзесида 4 мингга яқин аҳоли тупланиб, мардикорликка олинувчилар рўйхатини йиртиб ташлашни талаб қилди. Полиция халқни тинчлантиришга, уларни тарқатишга уринди, лекин бунга эриша олмади. «Курашхона» майдонига пулемёт билан қуролланган бир рота солдатлар чақирилди, халқ аскарлардан қўрқиб ўрнига «урушда ўлгандан кўра уйда ўлган афзал!», «Мардикорликка одам бермаймиз!» деган чақириқлар билан тарқалмай туришаверди. Кўзғолончиларга қарата ўқ отиш буюрилди ва отишмада бир неча киши ўлди, ярадор бўлди. (Маълумотларга қарганда 69 киши ўлган, 3 аёл ва 1 ёш бола ҳам нобуд бўлган).

Ана шу воқеалар таъсири остида Чустининг атрофидаги

84. Ш. Каримов. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. Ўқитувчи. 1992 й. 150-бет.

қишлоқларда ҳам қўзғолонлар бўлиб ўтди. Шўрақўрғон, Ерқўрғон, Қизилравот, Машад каби қишлоқларда бўлган ғалаёнлар шунга мисолдир. Чустда, Тошқўрғон, Тенақўрғон, Олмос ва Варзик қишлоқларида полиция ва ҳарбийлар билан халқ орасида қаттиқ тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу қўзғолон ва ғалаёнлар турли жойларда турли вақтда рўй берди ва у ягона раҳбарлик, биргаликда ҳаракат қилиш йўқлиги, стихиялилик натижасида тезда енгилди. Бўлиб ўтган қўзғолон ва ғалаёнларда минглаб ҳамюртларимизнинг муборак қонлари тўкилди.

Умуман олганда бу ҳаракатлар рус босқинчи амалдорларига қарши кўтарилган қўзғолонларнинг охиригиларидан бири эди. Шу даврдан бошлаб бизнинг юртимизда халқ орасидан чиққан илгор фикрли, ҳуррият тарафдорлари тобора кўпайишиб боришди. Уларнинг ҳаракатлари кучая борди, шу билан бир қаторда уларга қарши ҳукмрон доираларнинг курашлари ҳам тобора кескинлашаверди. Бу кураш ва унинг оқибатлари тўғрисида келгуси бобда ҳикоя қилинади.

IV БОБ. ЧУСТ ШҲРО ТУЗУМИ ЙИЛЛАРИДА 1. ОКТЯБРЬ ВОҚЕАЛАРИДАН Кейини ЧУСТДАГИ ИЖТИМОИЙ — ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Чуст халқи босиб ўтган узок тарихий йўлда, унинг совет ҳокимияти йилларидаги қисми гоят мураккаб ва ўзига хос хусусиятга эга. Аввало шаҳарда аҳолининг февраль ва октябрь воқеаларига муносабатини кўриб чиқайлик.

1917 йилнинг 7 июнида Чустдаги пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари йиғилиш ўтказдилар. Бу йиғилишга завод ишчиси К. Пузиков раислик қилди. Йиғилиш қатнашчилари катта ишчи Йўлдошбой Назаров бошчилигида стачка қўмитасини тузишди. Қўмита завод маъмурлари олдига саккиз соатлик иш куни жорий этиш, сўнгги икки йил давомида қилинган ортиқча меҳнат учун (сверхурочное) ҳақ тўлаш, маънавий аҳволни яхшилаш тўғрисидаги талабларни кўйди. Бироқ хўжайинлар бу талабларга жавоб беришга шўшилмадилар.⁸⁵ Натижада сентябрь ойига келиб, порозилик

⁸⁵ Чуст давлат архиви. 348 ф, 1-рўйхат, 2-д. 27-вароқ.

белгиси сифатида завод ишчилари яна иш ташлашди. Ишчи қўмита аъзоси Сергеев завод эгаси олдига шартномага қўл қўйиб бериш талаби билан борди. Нонлож қолган завод раҳбарларидан Колаченко ишчилар талабини қондиришга рози бўлди ва шундан сўнггина заводда иш бошланди.

Завод ишчилари эришган дастлабки ютуқ меҳнаткаш оммада ўз куч-қудратига ишонч туйғусини уйғотди. Бу орада Чустга марказий ҳудудларда Октябрь инқилоби рўй бергани, Ҳокимият Советлар қўлига ўтгани тўғрисида хабар етиб келди.

Беҳад қувонган ишчилар завод бошлиғи Колаченкони замбилғалтакка солиб завод территориясидан олиб чиқишди ва ҳайдаб юборишди.

Чустлик бой-бадавлат одамлардан Ворисхўжа, Бадалбой, Орзимат, Каримхонтўра, Абдумалик кабилар Шўролар ҳокимиятининг бу ерларда томир отишига қарши эдилар.⁸⁶ Бундай норозилик нафақат Чустда айни пайтда водийда ҳам авж олганди. Натижада аксинчиқилобий ҳаракат қатнашчилари Қўқон шаҳрида ўзаро келишиб олиш учун тупланишди. Уша вақтларда Фарғона водийсининг марказий шаҳарларидан бири Қўқон эди. Қўқон қўлга олинса водийда ҳукмронлик қилиш мумкин бўларди. Шу туфайли улар янги ҳокимиятга қарши бош кўтарган Бачқир қишлоғилик Эргаш қўрбошидан ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Шунини айтиб ўтиш жоизки нафақат бой-бадавлат кишилар, балки ҳунарманд, ўрта ҳол деҳқонлар ҳам рус ҳукмдорлигига қарши эдилар. Чунки улар ҳам 50 йиллик мустамлака азобини ўз бошларидан кечиринган эдилар.

Бундан ташқари 1917 йилги февраль буржуа революциясидан кейин Россия империясининг мустамлакаларига мустақиллик ва мухтор ҳукумати тузишга имкон берилшини назарда тутилган бўлсада, кейинги воқеалар бу ҳолнинг аксини тасдиқларди.

П. Алексеевнинг «Қўқон автономияси» деган асарида: «Туркистон автономияси (мухторияти)ни ташкил этиш борасидаги ташвиқот маҳаллий халқ орасида февраль инқилобидан бошлаб олиб бориларди ва бу фикр майда буржуазия ҳамда деҳқонлар оммаси орасида маълум даражада ҳайрихоҳликка учраганди.

86. Чуст давлат архиви. 348 ф. 1-рўйхат, 2-д. 18-вароқ.

... Бизнинг партия ташкилотимиз октябрь инқилобидан кейин дарҳол Туркистон мухториятини эълон қилиши зарур эди ва бу ҳолда биз нафақат ишчи-хунармандлар балки майда буржуазия ва деҳқонларнинг ишончини қозонган бўлардик...

...Бунинг ўрнига ўзимиз истамаган ҳолда ўз рақибларимизга большевиклар чор ҳукумати йўлидан бормоқда деган фикрни олға суриш имкониятини бериб қўйдик»⁸⁷—деб ҳақ гапни айтган эди. 1917 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Туркистон ўлкасида октябрь инқилобининг асосий ғояси «Ҳокимият-ишчи-деҳқон советларига»ни ҳаётга тадбиқ этиш даври бўлди. Аммо бундай йўл асосан катта камчиликлар билан олиб борилдики, унинг натижаси, ўлароқ большевиктик ғояларга қарама-қарши миллий-озодлик кураши вужудга кела бошлади.

Хусусан, 1917 йилнинг 2 ноябрида Тошкентда Бутун ўлка демократик кучларининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда ўлка ҳокимияти тузилди. Бироқ бу ҳокимиятга Тошкент шўроси Иброқўми, Мусулмон вакиллари ўлка шўроси, Қирғиз вакиллари ўлка шўроси фақатгина маслаҳат овози билан қатнашишга рухсат олдди. Бундан эса маҳаллий халқлар шўролари норози бўлишди ва Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон шўроларининг III съездинга ҳал қилувчи овоз билан қатнашмоқчи эканликларни билдиришди. Аммо 15-22 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон шўроларининг III съезди маҳаллий халқлар шўроларининг қонуний талабларини инобатга олмади.

Бу съездда Туркистон ўлкасининг биринчи «Совет ҳукумати»—Халқ Комиссарлари совети тузилди. У 15 кишидан иборат бўлиб таркибида маҳаллий халқлар вакилларидан ҳеч ким йўқ эди. Кўпгина ҳужжатларда бу ҳукуматни Ўзбекистондаги биринчи Совет ҳукумати тарзида тилга олинган. Бундай дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки мазкур ҳукумат Советлар ниқоби остида ўз мустамлакачилик кирдикорларини амалга оширди ва Урта Осиёдаги маҳаллий халқларнинг мустақил ҳукуматини бешигидаёқ нобуд этди.

Баъзи тарихчилар биринчи Совет ҳукумати таркибида маҳаллий халқ вакиллари бўлмаганини оқлаб, ўшанда маҳаллий халқлар вакиллари орасида инқилобчилар деярли

87. П. Алексеев. Кокандская Автономия. УВГНЗ. Ташкент. 1981 г.

йўқ эди,—деб ёзишади. Аслида Совет ҳукуматининг 1917 йил 22 ноябрда марказий матбуотда ва 30 ноябрда маҳаллий матбуотда эълон қилинган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномасидан илҳомланган маҳаллий инқилобчилар мустақил давлат тузишга, ўз ҳаётларини ўзлари билганларича ташкил этишга умид боғладилар.

Улканнинг IV умуммусулмонлар съездида мухтор ҳукумат тузилди. Бу ҳукумат гарчанд «Қўқон мухторияти» деб аталсада аслида Туркистон мухтор ҳукумати эди. Унинг таркибига 54 киши киритилган. Ундаги ўринларнинг учдан бир қисми оврупо миллатига мансуб вакиллар учун ажратилганди. 1917 йилнинг 13 декабрида Тошкентда Туркистон меҳнаткашларининг Туркистон мухтор ҳукуматини қўллаб-қувватлашга қаратилган тинч намойишлари бўлиб ўтди. Бу намойиш отлиқ қизил аскарлар томонидан ўққа тутилиб, намойиш раҳбарлари қамоққа олинди. Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. 14 декабрь кунин Эски шаҳар меҳнаткашлари вакиллари Туркистон Халқ Комиссарлари Советига келиб бандиларни озод қилишни талаб қилдилар ва рад жавобини олдилар.

1917 йилнинг 26 декабрида Қўқон шаҳрида мусулмон ишчи ва аскар вакиллариининг I фавқулодда съезди чақирилди. Съездда Павел Полторацкий сўзга чиқиб Мухтор ҳукуматини «мусулмон буржуазияси ҳукумати» деб атади. Шунга қарамай съезд 30 декабрь кунин Қўқон мухтор ҳукуматинини ёқлаб қарор қабул қилди.

Съездда В. И. Ленин номига ёзилган телеграмма жўпатилди: «Туркистон мусулмонлари, ишчи ва аскар депутатлари I фавқулодда сеъезди қабул қилган қарорини сизга маълум қилиб, Туркистонни ҳалокат ёқасига келтириб қўювчи тартибсизлик, қўш ҳокимиятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўлкада ҳокимиятчи вақтли Туркистон мухтор ҳукуматига топшириш тўғрисида Туркистон Халқ Комиссарлари Советига (ХКС) Россия Демократик Республикасининг Олий ҳокимияти номидан кўрсатма беришингизни сўраймиз».⁸⁸

Бундай илтимосга жавобан 1918 йил 14 февралда Туркистон ХКС томонидан Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон

88. Ўзб. тарихи ва маданияти. Тошкент. «Ўқитувчи», 1992 й. 160-бет.

қилинди. Қўқон ишчи ва аскар депутатлари Совети 17 февралда мухтор ҳукумат вакилларида таслим бўлишни талаб қилди. 18 дан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан келган комиссар Перефильев бошлиқ қуролли кучлар ҳужумга ўтди.

Тинч аҳоли уйлари, ғалла омборлари ёндириляди. Қўқон уч кун ўт ичида қолди. Ҳужум қатнашчиларидан А. Т. Караванцев шундай ёзади: «Қоновалов тўдасидаги дошноқлар ушбу ишчилик ҳаддан охирига тушарди. Улар Қўқонга келгунча тинч аҳолини талаб, қирғин қилдилар». Ушбу ҳужум ва қирғин натижасида Мухторият раҳбарлари, аъзолари қамоққа олинди. Хазина эса мусодара қилинди.

Туркистон мухтор ҳукуматини тан олмасдан унга ҳужум уюштирганлардан бири, инқилобий ҳаракатлар қатнашчиси, совет давлат арбоби Д. Манжара: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди...

Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-торож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди»—деб ёзади.⁸⁹ Маҳаллий халқнинг тилини, маданиятини, урф-одати, тарихини мутлақо билмаган кишилардан тузилган Туркистондаги биринчи ишчи, аскар ва деҳқонлар ҳукумати юргизган сиёсат ўлкада мислсиз, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган фожиавий ҳодисаларга, қирғинликларга сабаб бўлди. Бу ҳол ўлкада фуқаролар урушини келтириб чиқарди.

2. ЧУСТДА МИЛЛИЙ — ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўлмоқдаки, Совет ҳокимияти бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Чустда ҳам марказдан келган амалдорлар томонидан амалга оширилди. Маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми юз берган февраль ва октябрь инқилоблари моҳиятини тўла тушуниб етмай, бу ўзгаришлар оқибатида миллий озодликка эришишни умид қил-

89. *Ўзб. тарихи ва маданияти. Тошкент. «Ўқитувчи», 1992 й. 161-бет.*

ган эдилар. Уларнинг Қўқон мухториятини қувватлашлари боиси ҳам бизнингча ана шунда эди. Бироқ аҳолининг бу умиди пучга чиқди, мухторият ва раҳбарлари шўро ҳукумати, унинг ҳарбий қисмлари томонидан шафқатсиз жазоланди.

Табийки, бундай ҳолат маҳаллий аҳолида жиддий нозилик туғдирди, уларни шубҳасиз озодлик ҳаракатига кўтарилишига олиб келди. Шу кунгача республикада бундай ҳаракат бир томонлама «босмачилик» деб аталиб келинди. Лекин аниқланаётган янги тарихий далиллар, ўлкада «босмачилик» эмас балки миллий-озодлик ҳаракати юз берганидан далолат бермоқда. Буни Чустда юз берган озодлик ҳаракатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бой-бадавлат, ўзига тўқ хонадонлардан Аҳмаджон мингбоши, Жалил Миршаб, Исматулла ва бошқалар гуруҳларга бирлашиб, чоризм мустамлакачилик сиёсатини давом эттирган совет ҳукуматига қарши кураш бошладилар.

Варзик, Боймоқ, Шоён, Қизил Тепа ҳудудларида Карим қўрбоши Тўраев ҳаракат қила бошлади. Орзимат қўрбоши эса Қаркидон, Варзик, Қорақўрғон, Чотқол территориясида ҳаракат бошлади.

Шу даврда Гова, Олмос, Машҳад, Тошқўрғон, Карнон, Оғасарой қишлоқларида Абдумалик, Раҳмонқулларнинг отрядлари ҳаракат қила бошлади.⁹⁰

Бу ҳаракат Туркистонни мустақил ва озод мамлакатга айлантириш учун қилинган ҳаракат бўлиб, мақсади ўнлаб, юзлаб йиллар давомида таланган, аёвсизларча эзиб келинган юрт аҳлини озод қилиш эди. Аммо рус инқилобчиларига Туркистондаги кучларнинг миллий-озодлик ҳаракати ёқинқирамади ва бу ўлкада янги тузум ўрнатиш учун рус инқилобчилари фаол «жалб» қилинди. Маҳаллий шарт-шароит, турмуш тарзи ҳисобга олинмай инқилобнинг «Оврўпоча» усули экспорт қилинди. Ҳар қандай таъсирга акс таъсир бўлганидек, бундай ҳаракатга халқ қарши чиқди ва Туркистонда фуқаролар уруши бошланди.

Қўқон мухториятини қонга бўялишида комиссар Перефильев қўмондонлиги остидаги отряд катта «ютуқларга» эришди. Уч кун мобайнида Қўқон тўплардан ўққа тугилди. 10

90. Чуст давлат архиви. 222 ф. 1-р. 1-вела

мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди. 22 февралдан бошлаб Фарғона вилоятининг шаҳар ва қишлоқлари бўйсундирила бошланди.

Жаиғлар давомида 180 дан ортиқ қишлоқ ёндирилди. Марғилон шаҳрида етти минг, Андижонда олти минг, Наманганда 2 минг, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқда тўрт ярим минг киши ўлдирилди. Халқ ўзини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олди. Тинч меҳнат қилиш учун шароит қолмади.⁹¹

Шу ерда таъкидлаб ўтиш жонзки, фуқаролар урушининг алангаланиши маълум даражада большевикларга қўл келди. Чунки халқ тинч меҳнат қилиб, далада ҳосил етиштирини имкониятидан маҳрум бўлгач, юртда очлик ҳам авж ола бошлади. Оч-юиун халқни бўйсундириш осонроқ кечарди. Боз устига большевиклар юз берган очликда «босмачи»—миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларини айблай бошлашди.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича 1918 йилнинг ўртала-ригача Шўролар ҳукуматини қўллаб-қувватлаган, унга ишонган айрим одамлар ҳам бундай тузумга қарши чиқа бошладилар. Масалан, 1918 йилда Марғилон шаҳар милицияси бошлиғи бўлган Мадаминбек Аҳмадбек ўғли отряди билан Шўро ҳукуматига қарши курашувчилар сафига ўтди. У ақлли, билимдон одам эди ва онгли суратда янги ҳукуматга қарши бош кўтарди.⁹²

Биз юқорида баён этиб ўтган Фарғона вилоятидаги қирғинбаротлар Мадаминбекни шу йўлга киришига ундади.

Истиқлол учун фаол курашчилардан бири, давлат арбоби Т. Рисқулов⁹³ Туркистон Коммунистик партиясининг III съездида нутқ сўзлаб шундай деган: «Ўртоқлар, биз қамбағал мусулмонлар Николай замонда ваҳший ҳайвон аҳволида қандай яшаган бўлсак, ҳозир, пролетар ҳукуматимиз даврида ҳам худди шундай, ҳатто ундан баттар аҳволдамиз, гарчи мана шу аҳволда Совет ҳокимиятига қаршилиқ қилмай унга ёрдам бераётган бўлсакда, шундай аҳволдамиз. Биз зулматда оч-яланғоч яшаб, итдек кафансиз ўлиб кетаётганимизга

91. А. Ибодинов. Қўрбоши Мадаминбек. Тошкент. «Ёзувчи». 1993 й. 5-б.

92. А. Ибодинов. Қўрбоши Мадаминбек. Тошкент. «Ёзувчи». 1993 й. 6-б.

93. Т. Рисқулов (1894-1938)—Совет давлат ва партия арбоби. 1917 йилдан компартия аъзоси. Мусулмон коммунистлар ташкилоти ўлка бюроси раиси.

ким анбдор?... Коммунистлар программаси жуда мақбул ва тўғри программа, бизнинг ҳоқимият вакиллари нима сабабдан унга амал қилмайдилар?... Улар программага қаршл ҳаракат қилаяптилар.

...Мен маҳаллий бойлар ҳақида гапираётганим йўқ, аммо мисол учун, бир қамбағал пролетарнинг битта оти ва арава-си бор эди, юк ташиб оиласини боқарди. Қизил аскарлардан биттаси келиб, ҳеч қандай ҳақ тўламай отни тортиб олади, бунинг касофатига онла оч-яланғоч қолади. Шу ҳам программа мувофиқми? Бойларни шилиш баҳонасида шаҳардаги 84000 аҳолни ҳаммасини шилишган. Намангандан келтирилган молнинг ҳаммаси, хатто қулфгача мусодара қилинган»⁹⁴...

Ҳар ҳолда большевикларнинг аҳоли ўртасида ўтказган қирғинлари, кўпгина, ўқимишли, ақлли одамларнинг «босмачи»лар миллий—озодлик ҳаракати қўшинларига ўтиб кетишларига сабаб бўлди.

1918-1919 йилларда Чустда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида марҳум Йўлдош ота Бойматов, Абдуллажон ота Лҳмад-хожи ўғли, Турдали ота Ҳайитов, Ҳамиджон ота Ҳафизовлар билан суҳбат қилганда қуйидагилар маълум бўлди.

1918 йилда Қўқоннинг Бачқир қишлоғилик Эргаш қўрбоши ўзининг 5000 кишилик қўшини билан Чустга келган. Чустдаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш отряди қўрбоши йигитлари билан очиқ тўқнашувдан қочиб пахта заводи ҳудудига (ҳозирги Таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси) беркиниб олмишган. Орада отишма авж олган. Қизил отряд аъзоларидан бир киши — Дўстмат мнигбошининг тилмочи, татар йигит ҳалок бўлди. Ҳужум қилувчиларнинг юзбошиси эса тўртинчилар томонидан отиб ташланган. Чустдаги Салоев ёғ заводи ишчиси Мамаджон уйида тунаб қолган отряд жангчиси, наманганлик йигит (ахборотчилар унинг исмини эслашолмайди) Эргаш қўрбоши йигитлари қўлга тушиб қолади. Бу йигитни қўрбошининг одамлари қаттиқ азоблаб икки кун овқат беришмайди. Кейин эса Камарсада майдонида қўлга тушган аскар йигит жаллод томонидан қатл этилди.

Қўрбоши ўз йигитлари билан бирга Чустда 3 кун мобайнида ўзига хос «тартиб» ўрнатди. Бу ишда унга Садачалик

94. *Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. 1992 й. 166-167-бетлар.*

Зухур оқсоқол ёрдам қилди. Ушлаб келинганларни қайси бири Зухур оқсоқол томонидан «тўртинчи» дейилса, ўша одам қатл этилди. Эргаш қўрбошининг йигитлари почтани эгаллаб олишгани, телеграф симларини узиб ташлагани туфайли Наманган ҳамда Қўқон билан алоқа йўқ бўлиб, ёрдам сўраш имконияти қолмаганди. 26 соатли отишмадан сўнг заводдаги ҳимоячилар олдига асирга олинган рус аёли «таслим бўлсаларнинг омон қолдирамиз» деган таклиф билан киритилади.⁹⁵ Мамаджон Эгамбердиев, Йўлдош Бойматов, Мамажон Мирзараҳимов, Бўрон Умаров, Аюб Қориев, Турдивой Долнев ва бошқалардан ташкил топган пахта заводи ҳимоячилари «таслим бўлмаймиз, бир томчи қонимиз қолгунча жанг қиламиз» — деган жавобни беришди.

Эртаси куни Қўқондан комиссар Ефимов раҳбарлигида иккинчи отлик полк ёрдамга келди ва Эргаш қўрбоши 200 га яқин йигитини йўқотиб қолган одамлари билан Чустдан чиқиб кетади. Қочиш олдидан Эргаш қўрбоши сафига қўшилган Орзимат қўрбоши Зухур оқсоқолни қатл эттириб юборди.

Чуст отрядининг бир қисми қизил аскарлар полкига қўшилди Қўқонга кетади. Отряднинг иккинчи қисми (30 кишидан иборат) Йўлдош Бойматов бошчилигида I—Фарғона кавалерия полкининг 4-эскадрони сафига қабул қилинди ва уларга ҳарбий либослар ва анжомлар берилди. Бу отряднинг зиммасига Чуст шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган эди. Чунки бу даврда Чуст туманида бир неча қўрбошилар ҳаракат қилишарди. Абдумалик мингбоши (Ғова қишлоғидан) ўз бойлиги бўлган бир неча юз қўйини сотиб, уларнинг пулига қурол-аслаҳа олиб Ғова, Оғасарой қишлоқлари худудларида 100 га яқин йигитлари билан ҳаракат қиларди. Каримхон тўра Варзик ва Қорақўрғон қишлоқларини ўз йигитлари билан банд этган эди. Чотқол водийсида эса Баястон қўрбошининг йигитлари ҳаракат қиларди.⁹⁶

1919 йилнинг 13 февралда Эргаш қўрбоши 1000 дан ортиқ (баъзи маълумотларга қараганда 4 мингга яқин) аскар билан яна Чустга ҳужум қилади. Почта эгалланиб, ходимла-

95. Наманган давлат архиви. 62-ф. 1-р. 65-дело 7-9 бетлар.

96. Чуст давлат архиви: 348 ф. 1-р. 2-д. 18-вароқ

ри асирга олинди. Чустликларга ёрдамга келган Поп отряди (Меркуров бошлиқ) ва Йўлдош Бойматов отряди ҳозирги ТИЧК (Таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси) ўрнида бўлган пахта заводига беркинди. Орада отишма рўй берди. Қўрбошининг йнгитлари 10 марта ҳужум қилди ва бу ҳужумлардан натижа чиқмади. Шундан кейин пахта заводи қамал қилинди. Уч кун мобайнида қамалдагилар ўз отларидан бириккитасини сўйиб овқатланишди. Сув танқислиги туфайли завод машиналари тагида қолган сувлардан фойдаланилди.

Чустадаги аҳволдан хабар топган Қўқон йулини ҳимоя қилувчи Плотников қўл остидаги отряд, Қўқон ҳарбий комиссари Ефимов раҳбарлигида Қўқон шаҳар отряди ва арман дашноқлари отряди ёрдамга келишди.⁹⁷ Ўнгишак мавзейидан отилган тўп ўқи Эргаш қўрбоши йнгитларини саросимага солди ва улар тезда тоғ томонга чекиниб Чустни ташлаб кетишди. Қизил аскарлар пахта тозалаш заводига беркинган Йўлдош Бойматов ва Мамажон Эгамбердиев бошлиқ отрядни қутқариб ҳозирги янги шаҳардан бошлаб қирғин ўткази бошлашди. Чунки уларга 3 соат мобайнида шаҳарда қирғин ўтказишга рухсат берилганди. Янгишаҳардан бошлаб Сероб маҳалла ҳудудигача бўлган уйларга кириб бегуноҳ одамларни отиб келаётган вақтда уларни Дўстмат мингбоши тўхтатиб, ҳозирги Камарсада кўчасидан Янгийўл томонга солиб юборди. Дашноқлар Жар маҳалласидаги хонадонларни ўққа тутиб Дўзанда маҳалласига қараб кетишди. Йўлда учраган раста-ю дўконларга ўт қўйиб юборишди. Орадан бир ярим, икки соатча вақт ўтгач махсус сигнал берилиб қизил аскарлар қирғинни тўхтатишди. Қирғин тўхташига сабаб бўлган воқеани ахборотчи О. Ҳалимов сўзлаб берди.

Камолжон (Бофанда маҳаласидан Ҳамиджон Камоловнинг дадалари) ва Халқ таълими аълочиси Олимжон Ҳалимовнинг онаси— Соҳибова Жаҳонби—1888 йилда туғилган, хотин-қизлар орасидан чиққан фаол жамоатчи, «Овози тожик» колхозининг аъзоси).

— Қирғин ўтказиётган қизил аскарлар олдида онаси ўқдан ҳалок бўлган рус миллатига мансуб болани ювиб-тараб олиб чиқишган. Шундан кейин қирғин тўхтатилиб оломонга «омон-

97. Наманган давлат архиви. 62-ф. 1-рўй. 65-д. 9-варақ.

омон» деб эълон қилинди. Бу воқеа 1919 йил 16-17 февралда ҳозирги санъат саройи ва «Барнон» заводига яқин жойда бўлиб ўтган.

1921 йилда Чустдаги мадраса қалъага айлантирилди.⁹⁸ Бу ерда махсус ёшлар отряди қўриқчилик қиларди. Унинг сафида Ҳайдар Махсум Мақсудов, Х. Ҳафизов, Йўлдош Бойматов, М. Эгамбердиев, Қодиржон Зоиров, Командир Махсум (исми ёдда қолмаган) кабилар, жами 40 дан ортиқ киши бор эди. Гарнизон раҳбари рус кишиси бўлган.

1919 йилнинг охири 1920 йилнинг бошларида Чустни Орзимат қўрбоши тасарруф қилди. У ҳар бозор кунни Чустга келарди. Бу ерда хирож олиб, тўплаган буюмларни туяларга ортиб кетарди. Бу вақтда Чустда бир мунча осойишталик сақланди. Бошқа босмачи тўдалар Чустга ҳужум қилишмасди.

Попдан келган тўртинчиларнинг яна бир отрядини Чуст аҳолиси ҳурмат билан кутиб олди. Аммо бу отряд аъзолари чустлик Ҳақимжон Суробовни ўлдириб, терисини шилиб, орасига туз сепди, лабисойлик бир қорини отиб ўлдирди.⁹⁹

1918-19 йилларда Чуст шаҳри ва атроф қишлоқларда аҳвол анча мушкул эди. Қизил аскарлар бир томондан, миллий-озодлик ҳаракати қўшинлари иккинчи томондан аҳолини талашарди, қийнардди.

Юқоридаги воқеалардан кўришиб турибдики, Чуст тумани аҳолиси ҳам икки гуруҳга бўлиниб ўзаро курашишарди. Тумандаги Варзик қишлоғида 1918 йилда революцион қўмита тузилганди. Умуман, 1918-20 йиллар мобайнида ўлкамиздаги вазият ниҳоят даражада мураккаб эди, бунга сабаб:

Биринчидан: — меҳнаткашлар большевикларга, совет ҳукуматига қайси бир даражада ишонар эди, бинобарин уларни маълум даражада қўллаб-қувватлар эдилар;

Иккинчи томондан: — ўз ваъдалари устидан чиқмаганлиги, маҳаллий аҳолига паст назар билан қараганлиги учун совет ҳукумати сиёсатидан норози эдилар, бинобарин унга қарши олиб борилаётган миллий-озодлик ҳаракатига қўшилиб кетмоқда эдилар. Шунинг учун ҳам воқеалар чалкашиб кетган эди, ким совет ҳукуматини қўлламоқда ва ким ун-

98. Наманган вилоят архиви, 62-ф. 1-р. 65-д. 27-варақ

99. Ахборотчи Турдали ота Ҳайитов 90 ёш. Сероб маҳалласидан.

Ахборотчи Бойматов Йўлдош отряд, марҳум, Гулистон маҳалласидан.
Ахборотчи Абдуллажон ота Аҳмаджон ўғли. Садача маҳалласидан.

га қарши курашмоқда, ажратиб олиш жуда қийин эди. Бундан ташқари, халқ оммаси осойишталигини ҳимоя қилувчи қизил аскарлар айниқса улар сафида ҳаракатда бўлган дашноқларнинг кўпол, халққа қарши фаолиятини қайд қилиш билан бирга, «босмачилик» ҳаракатининг ҳам буткул ижобий миллий-озодлик ҳаракати деб аташ ҳам тарихий жиҳатдан тўғри бўлмайди, чунки уларнинг фаолиятида ҳам айрим ҳолларда босқинчилик, қиргин ўтказиш, зўравонлик, халқни талаш ҳоллари учраб турарди.

Шундай бўлса ҳам фуқаролар уруши даврида содир бўлган воқеаларга алоҳида-алоҳида аниқ, ҳолисона баҳо бериш лозим. Бу воқеаларни—совет ҳокимиятини ўрнатилиш, унга қарши миллий-озодлик ҳаракатини ёритишда ҳам унинг сўзсиз ижобий ва айрим салбий томонларини ҳолис кўрсатиш лозим.

Варзик қишлоғида 1918 йилда тузилган революцион кўмитага Аҳмаджон Абдусатторов раҳбарлик қиларди. Раҳмонқул, Нишон нонвой каби Варзик бойлари эса ўзларига қарагани одамлар билан миллий-озодлик ҳаракатини бошлаб юборишганди. Варзик қишлоғида ўз-ўзини ҳимоя қилиш дастаси тузилди. Унга қарийб 100 киши аъзо бўлиб кирди. Бу отряднинг штаби қишлоқ марказида бўлиб, уни «Сари қалъа» деб аташарди. Бу отрядга А. Абдусатторов билан бирга Юсуф мисгар Муллабобоев, уста Тўхтамазар Мирзараҳимов кабилар бошчилик қилишарди.

1920 йилнинг 20 июнида Наманган шаҳар ревкомининг 2758 буйруғи билан Чуст ва Олмосда революцион кўмита тузилди. Чустдаги ревкомга Отабой Искандаров, Олмосдагисига эса Деҳқонбой Абдураззоқовлар бошчилик қилишарди.

Варзик, Қорақўрғон, Гова ҳудудларида ҳаракат қилаётган кўрбошилар Қизил Армиянинг 13, 21-полклари томонидан 1923 йилда тугатилди.

Маълумотларга қараганда, 1917 йилда бошқа жойларда бўлгани каби Чустда ҳам Давлат Думаси тузилган эди. Бу Думада 34 киши фаолият кўрсатарди. Асосий сайланганлар маҳаллий бой-амалдорлар бўлиб, унда оддий меҳнаткашлар деярли йўқ эди.

1918 йилнинг 12 майида Наманган шаҳар Депутатлар Совети раиси И. Т. Хохлов ижроня кўмита аъзоси Суробов-

лар Чуст шаҳар давлат Думаси фаолиятини текшириб чиқди.

Текшириш натижасида Дума фаолиятидан қониқшмади ва Думани тарқатиб юбориш лозим деган фикрга келинди. Думанинг бош оқсоқоли Фаёзбоев, котиби Мирзаҳамид Мирзахўжаев йил давомида Думани бирон марта ҳам тупламаганликлари, йиғилиш ўтказилмаганлиги қаттиқ қораланди.¹⁰⁰

Чуст шаҳрининг ўзида эса бундай ҳаракатларга чек қўйиш мақсадида, большевистик тарғиботни йўлга қўйиш, совет ҳукуматини узил-кесил таркиб топтириш учун Наманган уезд партия қўмитаси 1921 йилда махсус қарор қабул қилди. Қарорга биноан 1921 йилнинг 1 мартида Чуст шаҳрида биринчи партиячойка тузилди. Партия қўмитасининг котиби этиб Убайдулла Сайдуллаев сайланди. Бу вақтда Чустда партия аъзолари 25 киши, аъзоликка номзодлар 14 кишидан иборат эди. Партия аъзолари асосий қисмини деҳқонлар ташкил этарди.¹⁰¹

Чуст партия қўмитаси бюро аъзоси, 1918 йилдан ВКП(б) аъзоси Бўтабой Дадабоев кейинчалик Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси, Бутуниттифоқ МИК аъзоси бўлиб сайланган эди. Бўтабой Дадабоев 1889 йилда Чуст шаҳрида туғилган. 1918-1934 йилларда ЎзКП аъзоси, 1934 йилда контрреволюцион фаолияти учун партиядан ўчирилган. 1937 йил 31 августда қамалган. Қўйилган айб. 1923 йилдан бошлаб «Иттиҳод ва тараққиёт» миллий ташкилотни аъзоси бўлган. 1930 йилда Тожикистонга бориб у ерда миллий ташкилот «Иттиҳоди Шарқ»га аъзо бўлган. 1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясининг сессиясида жиноят кодексининг 58,63,64,67-моддалари бўйича айбдор деб топилди. Б. Дадабоев олий жазога ҳукм этилди. 1938 йил октябрь ойида ҳукм ижро этилган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1957 йил 1 августдаги Ун—07113/57 қарори билан Бўтабой Дадабоев ҳақидаги ҳукм бекор қилинди ва унинг жиноий иши, тўхтатилиб, у ўлиmidан сўнг оқланди.¹⁰²

Чуст шаҳрида тартибни сақлаш, турли отрядлар тазйиқидан аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1918 йилда халқ милицияси ташкил этилганди. Халқ милициясига 1918-

100. Чуст давлат архиви. 222-ф. 1-рўйхат. 18-дело. 428-432 б.

101. Чуст давлат архиви 222-фонд кузатиш дафтаридан.

102. Ўз. Республикаси МХК. 10 май. 1980 й. 5749 сонли хабарномаси.

1921 йиллар мобайнида Шоғаффор Шомансуров раҳбарлик қилди. Бу даврда халқ милицияси бир мунча тажриба тўплади. Омма орасида фаол равишда қонунчилиқни жорий этиш учун ҳаракат олиб борди. 1921 йилдан бошлаб милиция бўлимига Эргаш Шомансуров раҳбарлик қила бошлади.

Варзиклик Аҳмаджон Абдусатторов, чуствлик Салмонжон Имоммуҳаммедов, Тожибой Азимбоев, Айюббой Қориев, Евгений Солнцев, Мамажон Эгамбердиев, Ҳошим Мавлонбоевлар биринчи милиционерлар эдилар. Улар халқ орасида иш олиб бориб ўғирлик, безорилик билан шугулланувчи кабинетларга қарши беаёв, бешафқат кураш олиб боришарди.

1922 йилдаги маълумотларга кўра Чуст районида тўртта бўлис мавжуд бўлган. Булар Олмос, Варзик, Поп ва Қутлуғ Саид бўлислари бўлиб, уларнинг таркибида бир неча қишлоқ революцион қўмиталари ташкил этилган. Чуст шаҳрининг ўзида Хон—Мачит жамоа қўмитаси, Мавлон—Шўркент ва Ҳисорак қишлоқ жамоалари бўлган бўлса, Олмос бўлисида 8 та қишлоқ ревкоми бор эди. Қутлуғ Саид бўлисида қишлоқ ревкомлари «босмачилик» ҳаракати кучли эканлиги учун ташкил этилмаганди.

Варзик бўлисида гарнизон ташкил этиш ва милиция ҳамда ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядини қурол-яроқ билан таъминлаш борасида бир неча бор йиғилишлар ўтказилди. Поп бўлисидан бу ҳақдаги маълумотлар бўлмаган. Чуст район революцион қўмитасида 9 марта йиғилиш ўтказилган. Бу йиғилишларда бозор учун ижарага ер бериш, милиция бўлиминини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қуролларни текширувдан ўтказиш, Москва шаҳрига ўқиш учун кадр жўнатиш каби масалалар кўрилган, айни шу даврларда ҳамюртимиз Собира Холдорова ҳам Тошкент шаҳрига ўқишга жўнатилди.

Ўзбекистоннинг биринчи журналист аёлларидан бўлмиш Собира Холдор қизи 1907 йилда Чуст шаҳрининг Пансада маҳалласида туғилди.

1921 йилда муаллимлар тайёрлаш 6 ойлик курсини туга-

тиб, Тошкентда ишлайди. 1925 йили Тошкентдаги хотин-қизлар маориф билим юртини тугатиб, Москва журналистика институтига ўқишга боради ва 1929 йили олий маълумотли бўлиб, Тошкентга қайтади.

1924-1925 йилларда «Янгийўл» газетасида муҳаррир, сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетасида хотин-қизлар бўлимини бошқарди. Шунингдек «Шарқ ҳақиқати», «Ишчи» газеталарида муҳаррир ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

1930 йилдан партия ишига ўтди. Ўзбекистон Комфирқаси МК оммавий агитация бўлими мудир, ўринбосари, хотин-қизлар сектори, матбуот сектори мудир, маданий ташвиқот сектори мудир ўринбосари лавозимларида ишлади.

1930-1934 йилларида «Янгийўл» ойномасига муҳаррир, сўнгра «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида партия турмуши бўлими мудир, «Қишлоқ хўжалик техникаси» журналида, «Колхоз йўли» газетасида муҳаррирлик қилди. 1934 йилда ёзувчиларнинг 1-анжуманида қатнашди.

1934 йилдан Ленин ва Киров районларида партия қўмиталарининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди.

1944 йилдан турли лавозимларда ишлади.

1957 йилдан республика миқёсидаги шахсий нафақахўр бўлган. 1984 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.

Шаҳарда унинг номи 5-ўрта мактабга берилган.

1922 йида Чуст районида қуйидаги ташкилотлар мавжуд бўлган: коммунал бўлим, халқ суди, ер-сув бўлими, милиция бўлими ва мироббоши. Шу йили Чуст районида 24 минг танаб ерга экин экилган. Экин учун 1250 пуд бугдой, 280 пуд шолди тарқатилган. Жорий йилда ҳосил яхши бўлмагани учун деҳқонлар фақатгина ўз уруғларини олаолдилар холос.

Чуст районида 1922 йил давомида ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядида 205 киши ва милиция бўлимида 95 киши бўлиб, уларнинг аҳоли билан ўзаро иттифоқлари анча мустаҳкам бўла борди. Ушбу отрядларга озиқ-овқат тўплаш иши рўйхат бўйича солиқ олиш йўли билан ташкил этилган. Тўпланган озиқ-овқат маҳсулотлари 1 йилга етарли бўлганлиги қайд этилган.

Чуст районида асосий саноат маҳсулотлари яқка тартибда ишловчи ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқиларди. Шу даврда Чуст районидаги «Қўшчи» иттифоқига 8000 киши

аъзо бўлганлар. Районда кооперативлар йўқ бўлиб, «йўқсил-ларга ёрдам комиссияси» тузилган.¹⁰³

Ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, уларни бирлаштириш ва бир мақсад сари йўналтиришда етакчилик ролини ўтовчи Ёшлар район қўмитаси Наманган уезд комсомоллар қўмитасининг 1920 йил апрель ойи қарорига биноан Чустда ҳам фаолият бошлади. Комсомол ячейкаларини Чустда тузиш ишига Наманган шаҳридан келган Мамажон Муродов, Собиржон Холиқовлар бош-қош бўлишди. Чустлик йигитлар Турдали Ҳайитов, Ҳакимжон Алиев, Фулом Қаюмов, Ҳайдар Мақсудов, Мамажон Отабековлар комсомол сафига биринчилардан бўлиб аъзо бўлишди.

Мамажон Отабеков 1921 йилдан бошлаб чустлик ёшларга етакчилик қилди. Комсомол аъзолари ўзларининг етакчиларини М. Отабеков раҳбарлигида туманда ижтимоий ва сиёсий ишларни амалга оширишда ҳам актив қатнашдилар. Халқ орасида тарғибот ва ташвиқотни унумли бўлишида Чуст киннокорхонаси ҳам яхши фаолият кўрсатди.

Чуст партия ячейкаси хотин-қизлар овозлигини таъминлаш, коллектив хўжаликларини тузиш каби ишларни амалга оширишда самарали иш ташкил этди.

1923 йил охирига келиб Чуст туманида миллий-озодлик ҳаракати отрядлари—«босмачи»лар ҳаракати бостирилди. Чуст худудида осойишталик ўрнатилди. Меҳнаткашлар вайрон бўлган жойларни тиклаш йўлида заҳмат чека бошладилар.

1924 йилда Чуст шаҳрида 5 ўринли касалхона, Варзик киншология врачлик пункти ташкил этилди. Чустдаги касалхонага фельдшер Филин раҳбарлик қиларди.

Чуст район ижроия қўмитаси таркиби ҳақида 1924 йил бўйича-маълумотлар йўқ. Лекин шу йили ўтказилган съезд ҳақидаги маълумот мавжуд. Бу съездда 122 киши қатнашган, улардан 9 таси аёл бўлган. Октябрь ойида бўлиб ўтган съездда қўйидаги масалалар кўрилган: 1. Миллий масала. 2. Район ижроқўм ҳисоботи. 3. Қишлоқ хўжалик кооперацияси ва солиқлар. 4. Маориф ҳақидаги масала, 4. Уезд съездига делегатлар сайловини ўтказиш.¹⁰⁴

103. Фарғона Давлат архиви. 435-ф, 139-д. 1-р, 42-43. б.

104. Фарғона Давлат архиви. 121-ф. 2 р. 274-д.

Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уезд съездига 61 та делегат сайланди. Шу жумладан 9 аёл ҳам делегатликка муносиб топилган.

3 30—ЙИЛЛАРДА ЧУСТНИНГ ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Бу йиллар Ўзбекистон халқлари, хусусан, Чустнинг ижтимоий ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади. Чунки адолат билан таъкидлаш керакки, шу йилларда мамлакатда дастлабки ҳозирги замон саноат корхоналари ташкил этилди, буларда ишловчи миллий ишчи кадрлар тайёрлашга киришилди, яна шунга айтиш керакки, 20-30 йилларда қишлоқ хўжалигида қийналиш ва бузилишлар бўлса-да колхозлаштириш амалга оширилди. Шу йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида агротехника ютуқларидан кенг фойдаланиш имконияти вужудга келди, энг муҳими Ўзбекистонда маданий революцияни амалга ошириш ишори билан саводсизликка қарши кураш бошланди. Мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бериб, миллий давлат чегараланиши ўтказилиб, миллий давлатчиликнинг қарор топиши учун расман дастлабки қадамлар қўйилди.

1925 йилда ЎзССР Олий Советининг районлаштириш комиссияси 17 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида районлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалани кўрди¹⁰⁵. Йиғилиш қатнашчилари Чуст шаҳрини Қўқон округи таркибидаги алоҳида бўлис деб эътироф этишди.¹⁰⁶ 1926 йилга келиб Чуст шаҳри ва туманида ҳам ижроия қўмитаси ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР шўроси Марказий Қўмитасининг 1926 йил сентябрь ойида ўтказилган V сессиясида Чуст ишчи-аскарлар депутатларининг советлари таъсис этилди. Чуст совети Қўқон округи таркибида бўлиб, унинг таркибига Олмос, Чуст, Варзик, Поп, Чодак бўлислари тўлиқ, Қорақалпоқ бўлиси таркибидаги Мамахон қишлоқ жамоасининг бир қисми ва қўйидаги қишлоқлар — Кўкли-кўл, Яккатол, Беш-серка, Мирза Орол, Қўрғонча, Яккатут, Ҳавзак ва Аламли кирарди.¹⁰⁷

105. *Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. 86-ф. 1-рўйхат. 2396 д.*

106. *Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. 86-ф. 1-рўйхат. 14.*

107. *Ўз. Республикаси Давлат архиви. 86-ф. 1-рўйхат, 14 иш.*

ЎзССР Олий Совети Марказий ижроия қўмитасининг 1927 йил 24 январдаги 10-сонли қарорига биноан Қўқон округи Фарғона округи деб ўзгартирилди. Чуст райони ҳам Фарғона округи таркибига ўтказилди. Чуст районининг умумий майдони 2792 кв. верста¹⁰⁸ни ташкил қиларди. Сув манбаи бўлиб Говасой, Қўқ—Сараксой, Сумсорсой ва яна 66 та турли ҳажмдаги канал ва ариқлар ҳисобланарди. Туман аҳолиси 64715 киши бўлиб улардан 52963 киши қишлоқда ва 11752 киши шаҳарда яшарди. Жами хўжалик сони 12175 та бўлиб, 1 кв. верстада аҳоли зичлиги 18,9 кишини ташкил қиларди. Туман қишлоқлари аҳолисининг 74,4 фоизини ўзбеклар, 10,7 фоизини тожиклар, 8,7 фоизини қорақалпоқлар, 6,0 фоизини қирғизлар ташкил қиларди. Шаҳар аҳолисининг 97,5 фоизи тожиклардан иборат эди.¹⁰⁹

Қишлоқ хўжалиги сунъий сугорилга асосланган бўлиб, умумий экин майдони 14736 десятина бўлиб, унинг 48,3 фоизи пахта, 38,8 фоизи буғдой ва 9,8 фоизи жўхори етиштириш учун ажратилар эди. Бу даврда районда жами 37732 уй ҳайвонлари мавжуд бўлиб, уларнинг 9,8 фоизи от, 41,1 фоизи йирик шохли ҳайвон, 28,2 фоизи эчки ва 14,6 фоизи қўй бўлган.

Урта ҳисобда ҳар бир хўжаликда 0,81 фоиз бош ишчи ҳайвон, 0,45 фоиз бош сигир ва 1,43 фоиз бош майда ҳайвон мавжуд эди. Урганлаётган даврда районимиз ҳудудида 34 тегиримон, 108 та обжувоз, 121 та ёғ жувозхоналари бўлиб, улар аҳолига хизмат қиларди.

Чуст шаҳрида жуда катта бозор мавжуд бўлиб, бу ерда аҳолига 167 та хусусий, 1 та давлат ва 1 та кооператив дўконлар хизмат кўрсатарди. Ушбу бозордан 41 аҳоли пункти фойдаланарди. Гова, Варзик, Поп, Санг ва Чодак бозорлари ҳам бўлиб, улар иккинчи даражали ҳисобланар эди. Бу бозорлардан ташқари район аҳолиси Қўқон ва Наманган шаҳарлари бозорларидан ҳам фойдаланар эдилар.

Чуст шаҳрида ва Хўжаобод қишлоғида пахта сотиб олиш пунктлари мавжуд эди. 1 та матлубот жамияти ва 17 та қишлоқ хўжалиги ўртоқлик уюшмалари аҳолига хизмат ки-

108. Верста—узунлик ўлчови, тахминан 1,1 км. Манба: *Вспом. историч. дисциплины. Москва. 1984 г.* 67-68 б.

109. Чуст шаҳар давлат архиви. 276-ф. 1-р. 510 дело.

ларди. Туманда бу даврда 28 та бошланғич, 6 та эски услубдаги мактаблар бор эди. 2 та кичик касалхона, 1 та до-рихона, 1 та почта-телефон бўлими, 4 та алоқа агентликла-ри, биттадан агро ва зоопунктлари ҳам аҳолига хизмат кў-ратишарди.

1931 йилнинг июнь ойида ЎзССР Олий Совети Президиу-ми Марказий қўмитаси Чуст—Поп районини икки мустақил районга бўлиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда қуйнда-гилар таъкидлаб ўтилганди:

— «Чуст—Поп райони ҳудуди ҳаддан ташқари катта май-донни эгаллаши ва аҳоли яшаш пунктлари оралиқ масофа-лари узоқ эканлигини ҳисобга олиб районни икки мустақил районга (Чуст ва Поп районларига) ажратиш лозим деб ҳисоблангани ва СССР Олий Совети Марказий Ижроия қў-митасидан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралгани».

Чуст — Поп райони қуйидагича тақсимлансин:¹¹⁰

- | | |
|----------------|--------------------------|
| 1. Чуст райони | — маркази Чуст шаҳри. |
| 2. Поп райони | — маркази Поп посёлкаси. |

Чуст райони таркибига қуйидагилар киради:

- | | |
|---------------------|-----------------|
| 1. Оғасарой | 8. Шоён-баймоқ. |
| 2. Варзик | 9. Юқори Олмос |
| 3. Гова | 10. Шўркент. |
| 4. Қора-қўрғон | 11. Карнон |
| 5. Қуйи Олмос | 12. Каркидон |
| 6. Машад—Тошқўрғон. | 13. Ахча |
| 7. Хисорак | |

Шу йилнинг ўзида Чуст туманида МТС (машина трактор станцияси) ташкил этилиб, бу корхона хўжаликларга хизмат қила бошлади. 1 йил давомида ушбу станция 353 одам кучи-чинини бажарди. МТСда 45 киши ишларди, уларнинг 37 та-си доимий ишчилардан иборат эди. Туманда 5467 та ҳунар-манд бўлиб, уларнинг 3283 таси шаҳарда ишлар эди. 1454 киши пахтани қайта ишлаш билан шуғулланишган.

¹¹⁰ *Ўз Республикаси Давлат архиви. 86-ф. 1-р. 6728-дело, 149-150 б.*

1931 йилда шаҳарда Халқ таълими таркибида қуйидаги муассасалар бор эди.

1. Болалар боғчаси	1 та	50 бола.
2. Болалар майдончаси	4 та	200 бола.
3. 1 даражали мактаб	64 та	3526 та ўқувчи
4. Ўсмирлар мактаби	70 та	2948 та ўқувчи
5. Ликбез*	46 та	1450 киши.
6. ЧСБ	1 та	100 киши.

Райондаги жами экин майдони 9204 гектар бўлиб, унинг 5890 гектари пахта экиш учун ажратилган. 1901 та от, 6941 та йирик шохли ҳайвон, 3393 қуй ва эчки мавжуд бўлган.¹¹¹

Агар 1925 йилда Чустда 1 та «Фордзон» трактори бўлган бўлса 1932 йилга келиб 75 та ҳайдов ва 72 та чопиқ тракторлари қишлоқ хўжалигида ишлатиларди. Бу даврда Чуст МТС нга Дмитрий Арефьев етакчилик қиларди. 1929-1931 йиллар мобайнида А. Тошматов, Ҳ. Каримов, Н. Саматов, Б. Тўйчиев, Х. Набиев, Ҳ. Ниёзов каби колхозчилар биринчилардан бўлиб трактор бошқара бошладилар.

Чустда енгил саноатни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 1929 йилда «Озодлик» номи билан бадний буюмлар ишлаб чиқарувчи артель ташкил этилди. Бу корхонанинг «Озодлик» деб аталиши хусусида артель ташкилотчиларидан бири Салимаби Исмонлова шундай ҳикоя қилиб бердилар:

— 1927 йилда аёлларни озодликка чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида Республикада катта сиёсий ҳаракат бошланганди. Бу ҳаракат «Хужум» деб ном олди. Ҳаракатнинг асосий мавзун аёлларни «ичкаридан» эркин меҳнат қучоғига олиб чиқиш эди. Партячейкалар мажлисларида, аёллар конференцияларида хотин-қизларни фаол сиёсий-ижтимоий ҳаётга тортиш, ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳақида бир қатор қарорлар қабул қилинганди. Паранжи ташлаш ҳаракати авж олганди. Ана шундай бир даврда юзлаб паранжисини оловга ташлаб, озодликка чиққан хотин-қизлар ўз оталари, акалари ва эрлари томонларидан қатл этилди. Мана шундай воқеаларга нисбатан биз ўзимизнинг корхона-

* Ликбез — саводсизликни тугатиш .

111. Чуст Давлат архиви. 222 фонд кузатиш дафтари.

мизни «Озодлик» деб аташга келишдик. Ишга жалб этилган кўнгина аёлларимиз паранжи ёпиниб келиб ишлашарди.¹¹²

Ушбу корхонада асосан аёллар меҳнат қилиб, улар дўппи, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришарди. Ушбу илк саноат корхонаси 1936 йилда «Янги турмуш» деб номланди ва бу вақтда артелда 250 киши иш билан таъминланди. 1938 йилда эса «Янги турмуш» артели шаҳарнинг турли томонларида жойлашган 4 та цехни бирлаштириб «1-Май» номли артелга айлантирилди.

Хўдди шу даврларда, яъни 1929 йилда Чустда фуқаролик ҳолатларини далолатномаларга ёзиш бўлими (ЗАГС) ташкил этилди ФХДЁ бўлими аҳоли ўртасида «хоҳладим» деб ном олди.

4. ЧУСТДА ЕР—СУВ ИСЛОҲОТИ.

Чустнинг шўро тузуми шароитидаги ривожига ҳақида кетганда табиий суръатда бу ерда ер-сув ислоҳоти қай тарзда ўтказилганлигини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Ўзбекистон ҳудудларида ҳам 1917 йилги тарихий «Ер тўғрисида»ги декрет замирида 1917 йилнинг 9 декабрида Туркистон Улка Халқ комиссарлари советининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ер сотиш ва сотиб олиш, ери ижарага бериш ва гаровга қўйиш тақиқланган эди. Ер миллийлаштирилди. Халқ комиссарлари кенгаши жойлардаги кенгашларга «Ер қўмиталари»ни тузишни таклиф қилди. «Ер қўмиталари» ўзларининг дастлабки фаолиятларини «ер кимники — ер ишлаганники» қондасини жорий этишдан бошлашди. 1920 йили 20 июнда қабул қилинган «РКП(Б) МКнинг Туркистондаги асосий вазифалари ҳақидаги» қарорда хусусий ер эгаллигини тугатиш борасида муҳим вазифалар олға сурилганди. Қатор қишлоқларда «Қўшчи» иттифоқлари тузила бошланди. Ушбу иттифоққа қамбағал деҳқонлар аъзо бўла бошланди. Чустдаги дастлабки «Қўшчи» иттифоқи ташкилогчиси, 1929 йилдан партия аъзоси, марҳум Ражабали ота Султонов ўша давр хусусида ўз эсдаликларини қўйидагича баёнлаган эди:

«1925 йилда Райимжон Мўминов, Эргаш Шомансуров, Абдуалжон Исҳоқов, Шарофат Бойматова, Мирсоли Мирсафоев, Усмонбой Миробов, Султонбой Мираҳмедов, Бойбо

112. Абдурашид С. Исмоилова. Нафақатўр. Сероб маҳалла фуқароси.

тоға, Темирбой Зонровлар иштирокнда камбағал деҳқонлар артелини туздик. Артелга Э. Шомансуров ранс этиб саиланди. Бизнинг ихтиёримизда бир жуфт ҳукиз ва иккита омов бор эди. Экинзор ерларнинг асосий қисми катта ер эгалари қўлида эди. Биз ўз кучимиз билан 60 гектар ерни ўзлаштирдик. Мавжуд ернинг 33 гектарига пахта, 14 гектарига беда, 8 гектарига ғаала эдик. Артелимизнинг дастлабки номи «Сассиқ булоқ» эди, кейинчалик унга «Гул булоқ» деб ном қўйдик».¹¹³

1925 йилда ҳам ерларнинг асосий қисми ҳустлик катта ер эгалари Абдурахмонбой, Абдувоситбой, Орифбой, Жавҳар мингбоши, Маҳмудбойлар қўлида эди. Абдурахмонбойнинг ўзидагина 40 танов ер, 200 дан ортиқ қўй-эчкиси бор эди. Қўплаб деҳқонлар чоракорлик ва мардикорлик билан машғул эдилар.

1925 йил 25 июнда Ўзбекистон КП МК бюроси мажлиси бўлиб ўтди. Ингилишда ер-сув ислоҳотига тайёргарлик масаласи муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Қарорда «Ер ислоҳоти ўтказиш вақти яқинлашиб келганлиги сабабли ерларни ўзлаштириш масаласи юзасидан тайёргарлик ишлари суръатини тезлаштириш, партия ва ҳукуматнинг, айниқса, ер ишлари аппаратининг бутун эътиборини шу масалага қаратиш зарур деб топилсин»—дея таъкидланганди.¹¹⁴

Ана шу қарордан кейин Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитаси. Президиуми 12 декабрда марказий вилоятларда ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида Низом қабул қилди ва ер ислоҳоти ўтказувчи район комиссиялари учун қўланмани тасдиқлади.¹¹⁵

Ер-сув ислоҳоти тадбирини амалда жорий этиш учун Ўз КП(б) МК раҳбарларидан бир гуруҳини қишлоқларга ёрдам кўрсатиш учун юборди. Худди шунингдек Ҳустга Марказқўм томонидан Сапонов ва Козлов ўртоқлар юборилди. Сапонов ва Козлов билан биргаликда Ҳустдаги қишлоқ хўжалик артелларининг фаоллари Ҳуст ҳудудидаги барча ерларни ўлчаб чиқиб, шаҳар ва қишлоққа тегишли ерларни чегаралай бошладилар. Аҳмаджон Абдусатторов, Жаъфархўжа Музаффархўжаев, Осимхон Аҳоров, Жўраҳон

113. М. Рустимова, *Ҳуст районидagi К. Маркс номи колхоз тарихи*. Тошкент — 1975 йил.

114. *Ўзб. Респ. Марказий давлат архиви*. 86-ф. 1-рўйхат. 2396 ғ.

115. *Ўзб. Респ. Марказий давлат архиви*. 86-ф. 1-рўйхат. 2396 ғ.

Имоматов, Ботирхон Дарвишхужаев, Маҳмуджон Ваққосов, Ражабали Султонов, Йўлдош Бойматов, Насимхон Тошхўжаевлардан иборат ер ислоҳоти ўтказиш комиссияси тузилди. Ушбу комиссияга Чуст бўлиси ижроқўм раиси Аҳмаджон Абдусатторов раҳбар этиб сайланди.

1925-1928 йиллар мобайнида Чустдаги қишлоқ хўжалик артеллари ва ширкатлари сони 28 тага етди.

1929 йилга келиб ушбу майда қишлоқ хўжалиги артеллари аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилди. Бу мажлисда майда артел аъзолари йирик хўжаликлар тузиш мақсадга мувофиқ деган қарорга келишди. 1929 йилга келиб ер-сув ислоҳоти комиссияси томонидан белгиланган 5054 гектар умумлашган ер майдонидаги майда артеллар бирлаштирилиб, йирик «Қизил Ўзбекистон» колхозига айлантирилди. Ушбу колхоз раислигига Ражабали Султонов сайланди. Эргаш Мадбоев — ҳосилот, Раҳматулла Болтаев — ҳисобчи, Муллаортиқ Нишонов эса хазиначи этиб сайландилар. Колхозга аъзо бўлиб кирганларнинг от-уловлари ва деҳқончилик воситалари бошқарув ҳайъати томонидан тузилган комиссия орқали рўйхатга олинди, уларга нарх белгиланди. Кўрсатилган нархлардаги ҳақлар эса колхозчиларга ўз вақтида тўлатилишига эришилди.

Албатта, бу жараён осон кечгани йўқ. Колхозлаштиришга қарши ҳаракат олиб боровчи кучлар халқ орасида ташвиқотчилари олиб боришарди. Қаркидон қишлоғида батрақларга «Қим колхозга аъзо бўлса, уларнинг барчаси бир ўринда ётади», «бир қозондан, бир косадан овқатланади» йўсинида ташвиқот қилишди. Натижада 200 дан ортиқ каркидонлик деҳқонлар колхозлаштиришга қарши исён кўтаришди. Ярим кечаси колхоз бошқаруви ҳайъат аъзолари «исёнчи»лар олдига келиб уларга асил ҳолни тунувтиришди ва батрақлар тинчланиб уйларига тарқалишди.

1930 йил март ойида Фарғона воҳасида коллективлаштириш бўйича бир қатор ютуқларга эришилганди. Баъзи бир районларда бу борада камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Масалан, Чуст—Поп райони ижрокоми раиси Бўрибеков колхозлаштиришда қатор қўпол хатоларга йўл қўйган, М.Якка хўжаликларни колхозга аъзо қилиш учун милиция ходимларини ҳам жалб қилган. Бундай қўполлик билан қиш-

лоқда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси-
ни жамоаларга аъзо қилиб, аҳолининг ижтимоий аҳволини
яхшилашга эришиб бўлмасди.¹¹⁶ Аксинча бундай ҳаракатлар
халқ норозиликка олиб келиши мумкин эди.

1931 йил охирига келиб республикада коллективлаш-
тириш 68,1 фоизга етди. Бу рақам Фарғона водийсида 72,2
фоизга тенг эди. 1932 йил бошларида Чуст—Поп районда
жамоаларга бирлашган хўжаликлар сони 47,2 фоизни таш-
кил этди. Оқибатда, колхозларга бирлашиш натижасида
пахта майдонлари ва ҳосил олиш кўпая борди. Масалан,
1929 йилда 5890 гектар ерга чигит экилиб 5365 тонна ҳосил
олинган бўлса, жорий йилда 7593 гектар ердан 11829 тонна
пахта териб олинди.¹¹⁷ Республикамиз бўйича пахта майдон-
лари 1929 йилги 530 минг гектардан 928 минг гектарга етди,
пахта ҳосили эса 520 минг тоннадан 753 минг тоннага ўсди.
1932 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси собиқ СССРнинг
олтинчи фоиз пахтасини етказиб бера бошлади. Бу эса Ўз-
бекистоннинг пахта етиштирувчи жумҳуриятга айлантириш
сиёсатининг дастлабки қадамлари эди:

Чустнинг 30 йиллардаги тараққиёти ва ривожини хусусида гап
кетар экан Ўзбекистон ҳукуматининг Чуст шаҳри ва районини
республика иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнини мутассил
ўстиришга қаратилган баъзи қарор ва кўрсатмаларига тўх-
таш жонздор.

Шу маънода ЎзССР Министрлар советининг Марказий Иж-
роия қўмитаси президиумининг 1932 йил апрелда Чуст шаҳар
Советининг ҳисоботи ҳақидаги қарори мазмунига алоҳида
тўхташ лозим. Хусусан ушбу қарорда Чуст шаҳри 1918-
1920 йиллардаги ўзаро кураш натижасида вайрон этилгани,
бу даврга қадар шаҳарда бир мунча иқтисодий база
мавжуд бўлгани таъкидланди. Шунингдек, қарорда октябрь
ғалабасига қадар Чустда 7 та турли корхона мавжуд бўлиб,
улар пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, чарм-кўн заводи ва
бошқа саноат ишлаб чиқариш корхоналари бўлгани уқтирил-
ди, дарҳақиқат аҳоли сони 27000 нафар бўлиб асосан ҳунар-
мандлар ва ишчилардир. Вайронагарчилик туфайли ерли аҳо-
лининг бир қисми турмуш оғирликларини сабабли, бошқа юрт-

116. Чуст давлат архиви. 222-ф. 1-р. 88-д. 1, 15-б.

117. Чуст давлат архиви. 222-ф. 1-р. 18-д. 441, 445-б.

ларга кучиб кетишган. Натижада Чуст шаҳри ҳам ишчи кучи етишмаслиги сабабли бир мунча қийин аҳволда қолган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Марказий Ижроия қўмитаси ҳозирга қадар саноат ишлаб чиқариш корхоналарига якка тартибда ишловчи ҳунармандларнинг бирлаштирилмаганлигига эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблайди. Шу билан бирга бу ишни амалга ошириш учун етарли даражада хом-ашё йўқлиги, етарли маблағ ва дастгоҳлар йўқлигини ҳисобга олади. Буларнинг барчаси якка ҳунармандни қийин аҳволда қолишига сабаб бўлмоқда.

Чуст шаҳрининг партия ва совет ходимлари ишни бир мунча тўғри ташкил қилганликлари туфайли райондаги ҳунармандларнинг турмуш шароитлари тенглашди, ижтимоий аҳволлари яхшиланди. Шаҳарда ҳам қурилиш ишлари ривожланганлигига қарамай, бу ҳолдан қониқмаслик лозим.

Бутун Совет Иттифоқи бўйича аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга катта эътибор берилаётган бўлсада, Чуст шаҳрида бу ишга панжа орасидан қаралган. Натижада якка тартибда ишловчи ҳунармандлар нон маҳсулотлари билан 60 фоиз таъминланган ҳолос.

Чуст шаҳрининг қарийб 97,4 фоиз аҳолиси тожик миллиятига мансубдирлар, уларнинг маданий-ижтимоий, иқтисодий турмуш тарзлари етарли даражада яхшиланмаган. Қасалхона, мактаблар ва бошқа ижтимоий-маиший муассасалар қурилиши Чуст шаҳрида умуман олиб борилмаган. Шаҳарда 37 та бошланғич мактаб гуруҳлари, 149 та саводсизликни тугатиш гуруҳлари мавжуд бўлиб, бу гуруҳлар ҳам ўқув қуроллари билан таъминланмаган эди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ЎзССР ХК Совети Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми Чуст шаҳрининг сиёсий иқтисодий мавқенини мустаҳкамлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди:

1. Халқ Комиссарлар Советига Чуст шаҳрида пахта тозалаш ва ёғ заводлари қуриш тўғрисидаги 1930 йил 12 февралдаги 3-сон қарорни бажарилишини таъминлашни назорат остига олиш борасида таклиф этилсин. 1931 йилда илгариги йиллардагидан 14000 га экни майдони кўпайган ва 1 млн. тоннадан ортиқ пахта ҳосили олинганлиги республика ҳудудида пахта заводларини кўпайтириш лозимлигини тақозо этади.

2. ХКС қарорига мувофиқ Чуст шаҳрида консерва ва гишт заводлари қурилиши учун зарур маблағлар ажратилсин.

3. Якка ҳунармандларни ва саноат артелларини ҳам ашё билан таъминланишни яхшилаш, саноатда янги типдаги дастгоҳларни кўпайтириш учун Ўзкустпромсоюзга юқоридаги топшириқларни бажариш топширилсин.

Чуст шаҳрида кўн-чарм заводи қуришга киришиш тавсия этилсин ва шу билан бирга шаҳарда Кустпромсоюзнинг бўлимларини очиш тавсия этилсин. Ушбу бўлимлар Қўқон шаҳридан олиниши лозим.

4. Чуст шаҳрида миллий кадрлар тайёрлаш учун Наркомпросга шаҳарда Педтехникум ва Педкурслар очиш тавсия этилади. Бу ишни амалга ошириш вақтида бирданига қурилиш учун маблағ ажратиш ҳам кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидлансин. Чустда асосан тожик миллатига мансуб бўлган аҳоли яшашини ҳисобга олиб тожик тилидаги ўқув қўланмалари билан таъминлаш назарда тутилсин.

5. ХКС 1930 йил 12 февралдаги 5-сонли Чуст шаҳрини электрлаштириш ҳақидаги қарорини бажариш учун ВСНХ томонидан ҳеч қандай ҳаракат бўлмаганлиги таъкидлаб ўтилсин.

Ушбу қарорга мувофиқ Фарғона окрижроия қўмитасига Чуст шаҳри учун 80 от кучига эга бўлган дизель ва динамо машинасини топшириш юклатилсин. ВСНХ ва Фарғона шаҳар совети юқоридаги қарорни бажарилишини таъминласин.

Чуст электростанциясини электроматериаллар билан таъминлаш Республика энергия марказига топширилсин.

6. Автотранспорт хўжалигига шаҳар ва темир йўл бекаги оралигида тош йўл қуриб битказилганлигини ҳисобга олиб автомобиль қатновини йўлга қўйиш топширилсин. ЎзССР ХКСга Чуст шаҳрида артезиан қуруқлари қазиниш учун маблағ ажратиш таклиф этилсин.

7. Чуст шаҳрида уй-жой етишмаслигини ҳисобга олиб Ўзкустпромсоюз, Ўзбекбирлашув, почта—телеграф бошқармаси ва дорихоналар бошқармасига ўз филиаллари ва бўлимлари учун бинолар қуриш масъулияти юклатилсин.

8. Наркомфинга бюджет ҳисоб-китобида Чуст шаҳри учун дотация масаласини кўриб чиқиш топширилсин. Наркомсоюз-

га ўз қурилиш бюджетида Чуст шаҳрида ҳаммом ва мехмонхона қурилиши борасида қарор қабул қилиш топширилсин.¹¹⁸

Ушбу қарордан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳукумати Чустнинг иқтисодий ва маданий ривожини учун катта эътибор бера бошлади.

Бироқ, ўша даврдаги маъмурий бўйруқбозлик, барча масалаларни ҳал этилиши марказга боғлиқ эканлиги туфайли бу қарорнинг бажарилиши пайсалга солинди. Қарор ижроси сифатида Чустда фақат пахта заводи қурилди холос.

1929-30 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Жойларда бўлган миллий-озодлик курашлари енгилиб, уларнинг сафида ҳаракат қилган Ватан ўғлонлари «босмачилар» тамгаси билан маҳв этилгач, колхозлар қурилишига эътибор қаратилди. Агар 1917 йилдаёқ қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги декретга асосан кўпчилик ерсиз деҳқонлар ерли бўлган бўлсалар, эндиликда шу ерларни бирлаштириш сиёсати амалга оширила бошланди.

1925 йилнинг 2 декабрида Самарқанд шаҳрида ЎзССР Халқ Комиссарлар совети Марказий Ижроия қўмитасининг фавқулодда сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессияда ер-сувни ислоҳ қилиш тўғрисидаги тарихий қарор қабул қилинди.¹¹⁹

Қарорга биноан катта ер эгаларининг ерлари мусодара қилиниб, ерсиз деҳқонларга бўлиб берила бошланди. Чустда ҳам ушбу қарор фаоллик билан бажарила бошланди. Кўпгина жойларда батрак артеллари тузила бошланди. Тез орада уларнинг сони 293 тага етди.

1926 йилда Қизилтепа қишлоғида деҳқон хўжалиғи артели тузилди, унга 7 киши аъзо бўлиб, Мамаджон Аббороров бошчилик қилди. Ушбу артел аъзолари 30 гектар ерга пахта уруғини қадаб, йил давомида меҳнат қилишди ва гектаридан 18 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлишди.

1930 йил ўрталарига келиб район ҳудудида колхоз қурилиши авж олди. Варзик қишлоғида 8 та колхоз бунёд этилди. 1933 йилда колхозлар бирмунча йириклаштирилди.

118. Ўзб. Респ. Давлат архиви 86-ф. 1-рўйхат. 6383-д. 2-б бетлар.

119. Ўзб. Респ. Давлат архиви 86-ф. 1-рўйхат 2396-дело.

Умуман 1935 йилга келиб район ҳудудида 50 та колхоз мавжуд бўлиб, улар Олмосда 12 та, Гова ва Оғасаройда 5 та, Варзикда 8 та, Шўркентда 11 та, Шоёнбоймоқда 8 та ва Чуст шаҳрида 7 та эди.¹²⁰

Пахтачиликка эътибор кучайтирила бошланди. 1930-1931 йил ҳосиллини тезроқ йиғиб олиш учун Ўзбекистон пахтачилик кооперацияси маркази пахтакорларга мурожаат қабул қилди.

Унда жумладан шундай дейилган:

Колхозчи ва якка хўжалик пахтакорлар!

Бу йилги ҳосилни январь ойига қолдирмай териб топширайлик.

... Ҳар бир пуд териб топширилган пахта учун қуйидагилар қўшимча равишда берилади.

Якка хўжаликларга

Колхозчиларга	камбағал	ўрта ҳол
Чой 14 грамм	12 грамм	10 грамм
Ёғ 140 грамм	125 грамм	100 грамм
Совун 50 грамм	40 грамм	30 грамм

Агар пахтани 15 декабргача териб тамомланса, қўшимча равишда қуйидагилар берилади:

	Газлама	Қанд	Қалиш.
Колхозчиларга	20 метр	2 кг.	1 жуфт.
Якка хўжаликларга	10 метр	1,5 кг.	1 жуфт. ¹²¹

Худди шу даврда, яъни 1931-1932 йилларда Чустда ҳам бошқа жойларда бўлгани каби Посевком (экиш комиссиялари), Ўзпахтасоюз бўлими тузилди.¹²² Уларнинг фаолияти ер майдонларини назорат қилиш, экиш ишларини текшириш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олинишни таъминлашдан иборат эди.

1933 йилнинг апрель ойида ЎзССР ХКС ўзининг 138/23 қарори билан район ижроия қўмиталарида йўл хўжалиги бўлимлари ташкил этиш лозимлигини кўрсатиб ўтди ва жойларда бу қарор амалга оширилди.

1933 йилда Чуст районида ЎзССР Ер ишлари Халқ комис-

120. Чуст давлат архиви. 339-ф. 1-рўйхат. 3-иш.

121. Чуст давлат архиви. 339-ф. 1-рўйхат. 4-иш. 30 бет.

122. Чуст Давлат архиви. 339-ф, 1 рўйхат. 4-иш.

сарлигига қарашли қишлоқ хўжалик институтининг тракторчи бригадирлар тайёрлаш мактаби (ШТБ—школа трактористов и бригадиров) очилди. Ушбу ўқув юртида 105 та ўқувчи ҳунар эгаллади. Ушбу ўқув юртига биринчи бўлиб Ашурмат Ҳормонов раҳбарлик қилди.

1935 йилги пахта ҳосили учун Ўзбекистон республикаси ҳудудида ХКСнинг 1935 йил 20 августдаги 990-қарори билан қуйидаги нархлар белгиланган эди.

Америка пахтаси:

1 нави	аъло	ҳар 1 кг. учун	1 сўм 21 тийин.
1 нави	ўрта	—»—	1 сўм 15 тийин.
1 нави	қуйи	—»—	1 сўм 10 тийин.
2 нави		ҳар 1 килограмм учун.	1 сўм 00 тийин.
3 нави		—»—	0,92 тийин.
4 нави		—»—	0,86 тийин.
5 нави		—»—	0,80 тийин.

Миср пахта (ишак пахта) учун:

I нав	аъло	ҳар 1 килограмм учун	2 сўм 67,5 тийин.
I нав	ўрта	—»—	2 сўм 55 тийин.
I нав	қуйи	—»—	2 сўм 42 тийин.
II нав		—»—	2 сўм 16,5 тийин.
III нав		—»—	1 сўм 99 тийин.
IV нав		—»—	1 сўм 78,5 тийин.
V нав		—»—	1 сўм 53 тийин.

1935 йил пахта ҳосилини тезроқ териб топширишни ташкил этиш, илғорларни рағбатлантириш учун республика ХКС 19 августда 982-сонли қарор қабул қилиб, Чуст райони учун 4 та патефон, 80 та пластинка, 16 та велосипед, 21 та тикув машинаси ажратган.¹²³

Чустдаги даволаш муассасаларига зарур сарф-ҳаражатлар сметаси 1935 йил ҳолатига қуйидагича белгиланган.

1. 1 та каравот жой учун	3200 сўм.
2. Пункт врач	18300 сўм.
3. Фельдшер	9000 сўм.
4. Акушер	7500 сўм.
5. Сўт ошхонаси	11000 сўм.
6. Аёллар маслаҳатхонаси	17000 сўм.

¹²³ Чуст Давлат архиви. 339-ф. 1-рўйхат. 1-д. 30-бет.

7. Безгак пункти

16000 сўм.

Жами:

82000 сўм.

1934 йил кузида Чуст районида қуйидаги миқдордаги майдонга ғалла экилган:

Лалмикор ерларга: буғдой 391,5 га, арпа — 228,2 га.

Сугориладиган ерларга: буғдой 1178,7 га; арпа — 345,3 га.

Якка хўжаликлар ерларига. буғдой 264,8 га; арпа—55,2 га.¹²⁴

1937 йилда пахта майдони 7593 га, ҳосилдорлик 15,6 центнерни ва умумий ҳосил 11829 тоннани ташкил этган. 1938 йилда эса пахта майдони 7564 гектарга, ҳосилдорлик 12,4 центнерга етиб 8113 тонна пахта терилди.

Чуст шаҳри ва туманида 1930-1934 йилларда содир бўлган воқеалар силсиласига назар солар эканмиз кўнчилик ҳолларда маҳаллий ҳокимият намоёндалари шошма-шошарлик билан иш тутганликларини кўриш мумкин. Масалан, УзССР Халқ Комиссарлари советининг 20.VII-1934 йилда йўлланган 12/98 сонли қарорида шундай фикрлар баён этилган:

...Фуқаро Каримов Шарифнинг шикоят буйича олиб борилган текширувдан маълум бўлдики Чуст шаҳар совети, Марказий ижроқўм раисининг ўринбосари ўртоқ Д. Манжаранинг бир неча бор берган кўрсатмаси ва таклифига қарамай, кўрастилган иш буйича ҳеч қандай маълумот бермади. Натижада халқ комиссарлар шўросининг молья қўмитаси қарор қилади:

...Фуқаро Каримов Шариф ўзига қарангли 7 таноб ери 1930 йилда колхозга топширганлиги, ўзи эса ҳозирги вақтда ёллашиб меҳнат қилаётгани туфайли 1933 йилда у ҳақда қабул қилинган қулоқлаштириш ҳақидаги қарор бекор қилинсин ва фуқаро Каримов Шариф шахсий солиқлар тўлашдан озод этилсин.¹²⁵

1933 йилнинг май ойида УзССР МИК «Қулоқ қилинганларнинг фарзандлари вояга етгач сайлов ҳуқуқини олиши ҳақида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорга Марказий ижроқўм раиси Н. Охунбобоев имзо чекди.

Айни шу даврларда халқ хўжалиги қурилишининг барча жабҳаларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва уларни расман озод бўлишларига эришиш тўғрисида ҳам махсус қарор

124. Ўзб. Респ. Давлат архиви 86-ф. 1-рўйхат. 6383-д. 2-6 бет.

125. Чуст давлат архиви. 339-ф. 1-рўйхат 1-иш.

қабул қилинди. Чустда ҳам бир қатор аёллар халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида эркаклар билан тенг меҳнат қила бошлашди, С. Холдорова, Салима Исмаилова, Ш. Бойматова, Х. Абдуллаевлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари шўроси ижроия қўмитаси 1935 йил ҳисобига қишлоқ хўжалиги аъзоларидан солиқ олиш ҳақидаги қароридан қуйидагиларни таъкидлади. 1935 йил май ҳолатига солиқ:

- а) жамоа хўжаликларидан (қишлоқ хўжалик коммуналаридан);
- б) колхозчилар хўжаликларидан;
- в) якка деҳқон хўжаликларидан олинади.

Солиқ миқдорлари қуйидагича белгиланади. Коммуна ва артеллардан ҳар бир сўм даромаддан — 3,5 тийин, Уртоқчилик ерларидан олинган даромаднинг ҳар бир сўмидан — 5 тийин. Булардан ташқари хўжаликлардан қўшимча сув йиғими ва пул обороти ҳисобидан ҳам алоҳида солиқ ставкалари олинади.

Солиқ тўлашдан қуйидагилар озод этилади:

- а) қўриқ ерлардаги пахта майдонлари.
- б) Миер (инак) пахтаси уруғи экилган майдонлар;
- в) эфир мойи мавжуд бўлган доривор ўсимликлар экилган майдонлар;
- г) Пиллачиликдан олинган даромадлар.¹²⁶

Шунингдек солиқ колхозларнинг ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотишдан оладиган даромадларига ҳам солиқмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Қарорда дўшни тикиб ва ёғоч қошиқлар тайёрлаб олинadиган даромадлар солиқдан озод этилишини ҳам алоҳида бандда ифода этилган. Яна бир ҳолатни қайд қилиш лозим, мамлакат иқтисодий таъғ ҳолда бўлсада, аёлларнинг кўз нури ва қалб қўри билан битадиган дўшчилардан олинadиган даромадлари солиқдан озод этилган.¹²⁷

Қарорда таъкидланишича агар оилада 3 та меҳнатга лаёқатсиз киши бўлса бу хўжаликка солинган солиқ 20 фоиз камайтирилган. Меҳнатга лаёқатсизлар 4 ва ундан кўп бўлса

126. Чуст Давлат Архиви 339-ф. 1 рўйхат. 10-дело.

127. Чуст Давлат Архиви 339-ф. 1 рўйхат. 10-дело.

у ҳолда онлага 30 фоиз имтиёз берилади. Меҳнатга лаёқатсиз деб 18 ёшгача бўлган ва 55 ёшдан ошган эркак ва аёллар ҳисобланган.

1935 йил август ойида ЎЗССР ХКС қарорига биноан Чустда «Заготзерно» — қабул пункти ташкил этилди. Айни шу вақтда Чустда жами 17 та нон билан савдо қилувчи дўконлар мавжуд бўлган.

1919-1933 йиллар мобайнида Чуст райониди маориф ва маданият ҳам ўзига хос равишда ривожлана бошлади. Чуст шаҳрида етим болалар ва қамбағаллар фарзандларини ўқитиш, уларга таълим бериш учун интернат ташкил этилди. Унга Чустлик Туркистон ХКС Марказий ижроня қўмитаси аъзоси Бўтабой Дадабоев номи берилди.

Бир қатор янги усулдаги (жадид) мактаблар очилди ва бу мактабларда синфда дарс бериш усули жорий этилди. Таъқидлаш жоизки мактаблар айрим кишилар хонадонларида жойлашган эди. Мактабларда жўгрофия, абжод (математика), ҳандаса (геометрия), илми хикмат (физика) каби табиий фанлар ўқитила бошланди. Ана шу йилларда Чуст шаҳар маорифи ишиси бошқаришда шоир Муҳаммадшариф Сўфи-зода фаолият кўрсатди. Азиз Қосимий, Эшонжон Содиқий, Абдураззоқ Воҳидов каби зиёлилар жойларда мактаблар ташкил этиб аҳолининг фарзандларига янги усулда дарс



Абдураззоқ ВОҲИДОВ



Сотим УЛУГЗОДА

утишарди. Домла Эшонжон Содиқий мактаби даҳмада, Абдураҳмоқ Воҳидов мактаби Ҳамид қози маҳалласида жойлашган эди. Мактабларда ягона ўқув дастури бўлмаган. Шунинг учун ҳам мактабларда ўқиш турлича олиб борилар эди.

Янги усулдаги мактабларда ўқитиш ишларига диний мактаб тарафдорлари тўсқинлик ҳам қиларди. Уша даврларда А. Воҳидовга сўйиқасд ҳам уюштирилган. Бахтли тасодиф тугайлигини домла Воҳидов омон қолган.

Мўътабар инсон домла А. Воҳидовнинг ўзлари бу ҳақда қуйидагича ҳикоя қилганлар:

«1920 йилнинг куз ойлари эди. Қуирузги соат 3 лар чамаси мен дарс ўтиб турган синфга 4 киши кириб келиб ўқувчиларимни тарқатиб юборишни талаб қилишди. Улардан бири болаларга пўниса қилиб, «буидаи кейини ўқиш бўлмайди» деб ўқувчиларни синфдан ҳайдаб чиқарди. Менга улардан яна бири ничоқ кўрсатиб, «яна дарс ўтсанг сўйиб кетамиз» деди. 20 октябрь куни даредан сўнг Обид Ризо билан ютиб турсак, кўча муқолишига бурилишим билан менга ничоқ билан бир киши ташланди. Яхшиям Обид Ризо мен билан бирга эди. Шу сабабли омон қолдим».

Бундай қисматдан А. Воҳидов қутулиб қолган бўлсаларда тумандаги баъзи бир ўқитувчилар жаҳолатпарастлар қўлида ҳалок бўлишди. 1931 йилнинг декабрь ойида Қаркидон қишлоғида ўқитувчилик билан бир қаторда «Янги Фарғона», «Ижтимоёт» газеталарида мухбирлик ишини олиб бораётган оташқалб йиғит Эргаш Хонбобоев ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилди.

Чустдаги интернат мактабда ўқиган ўқувчилардан бир нечтаси кейинчалик фан ва маданият намойидалари, жамоат ва давлат арбоблари бўлиб етишдилар. Буюк тожик ёзувчиси Сотим Улуғзода, тилшунос олим профессор Обид Жалолов, генерал Файзулло Норхўжаев, туманимизнинг турли соҳаларида раҳбарлик қилган Орифжон Комилов, кекса педагог республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ашурмат

Ҳамдамов, оташин шоир Зафар Диёр шулар жумласидандир. Шу ўринда Сотим Улуғзода ва З. Диёр таржимаи қоллари билан таништириб ўтамиз.

Сотим Улуғзода 1911 йил Чуст туманининг Варзик қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Йиғирманчи йиллар-



ЗАФАР ДИЯР



Муҳаммадшариф СУФИЗОДА.

нинг бошларида Чустдаги мактаб—интернатда тарбияланди. Уттизинчи йилларнинг бошларида Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш институтини битириб, йўлланма билан Душанбе шаҳрига бориб ишлади. Гўзал бу шаҳарда унинг ижодий фаолияти бошланди.

Уттизинчи йиллардан бошлаб ўзининг сеҳрловчи ва жонибали асарлари билан мишг-мишглаб мухлислари дилидан маскан топди.

Адабиёт мухлислари таржима орқали рус ва бошқа халқлар, шунингдек хорижда ҳам «Олийҳиммат ёрлар», «Ёшлигимиз тонги», «Янгибод», «Восеъ», «Сўғд ривоятлари» ва бошқа асарларини ўз тилларида мутолаа қилганлар.

50 — йилларда С. Улуғзода В. Виткович билан биргаликда Абу Али Ибн Сино ҳақида ҳикоя қилувчи «Ибн Сино» фильмининг сценарийсини ёзди.

Тарихий мавзуда тожик классик адабиётининг буюк намояндаси А. Рўдакий ҳақида ёзган «Шоир қисмати» фильми 1960 йилда Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалида «Олтин бургут» мукофоти билан тақдирланди. Кейинчалик адиб мазкур сценарий асосида «Рўдакий» драмасини яратди.

Сотим Улуғзода 75 ёшида жаҳонга машҳур буюк форс—тожик шоири Фирдавсий ҳақида шу ном билан ёзган романи учун Абуабдуллоҳ Рӯдакий номли Тожикистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Бир неча йил илгари Тожикистон фанлар Академияси мухбир аъзоси этиб сайланган.

Жангчи ёзувчи бир қанча орден ва медаллар соҳиби. У Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби унвонига сазовор бўлди.

С. Улуғзода таржимон сифатида ўзбек, рус адабиётидан кўпгина асарларни тожикчага ўгирган.

Айни пайтда Москва шаҳрида яшамоқда.

Фарзандлари Нора ва Азиз турли соҳаларда ишламоқдалар.

Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Зафар Диёр 1912 йили Чуст туманининг Саримсоқтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

1927 йилда Тошкентдаги Наримонов номли Ўзбек эрлар билим юртига ўқишга кирди. 1933 йилда ўқишни тугатиб, шу жойда адабиётдан сабоқ берди.

1941 йилда Тошкент Давлат педагогика Олий билимгоҳини тугатди. Рўзномаларда журналист бўлиб фаолият кўрсатди. 1933 йилда «Қўшиқлар» номли биринчи шеърый тўплами, «Тантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Бизнинг қуролимиз», «Бизнинг оила» (1942), «Совға» (1944) каби шеърый мажмуаларни босилди.

Шеърлари қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва биродарлик руҳида ёзилган. У суюкли драматург ҳам эди. «Бахтли ёшлик», «Уч оғайни» пьесалари шулар жумласидандир.

1936-1941 йиллар «Ленин учқуни», 1941 йилдан умрининг охиригача «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида бўлим мудири бўлиб ишлади.

Зафар Диёр 1946 йил 14 апрелда бевақт вафот этди.

«Кичкина боғбон ҳақида дoston» (1947), «Чаман» (1948), «Гунафша» (1952), «Асарлар» (1954), «Қанотли дўстлар» (1958), «Сув билан суҳбат» каби сайланмалари вафотидан сўнг нашр этилди.

Чустда унинг номида кўча ва Саримсоқтепа қишлоғида ўрта мактаб мавжуд бўлиб, мактабда шоирга бюст қўйилган.

Умуман олганда XX асрнинг 40-йилларига қадар Чуст шаҳри ва туманида бир неча мактаблар очилди. Уларда аҳолининг фарзандлари билим эгаллай бошлашди. Шаҳар даги мактабларда Нури Залилов, Отабой Искандаров, Райимжон Раззоқов, Холмат Асқаров, Мамаджон Юнусов, Ғафур Нурматов, Амнижон Азизов ва бошқалар ўқувчиларга таълим тарбия беришарди.



1931 йилнинг 20 ноябрида Чуст райониди биринчи бор газета чиқарилди. У «Ижтимоёт» деб номланар ва Чуст —Поп райони ижроня қўмитасининг органи ҳисобланарди. 1932 йил 10 октябрдан газета «Чуст ҳақиқати» номи билан, 1933-1960 йиллар давомиди «Сталин йўли» номи билан аталди. 1960 йилнинг 22 майидан ҳозирги кунга қадар «Чуст ҳақиқати» номи билан босмадан чиқарилмоқда. Газета

чиқарилаётган вақтдан бери унинг умумий сони 6000 дан ошиб кетди. Ҳозирги кунда «Чуст ҳақиқати» ҳафтада биттадан 3400 нусхада чиқарилмоқда.

1936 йилда ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 489-қарорига биноан Чустда ҳам босмахона ташкил этилди. Ушбу босмахонада дастлабки пайтда 7 киши фақат район рўзномасини чоп этиш билан банд бўлишган.

5. ЧУСТ ТУМАНИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИ УТМИШДА ВА ҲОЗИР

Чуст халқи азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланган. Чуст туманининг асосий сув манбалари Говасой, Олмоссой, Кўксераксой ва Сумсорсойлар бўлган. Инқилобгача сугориш тармоқлари ривожланмаганлиги туфайли деҳқончилик қиладиган ер майдонлари оз бўлган. Сув манбаларидан сув оладиган ариқлар тор ва ноқулай бўлиб, катта қийинчиликлар эвазига сойлардан сув бойланган, айниқса сув тошқинлари туфайли ариқларнинг бош қисмини сел ювиб кетган. Сув чиқариш учун сойларга тош териш, шох босиш, сеноялар қўйиш ва чиғирлиқлар билан сув чиқаришга бутун аҳоли жалб қилинган. Сув саноқли одамларгагина бойлик келтириш манбаи бўлиб хизмат қилган.

Инқилобдан кейингина сув манбалари, уларнинг тузилишлари чуқурроқ ўрганилади. Уларни тартибга солиш туфайли деҳқончилик маданиятини оширишга имкон яратилди. 1925 йилдан бошлаб тумanning асосий сув манбаларидан бўлган Говасой сув режимини ўрганиш учун Боғжой гидрометеорология пункти ўрнатилиб, сув ҳажми ва режимини ҳисобга олиш бошланган. Бу вазифани биринчи бўлиб ўзбек инжигларидан Аъзамхўжа Имомхўжаев бошқарган. 1935 йилда халқ душманлари томонидан Аъзамхўжа Имомхўжаев ва ўгли Тошхўжа сув ўлчаётган пайтларида гидрометрик кўприк сини кесилган. Натижада улар сувда оқиб кетган. Ҳозирги пайтда Аъзамхўжа Имомхўжаевнинг ўгли Мукаррамхон Имомхўжаев ота касбинини давом эттириб, Говасой гидроузелида ишлаб келмоқда.

Тумандаги сув манбаларидан унумли фойдаланиш, сув тақсимотини режалли амалга ошириш мақсадида сув хўжа-

лиги бошқармаси таркиби 1938 йилда тузилди, ҳозирги даврга қадар ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Туман хўжаликларини сув билан меъёрида таъминлаш мақсадида 1940 йилда шимолий Фарғона канали тез кунлар ичида қазиб ишга туширилди. Пахтачиликни янада ривожлаштириш мақсадида 1942 йилда Косонсой сув омборидан 24,9 км. масофадан «Чуст канали» қазиб келинди. Канал 1850 гектар ерга «оби ҳаёт» бағишлаган бўлса, 1945 йилга келиб 2436 гектар ер сув билан таъминланди.

1949 йилга келиб Чуст туман колхозчилари кучи билан Чуст канали яна 14 километрга узайтирилди. Чуст канали Сумсорсойдан Дарча ариғигача чўзилди ва Ғовасойдан сув ичадиган, июль, август ва сентябрь ойининг биринчи ярмида қаттиқ сув танқислиги сезиладиган 4000 гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Шу йилнинг ўзида эски Чуст каналини узайтирилган қиеми билан улавадиган Сумсор дюкери қурилиши бошланди ва бу тадбирлар Чуст ерларини сув билан таъминлаш масаласини бир мунча ҳал қилди.¹²⁸

1962 й. апрелда Чуст каналида тантана бўлди. «Чуст канали»—деди М. Умаров,—бундан муқаддам жуда тор ва кичик эди. Каналга Косонсой сув омборидан сув берилса, ҳаммаси бўлиб 1,4 куба сув етгар эди. Канал трассасида катта иш бажарилди. 48,5 минг куба тупроқ ишлари бажарилиб, канал кенгайтирилди. 11 километрлик масофада эни 2 метр чуқурлиги 2,20 метр, қалинлиги 10-15 сантиметр қилиб бетонлаштирилди. Бунда барча колхозлардан келган қурувчилар, вилоят сув хўжалиги бўлими ҳузуридаги 5-қурилиш колоннасининг қурувчилари, 57-автокорхона ҳайдовчиси, экскаваторчилар Дўсматов, Вальчиковлар ҳалол меҳнат қилдилар»¹²⁹

1970 йил 15 январда Ўзбекистон КП МК, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши катта Наманган канали қурилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланишича шимолий Фарғона ва Чуст каналлари реконструкция қилинди. Косонсой сув омбори кенгайтирилди. Марказий Фарғона ерларини узлаштириляти, селхона омборлари, насос станциялари бунёд қилинмоқда. Шу билан бирга Наманган вилоятида, хусу-

128 З. Акромов «Экономико-географический справочник». «Наманганская область». 1955 г

129. «Чуст ҳақиқати» 26. IV. 1962 йил «Чуст каналида тантана».

сан унинг тоғ этаклари қисмида суғориш учун яроқли бўлса ҳам фойдаланилмаётган катта ер майдонлари мавжуд. Иқлим шароитларининг яхшилиги меҳнат ресурслари мавжудлиги бу ердаги суғориладиган ерларни кенгайтириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўнайтириш имконини беради.

Бироқ маҳаллий суғориш манбаларида Подшоотасой — Қосон, Говасой ва бошқа манбаларда сув камчилиги янги ерларни бундан буён очиб, ҳосилдорликни оширишга имконият бермаётир.

Тошқин Норин дарёсидан сув оладиган катта Наманган канали қурилиши шу муаммони ҳал қилади. Катта Наманган каналининг узунлиги 162 километр ва унинг бош тўғони секундига 61 кубометр сув сиқдирадиган бўлди. Бу эса 16 минг гектар майдонда сув камчилигига барҳам бериш, 27,8 минг гектар янги суғориладиган ерлар очиб таъминлаш имконини беради, колхозларнинг неча юзлаб майда насос қурилмалари бартараф этилиб, 120-метр гача баландга сув чиқарилиши кўзда тутилади.

...Наманган вилоят ташкилотларининг катта Наманган канали қурилишини халқ ирригация қурилиши деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Суғориш мавсумини меъёрлаштириб ўтказиш учун 6 миллион кубометр сув оладиган Қўксераксой сув омбори қурилди. 1975 йилнинг бошида омбор қурилиши учун киришилди. Проект сметалари тузилди. Сув омборининг аҳамияти шундан иборатким, сувсизлик қийинчиликларидан Фрунзе номли (Варзик), Калинин («Қаркидон»), Жданов, («Оғасарой»), Энгельс («Машъал») номли жамоа хўжаликлари қутилишиди. Сув омбори қурилишига 4 млн. 600 минг сўм маблағ ажратилди.

Омборни «Наманганрострой»га қарашли Чуст сув иншоотлари қуриш ПМКси қурди.

1990 йилда 18 млн. кубометр сув оладиган Варзик сув омбори тўлиқ қурилиб ишга туширилди. Янги ўзлаштирилган ерларни сув таъминотини яхшилаш мақсадида 1979 йилда Тепақўрғон, 1983 йилда Қўксераксой, 1990 йилда Резаксой 1,2,3 навбатлари ва янги Тепақўрғон насос станциялари қурилиб ишга туширилди.

Туманининг асосий сув манбаси бўлиши Говасойга 1973 йилда узоқ йиллардан бери эрзу қилинган Говасой гидроузели қурилиб ишга туширилди. Мазкур ишоот қурилиши билан сепоя бойлаш, тоштўфон, чим билан сув чиқариш каби бир мунча ишчи кучини сарфловчи оғир қўл меҳнатига чек қўйилиб, Говасой сувини автоматик равишда ариқларга тақсимлаш имконияти яратилди.

Гидроузел қурилиши муносабати билан Шатак, Дарча, Қаркидон каналлари реконструкция қилиниб, бетонлаштирилди ва гидроузел билан уланди. Тошқин пайтларида Говасой сувидан унумли фойдаланиш мақсадида 20 километр масофага «Галаба» капали қурилиб, Говасой сувини Боймоқ ва Дам хўжаликларига олиб бориш имконияти яратилди. Кейинги йилларда рўй бераётган тумандаги камсувлиқнинг олдини олиш мақсадида 250 дан ортиқ артезиан қудуқ қазилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда туманда 454 та артезиан қудуқ унумли равишда ишлатиб келинмоқда.

Туман бўйича бирлашма томонидан хўжаликлараро ва магистрал каналларнинг 275 километрдан фойдаланилаётган бўлса, шундан 153,5 километри бетонлаштирилган ёки лоток ётқизилган бўлганлиги туфайли сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,80—0,85 ни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари кейинги йилларда туман ерларини захирадан сақлаш мақсадида туманда 213 километр коллектор ва завурлар мавжуд бўлиб, улар мунтазам тозаланиб борилмоқда. Туман деҳқонлари-ю соҳибкорларига зилол сув етказиб беришдек шарафли иш билан шуғулланиб келган, ўз касбини, вазифасини шарафлаган кишилардан 1976 йилда бирлашма бошлиғи бўлиб ишлаган Жўраҳон Исоқов ва бўлим бошлиғи Самижон Еттибоевларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор», Чуст сув хўжалиги участкасининг сув кузатувчиси Эгамберди Отажоновга «Сув хўжалиги Вазирлиги аълочиси» фахрий унвонлари берилган. Ҳозирги пайтда Чуст тумани сув хўжалиги бирлашмасида 240 дан ортиқ инженер-техник ва ишчилар туманимизнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

V БОБ. ЧУСТЛИКЛАР ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

1941-45 йиллардаги Улуг Ватан уруши, уни бошлаган кимсалар Республикамизнинг барча аҳолиси каби бизнинг вилоят меҳнаткашларининг ҳам бениҳоя қазаб ва нафратига сабаб бўлди. Вилоятдаги кўплаб партия ва комсомол аъзолари, партиясизлар фронтга кўнгилли бўлиб бориш учун ариза беришди.

Наманган шаҳрида — Тўрақўрғон, Наманган ва Қосонсой районлари;

Чуст шаҳрида — Чуст ва Поп районлари;

Чортоқ станциясида — Уйчи ва Янгиқўрғон районлари;

Учқўрғонда — Учқўрғон ва Йорин районлари

учун ташкил этилган фронтга чақириш марказлари барча сафарбар этилганларни фронтга жўнатиш ишлари билан шуғулланишарди.

1941-45 йиллардаги Ватан урушида Наманган вилоятидан олтинчи олтинчидан кўпроқ кишилар ҳарбий хизматга чақирилишди. Уларнинг орасида 71 та хотин-қизлар ҳам бор эди.

Собиқ Совет Иттифоқи урушга тайёр эмаслиги натижасида немис газандалари тезлик билан мамлакат ичкарасига қараб келмоқда эдилар. Мамлакатнинг ғарбий районларидаги йирик саноат объектлари хавф остида қолганди. Шу туфайли кўпгина саноат корхоналари мамлакатнинг шарқий ҳудудларига кўчирила бошланди. Марказий районларга 1360 та саноат ишлаб чиқариш корхонаси кўчирилган бўлса, шулардан 300 таси Ўрта Осиё республикалари ҳудудига кўчириб келтирилганди. Бу корхоналар тезда монтаж қилиниб, фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот чиқаришга мослаштирилди.

Бу даврда мамлакат ичкарасида шундай муҳим вазифа турарди: — мамлакатнинг мудофаа қудратини ошириш, фронт орқасини мустаҳкамлаш, фронтни ва жангчиларни моддий ва маънавий қувватлаб туриш. Партия чақириғи билан ўнминглаб шаҳарликлар, кўпдан-кўп кекса ишчи-пенсияерлар, уй иши билан шуғулланувчи аёллар завод-фабрикаларга ишга киришди. Колхоз-совхозлар далаларида меҳнат қила бошланди. Улар урушга кетган умр йўлдошлари, ака-укалари, оталари ўринларига ишлай бошлашди.

1942 йил ноябрда Давлат Мудофаа Қўмитаси «Ўзбекистон ССРда 5 та гидроэлектростанция қуриш ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қурилишларни тезда битириб ишга тушириш зарур эди. Уша вақтда қурилган «Фарҳод ГЭС»и муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Иттифоқда учинчи, Ўрта Осиё ҳудудида эса биринчи ўринни эгаллаши керак эди. Республикани электрлаштириш учун бошланган умумхалқ қурилишида вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам фаоллик билан меҳнат қилишди, бу қурилишларда 9500 киши қатнашди. Чуст туманидан эса 1943 йил январь ва ноябрь ойларида 1655 киши Фарҳод қурилишида қатнашди. Фарҳод қурилишининг Чуст участкасида 18 та бригада ишлади. Фрунзе номли жамоа хўжалигидан борган Маҳмуд Мўйдинов гуруҳи кунлик топшириқларини 700-800 фонзга бажариб барчага ўрнак бўлишарди. 24 кишилик Маҳмуд Устабоев бош бўлган «Қизил Иттифоқ» колхози гуруҳи эса кунлик вазифаларини беш юз—олти юз фонзга етказиб бажаришарди.

Март ойида «Фарҳод» қурилиши Чуст участкасидаги колхозчилар энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун қурилишининг кўчма «Қизил Байроғи»ни олиш шарафига муяссар бўлишди. «Фарҳод» қурилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни районимиз меҳнаткашлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашарди, уларга атаб кўплаб миқдорда турли совғалар юбориб туришарди.¹³⁰

Жумладан, бир бор юборилган совғалар ичида 400 та халат, 40 жуфт этик, 50 та шим, шу миқдорда пахтали нимча, шунингдек, икки тонна картошка, етти юз эллик килограмм ёғ, етти юз кило пиёз ва яна кўплаб бошқа мева ва сабзавотлар бор эди.

Албатта, вилоятимиз меҳнаткашлари фақат «Фарҳод» қурилишида қатнашиб қолишгани йўқ. Улардан катта бир гуруҳи Бекободдаги ўзбек металлургия заводи қурилишида фаол меҳнат қилди. Бекобод металлургия заводи қурилишида Чуст туманидан 25 киши жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди.

Вилоятимизнинг 724 та азамат фарзандлари Чирчиқ заводида ишлаш учун юборилгандилар, уларнинг орасида 30 та чустлик ҳам бор эди. Улар қаерда ишласинлар ўзлари

¹³⁰ Ўзб. Респ. Давлат ҳужжатгоҳи, 275-фонд, 1-рўйхат, 59-дело.

нинг ишчанликлари, сидқидил меҳнатлари билан ҳаққоний обрўга эга бўлишарди.¹³¹

1942 йил январда Наманган вилоят ташкилий қўмитаси ва ташкилий бюроси Косонсой ва Сумсорсой сойлари сувларининг ортиқчасини Чуст ва Косонсой туманларининг тўрт эрим минг гектар ғаллакор ерларини суғоришда фойдаланиш учун Чуст канали қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда, жумладан, шундай дейилади: — «Чуст район колхозчиларининг Косон сойининг ортиқча сувидан район ҳудудларидаги бўш ётган ерларда очилган янги ғаллакор майдонларни суғориш мақсадида Чуст каналини ўтказиш ташаббуси маъқуллансин...».

Вилоят ташкилий қўмитаси қарорига мувофиқ канални қазиб тугатиш ишлари 1942 йилнинг 15 январидан 15 февралга қадар тугатилиши мўлжалланганди. Каналнинг умумий узунлиги 32,5 километрни ташкил қилиши лозим эди. Ушбу канални қазишда Чуст, Косонсой ва Поп районлари колхозчилари иштирок этдилар.

Косонсой райони меҳнаткашларидан 2300 киши каналнинг бошланғич қисмида, Чуст районидан 3200 киши каналнинг ўрта қисмида ва поляк 1500 азамат эса трассанинг сўнгги қисмида қазиш ишларини олиб бордилар.¹³²

Канал трассасида меҳнат қилган косонсойлик баҳодирлар 112600 кубометр ҳажмда, Чуст районининг жонкуяр, заҳматкаш деҳқонлари 139400 кубометр ҳажмда ва Поп район колхозчилари 74000 кубометр ҳажмда тупроқ қазиб чиқаришлари керак эди.¹³³

Трассанинг уч жойида — Косон қишлоғи, Ровот, Дам қишлоқларида қурилиш участкалари ташкил этилди.. Ҳар бир участка инженер ва техник ходимлар билан тўла-тўқис таъминланди. Ҳар бир участкада олиб борилаётган қазиш ишларига бевосита райкомпартия секретарлари раҳбарлик қилишарди. Чуст канали қурилишининг бошлиғи этиб Косонсой сув омбори қурилишининг бошлиғи П. Ф. Шпомих ва бошлик ўринбосари этиб Чуст район партия қўмитаси секретари У. Камолов тайинланди. Қурилиш бош инженери вазифасига Южнина тасдиқланди.

131. Ўзб. Респ. Давлат архиви, 23-фонд, 8-рўйхат, 1-дело

132. Ўзб. Респ. Давлат архиви, 275-фонд, 2-рўйхат, 52-дело.

133. Ўзб. Респ. Давлат архиви, 275-фонд, 2-рўйхат, 52-дело.

1941 йилнинг 29 декабрдаги вилоят ташкилий қўмитаси ва бюроси қарорига мувофиқ вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини Маҳмудовга канал трассасида меҳнат қилаётган меҳнаткашлар учун зарур бўлган тиббий ёрдам кўрсатишини ташкил этиш масъулияти юкланди. Маҳмудов канал қурилиш участкаларини тажрибали ҳаким ва тиббий ҳамширалар билан таъминлашни ўз зиммасига олди ва бу вазифани ўз вақтида адо этди.

Вилоят партия ташкилотининг ташвиқот ва тарғибот бўлими бошлиғи Зубаренко канал трассасида сиёсий ва оммавий тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида бир гуруҳ ташвиқотчи ва тарғиботчиларни канал участкаларига юборди. «Наманган ҳақиқати» ва «За Коммунизм» газеталари муҳарририятларига канал қурилиш ҳақида доимий равишда мақолалар эълон қилиш вазифаси топширилди.

Канал қурилиш қишининг энг совуқ кунларида бошланди. Қийинчиликларга қарамай район колхозчилари зарбдорлар ҳаракатига қўшилган ҳолда, «фронт орқасини мустаҳкамлаш» шиори остида фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳар кун трассада 7000 киши қазув ишлари билан шуғулланишарди. Чустлик Назиров Самижон, Қундузов Қўзибой, Раззоқов Сатторжон, Мусаев Ғанижон, Баҳодиров Ўсомжон каби меҳнат фидойилари ўз топшириқларини 220-350 фонз қилиб бажаришарди. Кунлик иш ҳажми ҳар бир киши учун 3 кубометр қилиб белгиланган эди. Шундай бўлсада кўнчилик ўз нормаларини 5,6,8 ва ҳатто 10 кубометрга етказиб бажаришга эришишарди.¹³⁴ Мисолларга бир назар ташласак ўша оғир даврларда ўз олдига қўйилган вазифаларни бир неча бор ортиғи билан бажаришга эришган ҳамюртларимизнинг шарафли меҳнатларини яққол ҳис қилишимиз мумкин.

«Янгибод» колхозини аъзоси Шарифжон Азимов 28 иш кунини 280 кубометр тупроқ қазини топшириғини 333 фонзга бажарди. У қазиб чиқарган тупроқнинг умумий ҳажми 932,4 кубометрни ташкил этди. «Қизил партизан» колхозидан борган Сами полвон (Сами Назир) 28 иш кунини ўз нормасини 350 фонзга бажаришга эришди. Фрунзе номли колхознинг

134. Ўзб. Респ. марказий архиви, 13-фонд, 8-рўйхат, 160-дело.

вакили Саъдулла Ҳожиматов топшириқни 266 фоз қилиб уддалаш шарафига муяссар бўлди.

Канал қурилишида бир қанча бригадалар белгиланган топшириқни муддатидан олдин бажаришга эришдилар. «Қизил партизан» колхозини ранси Йўлдошбой Ҳомидов (Йўлдош ранс) бошчилик қилган бригада бир ойлик топшириқни 16 кунда, «Қизил Юлдуз» колхозининг Абдулла Назаров бошлиқ бригадаси 20 кунда, Шоён-Боймоқ қишлоқ совети ранси Исмонл Жўраев бригадаси эса 18 кунда бажаришди. Бундай плгор бригадалар қурилишда жуда кўп эди.

Меҳнаткашларнинг катта шижоати ва фидокорона меҳнати туфайли Чуст райони хўжаликларининг сув танқислиги қисман барҳам топди.¹³⁵ Ушбу канал 1949 йилда таъмирланиб, умумий узунлиги 54 километрга стказилди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида Чустда пахта тайёрлаш урушдан аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди. 1940 йилда районда 50 та колхоз мавжуд бўлиб, 6486 гактар ерга пахта экилган ва у ерларнинг ҳар гектаридан 12,3 центнердан ҳосил териб олинган, жами ҳосил 8000 тоннани ташкил этган бўлса, 1941 йилда бу кўрсаткич қуйидагича бўлди: 6514 гектар ерга барака уруғи қадалди ва гектаридан 15,4 центнердан муҳим техник хом ашё йиғиб олинди. Ёки давлатга 10189 тонна пахта сотиб, бу соҳа режаси 173 фозга бажарилди.

Урушининг иккинчи йили яъни 1942 йилда пахта ҳосили аввалги йилга қараганда бироз камайди. Сабаби, кўплаб бободехқонлар қаттол душманини даф қилиш мақсадида Ватан уруши фронтларига жўнаб кетишган эди. Далаларда асосан аёллар ва ёш болалар, нафақахўр отахонлару ногиронларгина меҳнат қилишарди. Улар кечани-кеча демай, пессик-совуқни писанд қилмай меҳнат қилишиб 7326 тонналик пахта хирмонини бунёд этишди. Албатта, барчанинг фикри-зикри фронтга ёрдам қилиш билан банд эди.¹³⁶

1941 йилнинг 29 июлида «Правда» газетасида совет ватанпарварларининг мудофаа фонди уюштириш ҳақидаги хатларининг шарҳи эълон қилинди. Бу таклифлар вилоятимиз ишчи-колхозчилари ва зиёлилари томонидан қизғин

¹³⁵ Ушбу. Респ. Давлат архиви. 13-фонд. 8-рўйхат, 160-дело.

¹³⁶ Ушбу. Респ. Давлат архиви. 13-фонд. 8-рўйхат, 160-дело.

қўллаб-қувватланди. Мудофаа фонди уюштириш ҳақидаги бу таклифни Чуст шаҳридаги «Янги турмуш» артели аъзолари ҳам қўллаб-қувватладилар. Артел аъзоси, илгор ишчи Фотима Ҳасанова ташаббуси билан корхона аъзолари жангчиларга посилкалар жўнатишди, мудофаа фонди учун пул йиғишди. Артелнинг хотин-қизлари фронтга жўнатган посилкалари ичига мактуб ҳам битиб юборишди. Мактубда шундай дейилганди:

«—Шавкатли Қизил Армиямизнинг қаҳрамон жангчилари! Душманин шафқатсиз, беомон қиринг! Биз бу ерда, фронт ортида, Ватанинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаймиз. Бизнинг шундай арзимас совғамиз душманин тезроқ тор-мор этишингизга ёрдам берсин!».

Чуст районидаги Калинин номли колхоз аъзолари мудофаа фондига 4200 сўм пул йиғиб топишди. Шаҳардаги Крупская номли мактабнинг 23 кишилик ўқитувчилар жамоаси мудофаа фонди учун бир кунлик маошларини ўтказдилар. Ўқитувчилар ва ўқувчилар коллективи жангчилар учун посилка тайёрлаб жўнатдилар. Мактаб комсомоллари колхоз далаларида қирқ кун меҳнат қилиб, ишлаб топган пулларини мудофаа фондига ўтказдилар.

Чуст шаҳар партия комитети меҳнаткашлар ўртасида ёнғин-омавий тушунтириш ишларини ҳарбий йўсинда уюштирди. Районда 27 агитпункт, 47 та агитколлектив ташкил этилди.

Агитаторлар орасида 55 та коммунист ва 220 та комсомол аъзоси бор эди. Далаларда, чойхона ва клубларда совет жангчиларининг қаҳрамонликлари, немис-фашистларининг ваҳшиёна ҳатти-ҳаракатига бағишланган суҳбатлар ўтказиб турилди.

1942 йилнинг 25-29 январида Чуст, Поп ва Янгиқўрган районларида кино ҳафталиги ўтказилди. Бу кунларда совет жангчиларининг қаҳрамонликлари акс эттирилган энг яхши кинофильмлар гомошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Шу йилнинг апрель ойи биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Компартияси ва Халқ Комиссарлари Советининг Ленинград шаҳри мудофаачилари учун биринчи май совғалари юбориш ҳақидаги телеграммаси эълон қилинди. Бу телеграммага жавобан Чуст район меҳнаткашлари 150 та пўстин, 205 та пийма, 100 жуфт қўлқоп, 100 та иссиқ ички

кийим, 200 та пахтали камзул, 200 та иссиқ шим, 500 та ёстиқ жилди, 200 чойшаб, 500 та сочиқ тайёрлашди. Чустда 7 апрель куни йигилган 77400 сўм пул, 10 та бузоқ, 4 та қўй, 29 та эчки, 546 кило ўрик, 200 кило қуруқ мева ва юқоридаги буюмлар «Ленин шаҳрининг қаҳрамон мудофачиларига совға» деб юборилди.

1943 йилининг январида Чуст районидаги Олмос қишлоқ советига қарашли илғор колхозчиларнинг аъзолари Қизил Армяни етарли равишда озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаб туриш мақсадида шаҳар аҳолиси, мудофаа саноатидаги ишчиларни таъминлаб, ўзларидан орттирган 600 тонна сабзавот ва ғалла маҳсулотларини фронтга юбордилар.

Умуман, армия билан халқ, фронт билан фронт ичкарисининг монолит бирлиги шу тариқа мустаҳкамлана борди. Фикримиз далили сифатида олмосликларнинг фронтга жўнатган мактубларидан қуйидаги сўзларни келтиришни лозим тондик: — «Шавкатли Қизил Армямиз душманни мардонавор қувиб бориб, ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Қизил Армянинг душман устидан ғалаба қозонини бизнинг тобора кўпроқ мадад бериб туришимизга боғлиқ эканини биламиз. Биз Коммунистик партиянинг ва Қизил Армянинг ташаккуридан чексиз руҳланиб, армямиз учун жанговар танк ва аэропланлар қуришга тўпланган аввалги маблағимизга нисбатан 2 бор кўп жамғарма мизни топширдик».

1944 йилининг 7 декабрида «Ўзбекистон ССР XX йиллиги» номли танк колоннаси ва авиа эскадрильяси қуриш учун 10 миллион 827 минг сўм пул йигилди. Вилоятимиз районларининг ушбу жамғармага қўшган ҳиссалари қуйидагича бўлди:

- | | |
|--------------------|-------------------------|
| 1. Наманган райони | 1 миллион 992 минг сўм, |
| 2. Норин райони | 1 миллион 972 минг сўм, |
| 3. Чуст райони | 1 миллион 805 минг сўм, |

14 декабрга бориб вилоятимизда тўпланган пул миқдори 16 миллион 594 минг сўмга етди. Бу пулнинг 2 миллион 800 минг сўмдан кўпроғи Чуст район аҳолисининг фронтга ёрдам тариқасида тўплаган пули эди. Декабрнинг охирида жамғарма миқдори салкам 45 миллион сўмга етди.¹³⁷

137. Наманган давлат банкнинг 350-сиейсий ахбороти. Жорий архив.

«Наманган колхозчиси» номида танк колоннаси ташкил этиш учун ўттиз уч миллион сўм пул тўпланди. Бу маблағни тўплашда вилоятимиз районлари қўйидагича ҳисса қўшдилар:

1. Чуст райони	4 миллион сўм.
2. Наманган	4 миллион сўм.
3. Уйчи	4 миллион сўм.
4. Янгиқўрғон	4 миллион сўм.
5. Норин	4 миллион сўм.
6. Учқўрғон	4 миллион сўм.
7. Тўрақўрғон	3 миллион сўм.
8. Косонсой	3 миллион сўм.
9. Поп	3 миллион сўм.

Уйчи райони тракторчиларининг «Ўзбекистон тракторчиси» номидаги танк колоннасини тузиш ҳақидаги ташаббуси Чуст район тракторчилари ўртасида қизиқиш уйғотди. Чустликлар 3 кун ичида 11 минг сўм пул тўплашди. Тракторчи Хўжаев шахсий намуна кўрсатиб 5 минг сўм пул берди.

Уруш йилларида халқимиз ўзининг инсонпарварлиги ва меҳрибонлигини яққол кўрсатди. Ватан уруши фронтларида жон олиб—жон бераётган жангчиларнинг фарзандлари ва оила аъзоларига ўзбекистонликлар катта ғамхўрлик кўрсатишди. Чуст шаҳар совети қошидаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларини давлат томонидан таъминлаш ва уларнинг моддий аҳволларини яхшилаш бўлими шаҳардаги барча қизил аскарлар оилаларининг турмушини текшириб чиқди ва уларга зарур моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб чиқди.

1943 йил мобайнида Ватан химоячилари оилаларига 14526 кило ғалла берилди. 1500 киши поёфзал ва устки кийим-бош билан таъминланди, бу оилаларга етарли миқдорда ўтин етказиб берилди. Фронтчиларнинг 2500 болалари махсус болалар уйларига жойлаштирилди. 1400 хўжаликнинг уйи эса таъмирлаб берилди.

Республикамиз ҳудудига айни пайтда ота-оналаридан уруш туфайли жудо бўлган 50 мингга яқин гўдак-етимлар ҳам келтирилди. Уларга халқимиз қўлидан келганча меҳрибонлик кўрсатди; едирди, ичирди, кийдирди, тарбия қилди. 1941 йилнинг октябрь ойидаёқ Наманган вилояти меҳнаткашлари 500 та эвакуация қилинган болаларни ўз тарбияла-

рига олдилар. 3 минг эвакуация қилинган оилаларга эса вилоят учун шароит яратиб бериш бўйича зарур тадбирий чоралар кўрилди. (Бу ишларни амалга ошириш учун вилоятга 120 минг сўм, Чуст районига эса 13 минг сўм пул ажратилди).

1942 йилнинг бошларидан вилоятимизда давлат ҳарбий заёмига ёзилиш бошланди. Ишчи ва хизматчилар 10 миллион 900 минг сўмлик, колхозчилар 17 миллион сўмлик ва саноат корхоналари меҳнаткашлари 726 минг сўмлик заёмга ёзилиш учун қарор қабул қилинди. Вилоят бўйича ҳарбий заём учун тўпланган маблағ салкам 57 миллион сўмни ташкил этди.

Хуллас, «Ҳамма нарса фронт учун!», «Ҳамма нарса Ғалаба учун!» деган чақириқларга вилоятимиз меҳнаткашлари мана шундай ҳозиржавоблик билан лаббай, дея муносабат билдиришди.

ЎзССР ХКС 1941 йил 27 июлдаги телеграммасига асосан Ўзб. КП(б) МК ташкилий қўмита ва бюросининг қарори қабул қилинди. Унда фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинган 3000 кишини Наманган вилоят районларига қуйидагича тақсимлашни дея кўрсатилганди:

Наманган райони	— 350 киши,
Наманган шаҳри	— 250 киши,
Норин райони	— 350 киши,
Янгиқўрғон райони	— 400 киши,
Турақўрғон райони	— 350 киши,
Поп райони	— 200 киши,
Чуст райони	— 200 киши,
Чуст шаҳри	— 100 киши,
Косонсой райони	— 300 киши,
Уйчи райони	— 300 киши,
Учқўрғон райони	— 200 киши. ¹³⁸

Чуст райони меҳнаткашлари депутатлари совети секретари Ёқубов Наманган вилоят ташкилий қўмитасига қуйидаги жавобни йўллаган: — Шунинг билан меҳнаткашлар Депутатларининг Чуст райони ижрокоми 1941 йил ўттизинчи июлдаги 7-қўшма мажлисида қабул қилинган қарорини йўллайди.

138 Респ. давлат архиви, 275-фонд. 2-руйхат 49-дело.

Фарғона водийсининг кўплаб йигит ва қизлари Қизил Армия сафида туриб ватаннинг шон-шухрати, озодлигини ҳимоя қилишди. Улар Москва ва Ленинград, Минск ва Киев шаҳарлари учун бўлган жангларда худди ўзи туғилиб ўсган юртини ҳимоя қилаётгандек курашдилар. Сон-саноқсиз душманга қақшатқич зарба бердилар. 1941-45 йиллардаги Ватан урушида вилоятимиздан борган 6 нафар жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Наманган вилояти меҳнаткашлари ўзларининг шавкатли ўғлонлари Набижон Мингбоев, Файзулло Йўлдошев, Солижон Адашев, Абдусаттор Раҳимов, Мамашариф Фаёзов ва минглаб бошқа жанг қаҳрамонлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Оддий солдатликдан генералликкача машаққатли ва шу билан бирга шонли йўлни босиб ўтган Файзулло Норхўжаев билан нафақат чустликлар, балки бутун ўзбек халқи фахрланса арзийди.

Файзулло Норхўжаев 1911 йилда Чуст районидаги Қизилтепа қишлоғида, қамбағал деҳқон оиласида туғилди. Ота-онадан эрта етим қолди. Уни опаси ўз тарбиясига олиб, вояга етказди. 1924 йилда Файзулло Тошкент шаҳридаги 6-болалар уйига топширилди. 14 ёшида Қизил Армия сафига кўнгилли бўлиб ёзилди. 1927 йилда Тошкентдаги Ленин номи ҳарбий мактабга қабул қилинди. Шу вақтдан бошлаб у ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини мамлакат мудоааси йўлидаги ишларга бағишлади.

1942 йил бошларида Ф. Норхўжаев 96-ўзбек ўқчи бригадасининг артиллерия бошлиғи этиб тайинланди. Бригада Фарғона шаҳрида фақат ўзбек ва тожиклардан тузилган эди. Ф. Норхўжаев ўз бригадаси билан биргаликда Волгоград, Луганск, Одесса, Харьков, Минск каби мамлакатимиз шаҳарларини ва Варшава, Познан ҳамда Лодз каби бошқа шаҳарларни қаттол душмандан озод қилишда қатнашди. Ф. Норхўжаев Берлинни ишғол этишда фаоллик кўрсатди. У ўзининг кўрсатган хизматлари учун бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ватан уруши фронтларига чустликлардан 6860 киши сарфарбар этилди. Турли фронтларда немис-фашистлари билан қаҳрамонларча курашган чустимиз ўғлонларидан 2891 киши ўз жонларини ғалаба учун қурбон қилдилар. Жўравой

Мадалиев, Абдуҳошим Шарипов, Одилжон Насруллаев, Ҳакимжон Зиёев, Ганижон Долиев, Болтабой Ашурматов, Ермат Дўстматов, Сўфиев... Булар ҳалок бўлганларнинг умумий сонидан бир нечтагиналари холос. Уруш йиллари да турли тасодифлар ҳам рўй берган. Қора хат олган оилалар ўз яқинларига аза очиб ҳам қайғу оғушида юрганларида бирдан қувончли хабарлар ҳам келган. Раҳимов Тошпўла, Саматов Аҳаджон, Хўжаев Абдулла, Мадалиев Деҳқонбой каби ҳамшаҳарларимиз тақдири худди шундай бўлган. Уларнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганликлари ҳақида фронтдан қора хат келган бўлсада, кейинчалик уларнинг тирик эканликлари ҳақида хабар келади. Бундай хабар, албатта, уларнинг оила аъзоларини қанчалик қувонтирганлигини тасаввур қилиш унчалик қийин бўлмаса керак.

Яқинда нашр этилган хотира китобида ҳамшаҳримиз Қаюмов Ражаббой 1943 йилнинг 21 феввалида ҳалок бўлганлиги тўғрисида маълумот берилган.¹³⁹ Ваҳоланки Ражаббой ота Қаюмов Ватан уруши фронтдан ғалаба билан Чустга қайтиб келиб, кўп йиллар давомида давлат ва жамоат ишларида фаоллият кўрсатди. У киши ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. Чуст шаҳрининг Сўфизода кўчасида истиқомат қилади.

1941-45 йилларда бўлиб ўтган даҳшатли қирғин—барот—Ватан уруши фронтларида жон олиб—жон бераётган ватандошларимиздан кўпчиликлари ғалаба кунига қадар етиб келишди. Уларнинг деярли барчалари ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланишди. Москва остоналарида бўлган жангларда, 284-алоҳида кавалерия қисмида хизмат қилган Мирсаъди ота Отабоев, Ленинград frontiда разведка ротасида кўпчиликка ўрناق бўлиб «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган Раҳмонжон Раҳимжонов, Курск ёйида бўлган жангларда қатнашган марҳум Холматжон ота Халилов, Украинани озод қилишда қатнашган марҳум Қосимжон ота Кенжаев, Венгрия, Руминия давлатларини озод қилишда фаоллик кўрсатган Ҳамитжон ота Сатторов, иккита «Шуҳрат» ордени кавалери ғовалик Ганижон Эргашев, Ленинград қамалини бошидан ўтказган Омина Мавлюдова ва яна юзлаб қаҳрамон оталаримизнинг жасоратлари авлодлар ёдидан асло

¹³⁹ *Хотира. Наманган вилояти. 1-китоб. Тошкент, «Меҳнат».*
1995 йил 386-бет.

ўчмайди. Қўплаб ҳамюртларимиз қонли урушдан омон қайтган бўлсаларда урушнинг даҳшатли асоратлари ҳали ҳозир ҳам уларнинг қалблари ва баданларида мавжуддир. Гоҳи урушда олинган жароҳатлар қаттиқ оғриқлар билан ўша 50 йил бурунги азобларни янгитган қўзғайди. Уруш ва меҳнат фахрийси, узоқ йиллар давомида ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли касбни ардоқлаб келиб, эндигина кексалик гаштини сураётган Солижон ака Зоҳиров тақдири шундай бўлди. Урушда олган жароҳатлари туфайли орадан 50 йил ўтгач у кишининг икки оёқлари кесиб ташланди. Бу воқеа уруш деган даҳшатли воқеанинг, ҳодисанинг нақадар машъум эканлигини яққол кўрсатади.

Ҳамюртларимиздан Қаримжон ака Валнев Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг шарафига 1945 йилда Москва шаҳрида ўтказилган ҳарбий парадда қатнашиш шарафига муяссар бўлган. Қатор орден ва медаллар билан тақдирланган А. Ҳафизов, А. Бобожонов, А. Сайдуллаев, А. Амонов, Р. Қажумов, С. Халилов ва бошқалар қонли урушда қозонилган ғалабага ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишди.

1941-45 йилларда Ўзбекистонлик мард ўғлонлар қонхўр душман немис-фашистлари билан курашаётган бир вақтда Республикамиздаги саноат корхоналарида, пахта далаларида ўз эрлари, акалари, оталари ўринларига аёллар меҳнат қилишди. Ўз ёшларига номуносиб равишда улғайган ёш болалар ота-акаларининг ўрнини босиб, дастгоҳлар ёнида иш бошлашди.

Пахта далаларида тинмай меҳнат қилган аёллар, болаларнинг меҳнати 1946-47 йилларда қисман бўлсада муносиб тақдирланди. Алоҳида ўртак кўрсатиб ишлаганлар, илғорларга фронт ортидаги шавкатли меҳнатлари учун давлат мукофотлари берилди. Чуст шаҳри ва туманидан мукофотланганлар бир неча юз кишини ташкил этди.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, республикаimiz мустақиллигининг 3 йиллигини нишонлаш арафасида ҳамда Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги тантаналарига тайёргарлик ишлари бошланган бир даврда шаҳар ва туманимиздаги меҳнат фахрийлари, Ватан уруши қатнашчилари «Жасорат» ва «Шухрат» медаллари билан тақдирланишди.

Урушнинг даҳшатли кунлари тугаши билан аҳолининг меҳнат шижоати янада ошиб тошди. Энди ишлаб чиқилган маҳсулотлар уруш учун, фронт учун эмас балки, халқ фаровонлиги учун сарфланадиган бўлди. Давлат аҳолини жиддий ҳимоя қилиш, кундалик озиқ-овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор бера бошлади. Шаҳарларда бир ойда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини олдиндан тайёрлаш тўғрисида алоҳида қарорлар, тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шундай тадбирлардан келиб чиққан ҳолда Чуст шаҳри совети ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар савдо бўлими (горторг) бошлиғига қуйидаги тадбирларни амалга оширишни топширди.

1946 йил январь ойи режаси:

1. Нон учун белгиланган варақалар сони	— 10942 киши,
2. Болалар уйи	— 120 киши,
3. Болалар боғчаси	— 40 киши,
4. Болалар яслиси	— 50 киши,
5. Сут-қатиқ тайёрлаш ошхонаси	— 51 киши,
6. Шаҳар касалхонаси	— 61 киши,
7. Дастлабки тергов хонаси	— 20 киши,
8. Давлат таъминот бўлими	— 52 киши,
9. Партактив I тоифа	— 3 киши,
10. Партактив II тоифа	— 8 киши,
11. Партактив III тоифа	— 19 киши,
12. Уқувчилар нонуштаси	— 2600 киши,
13. Умумий овқатланиш корхонаси	— 1700 киши,
14. Эмизикли болали аёллар	— 175 киши,
15. Хизмат кўрсатган ўқитувчи	— 1 киши, ¹⁴⁰

Айни вақтда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда ичимлик сув билан таъминлаш борасида ҳам иш бошланди. 1946 йилнинг 10 сентябридан бошлаб шаҳарда дастлабки сув қувурлари ўтказиш ишлари бошлаб юборилди.¹⁴¹

Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, уларни озиқ-овқат билан таъминланиш билангина белгиланмайди. Ижтимоий иқтисодий барқарорлик, кадрларга, ўсиб келаётган ав-

¹⁴⁰ Чуст давлат архиви, 339-ф. 1-рўйхат, 3-дело, 16-бет.

¹⁴¹ Чуст давлат архиви, 339-ф. 1-рўйхат, 3-дело, 57-бет.

лоднинг билимлилигига ҳам боғлиқдир. Шу туфайли 1946-1950 йилларда республикадаги мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларига эътибор оша борди.

Уруш даврида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси пастлаб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда Республика Халқ Комиссарлари советининг 61/13-5 сонли қарори ва Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитасининг XII пленуми қарорларида ўрта мактаблардаги аҳволни яхшилаш ва мактаб ёшида бўлган ўқувчиларни мактабларга жалб этиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ушбу қарорлар асосида Чуст шаҳар совети 1946 йилнинг 14 январиди мактаблардаги давомотни такшириб чиқди. Натижада кўпчилик мактабларда давомот 45-50 фоз эканлиги аниқланди.

Мактабларнинг қиш мавсумига тайёргарликлари текширилганда жиддий камчиликлар аниқланди. Утин-ёқилғи билан таъминланиш 50-40 кубометр ўрнига бор-йўғи 6-10 кубометрни ташкил этиши ўта ташвишли ҳол эди. Оталари ҳарбий хизматда бўлган, урушда ҳалок бўлган болалар давлат таъминотига ўтказилганлигига қарамай, кўпгина жавобгар шахслар ўз вазифаларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қарашган ва ўзибуларчиликка йўл қўйишган. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Чуст шаҳар совети қўмитаси алоҳида қарор қабул қилди. Қарорда жумладан, шундай дейилади:

1. 1946 йил 20 январдан бошлаб шаҳар маорифи бўлимида маҳалла қўмиталари, колхоз ва корхоналар ходимлари ёрдамида бутун шаҳар ҳудудида текшириш ўтказилсин. Мактаб ёшидаги болалар мактабларга жойлаштирилсин.

2. Давлат таъминоти, маҳалла қўмиталари, колхоз раислари, ташкилот бошлиқлари ночор ва қизил аскар онлаларига бериладиган ёрдамни беш кун ичида ташкил қилишсин.

3. 25 январгача 560 жуфт болалар оёқ кийими тайёрлаш «Красний обувшик» артели ранси Мирҳожиевга, 300 та кўйлак тайёрлаш ва давлат таъминоти бўлими (Гос. обеспечение) ҳисобига бериш 1 Май артели ранси Муҳаммаджон Аминовга юклатилсин.¹⁴²

142. Чуст давлат архиви, 336-ф. 1-рўйхат, 3-дело.

1946 йилнинг 24 январида меҳнаткашлар депутатлари Чуст район совети ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида район бюджети лойиҳаси, экин плани, район советининг иш режаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.¹⁴³ Шу йилнинг 4 августида ўтказилган район совети ижроия қўмитаси йиғилишида «1945-46 ўқув йили якуни ва 1946-47 ўқув йилига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида» депутат Ҳожиматов маърузаси тингланди ва муҳокама этилди.¹⁴⁴

Чуст шаҳрида бир неча йил давомида фаолният кўрсатиб, колхоз-совхоз халқ театри номини олиш шарафига муяссар бўлган театр 1938 йилда ташкил топган эди. Ушбу театрни ташкил этишда Шарипов, ака-ука Мамаджон ва Салмонжон ҳофиз Азизовлар, Муҳаббатхон ая, Манфиратхон Камоловалар, Ҳакимов кабиларнинг меҳнати катта бўлди. Театрда турли концерт ва томошаларни элга манзур қилишда Шарипова Инобатхон ая, Ҳакимова Раънохон ая, созандалар Абсалом ака (танбурда), Усмонжон оталар (ғижжакда) меҳнат қилишарди. Театр санъаткорлари Чуст аҳлига, вилоят туманлари меҳнаткашларига кўплаб спектакллари намойиш қилишди. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра», «Аршини мол-олон», «Азамат», «Қасам» каби спектакллар саҳналаштирилган. Бу спектаклларда бош ролларни Инобат ая Шарипова, Раънохон ая Ҳакимова, Муҳаммаджон ҳофиз Азизов, Муҳаббатхон Камоловалар маромига етказиб ўйнашарди.

1941-45 йиллардаги Ватан уруши даврида Чуст халқ театри артистлари ўзларининг саҳналаштирилаётган спектаклларида Ватанини севиш, уни ҳимоя қилиш мавзуларини кенг ёрита бошладилар.

«Азамат» спектакли мавзуси айнан шундай томошалардан эди. Айниқса, Муҳаммаджон ва Салмонжон ҳофизлар ижро этган «Яхши бор», «Армия», «Йўл бўлсин», «Ёв устига» каби ашулалар халққа манзур бўлиб, бу қўшиқларни тинглаган ёшлар кўнгилли равишда фронтга жўнаш учун ариза беришарди. Халқ театри Чустда иш олиб бораётган даврда мамлакатда иқтисодий тақчиллик мавжудлигига қарамай Ўзбе-

143. Чуст давлат архиви, 339-ф. 1-рўйҳат, 47-дело.

144. Чуст давлат архиви, 339-ф. 1-рўйҳат, 53-дело.

кистон Республикаси Маданият ишлари Халқ комиссарлиги 20 минг сўм пул ажратди. Бу маблағга театр учун зарур асбоб-анжом, кийим-кечаклар олинган.

1944-1945 йилларга келиб театр ашёларининг бир неча бор ўғирланиши, транспорт йўқлиги, бошқа моддий қийинчиликлар туфайли театр санъаткорлари бошқа шаҳарлар театрларига ишга ўтиб кетишди. Чуст халқ театри 1946 йил ўрталарига келиб ўз фаолиятини тўхтатди.¹⁴⁵

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан якунлангач бутун республикамизда бўлганидек, Чуст шаҳри ва районида ҳам хўжаликни тиклаш, изга солиш меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчи-хизматчи деҳқонларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун ҳаракат бошланди.

1946 йилнинг июль ойида Чуст шаҳрида 57-автокорхонасининг илк бўлинмаси Чуст автоколоннаси тузилди. Ушбу корхонанинг асосий вазифаси халқ хўжалиги юкларини ташишдан иборат эди.

Шаҳардаги қатор ташкилот ва корхоналар жамоалари ўз зиммаларидаги план ва топшириқларни бажаришда фаолилик кўрсатиб ишладилар. 1946 йилги режаларни Чуст пахта тозалаш заводи 104,3 фоизга бажарди ёки 3484 тонна пахта толаси ишлаб чиқишга эришилди.¹⁴⁶

1947 йилда 7370 гектар майдонга пахта чигити экиш борасида режа тузилди. Гектар бошидан олинадиган ҳосил 17,1 центнерни ташкил этмоғи кўзда тутилди. 1947 йилда 6965 гектар ерга чигит қадалиб 18,7 минг тонна пахта етиштирилди.¹⁴⁷ Шаҳарда ва қишлоқларда ободончилик ишлари авж олди. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, кундалик эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат бошланди. Бу ишларни амалга ошириш учун, албатта, ёш, етук мутахассислар зарур эди. Шу сабабли 1948 йилнинг ўрталарида Чуст туманидан 50 киши турли ҳунар мактаблари, техникумларга ўқишга юборилди.¹⁴⁸

Уруш ғалаба билан якунлангач, Чуст туманида асосий эътибор қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш,

145. *Ахборотчи Ж. Азизов. Пансада маҳалласидан.*

146. *Чуст давлат архиви. 246-ф. 1-р. 1-дело.*

147. *Чуст давлат архиви. 246-ф. 1-р. 91-дело. 9-бет.*

148. *Чуст давлат архиви. 339-ф. 1-р. 66-дело. 35-бет.*

саноат ва халқ хўжалигида янгидан-янги маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилганди. Хуллас, 1945-50 йиллар бутун мамлакатда бўлганидек, Чустда ҳам тикланиш, ривожланиш йиллари бўлди.

VI БОБ ЧУСТЛИКЛАР 50—90 ЙИЛЛАРДА 1. ЧУСТНИНГ САНОАТ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ.

Чуст шаҳри қадимдан ўзининг уста ҳунармандлари ва дўппидўз аёллари билан донг таратган. Республикамиз ҳудудида шунингдек, кўпгина чет эл давлатларида Чуст пичоғи, Чуст дўпписи маълум ва машҳурдир. Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича чустликлар қадимги даврдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келишади. Бунинг Бибиона, Варзик, Говада олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган далилий ашёлар орқали тарихчи олимлар В. Спришевский, М. Воронец, И. Қосимов, С. Баратовлар исботлаб беришгани ўтган бобларда айтиб ўтилди.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича Чустда XIX аср II ярми ва XX аср бошларида 5 та пахта заводи,¹⁴⁹ битта ёғ заводи¹⁵⁰, 3 та чўян қўйиш заводи¹⁵¹ мавжуд бўлган. Чустлик ҳунарманд-пичоқчилар тайёрлаган буюмлар гоят харидоргир бўлган. Чуст дўпписи ҳам ўзининг нафислиги, қайтарилмас нусхалари билан Марғилон, Қўқон, Андижон дўппиларидан кескин фарқ қиларди. Албатта, таъкидлаш лозимки, пахта заводлари, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари бойбадавлат одамларнинг хусусий корхонаси эканлиги сабабли кичик, кам қувватли бўлган. Дўппидўзлик билан эса аёллар якка тартибда шуғулланишган. 1917 йилда бутун Россия давлати ҳудудларида халқ ҳокимиятини ўз қўлига олди. III даврдан бошлаб хусусий корхона, фабрика, заводлар умумхалқ мулкига айлантирилди. Янги корхоналар қурила бошланди. Кўплаб шаҳарларда бўлгани каби Чустда ҳам корхоналар ташкил топа бошлади. Якка тартибда меҳнат қилувчи ҳунармандлар ҳам иттифоқларга бирлаша бошлади.

Дастлабки шундай артел «Озодлик» номи билан 1927 йилда ташкил қилинди. Бу корхона Фарғона шаҳар ҳунарманд-

149. Республика давлат архиви. 19-ф. 1-рўйхат. 1893-дело 910-бет.

150. Республика давлат архиви. 19-ф. 1-рўйхат. 1458-дело.

151. Республика давлат архиви. 19-ф. 1-рўйхат. 1458-дело.

чилик саноати кенгаши ихтиёрида бўлган. Корхонада 250 киши ишлар ва асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулот тикувчилик материалларидан иборат эди.

1938 йилнинг 22 февралда ана шу дастлабки корхона асосида ташкил этилган «1-Май» артели ишга тушди. «1-Май» артелига бу даврда Муҳаммаджон Аминов раҳбарлик қилар эди. Артелнинг ишлаб-чиқариши ривожланишида у кишининг ҳиссаси каттадир. 1941-1945 йиллардаги Ватан уруши даврида М. Аминов артелда қизил аскарлар учун иссиқ кийим-пуфайкалар тикишни йўлга қўйди. Ишлаётган аёллар ҳар кун иссиқ овқат билан таъминланиши иш унумини оширарди. Бу даврда «Ҳамма нарса фронт учун», «Ҳамма нарса ғалаба учун» деган чақириқларга биноан барча корхоналар ўзларининг ишлаб чиқаришларини ўзгартирган эдилар.

Ватан уруши ғалаба билан тугагач, артел ўзининг асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулоти—атлас, шойи, беқасам ва бўз ишлаб чиқаришни давом эттирди. Бу жараён 1960 йилга қадар давом этди. 1960 йил 1 июндан «1-Май» артели Чуст Бадний буюмлар фабрикаси деб номланди. Бу даврда эски тикув дастгоҳлари ишлаб чиқаришдан олиб ташланди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури ўзгарди. Асосий ишлаб чиқариладиган дўппи ёнига попочилиқ маҳсулотлари—сўзана, чойшаб, белбоғ ва бошқалар қўшилди.

1988 йилдан бошлаб бадний буюмлар фабрикаси Республика Маҳаллий Саноат Вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Турли йилларда цех бошлиқлари, катта усталар бўлиб меҳнат қилган. Ҳ. Ҳусанбоева, А. Насруллаев, Ҳ. Абдуллаева, Ш. Абдуллаева, М. Жўраева кабилар фабрика маҳсулотларининг тобора яхшиланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқиш эса Қосонсойда янги ташкил этилган артелга ўтказилди. Фабрикани ривожлантириш учун икки қаватли бино қурилиши амалга оширилди. Бу янги бинога сўрилар ўрнатилиб, аёлларнинг дўппи тикишлари учун қулайликлар яратилди. Чуст дўппилари нусхалари Ўзбекистон Республикаси давлат нарх қўмитасига олиб борилиб, уларнинг мураккаблигига мос равишда нархлар белгиланди. Дастлабки даврда дўппилар 5 та мураккабликда тикилган ва нархлари 2 сўм 40 тийиндан 10 сўм 80 тийингача бўлган.

1966 йилга келиб бадий буюмлар фабрикасида 1 миллион 620 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу йилда фабрикага Маҳбуба Саидова директор этиб тайинланди. 80 йилларнинг бошларида собиқ КПСС Марказий Комитетининг халқ ҳунармандчилиги соҳаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорига биноан Чуст бадий буюмлар фабрикаси ҳам кенгайтирила бошланди. Янги замонавий цех бинолари қурилиб, юздан ортиқ попопчилик дастгоҳлари ўрнатилди. 1980 йилга келиб фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати 1966 йилга нисбатан 2 баробар кўтарилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий миқдори 3,3 миллион сўмга етказилди. Фабрика ишчи-хизматчилари болаларини тарбиялаш учун боғча қурилиб ишга туширилди.

Фабрикада ишловчи аёллар томонидан тикилган Чуст дўппилари бир неча бор жаҳон халқлари амалий санъати кўرғазмаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаган. Жумладан Польша Республикасининг Познан, Япония давлатининг Токио шаҳарларида ўтказилган кўрғазмаларда фахрли ўринларни олишган. Чуст шаҳрининг довуғи бутун дунёга ёйилишига мана шу ютуқлар ҳам сабаб бўлган.¹⁵²

Республикамиз мустақилликка эришгач Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасининг 1993 йилги буйруғига асосан Чуст бадий буюмлар фабрикаси «Чевар» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Жамиятда 1390 та ишчи-хизматчи меҳнат қилишади. Улар 1994 йилда 2,5 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришди.

Чуст шаҳридаги йирик корхоналардан бири пахта тозалаш заводи бўлиб, туманда етиштириладиган пахтанинг ҳаммаси шу заводда дастлабки қайта ишловдан ўтказилади. «Пахта заводи 1936 йилда қуриб ишга туширилди. Чустда пахта заводи гарчанд ишга туширилган бўлса ҳам электрлаштирилмаган эди,—деб ҳикоя қилади меҳнат фахрийси А. Бобожонов. Завод ҳудудида Германияда тайёрланган «МАНН» маркали иккита катта дизеллар бўлиб, барча механизмлар шу дизеллар кучи билан юритиларди. Фарғонадан келтирилган «Красний прогресс» дизели эса жуда кам миқ-

152. Ахборотчи Э. Мирҳомидов, Сероб маҳалласидан.

дорда электр токи берар ва завод эҳтиёжини қондирмас эди. Аҳоли уйларида эса электр умуман йўқ эди. 1954 йилда пахта заводига мени директор этиб тайинлашди. Заводга келиб ишни электр токи таъминотидан бошлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бир неча ой давомида Чуст—Поп—Тошкент орасида шу режани амалга ошириш учун қатнадим. У вақтда Поидаги ТЭЦ ҳарбий иншоот ҳисобланарди. Шу туйғайли рухсат олиш анча қийин кўчди. 1954 йилнинг кузи охирида рухсат олинди ва Поп ТЭЦдан Қирғизистон Республикасига қарашли Шокафтар қишлоғидаги конга тортилган электр токи симларидан пахта заводига ток олинди.

Пахта заводи ёнига электрподстанция қурилди. 1955 йилдан бошлаб заводдаги кўплаб механизмлар электрлаштирилди. Ҳозирги вақтда пахталар юқорига транспортёрлар орқали олиб чиқилади. 60 йилларда эса бу ишлар қўлда bajarиларди. Пахталар колхозлардан қанорларда келтирилар, завод ишчилари уларни елкаларида кўтариб, бунтларга босишарди. Иш оғир эди. Шундай бўлсада одамларимиз нолимас, ҳормай-толмай ўз вазифаларини адо этишарди. Ҳозирги ёшларимизга, ишчи-хизматчилар, муҳандисларга ўз вазифаларини сидқидил билан адо этиб, мустақил Республикамиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишларида омад тилайман»—деди Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Абдуллажон ота Бобожонов ўз хотираларини якунлаб.¹⁵³

Чуст шаҳри ва туманида ҳунармандчилик қадимдан мавжуд эканлиги ҳақида ўтган бобларда қатор маълумотлар берилган эди. Ана шу ҳунармандчилик турларининг ривожланиши бевосита савдо-сотиқ билан боғлиқдир. Шу сабабли ва аҳолини турли маҳсулотлар, буюмлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида Чуст районида 1932 йилда марказлашган савдо тармоғи «Ўзторг» ташкил этилди. 1936 йилда эса шаҳар савдо бўлими вужудга келди. 1940 йилда 20 та янги савдо дўконлари ишга тушди. 1947 йилда Чустда район матлубот жамияти ташкил этилди, унинг таркибига Чуст, Шўркент, Тошкўрғон, Варзик, Қаркидон, Олмос ва Ҳисорак қишлоқ матлубот жамиятлари кирарди. 1950 йилда эса бу

153. *Азборотчи: А. Бобожонов, 75 ёш. Уруш ва меҳнат фахрийси. Сероб маҳалласидан.*

матлубот жамиятлари бирикишиб 2 та марказлашган жамиятга айлантирилди. 1953 йилдан 1957 йилга қадар РайПОнинг умумий товарбороти 30 миллион 286 минг сўмни ташкил этди. 1962 йилнинг ўзидагина аҳолига 9 миллион 207 минг сўмлик саноат, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

1986 йилда Чуст шаҳрида Улгуржи савдо базаси ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Чуст район ҳамда шаҳар матлубот жамиятлари Матлубот ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Матлубот жамиятларининг ишчилари шаҳар ва туман аҳолисини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда Савдонинг ривожланиши йўлида бир қанча фидойи инсонлар катта ҳаракатлар қилишди. Улардан Зебинисо Баҳромова, Саодат Қомилова, А. Шарипов ва бошқаларнинг хизматларини таъкидлаш жоиздир.

1932 йилда Чустда давлат банкининг шохобчаси ташкил этилди. Қизиғи шундаки бу банк Қаримжон Исоқжонов хонадонида ташкил этилганди. Ҳозир Чустдаги давлат банки ривожланиб районимиздаги 240 дан ортиқ миқозга хизмат кўрсатади. Банкда 40 та ходим меҳнат қилади.

Халқ хўжалиғи, қишлоқ хўжалиғи ва бошқа соҳаларни ҳозирги кунда транспорт воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Лекин оддий транспорт воситасидай бўлиб қолган турли марқадаги автомашина ва тракторлар Чуст ҳудудига келганига унча кўп бўлган эмас. Бундан 60-70 йил муқаддам асосий транспорт воситаси от, аравалар бўлган. Дастлабки трактор туман ҳудудига 1925 йилда келтирилган «Фордзон»—Америка трактори бўлган. 1932 йилда Чустда машина трактор станцияси (МТС) ташкил этилди. Ушбу корхона йиллар давомида кенгайиб, ўз базасини мустахкамлади. Ҳозирги кунда корхона қишлоқ хўжалик техникаларини капитал ва жорпй таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, техник таъминот ишларини амалга оширади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-молдий аҳволини яхшилаш учун хизмат кўрсатувчи маиший хизмат кўрсатиш тarmoқлари корхонаси 1936 йилда ташкил топган. Дастлабки хизмат корхонаси «Кизил куч» деб аталган

1940-1950 йиллар мобайнида «Кизил пойафзалчилар».

«Қизил юк ташувчилар», «XXVI йиллик» деган артеллар фаолият кўрсатди. 1960 йилга келиб ушбу артеллар бирлаштирилиб «Райпромбит» комбинати тузилди. Корхонани бирлаштириб, уни йирик маиший хизмат кўрсатиш корхонасига айлантиришда Раҳматулла Расуловнинг хизматлари катта бўлди. Кейинги вақтларда корхона тармоқлари ривожланиб, ТЭА, Автосервис ва бошқалар алоҳида корхоналарга ажралиб чиқди. 80 йиллар бошларида тумандаги барча жамоа хўжаликларида маиший хизмат уйлари ташкил этилди ва улар учун бинолар қурилди. Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси таркибида ишлайдиган усталар 1970 йилда қурилиб ишга туширилган миллий пичоқлар заводида меҳнат қила бошладилар.

Заводда пичоқчи усталар сулоалари ўз маҳсулотларини харидоргир бўлиши учун жон куйдириб меҳнат қилишмоқда. Заводда ишлаб чиқилган маҳсулотлар Хиндистоннинг Нью—Дели, Туркиянинг Измир, Польшанинг Познан, Суриянинг Дамашқ шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намоёни этилди ва дипломлар билан муносиб равишда тақдирланди.

Агар 1971 йилда заводда 114 киши меҳнат қилиб, 352 минг сўмлик маҳсулот чиқарилган бўлса, 1993 йилда 400 киши 30 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариб, умумий маҳсулот қийматини 191 миллион 912 минг сўмга етказдилар. Ҳозирги кунда завод Ўрта Осиё мамлакатларида ишлаб чиқаришда бўлмаган никелланган ошхона идишлари, чойқаҳва сервислари, қайчилар ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда. Россия Федерациясининг Қольчугино шаҳридаги «Қольчуг—Зенит» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этилиши ошхона идишлари ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва уларни харидорларга кўплаб етказиб бериш имкониятини яратади.

Шаҳар аҳолисини турли транспорт хизматлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида, халқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик юкларини танишни яхшироқ йўлга қўйиш учун 1946 йилда шаҳарда автокорхона ташкил этилганди. Шу вақтда корхонада 5 та ЗИС—5 маркали автомобиль бўлган холос. Бу корхона 1955 йилда 57-автоколоннага айлантирилди ва «Ўзминавтотранс»нинг Наманган автомобиль ишлаб чиқариш

трести қарамогнда бўлди. Қорхона ихтиёрида 55 та автомобиль бўлиб унда 280 киши меҳнат қилишарди.

57-автокорхонани ривожлантириш, автомобил паркини кенгайтириш, транспортлар сонини кўпайтиришда Абдужаббор Қодировнинг ҳиссаси беқиёсдир. У кўп йиллар давомида корхонага раҳбарлик қилиб, унинг ривожлантириш, автомобиллар сафини кенгайтириш, ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилашга эришди. 1963 йилда автокорхонада 74 та автомобиль бўлган ва 395 киши меҳнат қилиб, юк ташин режаси 130,6 фозга, юк обороти режаси 136 фозга бажарилган бўлса, ҳозирда корхонада 226 та автомобиль мавжуд. 542 киши йўловчилар ва корхоналарга хизмат кўрсатишмоқда. Қорхонада кўп йиллар давомида меҳнат қилиб келаётган Аҳмаджон Юнусов, Анваржон Ашуров, Мўминжон Самижонов ва бошқалар барчага ўрнак бўлишмоқда.

Чуст шаҳрида деҳқонлар, аҳолига қулайликлар яратини турли полиз маҳсулотлари, мева ва сабзавотларни сотиш, харид қилиш ишларини яхшилаш учун деҳқон бозори 1930 йилда давлат рўйхатидан ўтказилди. Бозорни тартибга тушириш уша даврдан бошланди. Шаҳар ҳудудида 2 та бозор мавжуд бўлиб, деҳқон бозори ва мол бозори деб аталарди. Йиллар давомида бозор кенгайтирилди, қўшимча расталар қурилди. Бу иш айниқса, меҳнат фахрийси Хайриниссо Уринова раҳбарлиги пайтида яхши йўлга қўйилганди.

Чуст шаҳрида саноат, халқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш, янги-янги корхоналарни ишга тушириш 90-йиллар бошларида кенгайди. Бу даврда Урта Осиё республикаларида электроника саноатини ривожлантириш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш мақсадида бир неча шаҳарларда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шохобчалари қурила бошланди. Чуст шаҳридаги солиқ мактаб—интернат биноси ҳам «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехини жойлашгириш учун берилди. Ушбу корхона 1972 йилнинг октябрь ойида фаолият кўрсата бошланди. Қорхонада радио-электроника соҳасига зарур бўлган ярим ўтказгичлар ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг ўзида Чуст туманидан 120 нафар ёшлар касб ўрганиш учун Тошкент шаҳрига, Электро-техника заводида юборилди. Қорхона 1973 йил 26 апрелда ўзининг биринчи маҳсулотини ишлаб чиқарди.

1974 йилда заводда Азот-кислород цехи барпо қилинди. 1979 йилда эса асбобсозлик бўлими ташкил этилиб, иш бошлади. Булим 1983 йилда кенгайтирилиб цехга айлантирилди. 1986 йил 30 сентябрдан бошлаб «Барийон» заводига айлантирилди. Завод ишчи-хизматчилари 14 дан ортиқ турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. «Барийон» заводига 136 нафар инженер-техник ходимлар, 1500 дан ортиқроқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда.

Чуст шаҳрида кўплаб яқка ҳолда ишловчи тикувчилар борлиги, кўплаб хотин-қизларни иш билан таъминланмай қолаётганликларини ҳисобга олган ҳолда 1985 йилнинг октябрида шаҳарда тикув-трикотаж фабрикаси қурилиб ишга туширилди. Фабрикада 120 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат фаолиятларини бошлаб салкам 1 миллион сўмлик, 85 минг дона болалар трикотаж кийимлари ишлаб чиқаришди. 1987 йилдан корхона тикувчилик фабрикасига айлантирилди. Унинг таркибида Варзик ва Олмос қишлоқларида филиаллар иш бошлади. 1994 йил корхонада 585 киши меҳнат қилиб, 1 миллион 550 минг дона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқилишига эришдилар. Корхонада меҳнат қилиб кўпчиликка ўрнатилган К. Обидова, Ш. Маҳкамовлар «Мустақиллик» медали нишондори бўлишди.

Чуст шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1947 йилда 1,2 километр масофада ер остига қувурлар ўрнатилиб, хонадонларга сув берилган. Бу сув қувурлари орқали Сероб, Камарсада маҳалла аҳолиси хонадонларига сув етиб борди. 1955 йилда шаҳар аҳолисига сув етказиб беришни яхшилаш учун артезиан қудуги қазилди. Бу сувдан Муқимий, Учқун кўчалари аҳллари фойдалана бошладилар 1-сув тақсимои иншооти 1955-60 йилларда қурилиб ишга туширилди. Ҳозирги кунда шаҳар аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи тоза ичимлик суви билан таъминланган ва бу мақсадда корхонада 47 ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек Чуст шаҳрида электр токи 1954 йилга қадар бўлмаган. Ҳатто пахта заводи ҳам автотом электр токи ишлаб чиқариш қурилмаси—дизелдан фойдаланарди. Чуст тумани аҳолисини электр токи билан таъминлаш мақсадида Машҳад қишлоғида, Говасойда кичик гидроэлектростанция қурила бошланди. Бу қурилма 1954

иш яшарь ойида иш бошлади.

1957 йилда Чустда электр тармоқлари корхонаси ташкил этилади. Ҳозирги вақтда электр тармоқлари корхонаси ишчи-хизматчилари умумий қуввати 194700 киловатт бўлган 17 та электр токи узатиш қурилмаси, узунлиги 772,27 километр бўлган юқори кучланшли ва 807,35 километрли паст кучланшли ҳаво линиялари ҳамда 47,64 километргача чўзилган ер ости кабел линиясига, 25400 миждозга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Чустда газ хўжалиги корхонаси 1963 йилда ташкил этилди, кичик корхонада 6 киши меҳнат қилар ва аҳлини суюлтирилган газ билан таъминлаш ишини амалга оширишарди. 1970 йилда Чустга табиий газ қувурлар орқали етиб келди. Шаҳардаги хонадонлар ҳам газлаштирила бошланди. Бу иш 1975 йилдан анча ривожланди. Ҳозирги кунда табиий газдан 14 мингдан ортиқ хўжалик, суюлтирилган газдан эса 5740 хўжалик фойдаланимоқда. Шаҳримиздаги 228 та саноат ва коммунал объектлар табиий газ тармоқларига уланган. 97 объект эса суюқ газдан фойдаланиб келмоқда.

Шаҳар ва туман аҳолисини почта-телефон алоқалари хизматидан фойдаланиши даражасини оширишда ҳам бир қатор тadbирлар амалга оширилган. Тарихий ҳужжатлар гувоҳлигича Чустда алоқа хизмати кўрсатиш илк бор 1885 йилда йўлга қўйилган. Уша даврда аҳолига 285 сўмлик алоқа хизмати кўрсатилган. 1 бекат назоратчиси ишлагаи бўлиб 1 та почта, қутиси, 9 от алоқа корхонасининг дастлабки жиҳозлари бўлган.¹⁵⁴ Ҳозирги кунда эса алоқа корхонаси катта бир тармоқ бўлиб, аҳолига турли хизматлар кўрсатмоқда. Шаҳарда 7 мингдан ортиқ телефон нуқталари мавжуд. Олмос, Варзик, Каркидон, Тенақўргон қишлоқларида 1000, 500 номерли автомат—телефон станциялари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шаҳарда 5 та, қишлоқларда 13 та алоқа бўлимлари газета, журнал, пенсия пуллари, хат ва хабарларни ўз эгаларига етказиб бериш ишлари билан машғулдир. Алоқа хизмати билан аҳолини таъминлаш йўлида А. Талабов, М. Бисерова, А. Бакоушина, Ватан уруши қатнашчилари У. Бойматов, Шаҳобиддинов, А. Азизов, меҳнат фахрийси Н. Ҳақимов, Б. Хусанов каби кекса алоқачилар, М. Нажмиддинов, А. Ка-

¹⁵⁴ №66. Респ. Давлат архиви. 19-ф, 1-руйхат, 1418-дело, 521-вароқ.

римв, Э. Беялова, Қ. Орипов каби инженер-муҳандислар кўпчилигига ўртак бўлмоқдалар. Шаҳар ва туманда жами бўлиб 10 мингдан ортиқ телефон нуқталари аҳолининг узогини яқин қилмоқда. Деярли барча хонадонлар радиолаштирилган.

2. ЧУСТДА МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ, ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ.

Чуст туманида маориф ва маданиятнинг ривожланиши, унинг равшақи вилоятимиз, республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларидан фарқ қилмайди.

Туманимизда учта ҳунар-техника, тиббиёт ва педагогика билим юртлари ёш авлодга касб-ҳунар ўргатиш, уларни юрт истиқлоли, мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига ўргатиш билан шуғулланиб келишади. Бу билим юртлари бир неча юзлаб ўз ўқувчиларини ҳаёт сўқмоқларига кузатишган. Маориф ва маданият тарихини ўрганиш учун биз бироз бўлсада яқин ўтмишимизга қайтмоғимиз лозим. Чуст шаҳрида дастлабки мактаблар, эски мактаблар кўпинча масжидлар қошида бўлиб, у мактабларда диний билимлар бериш билан бир қаторда Навоий, Фузулий, Бедил, Яссавий, Сўфи Оллоёр ва бошқа шоирларнинг газалиёт мерослари ўргатиларди. Абжод (математика), Илми нжум (астрономия) қисман ўргатилган. Архив маълумотларига қараганда Чуст уездида 1884 йилда 84 масжид бўлиб, ҳар бирида қизлар ва ўғил болалар учун алоҳида мактаблар бўлган. Мактаблардан ташқари 7 та мадраса ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг иккитаси Чуст шаҳрида жойлашган. Бу илм даргоҳларида кўнлаб ҳамюртларимиз таҳсил олишган.

Чуст шаҳрида 1892 йилда битта рус-тузем мактаби мавжуд бўлиб, у мактабда 16 киши таҳсил олган ва ўқувчиларнинг 13 таси маҳаллий аҳоли фарзандлари бўлишган.

XX асрнинг дастлабки йилларида Ўрта Осиё ҳудудларида жадидчилик ҳаракатлари томир ота бошлади. Бизнинг Чуст туманимиз ҳам бу ҳаракатдан четда қолмади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби маърифатпарвар, илғор фикрли, илмни севувчи ҳассос шоир Муҳаммадшариф Сўфизода 1913 йилда Чуст шаҳрида етим болалар учун мактаблар очиб, муаллимлик билан шуғулланди, лекин унинг мактаби маҳаллий бой ва амалдорлар томонидан беркитиб қўйилди. Ўрни келганда М. Сўфизода тўғрисида қуйидаги маълумотларни беришни лозим топдик.

М. Суфизода 1889 йил 29 январда Чуст шаҳрида ҳунарман оиласида туғилди. Ёшлигидан меҳнатга урганно, отаси Эгамберди ничоқчига чарх тортиш ишларида ёрдамлашди ва ёски мактабда ўқиб, савод чиқарди. Шеъриятга ёшлигидан меҳр қўйди. Фирдавсий, Ҳофиз, Бедил, Навоий асарларини қўли билан ўрганди. Ўтган асрнинг 90-йилларида адабиёт майдонига кириб келди. Унинг халқ дарди билан битилган шеърлари, ўткир ҳажвий асарлари тараққийпарварлик, халқпарварлик, маърифат ва маорифга чақириқлари халқ дилидан тезда ўрин эгаллади.

1893-1898 йилларда Қўқонда яшаб Муқимий, Фурқат суҳбатидан баҳра олди. «Ваҳший» таҳаллуси билан ҳажвий асарлар яратди. «Деҳқоннинг», «Бедананг», «Айтинг бу сўзимни», «Ўлай», «Ғубор дарду алам» каби ҳажвий-лирик газаллари шулар жумласидандир.

1899 йил Чустга қайтиб келди. Шоир ноҳақликка, жабр-зулмга қарши ўз асарлари билан курашди, текинхўр амалдорлар, эшонларни ҳажв тиги остига олди. Шунинг учун икки йил ўтгач уни даҳрийликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарадилар.

1900-1913 йиллар мобайнида аввал Бокуга бориб Жалил Қулизода, Собир Тоҳирзода, Муҳаммад Ходий каби Озарбайжон адабиётининг тараққийпарвар вакиллари билан танишади. Сўнг Арабистон шаҳарлари, Туркия ва Ҳиндистон мамлакатларида бўлиб, халқ ҳаёти билан танишади.

1910-1913 йилларда Қўнғиротда муаллимлик қилди, «Ўзбек хонимига», «Хонимлар исминда», «Ватан», «Муслималар» каби шеърлари Боку ва Оренбургда чиқадиган рўзнома ва ойномаларда босилиб чиқди.

Шоир 1915 йилда хорижга кетишга мажбур бўлади. У аввал Ҳиндистонда, сўнгра Афғонистонда ўқитувчилик қилади. 1918 йилда Афғонистон маориф вазирининг ўринбосари сифатида Туркистонга қайтиб келди ва афғон ваколатхонасининг тилмочи қилиб тайинланади. Унинг асарлари «Қизил Ўзбекистон», «Муштум», «Фарғона» каби рўзнома ва ойномаларда тез-тез босилиб турди. 1934 йилда «Байрам нашидалари» номли достони нашр этилди.

Унга ўзбек адабиёти олдидаги хизматлари учун Х. Ҳ. Ниёзий билан бир қаторда 1926 йил 27 февралда «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвон берилди.

М. Сўфизода 1937 йил 7 майда, халқ душмани деб ҳибсга олинди. Учлик қарори билан қамалган шоир шу йили қамоқда ҳалок бўлди.

50-йиллардан кейин Сўфизода қайтадан оқланди. Адабиётшунос олим Тўлқин Расулов изланишлари туфайли 1968 йили шоирнинг «Тароналар» номли кичик шеърӣ тўплами нашр этилди.



Шойрининг таваллуд тошганига 120 йил тулиши муносабати билан Чуст шаҳридаги Мавлоно Лутфуллоҳ боғида унинг ҳайкали ўрнатилди. Чуст педагогика билим юрти ва шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири унинг номига қўйилди.

1917 йил воқеаларидан сўнг Чустда ҳам янги мактаблар очилишига имкониятлар вужудга келди. 1919 йилда М. Сўфизода Чустга қайтиб келгач, яна муаллимлик ишини давом эттириш учун ҳаракат бошлади. Сўфизода билан бир қаторда Эшонжон Содиқий, Абдураззоқ Воҳидий, каркидонлик Эргаш Хонбобоевлар мактаблар очиб ёшларга сабоқ ўргата бошладилар. Бу мактаблар давлат томонидан таъминланмасди. Улар асосан хусусий мактаблардан иборат бўлиб, дарслар ҳам ҳар бир ўқитувчининг ўзи томонидан ишлаб чиқилган режа асосида олиб бориларди. Чуст шаҳрида М. Сўфизода 1919 йилда очган мактабда 12 ўқувчи таҳсил оларди. 1920-21 йилларда мактаб ўқувчилари сони 40 тага етди ва уларга Нури Залилов бошланғич сабоқлар бера бошладди. 1923 йилга келиб мактабга «Намуна» номи берилди ва бу билим даргоҳида Отабой Искандаров бошчилигидаги етти заҳматқаш муаллим дарс ўта бошлайди. Мактабларда дарслар араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувида олиб бориларди. 1925 йилда Чустда биринчи қизлар мактаби ташкил этилди. Мактаб Камарсадада, Вали Хўжаевнинг меҳмонхонасида жойланган бўлиб, унда дастлаб еттита ўқувчи қиз ўқишарди. Мактабда Ҳабиба Хўжаева, Салима Содиқова каби қизларга муаллима Гулсиной Ҳожиева илм сирларини ўргатарди.

1927 йилда эса Ўзбекистон ҳудудида ўқиш-ўқитиш лотин алифбоси асосидаги ёзувга ўтказилди. 1940 йилдан бошлаб Республикамызда кирилл алифбосига ўтилди. Чуст шаҳрида 1923 йилда 3 та мактаб мавжуд бўлиб, Бўта Дадабоев номлидаги мактаб-интернатда иккита синфда 35 ўқувчига 4 ўқитувчи дарс берарди. «Намуна» мактабида эса 24 ўқувчи билим оларди. Ҳар икки мактаб ҳам бошланғич мактаб эди.

Туманимиз қишлоқларидан Варзик ва Олмосда ҳам илк мактаблар иш бошлади. Варзикда 1922 йилда, Олмосда 1924 йилда мактаблар очилди. Варзикдаги мактабда чустлик Собитхон домла, Олмосдаги мактабда эса поплик Қорабоев, чодаклик Бобохўжаев каби муаллимлар дарс беришарди.

1924-28 йиллар мобайнида таниқли ёзувчи устоз Парда Турсун ҳам таҳсил олган. Йиллар давомида туман қишлоқларида ҳам ўқитиш ишлари ривожлана бошлади.

1929 йилда «Намуна» мактаби тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилди ва унинг бағрида юзга яқин ўқувчи билим ола бошлади. Мактаб тарихига назар солсак Чуст шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Карл Маркс номидаги илм масканида юзлаб юртдошларимиз ўқиб, билим олганликлари ва улар вояга етгач, турли соҳаларда фаол меҳнат қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Буюк тожик ёзувчиси Сотим Улуғзода, филология фанлари доктори профессор Обид Жалол шулар жумласидандир.

Чуста маорифнинг ривожланиши бир қатор фидойи ўқитувчи-тарбиячилар фаолияти билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Жафархўжа Музаффархўжаев, Руқия Обидова, Абдулла Эргашев, Олимжон Ҳайдаров, Ашурмат Ҳамдамов, Сулаймонов, Шоазизов, Раззоқов, Маъруф Усмонов, Муҳаммадумар Бобоев, Саодат Тошмухамедова, Иброҳим Холматов, Улуғхон Қорахонов, Рафоат Акбарова, Ҳомиджон Валиев, Турдихон Кенжаевалар ана шу фидойиларнинг бир қисмигина холос.

Мактаблар қишда истилмас, ёзда эса иссиқ, эди, чунки кўплаб мактаблар мослаштирилган биноларда жойлашган эди. 1927 йилда шаҳарда рус тилида ўқитиладиган биринчи мактаб очилди. Ушбу мактаб дастлаб Сталин номи билан аталди ва унга Ғафуржон Нурматов биринчи раҳбар этиб тайинланди. 1936 йилга келиб биринчи мактаб ўша даврга мос бўлган усулдаги янги мактаб биносига эга бўлди. Мактабда Ашурмат Ҳамдамов бошлиқ ўқитувчилар фаолият кўрсатишди. Умуман олганда 1924-40 йиллар мобайнида шаҳарда олтинта мактабда ўқувчилар таълим ола бошлашди.

1933 йилда Чуста тракторчи-бригадирлар тайёрлаш мактаби ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида мактабда 105 ўқувчи ҳам ўқиб, ҳам ҳунар ўрганишди, уларга 13 та ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари илм ва ҳунар ўргатишди. Билим юрти 1946 йилга қадар Ўз. ССР ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрида бўлди. Кейинчалик қишлоқ хўжалик вазирлиги, Пахтачилик вазирлиги, Маданият вазирлигининг ҳунар бош

бошқармаси қарамоғида бўлди. Ушбу билим даргоҳини турли йилларда тугатган минглаб малакали ишчи-тракторчилар қишлоқ хужалиги ва халқ хужалигида ишлаб, юрт фаровонлиги учун меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг ичида Меҳнат қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқов, Исоқжон Эгамбердиев, Тожибой Тошматов, Қурвонбой Умрзоқовлар вилоятимизнинг турли туманларида шавкатли меҳнат қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлганлар. Билим юрти иш бошлаган даврда 180 ўринли 6 та синф хонаси ва битта слесарлик устахонаси мавжуд бўлган бўлса, айни пайтда 20 та фан кабинетлари бўлган замонавий ўқув корпуси, 240 ўринли ўқув устахонаси, спорт зали, 310 ўринли ётоқхона, 5 та лаборатория 3 та тикувчилик устахонаси, 200 ўринли ошхона, 300 ўринга мўлжалланган клуб, 25 минг дона китоб фондига эга бўлган кутубхона бор. 1994 йилда эса 540 ўринли янги ўқув корпуси ишга тушди. Билим юрти ташкил этилган даврда фақат тракторчилик касби ўргатилган бўлса, ҳозирги кунда тикувчи, ҳисоб ходими, сотувчи, наққош ва бошқа ҳунар—касб ўргатилмоқда. Ўқувчиларга Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Салимжон Дадажонов, Жабборали Саримсоқов, А. Лутфиллаев, халқ таълими амалчилари Н. Жўраев, М. Мирзахолов, Ж. Муллажонов ва бошқалар фидойилик билан сабоқ бермоқда. Билим юрти бир неча маротаба ҳукумат нишонлари билан тақдирланган. 1986 йилда билим юрти ўқувчилари «Қасбименинг—фаҳрим менинг» II республика телестанловида 1-ўринни эгаллаш шарафига муяссар бўлишди. Шу йилнинг ўзида «Юксак маданиятли билим юрти» деган фахрий ном олишга эришилди. Ушбу фахрий ном Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника давлат қўмитаси ва республика халқ маорифи, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба уюшмалари Президиуми қарорига мувофиқ берилган эди.

Билим юртида спорт ишларига катта эътибор берилди. Бокс бўйича айниқса юксак натижаларга эришилди.

Меҳнат фахрийси Йўлдош Бойматов хотирасига бағишлаб ўтказиладиган бокс бўйича Халқаро турнир айнан шу билим юрти раҳбарияти томонидан тайёрланди. Бу турнирда Ўрта Осиё республикалари боксчилари бир неча бор қатнашишди. Чуст шаҳрида спортнинг бокс тури ривожланишида Эркинжон Мирзахолов, Ҳабибжон Сулаймонов каби устозларнинг ҳиссаси каттадир. Ҳозирги кунда бокс бўйича Республика терма

жамоасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган Темур Сулаймонов шу бокс мактабининг тарбияланувчиси-дир. Темур Туркия, Покистон давлатларида ўтказилган Халқаро мусобақаларда муваффақият билан қатнашиб келди.

Чуст шаҳрининг халқ маорифи тармоқлари кейинги йилларда тезлик билан ривож топа борди. Ёшларнинг ишлаб; билим олишларини йўлга қўйиш мақсадида 1956 йили кечки ишчи-ёшлар мактаби очилди. Мактабга тажрибали педагог Раҳмонжон Зарипов раҳбарлик қилди. 1964 йилда эса Нодирабегим (Крупская) номидаги 2-мактаб қошида сиртдан-қатнаб ўқийдиган мактаб иш бошлади. 1970 йилда Улугбек номидаги кечки ишчи-ёшлар мактаби ёшларга билим бера бошлади. Бу мактабларнинг очилиши шаҳримиз ёшларига катта қулайликлар яратди.

Чустимиздаги мактабларда таҳсил олганлардан кўпчиликлари ҳозирги кунда йирик олим, мутахассислар бўлиб, турли соҳаларда ишлаб келинмоқда. Буюк тожик ёзувчиси Сотим Улугзода болалар шоири Зафар Диёр, ёзувчи Йўлдош Шамшаров, М. Нажмиддинов, ғазалнавис шоир Набиҳон Хўжаев (Чустий), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Йўлдошев ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу ўринда Чустий, И. Шамшаров ва М. Нажмиддинов фаолиятлари билан таништириб ўтамиз.



Ватан қаҳрамони М. Фаёзов ва Чустий домла ўқувчилар билан

Набихон Хўжаев — Чустий 1904 йил 20 февралда Чуст шаҳрида туғилди. Тўқувчи онласида тарбияланган шоир шаҳардаги ва Қўқондаги мактабларда таълим ва тарбия олди.

Бадний адабиётнинг чинакам мухлиси Набихон 1939 йилда Пушкин номли тил ва адабиёт илмий текшириш институтида илмий ходим, 1940 йилдан Тошкентдаги Муқимий театрида адабий эмакдош ва 1942 йилдан шу театрга директорлик қилган.

Шоир Шимолий Фарғона, Катта Фарғона каналлари, Каттақўрғон ва Қосонсой сув омборлари ҳамда Фарҳод 1ЭСи қурилишларида иштирок этган. 1943-44 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт фондиниң директори, 1953 йилдан «Ўзбекистон» нашриётида таржимон, 1959 йилдан Тил ва адабиёт олийгоҳида илмий ходим бўлган. 1976 йилдан шахсий пенсионер, меҳнат фахрийси Чустий ижод билан машғул бўлган. 1983 йил 13 августда Чустда вафот этган.

Шоирнинг 1942 йили «Қўзғол», 1943 йилда «Шамшир», 1945 йили «Лолазор», 1951 йилда «Ҳаёт завқи», 1969 йили «Гул мавсуми» 1978 йили эса «Газаллар» шеърӣ тўпламлари чоп этилган. «Зафарнома» (1939 йил), «Тирик жашнатга кирган камшир» (1939 йил), «Кийикнома» (1940 йил) нәзалари нашрдан чиққан.

Собир Абдулла ва Қомил Яшин билан ҳамкорликда «Даврон ота», «Қурбон Умаров» ва «Қўчқор Турдиев» пьесаларини яратган.

Арузни яхши билган, форс-тожик тилини пухта эгаллаган Чустий Саъдий, Шерозий, Жомий, Мирзо Ғолиб, М. Турсунзода каби шоирларнинг асарларидан ўзбек тилига таржима қилди.

Шоирнинг кейинги йиллардаги «Тўёна», «Садоқат гуллари», «Ҳаётнома» каби шеърлар тўплами кўплаб мухлисларни мамнун этди.

Чустда марказий кўчалардан бири, кинотеатр ва Оғасарой қишлоғидаги жамоа хўжалиги шоир номи билан юритилади.

Йўлдош Шамшаров 1907 йили Олмос қишлоғида туғилган. Урта маълумотни олгач, 1927 йилдан ёшлар иши билан шуғулланади. 1929-30 йилларда қишлоқ мактабида ўқитувчилик



Йўлдош ШАМШАРОВ.

қилади. 1933 йили Фарғона педагогика олийгоҳини тугатиб, «Ёш ленинчи» рўзномасида ишлайди. Журналистика соҳасида қалам тебрати. Кичик бадий асарлар ёзди. 1934 йили «Ленин учқуни»да муҳаррир, 1937 йилда «Қизил Ўзбекистон»да масъул котиб ва бўлим мудирини бўлиб ишлади.

1944-1947 йилларда комфирқа ишларида, кейин Ўзбекистон Давлат нашриётида директорлик қилди. 1947-52 йилларда партия тарихи институтида илмий ходим, 1953-1969 йилларда Давлат нашриётида, «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси ва «Шарқ юлдузи», «Гулистон» ойномаларида масъул вазифаларда меҳнат қилди.

Йўлдош Шамшаров «Пахтақайнар» (1959), «Қаҳрамонлик йўли» (1960), «Ғурумсаройликлар» (1962 йил), «Ошиқлар», «Инсон қалби» (1969 йил) каби очерклар яратди. Унинг «Чироқ» романи 1971 йили босилиб чиқди. 1974 йили «Ҳаёт тақозоси», 1975 йили «Навбаҳор қиссаси», 1978 йили «Ишқ ўти» китоблари чоп этилди. Рус ва чет эл адибларининг асарларини ўзбек тилига моҳирлик билан ўгирган. Унга 1970 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган. Йўлдош Шамшаров 1987 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.

Тожиқ адабиётига ўзининг қатор асарлари билан ҳисса қўшиб келаётган Мутеулло Нажмиддинов 1927 йил 12 сентябрда Чуст тумани Варзик қишлоғида деҳқон оиласида туғилган.

1944 йилда 8-синфни битириб Фарҳод ГЭСи қурилишида қатнашади. 1945 йилдан Оғасарой қишлоғида муаллимлик қилди. Айни пайтда Наманган ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳининг сиртқи бўлимида таълим олди. У Тошкент Давлат

Университетига кириб ўқиди. 1960 йили Москвада олий партия мактабини тугатди.

Кейинги йилларда «Тожикистон Совети» рўзномасида адабий ходим, «Комсомол Тожикистон» муҳаррири, «Ирфон» нашриётининг бўлим мудирини, «Тожикистон Совет энциклопедияси» бош редакциясининг катта илмий муҳаррири, «Адабиёт ва санъат» ҳафтаномасининг бўлим мудирини бўлиб ишлади. 1986 йилдан бошлаб Тожикистон республикаси маданият вазирлигида ишлади.

Унинг «Ҳиммати баланд одамлар» (1863) очерк ва ҳикоялар тўплами, «Соғбаланд Гулом», «Юрт сув билан обод», «Таниш сўқмоқлар», «Одамлар ва соҳиллар» каби тўпламлари нашр этилган. 80-йилларда унинг «Унумли ер одамлари», «Уч қисса», «Раззоқи олам» асарлари китобхонларга ҳадя этилди.

Шунингдек ёзувчининг бир роман ва икки қиссасини ўзичига олган «Река ищет русло» китоби Москвада рус тилида чоп этилди.

Унинг «Пайғоми Варзик» туркум очерклари ўз даврида районимизда кўнгина ободонлаштириш ишларига туртки бўлди. Ёзувчининг асарлари кўп тилларга ўгирилган.

Кристо Вольф, Роман Роллан, С. Зарян, Юрий Ритхэу каби машҳур адибларнинг асарларини тожик тилига ўгирган. Қатор орден ва медаллар соҳиби бўлган ёзувчи ҳозир ҳам ижод билан банд.

Ўқувчиларга билим беришда фидойилик билан меҳнат қилган бир қатор ўқитувчиларимиз Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган шарафли номга сазовор бўлишган. Ашурмат ота Ҳамдамов, Саидбурҳон ота Хўжаев, Умаржон Ҳасанзода, Эсонали Усмонов, Гавҳар Раҳимова, Абдуллажон Султонов, Саломат Эгамова, Илчибой Абдурахмоновлар шундай юксак унвонга ўзларининг фидойиликлари туфайли эришдилар.

Мактабгача тарбия муассасалари иши ҳам йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб бормоқда. Чуст шаҳрида 1-болалар боғчаси 1936 йилда «Озодлик» хотин-қизлар артели қошида очилиб, унда 20 дан ортиқ болажонларга Салимаби Исмоилова тарбия бера бошлади. 1941 йилда эса ҳозирги мудофаа комиссарлиги биносига жойлашган битта хонада боғча ишга тушди.

Бу боғчада ҳам тарбиячи ва мудира бўлиб Евдокия Ивановна Махрова ишлар эди. У киши 20 та болани тарбияси билан шугулланарди. Ҳозирги кунда шаҳар халқ маорифи бўлимига қарашли 13 та, туман халқ маорифи бўлимига қарашли 20 та ва турли муассаса, идора, корхоналарга қарашли 8 та боғча шахримиздаги ишчи-хизматчиларнинг тўрт мингга яқин фарзандларини тарбия қилишда ўзларининг катта ҳиссасини қўшимоқда. Бу боғча ва 400 дан ортиқ тарбиячилар болажонларимизни тарбиялаб келмоқдалар.

Шаҳарда ўқувчи ёшларни мактабдан ташқари муассасалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Булардан «Ёш техниклар маскани» вилоят республика миқёсидаги кўрик-таъловларда қатнашиб, бир неча бор ғолибликка эришдилар. «Ёш табиатшунослар маскани» 1953 йилда ташкил топиб, ривожланди. Бу масканда ўқувчиларга боғдорчилик, қўғиччилик, паррандачилик, балиқчилик, гулчилик каби тўғараклар хизмат қилади. Ушбу масканда етиштирилган мевалардан 1985, 1986 йилларда Москвадаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасига юборилиб, кўргазманинг II даражали дипломи ва медали билан тақдирланишга эришилди. Бундай ютуққа эришишда Баҳриддин Қорабоев, Жўрабой Саримсоқов каби жонқуярларнинг хизматлари бениҳоя каттадир.

Ўқувчиларнинг мусиқа билимларини юксалтириш, мусиқа, қўшиқ ва рақс каби азалий халқ санъати мерослари билан яқиндан танишишлари инкониътини яратиш мақсадида 1960 йилда шаҳарда мусиқа мактаби очилди. В. Я. Лукашов мактабга раҳбарлик қилди. А. Воҳидов, С. В. Петрова каби мусиқа ўқитувчилари дарс ўта бошладилар. Болалар мусиқа мактаби юзлаб ёшларга мусиқа сирларини ўргатди. Мактабда таҳсил олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одижон Исмоилов, Тоҳиржон Шодмонов, С. Саидхалилов, Сойинжон Бегматов, В. А. Черномор каби санъаткор-ўқитувчилар билан фахр қилса арзийди. Ҳозирги кунда мусиқа мактаби шаҳардагина эмас, балки туманда, Каркидон қишлоғида ҳам мавжуд. Бу ерда ҳам болаларга мусиқа сирларини тажрибали педагоглар мунтазам ўргатиб бормоқдалар.

Туман ва шаҳримиз маорифи ҳақида ҳар қанча ёзсак шунча оз. Шунинг учун хулоса қилиб шунни айтмоқчимизки, шаҳар халқ маорифида бундан 70 йил муқаддам инкита бошлан-

ғич мактаб бўлган бўлса, ҳозирги кунда 14 та мактабда 11 мингдан ортиқ ўқувчига 400 дан кўпроқ олий маълумотга, 100 дан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимлар пухта билим бериб келишмоқда. Кўпгина мактабларда чуқурлаштирилган гуруҳлар мавжуд. Туманимизда эса бундан 60-70 йиллар илгари Олмос, Варзик ва Тепақўрғон қишлоқларида бошланғич мактаблар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда 51 та умумтаълим мактаблари ишлаб турибди. Улардан 43 таси ўрта, 8 таси эса тўлиқсиз ўрта мактабдир. Район мактабларидан 21 тасида спорт заллари, 3 тасида очик сузиш ҳавзалари ва 83 та устахоналар ўқувчилар хизматида. Бу мактабларда 18337 та ўқувчига 2289 та ўқитувчи таълим беришмоқда.

Ёш авлодни тарбиялашдек ўта масъулиятли касбга ихлос қўйган ёшларни ўқитиш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан Фарғона водийси мактаблари учун кадрлар етказиб беришнинг таъминлаш мақсадида Чуст шаҳрида 1967 йилда педагогика билим юрти ташкил этилди. Билим юртига ўша йили 120 та ўқувчи қабул қилинди ва улар тўртта гуруҳда таҳсил ола бошлади. Бу гуруҳларнинг икитасида ўзбек, қолган икитасида эса тожик ва рус тилларида дарс ўтиларди. Билим юртига туман ва шаҳардаги мактабларда ишлаётган ўқувчиларнинг илғорлари, ўз касбларининг усталари жалб қилиндилар. 1993 йилда билим юрти қошида педагогик йўналишдаги лицей ташкил этилди. Лицейда 250 та иқтидорли ўқувчилар математика, биология ва чет тили каби фанлардан чуқур билим олмоқдалар.

Шаҳримизда тиббиёт билим юрти 1984 йилда очилди, кўп-лаб ёшларимиз унинг бағридан етук малакали тиббиёт ҳамширалари бўлиб чиқдилар ва аҳолига хизмат қилмоқдалар.

Район ва шаҳар аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг моддий-маънавий эҳтиёжини қондириш йўлида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларга дастлабки қадамлар асримиз бошларидаёқ қўйилган эди.

Аҳолини саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар дарадига малҳам бўлиш аср бошида касалхона, шифохоналарда эмас, балки халқ орасидан чиққан табиблар томонидан амалга оширилди. Россия империяси ҳукмдорлари марказдан

узоқ жойлашган шаҳар-қишлоқларда тиббий хизматни йўлга қўйиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилишмасди.

Чуст шаҳрида биринчи касалхона 1924 йилда очилди. Касалхона 5 ўринли бўлиб, унда Филин деган бир рус фелдшер (кичик тиббий ходим) хизмат қиларди. Филинга Исмоилжон Эсанов ҳам тилмочлик ва ҳам ёрдамчилик қиларди. Кейинроқ Варзик қишлоғида тиббий пункт фаолият бошлади. Филиндан кейин Чустга келган иккинчи тиббий ходим-врач А. Ф. Савкин бўлди. 1932 йилда Чустда биринчи саломатлик маркази ташкил этилди ва унга Айюбжон Қориев мудир этиб тайинланди. Айюбжон Қориев асли ветеринария врачини бўлишига қарамай «Ҳофизсиҳат» (райздрав) нозирлигини ўрнига қўйди. У киши Чустда шифохоналарни кенгайтириш, врачлар сонини кўпайтириш борасида астойдил фаолият кўрсатди. 1933 йилда Фарғона шаҳрида водий соғлиқни сақлаш мудирларининг съездида қатнашди. 1935 йилда Чуст шаҳрига биринчи дўхтир юборилди. Бу киши Никандр Филиппович Зуев бўлиб, 1904 йилда Литхово қишлоғида туғилган. 1928-33 йилларда Саратов тиббиёт институтида таҳсил олди ва 1935 йилда Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссарлиги йўлланмаси билан Чустга келди. Н. Ф. Зуев Чустда касалхона бош врачини этиб тайинланди. 35 ўринли касалхонада Зуевдан ташқари 1 фелдшер, 3 та тиббий ҳамширалар бор эди. Касалхона таркибида Олмос ва Варзикдаги 2 та фелдшерлик пункти ҳам мавжуд эди.

Н. Ф. Зуев 1940 йилда Финляндия урушида қатнашди. 1941 йилда бошланган Ватан урушида Никандр Филиппович врач-хурург сифатида ярадор жангчилар жонига оро кирди. Юзлаб жангчилар унинг қўлидан шифо топишди. У 1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилади ва яна қайтиб Чустга келди. Урушдан ғалаба билан қайтган Н. Ф. Зуев ўзининг даволаш соҳасидаги фаолиятини давом эттирди. Шаҳардаги касалхонада тиббий ходимлар сафи ўса бошлади. 1948 йилда Чустга терапевт, педиатр, фтизиатр каби врачлар ишга келишди. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳалари биттадан тўрттага етди. 1950 йилда Зуев бош врачликни Саломхон Арслоновга топширди, ўзи жарроҳлик бўлимида фаолият кўрсата бошлади. 1945 йилдан бошлаб шаҳримиз соғлиқни сақлаш бўлимига Любов Никифоровна Криженкова раҳбарлик қилди.

Криженкова ва Арслоновлар биргаликда меҳнат қилиб, кўпгина юқумли касалликларни тугатилишига эришишди. Шаҳарда эпидемиология станцияси ишга туширилди. Тери-таносил диспансери фаолияти бошланди. Любовь Никифоровна Криженкова Чустда ўз врачлик фаолиятини 1935 йилда бошлаган эди. У киши умрининг кўп йилларини ҳомиладор аёллар саломатлигини яхшилаш, чақалоқлар парвариши ва она-бола касалликларини олдини олиш ва даволашга сарф этди. Любовь Никифоровна ҳалол меҳнати туфайли ҳукуматимизнинг faxрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган.

70-йиллар ўрталарида янги шифохона биноси қурилиб ишга туширилди. Урта медицина ходимлари билан таъминланишни йўлга қўйиш учун шаҳарда икки йиллик курслар ташкил этилди. Бу курсларда маҳаллий аҳоли қизларидан юздан ортиги ўқиб, касб эгаси бўлди. 120 ўринли, уч қаватли асосий корпус қурилди. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси 18 тага етказилди. 1980-90 йилларда туманимиз аҳолиси соғлигини янада яхшироқ муҳофаза этиш мақсадида 20 ўринли стоматология поликлиникаси ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 130 ўринли туғруқхона қурилиши бошланди. 380 кишини қабул қилишга мўлжалланган болалар поликлиникаси қурилишига тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда шаҳримизда 600 ўринли шифохона, 900 қабул кучига эга бўлган поликлиникаларда 147 олий маълумотли ҳақимлар, 500 дан ошиқроқ ўрта тиббий маълумотлик ходимлар аҳолига хизмат қилишмоқда. Туманимиз аҳллари Н. Ф. Зуев, Л. Н. Криженкова, С. Х. Арслонов, А. Т. Шоймардонов, А. И. Семикин, Э. Ю. Прокурова, Ҳ. Улуғбоев, фан помзоди хурург Н. Маҳкамов каби жонкуяр тиббиёт ходимларини ҳурмат билан тилга оладилар.

Тумандаги кўпгина қишлоқларда шифохоналар мавжуд. Уларда ҳам малакали тиббиёт ходимлари аҳоли соғлигини муҳофаза этишда астойдил меҳнат қилишмоқда. Боғишамол даҳасида қурилган туман марказий шифохонаси турли замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган, айниқса аниқ танихис қўйиш қурилмасининг ишлатилиши туманимиз аҳолисининг саломатлигини тиклашда турли касалликлар олдини олиш имкониятларини яратмоқда.

VII БОБ. 50-90 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Урушни ғолибона тугаллаган халқ эндиликда уруш жа-роқатларини даволаш, вайрон бўлган халқ хўжалигини тик-лаш билан шуғулланиб, 1950 йилларга келиб анчагина муваф-фақиятларга эришди. Бироқ урушдан кейинги ривожланиш ҳам бир томонлама бўлиб, фақат пахтачиликка эътибор ку-чайтирилди. Тумандаги Сталин номли, Ленин номли, Фрунзе номли, Ворошилов номли, «Ленинград», Карл Маркс номли, Калинин номли, Навоий номли, «Сталинград», Каганович номли, «Комсомол 32-йиллиги» каби жамоа хўжаликларида қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига экин майдони 1600 гектарга кенгайтирилди. Фидойилик намунаси кўрсатиб меҳнат қи-лишларига қарамай об-ҳаво инжиқликлари туфайли 156 та пахтачилик бригадасидан 12 таси пахта тайёрлаш режалари-ни бажарди холос.

1954 йилда туманда биронта хўжалик пахта тайёрлаш йил-лик режаларни бажара олмади. Шунингдек чорвачилик соҳа-сида гўшт, жун, пилла етиштириш режаларини бажарган. Ле-кин чорвачилик ҳайвонларини кўпайтириб, она ҳайвонлардан бола олиш ҳисобига бўлмай, балки сотиб олиш ҳисобига бажарилган. Районда ҳар бир сигирдан 650 литр ўрнига 191 литр сут соғиб олинган. Бир товуқдан 60 та ўрнига 20 дон-дан тухум олинган.¹⁵⁵

1956 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган КПССнинг XX съезди халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-60 йиллар-га мўлжалланган 6-V йиллик режа директиваларини қабул қилди. V йилликнинг биринчи йилида туман меҳнаткашлари II минг 10 гектар ерга чигит экиб ҳар гектаридан 19,6 центнер-дан, 1955 йилда 21 центнердан ҳосил кўтаришга эришдилар. 1958 йилда партия ва ҳукумат қарорига кўра МТСларга қа-рашли қишлоқ хўжалик техникаларини жамоа хўжаликларига сотиш йўлга қўйилди. Шу қарор қабул қилингунча биргина «Олмос» жамоа хўжалигининг ўзи МТСга 2 миллион сўмни натура тўлови сифатида ўтказиб берарди. Мазкур қарорга кўра МТСдан 6 та «ДТ-54», 10 та «ДТ-24», 10 та универсал ва «СХМ-48-М», 12 та «СХМ-универсал», 8 та «УПУ», 17 та

¹⁵⁵. «Сталин йўли» рўзномаси, 27 февраль, 1957 йил.

саялка, 8 та плуг, 75 та молалаш ускунаси ва бошқа техникаларни сотиб олиниши «Олмос» жамоа хўжалигининг тобора бойиб боришига сабаб бўлди.¹⁵⁶

Шунингдек Навоий номли жамоа хўжалиги ҳам 1 миллион сўмга яқин натура ҳақи тўлашдан қутилди. «Шоёнбоймоқ» давлат хўжалиги, 1959 йилда «Сталинград» номли хўжаликлар ҳам техникани МТСдан сотиб олдилар. Бу эса қишлоқ меҳнаткашларига катта қулайликлар яратди.¹⁵⁷

Жами саялка 11 минг гектар ерга чигит қадалган бўлса, шундан 5 минг 757 гектар ерга уруғ квадрат уялаб экилди ва барча майдонлар механизация қуввати билан икки томонлама парвариш қилинди. Техника кўмагида район пахтакорлари 1958 йил режаларини ошириб бажаришга эришдилар. 10 минг 785 гектар ердан 25 минг тонна «оқ олтин» топириб, режани 119 фоизга адо этдилар.

1959 йил январь, февраль ойларида КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди мамлакат халқ хўжалигининг 1959-65 йилларга мўлжалланган етти йиллик режасини қабул қилди. Умумхалқ курашига қўшилган Чуст тумани меҳнаткашлари 40 меҳнат кўнида 22 тонна «оқ олтин» хирмони яратдилар. Шундан 4360 тоннасини «пўлат этак»лардан тўқдилар.

Навоий номли жамоа хўжалиги машинада пахта теришда районда ташаббускор бўлиб, моҳир механик ҳайдовчи Ражаб Абиллов мавсумда 105 тонна пахта териб топширган. «Сталинград» жамоа хўжалигидан Муҳиббула Султонов, Сталин номли колхоздан Султонмурод Турғунов, О. Солневлар машиналарида 100 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Бироқ, етти йилликнинг иккинчи йилида чорвачиликда муваффақиятли йил бўлсада, пахта режалари удаланмади. Тумандаги 118 бригадadan 50 таси пахта топириш режаларини бажардилар холос. Бу ҳолни 1953 йилга қиёсласак, мазкур йили 980 гектар пахта майдонидан 21 минг тонна ҳосил йиғиб олинган ҳолда, 1960 йил 10850 гектар ердан 20500 тонна пахта йиғиб-териб олингани ачинарли ҳол.¹⁵⁸ Ҳосилнинг камайишига 1960 йил май ойида бўлган табиий офат жуда катта таъсир ўтказди, чунки катта пахта, ғалла май-

156. «Сталин йўли» рўзномаси, 27 февраль, 1958 йил.

157. «Сталин йўли» рўзномаси, 22 март, 1958 йил.

158. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, район XVII партконференция материал.

донлари, аҳоли пунктлари ва Чуст шаҳрининг кўпгина маҳаллалари сув тошқини, селдан катта зарар кўрдилар.

1961 йил 14 июнь куни Чуст район партия комитети ўзининг III пленумида ташкилий масалани кўтариб, М. Шамсибоевни бошқа ишга ўтиши туфайли район партия қўмитаси биринчи котиби этиб Маматхон Бобохоновни сайлади. Райком котиби район иқтисодиётини кўтариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саноат корхоналарини кўпайтириш ишларига жиддий эътибор бериб, бу соҳаларда бирмунча ишларни амалга оширди.

1963 йилнинг бошларидан республикада партия-ҳукумат қарорлари билан районларни бирлаштириш, йириклаштириш тадбирлари амалга оширила бошланди. Шунга кўра Чуст райони билан Косонсой райони бирлаштирилди. Бундан кейинги қишлоқ хўжалик режалари икки район ҳисоби билан юритилади.

Етти йилликнинг ўтган тўрт йилга назар солар эканмиз, пахтачиликдан бошқа соҳалар режалари удаланган бўлсада, шу йиллар давомида 1200 тонна пахта кам етиштирилди.¹⁵⁹

Туман пахтакорлари 1964 йили ҳар бир гектар ердан 25,9 центнердан жами 55 минг тонна пахта етиштиришга эришдилар. Пул даромади эса 25 миллион 270 минг сўмга етказилди. Бироқ 1965 йилги сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳаларига таъсирини ўтказди. Шунинг ҳисобига олиб мавжуд сувдан тежаб фойдаланиш ҳисобига Чуст, Каркидон, Новкардон каналлари реконструкция қилиниб, бетошлаштирилди. Сумсорсой, Говасой ва Резаксой дюкерлари қурилди. Деҳқончиликда калта ариқ олиб сугориш усули қўлланди. Кейинчалик бундай усулда сугориш «Чуст усули» деб атала бошланди. 1966 йил 58 минг 564 тонналик улкан хирмон яратилди. 1967 йил туман пахтакорлари учун зафарли йил бўлиб, 62 минг 400 тонна пахта етиштирдилар, режани 120 фоизга адо этдилар. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари ҳар гектаридан 36,6 центнердан, шу хўжаликнинг Қурвонбой Умрзоқов бошлиқ жамоаси 53 центнердан ҳосил кўтардилар. «Москва» жамоа хўжалигининг Бурҳон Парпиев, Калинин жамоа хўжалигининг Абдусаматов каби механик-ҳайдовчилари 150-200 тоннадан пахта теришга эришдилар.

159. «Чуст ҳақиқати». 18 май, 1963 йил.

Чорвачиликда ҳам бир мўнча ютуқлар қўлга киритилди. Шу йили 29653 минг сўм пул даромади олинди. Ёки режадан 4 миллион 684 минг сўм кўп даромад олинди. Бундай муваффақиятларга эришишда кадрларнинг роли беқиёсдир. Тумандаги 261 бригада етакчиларидан 129 таси олий ва урта маълумотларга эга. Шундан 39 таси қишлоқ хўжалик мутахассисидир.¹⁶⁰

Беш йилликнинг учинчи йилида туман пахтакорлари чорвачилик соҳаси билан бирга улкан зафарлар қучиб 54 минг 350 тонналик маррани эгаллаб, ҳосилнинг кўп қисмини машиналарда йиғиб олиб бу соҳадаги режани 114 фоизга адо этдилар. Ғазалхон шоир Чустий бу улкан меҳнат зафарларини куйлар экан, пахтакорлар ҳақида куйидаги ғазални битди:

Тўй муборак, эй бадавлат Чустлигим,
Қутли янги шону-шуҳрат Чустлигим.
Марду майдон шер салобат Чустлигим,
Меҳнатингиз кони роҳат Чустлигим.
Ҳуснингизни нури ғайрат Чустлигим,
Табрик этмоқ менга одат Чустлигим.
Минг тасанно олий ҳиммат Чустлигим,
Сизга раҳмат, сизга раҳмат Чустлигим.
Дўл билан сел, ҳайқириб келган шамол,
Кудратингиз олдида ҳайрону лол.
Сиз ҳунармандсиз баҳодир, баркамол,
Сизга ким қасд этса бўлгай поймол,
Партия олдида сиз лафзи ҳалол,
Кексангиз ҳам навқирон, соҳибжамол.
Сизда бор сўнмас латофат Чустлигим,
Сизга таҳсин олий ҳиммат Чустлигим...¹⁶¹

Партия ва ҳукумат қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари район ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалик бошқармаларига айлантирилди. Бу эса катта имкониятлардан тўла фойдаланишга шароит яратди. Туман пахтакорларининг беш йилликда қилган ишларига назар ташлар эканмиз, шу йиллар давомида режадаги 266

160. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 14 декабрь, 1967 йил.

161. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 1968 йил.

минг 600 тонна ўрнига 299 минг 230 тонна пахта етиштириб давлатга сотганлиги гувоҳи бўламиз. Режадан ташқари 32,6 минг тонна пахта тошширилиб, режа 112 фоизга бажарилган. Яъни пахта ҳосили беш йилда 50 минг 244 тонна ёки 121 фоизга кўпайган. Шу каби беш йилликда давлатга гушг тошшириш режаси 101, сут 100, жун 106, тухум 113, сабзавот 154, полиз 112, картошка 125, мева 129, узум 121 фоизга адо этилди. Туман бўйича 1965 йилда 22 миллион 833 минг сўм даромад қилинган эди. 1970 йилги умумий даромад эса 38 миллион сўмга етди. Ёки 15 миллион 127 минг сўмга кўпайди.¹⁶²

Бу муваффақиятларга эришишда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан У. Тилланазаров, Н. Раҳмонов, Ш. Жалилов, И. Абдураззоқов, О. Абдулаҳатов, Энгельс номли жамоа хўжалигидан Н. Осимов, Р. Мамаджонов, «Москва» жамоа хўжалигидан М. Мамаджонов, «Чуст» жамоа хўжалигидан У. Аҳмедов етакчилик қилган бригадалар ҳосилдорликни 40-48 центнерга етказиш билан ҳисса қўшдилар. Бу йилда 22 минг тонна пахта машиналар ёрдамида терилиб, режа 110 фоизга бажарилди. Давлатга гушт, сут, жун, тухум сотиш беш йиллик режалари ҳам ошириб бажарилди.

1970 йил кўплаб хўжалик меҳнаткашларининг фидойи меҳнатлари муносиб тақдирланди. Навоий номли жамоа хўжалиги бригада етакчиси Мамажон ота Лочинов ана шундайлардан бири эди. Оддий деҳқон фарзанди бир неча йил деҳқон, 1936 йилдан эса бригадага етакчи бўлиб ишлади. Зарур пайтларда қолоқ участкаларга ўтиб меҳнат қилди. 1970 йил унинг ҳаётида катта парвоз йили бўлди. Бригада аъзолари 85 гектар пахта майдонидан 50 центнердан, келаси йили 60 гектарнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бу меҳнатлар эвазига унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Беш йиллик якунида пахтакорлар эришган галаба туйфайли Нуриллахон Муродов, Қурвонбой Умрзоқов, Абдусатор Тиллаев, Бобожон Ҳусайинов, Жўрабой Маҳмудов каби ўнлаб илғорлар Ленин ордени, Ҳалимжон Мирзакаримов, Мансурали Тожибоев, И. Раҳматуллаевга ўхшаш бир гуруҳ

¹⁶². «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 19 декабрь, 1970 йил.

мутахассислар «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирландилар. Шундай жасоратли меҳнатда эркаклар билан тенг тер тўккан аёллар Баҳри Турсунова, Турсуной Саматова, Қумри Мингбоева, Ашурби Мингбоева, Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригада бошлиғи Иззатби Ризаева, Ленин орденли пахтакор Қурвонби Маҳкамоваларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади.

Район меҳнаткашлари 1971-75 йил беш йилликнинг биринчи йили режаларини бажаришда фидокорлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Заршунослар меҳнатлари эвазига 63,5 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани 115 фондга бажардилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 28,5 центнерга етказилди. Республика ва вилоят партия, совет ташкилотлари сув муаммосини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бердилар. Хўжаликларда юздан ортиқ артезиан қудуқлар қазилди.

Улкан хирмон яратишда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Ўзбекистон Олий Советининг депутати Норқул Раҳмонов, Улканбой Тилланазаров, Навоий номли жамоа хўжалигидан Меҳнат Қаҳрамони М. Лочинов кабилар етакчи бўлган ўнлаб бригада меҳнат аҳли муносиб улуш қўшдилар. Шунингдек давлатга 367 тонна пилла топширилди. Бу ғалабада «Ўзбекистон», «1 Май» жамоа хўжаликларининг ҳиссаси таҳсинга лойиқдир.

Чуст райони тоғ этакларида жойлашган. Бу ерда баҳор водийга нисбатан 15-20 кун кеч бошланади. Йил давомида пахта далалари қуёш ҳароратидан 200 даража кам баҳраманд бўлади. Сув тақчиллиги сабабли ғўза сувга қонмайди, шу сабабли пахта бошқа районларга қараганда кечки бўлади. Район деҳқонлари барча қийинчиликларни тadbиркорлик билан енгишга одатланган. Шундай ишбилармонликдан бири ғўзани «Чуст усули»да суғоришдир. Пахта далалари рельефига қараб тахминан 40 метрлик бўлақларга бўлинади. Бундай қисқа жўякли суғориш фақат сув ва вақтни тежабгина қолмай ғўзага ишлов беришни ҳам тезлаштиради. Унинг етилиш муддатини 15-20 кунга қисқартиради.

Бу иш район пахта далаларида ҳар томонлама текшириб кўрилади. Райком бюроси уни барча хўжаликларга ёйишга қарор қилди. Мазкур тажриба яхши натижа берди. Республи-

када ҳам суғоришда «Чуст усули» маъқулланди ва бу қимматли ташаббус «Партия турмуши» журнали орқали райком котиби С. Қаримов томонидан республикага ёйилди, кам сув билан юқори ҳосил олиш тажрибаси оммалаштирилди.¹⁶³

Об-ҳаво инжиқликларини мардона меҳнатлари билан енгган район меҳнаткашлари 1972 йилда давлатга 71 минг тоннага яқин пахта топшириб, йиллик режани 125 фойзга бажаришди. Ҳосилнинг 40 минг тоннага яқини машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳосилдорлик 31,3 центнерга ошди. Пахтачиликдан 38 миллион 521 минг сўм пул даромади олинди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда ишчан механизаторлар «Москва» жамоа хўжалигидан Н. Мубошеров 400 тонна, Ўзбекистон жамоасидан А. Воҳидов, Навоий номли жамоа хўжалигидан Турсуной Мадаминава, Жданов номли жамоа хўжалигидан Гулсанам Шокаримова, «Партия XXII съезди» давлат хўжалигидан А. Латипов ва У. Тўраева каби ўнлаб «пўлат от» суворийлари машина бункеридан 200-400 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Бу йилларда чорвачилик даромадли соҳага айланди. Кейинги уч йил ичида 495 гектар янги ер ўзлаштирилди. 16 минг 871 гектар майдонда суғориш ишлари, 3680 гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. 21 жойда кучли сув насослари ўрнатилиб, артезиан қудуқлар сонини 179 тага етказилди. Чуст капали, Водхоз канали, Ертикан канали қурилиши, 41 километр узунликдаги Тешик тош канали қурилиб фойдаланишга топширилди. Косонсойда гидроузел қурилиши айниқса катта аҳамият касб этди. Унинг очилишида Ўзкомпартия Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Ш. Р. Рашидов иштирок этди.¹⁶⁴

Қишлоқ хўжалигида эришилган меҳнат зафарлари, хусусан, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришдаги муваффақиятлари ҳамда ҳосилни йиғиб-териб олишда фидокорлик кўрсатганликлари учун «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги механизатори Жўрабой Турғунов, «Чуст» жамоа хўжалиги бри-

163. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 4 апрель 1972 йил.

164. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 1974 йил, 44-сон.

гада бошлиғи Олимжон Умаров, «Партия XXII съезди» давлат хўжалиғи механик-ҳайдовчиси Икром Хоназаровлар Ленин ордени билан, шунингдек ғолиб пахтакорлардан 27 нафарни Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 29 нафарни эса «Хурмат Белғиси» ордени билан мукофотландилар.¹⁶⁵

Район пахтакорлари учун 1973 йил ҳам зафарларга бой йил бўлди. Давлатга пахта сотиш 119 фозга бажарилди. Агар 1962 йилда район бўйича 23130 тонна пахта ишлаб чиқарилиб, II минг 482 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1966 йилда бу кўрсаткич 34 минг 54 тоннани ташкил этди. 1971 йилда район меҳнаткашлари Она—Ватанга 37371 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ҳосилдорликни 26,6 центнерга етказдилар. 1973 йилда эса 45 минг 218 тонналик улкан «оқ олтин» хирмони яратилди. Бу 1966 йилдагидан II минг 200 тоннага, 1970 йилдагидан 7200 тоннага кўпдир. Машина терми 1970 йилга нисбатан 30 фозга кўпайди. 3 йилда район давлатга режадаги 110 минг 755 тонна ўрнига 124 минг 788 тонна, ёхуд режадагидан 14 минг 33 тонна кўп пахта сотди.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиғи 3 йилда 4 йиллик маррани эгаллади. 3 йил давомида ирригация ва мелiorация ишлари учун 12 миллион 624 минг сўм маблағ сарфланди.¹⁶⁶ Говасой гидроузели қурилиши туфайли Шатак, Қарқидон ва Чап қиргоқ каналлари ҳам қуриб битказилди. 30 километрлик масофадаги канал фойдаланишга топширилди. Бу билан Говасой тизимидаги 11 минг гектар ернинг суғорилиши яхшиланди, ерга сингиб кетадиган 2 кубадан ортиқ сув тежаб қолинди. Гова сойнинг тошқин сувлари Сирдарёга оқиб кетарди. Қисқа муддатда қурилган Варзигон канали ишга туширилиши туфайли эндиликда сойнинг ортиқча сувлари май, июнь ойларида Сумсорсойгача бўлган ҳудуддаги пахтазорларга оқизиладиган бўлди. Бунинг натижасида Косонсой сув омборидан сув ичадиган 9 хўжалик икки ой давомида Говасой сувидан тўла таъминланадиган бўлди.

Гидроузелини очилиш маросимида Ўзбекистон КП МК котиби Ш. Рашидов нутқ сўзлади.¹⁶⁷

165. «Чуст ҳақиқати», 1973 йил, 6 январь

166. «Чуст ҳақиқати» рўзномаси, 1974 йил, 44-сон.

167. «Чуст ҳақиқати», 1973 йил, 5 июль



Юқорида айтиб ўтилган ютуқлар учун Чуст район меҳнаткашлари Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Қомитетининг Қизил Байроғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. 197 нафар дала гвардиячилари ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотландилар.

1973 йил якуни бўйича халқ маорифи бўлими, маиший хизмат кўрсатиш жамоалари Карл Маркс номи, Энгельс номи жамоа хўжаликлари, «Партия XXII съезди» давлат хўжалиғи меҳнат аҳли республика ва вилоят байроқлари ва қимматбаҳо мукофотларни олишга эришдилар.

Қишлоқ хўжалиқ меҳнаткашлари учун 1974 йил сарташвиш ҳисобланади. Чунки 23 июнь ҳамда 7 август кунлари ёққан дўл ва жала 5 минг гектар майдон ҳосилини тўкиб юборди. Қийинчиликлар мардона меҳнат билан енгилди. Она-Ватанга 39 минг 600 тонна ҳосил етказиб берилди ва режа шараф билан бажарилди.

Район тарихида 1975 йил сув тақчил бўлган йиллардан ҳисобланади. Ғўза майдонлари сувга серталаб даврида район

20-24 фоиз сув билан таъминланди. Анчагина майдонда гўзалар парваришланмай ташлаб юборилди. Натижада 36 минг 300 тонналик хирмон кўтаришга эришилди холос.

Ўзбекистон КП МКнинг бюроси 1976 йил сентябрида Чуст район партия ташкилотининг қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш соҳасидаги иш тажрибасини атрофлича муҳокама қилди. Утган 5 йил давомида районда қишлоқ хўжалик янги маҳсулоти 34 фоизга ўсди. Саноат, қурилиш, транспорт, савдо, манший хизмат кўрсатиш режалари ҳам ортиги билан бажарилди. Жамоа ва давлат хўжаликлари иқтисодини бажарилишини пахтакор, чорвадор, боғбонлар даромадларининг ўсини натижасида қишлоқда муҳим ижтимоий ўзгаришлар юз берди, меҳнаткашларнинг турмуш маданияти юксала борди.

Қишлоқда уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилиш ишлари яхши йўлга қўйилди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида районда капитал қурилиш ва ободончилик ишларига 51 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. 302 та йирик қурилиш объектлари қуриб битказилди. Район марказида Санъат саройи, 800 ўринли кинотеатр, ресторан, чойхона, мактаб, болалар боғчалари ва турар-жойлар қад кўтарди. Эски хутор системасидаги кичик ва кўрмесиз қишлоқлар ўрнига янги типдаги қишлоқ ва посёлкалар қад кўтарди. Қишлоқ меҳнаткашларига коммунал ва маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди.

Утган беш йилликда район бўйича 96 хутор тугатилди. Беш йилликда 36 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой, 20 та мактаб, 5 та клуб, бешта маиший хизмат кўрсатиш комплекслари, 3 та АТС, 12 та болалар боғчаси, 3 та касалхона, 20 дан ортиқ маъмурий ва бошқа бинолар қурилди. Олмос қишлоғидаги «Хлопкомашзапчасть», шаҳардаги пахта тозалаш заводи, тикувчилик ва Варзикадаги атлас фабрикаси филиаллари, нон заводи, кўзи ожизлар корхонаси, кондитер фабрикаси, сут заводи кенгайтирилиб, ишлаб чиқариш қувватлари қарийб 1,5 бараварга оширилди. Ленин номли жамоа хўжалигида 1200 бош сизирга мўлжалланган сутчилик комплекси, Карл Маркс номли жамоа хўжалигида наслчилик фермаси қурилди.

Район аҳолисининг ҳар юзтасидан 87 тасида телевизор, 88 тасида радиоприёмник, 56 тасида холодильник, 61 тасида кир ювиш машиналари мавжуд. Қишлоқ турмуш маданиятини ривожлантириш соҳасида «Энгельс», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида, Қаркидон, Олмос, Шоёнбоймоқ қишлоқларида ибратли ишлар олиб борилган. Районда 9 минг хонадон газлаштирилди. Қарийб 1000 таси ва бир неча ташкилот, мактабларда Бухоро табний вази ёндирилди. Районда 71 километр янги йўл қурилди. 46 километр йўл капитал таъмирланди. Асфальт заводи қуриб ишга туширилди. Утган беш йилликда қишлоқ аҳолисинга савдо хизмати кўрсатиш 40 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш беш йилда 3-4 марта ўсди. Еттига касалхона, 27 та фельдшер-акушерлик пункти, 10 та аптека маҳнаткашларга хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашларнинг фарзандларини яхши тарбиялаш ва соғлом ўсиши учун катта ғамхўрлик қилинди. Пионер лагерлари, сут ошхоналари ташкил этилди. Районда 66 та физкультура жамоаси мавжуд. Иккита ҳунар-техника билим юрти механизатор ҳайдовчи, ғишт терувчи, электр монтёр тайёрлаб, хўжаликлар ишлаб чиқаришига малакали кадрлар тайёрлаб бермоқдалар.

Тўққизинчи беш йиллик режасидаги 188 минг 611 тонна ўрнига 203 минг тонна пахта етказиб берилди. Бу режадагидан 12 минг тонна кўпдир. Ёки режа 106 фоизга уддаланиб, ҳар гектар ҳосилдорлиги 6,7 центнерга ўсди. Беш йиллик режаларини Энгельс номли, «Чуст», «Москва», Ленин, помли, Карл Маркс номли, Навоий номли, «1-Май» жамоа хўжаликлари, «Партия XXII-съезди» ва «Коммунизм» давлат хўжаликлари ошириб бажардилар.

Учинчи беш йилликнинг иккинчи йилида давлатга пилла, мева-сабзавот, дон, ғишт, сут, жун сотиш ортиғи билан уддаланди. Она—Ватанга 46,5 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. ҳосилдорлик 33,1 центнерга етди. Районда бунчалик катта хирмон биринчи марта кўтарилди. Бунда «Коммунизм», «Ўзбекистон», «1-Май», Жданов номли, Фрунзе номли, «Чуст», «Энгельс» номли жамоа хўжаликларининг ҳиссалари арзигуликдир.

1970-1978 йиллар Чуст шаҳар ва туман иқтисоди, маданиятини ривожлантириш, халқ турмуши даражасини яхшилаш борасида гап борар экан, районда янги-янги ташкилот ва корхоналар очиб, ишчи жойларни кўпайтириш, айниқса Чуст хотин-қизларини иш билан таъминлашда, хусусан «Фотон» заводи филиалини очишда райком котиби бўлиб ишлаган Самарахон Қаримовнинг ҳисасси каттадир. Районда барча соҳаларнинг равнақи кўпгина раҳбар ва кадрларга боғлиқ эканлиги маълумдир. Бу йилларда район совети ижроқўми раиси бўлиб ишлаган А. Мамаджонов, Э. Пошшаҳўжаев, Б. Ҳусанов, Ж. Маҳмудовлар ва шу даврда район ижроқўми раис муовини бўлган Шарифжон Сиддиқов, шаҳар ижроқўми раислари Р. Исоқова, Ф. Раҳимова, Н. Қурбонов, раис муовини Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамашариф Фаёзовларнинг меҳнатини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Район меҳнаткашлари 1980 йил давлат режаларини ошириб бажариб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Давлат хазинасига 49 минг тонна пахта етказиб бериб, ҳосилдорликни 34,5 центнерга етказишди. Меҳнаткашларининг иш ва турмуш шароитлари яхшилангани туфайли республика социалистик мусобқасида галибликни қўлга киритиб, Ўзкомпартия Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий қўмитаси Қизил Бароғи билан мукофотланди.

1981 йил пахтачилик соҳасида муваффақиятга эришиб октябрь ойида 48 минг 20 тонна хирмон кўтариб, ҳосилдорликни гектар бошига 34,2 центнерга етказиб, режа 105 фоизга уддаланди. 16 та пахтачилик бригадаларидан 15 таси маррага етди. Ҳосилнинг 60 фоизи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. «Партия XXII съезди» давлат хўжалиги, «1-Май», Карл Маркс номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари гектаридан 34,2 — 40 центнердан пахта етиштирдилар.

Район XXVIII партия конференцияси пахтачиликни ривожлантиришдаги камчиликларни танқид остига олиб, бу соҳада етарли иш қилинмаётганини таъкидлади. Район икки йил давомида 91 минг 600 тонна пахта етказиб бериш уришига 85 минг 328 тонна хом ашё тайёрлади холос. Давлатдан 272 тонна қарздор бўлиб қолди.

Шунингдек 1983 йилда ҳам бу соҳадаги режа 91 фоизга бажарилди. Давлатга 39 минг 906 тонна пахта сотилди.

Юқоридаги камчиликлар 1985 йилда бир мунча изга туширилди. Район пахтакорлари 46 минг тоннадан зиёд «Оқ олтин» етиштириб давлатга сотди. Ҳосилнинг 85 фоизи юқори нав, 8304 тоннаси машиналарда терилди.¹⁶⁸

1985 йил пахтакорлар учун оғир келди. Об-ҳаво қийинчиликлари туфайли давлатга режалари 95,7 фоизга уйданди ҳолос. Бироқ пилла 117 фоизга, ғалла, картошка, сабзавот, полиз, ҳўл мева ва қуруқ мева, узум, кишмиш сотиш режалари бажарилди. Таъкидлаш жоизки 1983-85 йиллар давомида район партия қўмитасига Набихон Турғунов раҳбарлик қилди. Пахтачиликда деярли омад юришмади. Бироқ унинг туман ва шаҳар келажиги учун, сув муаммоларини ҳал этиш йўлида жонбозлик қилгани барчага аён. Айниқса, шу қисқа муддатда у Чуст шаҳрини ободонлаштиришга киришиб бир неча йилларда амалга ошириладиган муаммоларни ечиб кетди. Жумладан шаҳар маҳаллаларида асрлар қақшаб турган боғ, ҳовлиларни оби-ҳаёт билан таъминлаб ўнлаб артезиан қудуқлардан сув чиқариб берди. Шаҳарда дидли бекатлар қурдирди. Чилдухтарон мавзесида чиройли оромгоҳ вужудга келиб, фавворали ҳовузлар, гузарлар, қаҳвахона ва ошхоналарни эл хизматига топширди. «Гулзор» деб аталмиш шаҳарча даштда бунёд этилиб, минглаб чустликларга уй-жой муаммоларини ҳал этди. У ерда қурилган 280 ўрнили болалар боғчасида жажжилар тарбияланмоқда. Шаҳар атрофида айланма ҳаракат йўли ташкил этилди. Аввалига «Юбилейний» деб аталган бу йўл ҳозирда Набихон Турғунов номида. Бу йўл ёқасида 91-ПМК, 508-ПМК, 1 ва 2-қурилиш-таъмирлан корхоналари, «Дурадгор» фирмаси ва ўнлаб кичик корхона бинолари қад кўтарди.

1987 йил ҳам пахтакорлар учун омадли йил бўлмади. Давлатга 36 минг 670 тонна пахта топширилди. Йиллик режа 81 фоизга бажарилди.

Чорвачилик бўйича гўшт, сут, жун ишлаб чиқариш режалари уйданди, тухум етиштириш режаси бажарилмади. Шунингдек пилла сотиш 91 фоизга, ҳўл мева сотиш 70 фоизга уйданди ҳолос.¹⁶⁹

168. «Чуст ҳақиқати», 24 март, 1981 йил.

1988 йил якуни давлатга пахта сотиш режаси 98 фоизга адо этилди.¹⁷⁰

Район пахтачилик соҳасида йилига 40 миллион сўм пул даромад олиши керак. Бироқ, 1989 йил якунида эса 33 миллион сўм даромад олинди. Ташкил этилган 902 нафар оила пудратидан 305 нафари шартномаларни ортиғи билан бажардилар. Режага нисбатан 9664 тонна пахта берилмади, 1988 йилга нисбатан 6982 тонна кам пахта етиштирилди.¹⁷¹

1990 йил 37 минг 500 тонна ўрнига 37 минг 639 минг 639,3 тонна ёки режадагидан 139,3 тонна кўп пахта сотиб, пул даромади режадаги 33 миллион 768 минг сўм ўрнига 41 миллион 451 минг сўмга етказилди.

Чорвачиликдан 14 миллион 437 минг сўм ўрнига 15 миллион 502 минг сўм пул даромади олинди. Бироқ 1991 йилда 31500 тонна ўрнига 30 минг 906,3 тонна пахта етиштирилиб давлатга сотилди. Режадагидан 593,7 тонна кам ҳосил олинди, ёки бу соҳа 98 фоизга уддаланди. Шунингдек картонка, хўл мева, гўшт, макка дони етиштириш режалари бажарилмай қолди.

1992 йил якунига кўра пахтакорлар 30 минг 932 тонналик хирмон ўрнига 31 минг 132,6 тонналик хирмон кўтариб, режадан 209,6 тонна ортиқ пахта сотдилар. Бироқ, чорвачиликдан 21 миллион 781 минг режадагидан кам пул даромад олинди. 1993 йилда ҳам пахта топишириш режаси 106 фоизга уддаланди. Бу соҳадан 3309,7 минг сўм ўрнига 3949 минг сўм пул даромади олинди. Узум топишириш режаси уддаланмади. Чорвачиликдан режалаштирилган 1264,9 минг сўм ўрнига 1254,2 минг сўм пул даромади олинди, режа 99 фоизга бажарилди холос.

Ўсимликчиликдан пул даромади олиш 4889,7 минг сўм ўрнига 6086,1 минг сўмга ёки 125 фоизга уддаланди.

1992 йилдан туман қишлоқ хўжалигида янги усуллар қўллана бошланди. Айниқса, оилавий ва бригада пудратлари яхши натижаларга эришди. Бунини «Москва» жамоа хўжалиги (раиси Эркин Мадалиев) биринчилардан бўлиб амалга оширди.

169. «Чуст ҳақиқати». 18 февраль 1988 йил.

170. «Чуст ҳақиқати» 16 март 1989 йил.

171. «Чуст ҳақиқати» 16 март 1989 йил.

Шунингдек мазкур хўжаликда 1992 йил «Бахтиёр» фермер хўжалиги (Тожибоев Пулатжон раҳбарлигида) ташкил этилди. Ҳозир фермер хўжалиги 45 бош ҳайвон ва 18 гектар ерга эгалик қилиб самарали меҳнат қилмоқда. «Илҳом» фермер хўжалиги «1-Май» жамоа хўжалигида 1993 йилда ташкил этилиб, 2 гектар ер ва 6 та қорамол билан иш бошлаган бўлса, айни пайтда 4 гектар ер ва 18 бош қорамолга эга.

«Бунёд» фермер хўжалиги ҳам 2 гектар ер, 15 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда 65 бош қорамол ва 18 гектар ерга эгалик қилмоқда. Бугунги кунда 259 та фермер хўжаликлари тасарруфида 1450 гектар ер бўлиб 1050 бош қорамол, 880 бош майда мол, 6 минг бош товуқ ва 51 бош от парвариш қилинмоқда.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш учун давлат барча шарт-шароитларини яратиб бермоқда. Улар уч йил давомида давлатга ҳеч қандай солиқ тўламайдилар. Фақатгина шу даврда оёққа туриб ривожланиши керак.

Районда 20 та хўжалик мавжуд. Бошқаришнинг янги усулини жорий этиб «Говасой», «Дамобод», «Боймоқ», «Гагарин», «Ғалаба», «Чуст» номли давлат хўжаликлари жамоа хўжаликларига айлантирилди. Ёки бошқаришнинг бундай усулининг афзаллигини англаган «Москва» ва «Зарафшон» жамоа хўжаликлари деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди.

Жамоа хўжаликлари ҳам меҳнагини ташкил қилишда ерларни эгаларига бўлиб бериб, меҳнаткаш худратчилар эгалик қилмоқдалар. Шунингдек тумандаги «Карнон» жамоа хўжалиги ҳам ижара усулида иш ташкил этган. Умуман олганда мулкни хусусийлаштиришга кенг йўл очилди.

Президент фармонига кўра ҳар бир район аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида пахта майдони ҳисобидан ғалла экишга кўплаб ер ажратилди. 1995 йилда районда 9 минг гектар ерга дон экилди. Келажакда ғалла майдонларини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Аҳолини сабзавот, мева билан таъминлаш учун «Сабзозор» (собиқ «1-Май») жамоа хўжалиги сабзавот етиштирадиган хўжаликка айлантирилди.

Район қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида гап

борганида, албатта элим, юртим деб фидойи меҳнат қилиб обрў топган қўйидаги раҳбарлар, мутахассис ва меҳнаткаш инсонларнинг номини тилга олиш жоиздир: Ориф Комилов, Зайлиддин Шарипов, Маҳмуджон Умаров, Фанижон Ҳожиматов, Ғуллош ота Ҳомидов, Неъматилла Бозоров, Урол Қаҳҳор, Бобожон Ҳусайнов, Жўрабой Маҳмудов, Турдиполвон Шерматов, Мирзаназар Мўйдинов, Файзулложон Имомов, Охунжон Турсунов, Эркин Мадалиев, Фанижон Эргашев, Ражаббой Қайюмов, Ҳайдаржон Умаров, Ҳабибулла Абдуллаев, Ҳомиджон Шафиев, Алихон Каримов, Раҳмонжон Рустамов, Саодат Раҳимов, Мирзадавлат Огажонов, Шокиржон Шариповлар.

VIII БОБ. ЧУСТ УЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА

Асримизнинг тўқсонинчи йиллари собиқ СССР ҳукумати-нинг таназули йиллари бўлди. Марказининг ҳукмрон сиёсати, ўтказиб келинган доимий тазйиқ, иқтисодий-сиёсий тобелик, ҳудудларда етишиб келган долзарб масалалар ва муаммоларни ҳал этишдаги турли тўсқинликлари республикамизнинг мустақил фаолият юргизишини чеклаб, чегаралаб қўйган эди.¹⁷² Бундан ташқари ўз қадриятларимиз, меросларимизни ўрганиш имконияти ҳам йўқ бўлиб, йиллар давомида биз «ҳозирини кўрдик, кели ўтмишини билдик».¹⁷³

Собиқ СССРда кенг авжига чиққан қўшиб ёзишлар, алдамчилик, амалнарастлик республикамизнинг ҳам иқтисодий ва маънавиятига улкан моддий ва маънавий зарар етказди, ижтимоий кескинликни вужудга келтирди.¹⁷⁴

90-йиллар ўрталаридан бошланган қайта қуриш, ошкора-лик туфайли аста-секинлик билан жойларда миллий қадриятларга эътибор кучая борди. 1989 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили туғрисида»ги қонуни қабул қилиниши, ўзбек тили ва жумҳуриятимиздаги бошқа миллатлар тилини ривожлантириш учун, уларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун катта имкониятлар яратди. 1990 йилнинг 20 июлда Ўзбекистон Республикасининг Мустақил-

172. Ш. Каримов. *Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. «Ўқитувчи». 1992 йил. 281-бет.*

173. *Уша китоб, 281-бет.*

174. *Уша китоб, 282-бет.*

лик Декларацияси эълон қилинди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинди. 1 сентябрь 1992 йилдан бошлаб Республикада Мустақиллик куни байрами сифатида нишонланмоқда.

Ўтган аждодларимиз, боболаримиз орзулари рўёбга чиқди. Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Муҳаммадшариф Суфизода каби зиёлиларимиз, шоиру ёзувчиларимиз орзу қилиб етаолмаган мустақилликка уларнинг авлодлари эришишди. Энди шу мустақиллигимизни асраб авайлашимиз лозим, уни мустақкамлаш йўлида Республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрни олишига эришмоғи учун тинмай, сидқидилдан меҳнат қилмоғимиз лозим. Республикамиз Мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб ўтган тўрт йиллик муддатда улкан ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакати мустақил давлат сифатида тан олди. 60 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон дунё харитасида янги мазмун билан ўз ўрнига эга бўлди. 1992 йилнинг 2 мартида БМТга тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қабул қилинди. Мустақилликка эришгач, Республикамизда маънавий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Наврўз халқимизга қайтариб берилди. Динга муносабатда ижобий ўзгаришлар юз берди.¹⁷⁵ Қатагон йилларида бадном қилинган, халқ душманлари деб аталган юзлаб ҳамюртларимиз, халқимизнинг оташин фарзандларига зарур иззат-иқром кўрсатилган бўлди. Мустақил ҳур Ўзбекистонимиз ўз байроғини, тамғасини ва мадҳиясига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳар томонлама пухта ўйланиб, қизгин муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

1991 йилнинг 29 декабрида биринчи бор умумхалқ сайловида Республика Президенти этиб Ислон Абдуғаниевич Каримов сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги қўлга киритил-

¹⁷⁵ Файзуллаев Турсунбой. *Ўзбекистон янги йўлда*. Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 йил. 84-бет.

гач жойларда ўз-ўзини бошқариш тизимларини тубдан ўзгартириш зарурияти пайдо бўлди. Натижада Республикамизда «Маҳаллий давлат ҳокимият идоралари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун кучга кирган кундан бошлаб барча шаҳар ва туманларда ҳокимлик бошқаруви жорий қилинди.

Маълумки қадимий Чуст 1956 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарори билан шаҳар тоифасидан шаҳар тишидаги посёлкага айлантирилганди. Бу ҳолат албатта шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Саноат, маданият ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар ўзини биров тўхтаб қолди. 1969 йилги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 508-қарорига кўра Чустни посёлка советидан шаҳар категориясига ўтиши ижобий воқеа бўлиб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланишига олиб келди. Шу вақтдан бошлаб Чуст шаҳрининг вилоятга бўйсунувчи шаҳар сифатидаги фаолияти бошланди. Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоят Ҳокими Бургутали Рашидгалев 1992 йил 11 февралда 5-сонли қарор қабул қилди. Қарорда Чуст район Ҳокими этиб Рауфхон Муртазосев ва Чуст шаҳар Ҳокими этиб Муҳаммадрауф Бобожоновлар тайинланганликлари баён этилганди. Ҳар икки ҳоким район ва шаҳар халқ депутатлари кенгашида тасдиқланганиди.

Ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига мувофиқ равишда ўз фаолиятларини олиб боришади.

— Маҳаллий аҳамиятга молик барча муаммоларни ҳал этади.

— Республика қонунларини ҳаётга тадбиқ этишади. Президент фармонлари ва Олий Мажлис қарорларини ижро этади.

— Ҳокимлар ўз ижроия аппаратини ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунларида аке этган ваколатлари доирасида қарор ва фармойишлар қабул қилади.

Бу ўринда Ҳокимлар фаолиятини бир сўз билан шу тарзда баён этиш мумкин: «Ҳоким ва унинг маҳкамаси ўз ҳудудининг ўй ва ташвиши билан яшашни, ўз фуқаролари дарди ва ҳасратига шерик бўлишни керак.¹⁷⁶

176. Т. Файзуллаев, *Ўзбекистон янги йўлда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 й. 22-бет.*

Шаҳар Ҳокими М. Бобожонов ўз фаолиятини айнан халқ дарди ва ҳасратига шерик бўлишдан бошлади. Мустақил-лигимизнинг дастлабки кунларида бошланган иқтисодий қийинчиликлар шароитида шаҳар аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида фидойлик билан бирмунча чора-тадбирларни амалга оширди. М. Бобожоновнинг талабчанлиги, фидойилиги, тиниб-тинчимаслиги ҳокимиятдаги барча ходимларга ҳам хосдир. Бу ўринда шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари Маҳзуна Ғаниевна Мирзаева фаолияти айниқса, таҳсинга лойиқ. У киши мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, маданият ишлари бўйича Ҳоким ўринбосари лавозимида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатиб, бу соҳаларда Президентимиз Фармонлари ва Олий Мажлис қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда жонкуярлик билан меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар Ҳокими Муҳаммадрауф Бобожонов билан биргаликда Маҳзуна Ғаниевна Чуст тарихини яратиб бўйича тузилган ижодий гуруҳ ишига бош-қош бўлди. Чуст тарихини ёзиш даврида рўй берган барча муаммоларни ҳал қилишга изчиллик билан ёндашишди.

Жойларда ҳокимликлар ташкил этилиши натижасида ма-салаларни изчил ва тезликда ҳал қилиш, халқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилаш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш имкониятлари бениҳоя яхшиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий Давлат идоралари тўғрисида»-ги Қонунига асосан туманимизда 11 та қишлоқ, 59 та маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳарда эса 16 та маҳалла фуқаро-лар йиғини кенгашлари ташкил этилди. Шаҳар ва район маҳалла фуқаролар йиғини раисларига маош тайинланди. Фуқаролар Кенгаши раислари маҳалладаги барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эгадирлар.

Республикамиз Президентининг Фармони билан кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам бериш, маҳалла аҳ-лининг тинчлик-тотувлигини таъминлаш, ночор ва муҳтож oilаларнинг никоҳ ва хатна тўйларини ўтказишда бош-қош бўлиш, маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасидадир. Бу ишларни амалга оширишда «Пансада» маҳалласи кенга-ши раиси Орифжон Маъруфжонов, «Сероб» маҳалласи кенга-

шининг ранси Эркишжон Мирҳомидовлар кўпчиликлка ўрнак бўлишмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ҳокимликларнинг ташкил этилиши, фуқаролар йиғини кенгашларининг фаолият кўрсатишлари жойларда бошқарув тизимини йўлга қўйишда муҳим ўрин касб этди. Муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш енгиллашди. Аҳоли билан давлат идоралари ўртасидаги алоқа мустаҳкамланди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Республикамиз мустақилликка эришгач, юртимизда саноат, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш йўлида изланишлар олиб борилди. Қишлоқ хўжалигида фермерлик, халқ хўжалиги соҳаларида хусусийлаштириш, тадбиркорлик муҳим роль ўйнай бошлади. 1991 йилдан бери ўтган қисқа вақт мобайнида бадний буюмлар фабрикаси, пахта заводи, қандолатчилик фабрикаси, тикувчилик фабрикаси, пичоқ заводи каби корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Тадбиркорликнинг ривожланишига назар солсак бу соҳа шаҳримизда 1987 йилда илк қадамлар қўйганининг шоҳиди бўламиз. Шу йили 6 та ширкат тузилди ва улар 6215



сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқишга эришдилар.

Ҳозирги кунда шаҳримизда 2 та қўшма корхона, 6 та ширкат, 36 та масъулияти чекланган уюшма, 79 та хусусий корхона, 19 та кичик давлат корхонаси, биттадан ҳиссадорлик ва фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарда 859 киши меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорларимиз шаҳарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда, замонавий, чиройли бинолар қуриб шаҳримиз кўркига-кўрк қўшишмоқда. «Машъал» фирмаси ўзининг ишлаб чиқариш цехи ва базасини қисқа муддатда қуриб битказди. «Се додарон» уюшмаси биноси қуриб битказилди ва ишга туширилди. «Тадбиркорбанк» биноси қурилди ва мижозларга фаол хизмат кўрсатишни бошлади.

Шаҳар тадбиркорлари, маҳаллалар фуқаролар йиғини кенгашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Улар почор оилаларга моддий ёрдам кўрсатишмоқда, турли тўй ва маросимларни ўтказишда ҳомийлик қилишмоқда.

Шаҳримиз ва туманимиз аҳолиси турли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида тадбиркорлар, кичик корхоналар ишчи-хизматчилари фаол меҳнат қилишмоқда. Шу ўринда «Таъминотчи», «Сардор» фирмалари, «Машъал», «Чор додарон», «Се додарон» уюшмаларини айтиш kifоядир.

«Сардор» фирмаси (раҳбари Одилжон Муллажонов) томонидан шаҳар ва туман фуқароларини даволашда тиббиётда янги табобат ускунаси бўлиши «Лазер» қурилмаси шаҳар Марказий шифохонасига ҳадя этилди.

«Истиқлол» ҳиссадорлик жамияти 1969 йилда ташкил этилиб, ривожланган қандолатчилик фабрикаси замирида вужудга келди. Жамият аъзолари астойдил меҳнат қилиб 1995 йил бошларида Республикамизда биринчи бўлиб шакар ишлаб чиқиш технологиясини ўзлаштирдилар. Дастлабки шакар ишлаб чиқарилиши «Истиқлол» ҳиссадорлик жамияти аъзолари учунгина эмас, балки бутун туманимиз аҳолиси учун катта қувонч бағишлади.

Ҳозирги кунда «Истиқлолчилар» шакар, спирт, турли ширинликлар ишлаб чиқариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач, юртимизда турли соҳалар ривожлана бошлади. Ўзлимизни англай бошладик. Собиқ Иттифоқ даврида чет давлатлар билан алоқа фақат Москва рухсати билангина амалга ошириларди. Бизнинг олимларимиз, санъаткорларимиз ва ҳатто спортчиларимизнинг ҳам чет элларга чиқиш имкониятлари бағоят чекланган эди.

Шукурки, энди мустақилмиз ва бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳал қилиш йўлида изчиллик билан иш олиб бормоқда. Республикамиз Бирлашган Миллатлар ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинган, жаҳон миқёсидаги турли Халқаро жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикасини ўз сафларига қабул қилишди. Жумладан, Республикамиз ФИФА — бутунжаҳон футбол федерациясига аъзо бўлиб кирди. Бунинг натижасида спорт соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бир қатор қарорлар қабул қилинди. Шундай қарорлардан бири 1993 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 144-қароридир. Ушбу қарор қабул қилинган Республикамизда футбол янада оммалашини учун ҳаракатлар авж олди. Жойларда футбол клублари тузила бошланди. Наманган вилояти Ҳокимининг 1993 йил 26 мартдаги қарори айнан футболни вилоят миқёсида ривожлантириш, уни оммалаштириш вазифаларини ҳокимлар олдига қўйди.

Чуст шаҳар ҳокимининг 1993 йил 5 апрелдаги қарорига биноан Чустда М. Бобожонов раислигида футбол қўмитаси тузилди. «Чуст» футбол клуби ташкил этилди. 1993 йилдан бери «Чуст» футбол клуби вилоят биринчилигида муваффақият билан қатнашиб келмоқда. Спорт ишларини ривожлантириш, уни янада оммалаштириш борасида шаҳар спорт бўлими бошлиғи И. Мирзахолов, Ж. Боқиев, Қ. Қалонов, О. Собитжонов, А. Шайхмамбетовлар фаол ҳаракат қилмоқдалар. Спорт ишларини ривожлантириш, оммалаштириш мақсадида 1995 йилнинг ўзида шаҳарда Буюк Ғалабанинг 50-йиллигига бағишланган бокс, қўл тўпи, волейбол бўйича мусобақалар ўтказилди.

Шаҳар маҳаллалари футбол жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақалар айниқса, қизғин баҳсларда ўтди ва томо-

шабинлар олқишига сазовор бўлди. Илк бор ўтказилган бу биринчиликда «Сероб» маҳалласи футболчилари 1-ўринни эгаллаб чемпионликни қўлга киритишди. Шаҳар корхона ташкилотлари футбол жамоалари биринчилигида «Тадбиркор» жамоаси голиб чиқди. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили шаҳар маҳаллалари, корхоналар, футбол жамоалари биринчилигини ўтказиш анъанавий тус олди.

Шаҳримиз ҳунармандлар макони. Бу ерда пичоқчилар, дўшидўзлар, мисгарлар, темирчилар асрлар давомида ўз ҳунарларини ардоқлаб, авлоддан-авлодга ўргатиб келишмоқда. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун моддий-маънавий рағбатлантириш зарурлигини ҳисобга олиб шаҳримизда ҳунармандлар кўрик-тайлови ўтказиш ҳақида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ август ойининг тўртинчи ҳафтаси шанба кунинда барча ҳунарманд-усталар ўз маҳсулотларини шаҳар маданият ва истироҳат боғида кўргазмага қўйишлари лозим. Бу ерда маҳсулотларни сотиш-сотиб олиш мумкин. Махсус ҳакамлар ҳайъати ҳар бир буюм, маҳсулотга баҳо беришади. Кўрик-тайловда фахшли ўринларни эгаллаган уста-ҳунармандларга фахрий ёрлиқлар, мукофотлар берилади. Бундай тадбирлар юртимизда меҳр-оқибат, қадрият, ўзаро ҳурматни янада мустаҳкамлаш, турли ҳунар-қасб соҳаларини ривожлантириш учун хизмат қилиши табиийдир.

Истиқлол қуёши бошимиз узра норлагач халқимиз тарихига, маданият ва санъатига, қадриятларига эҳтиром тобора ошиб бормоқда. Жойларнинг номлари, хўжалик ва ташкилотларнинг аталиши шу давргача шаҳар ва туманимизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган номлардан иборат эди. Бундай номутаносибликларга барҳам бериш, жой номларини Республикада қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ аталишини йўлга қўйиш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимиятлари қошида «Атамалар қўмиталари» ташкил этилди. Атамалар қўмиталари корхона, хўжалик меҳнат жамоалари, маҳаллалар фуқаролар йиғинларида қатнашиб жой номларини ўзгартириш, уларни миллий номлар билан айтиш йўлида фаоллият кўрсатмоқда. Шу тарзда илгари Комсомол, Фрунзе, Школьная, Октябрь, Юбилейная деб аталган кўчаларга,

Бибиона, Истиқлол, Юсуф Комиссар, Суфизода, Бобур номлари берилди. Жамоа хўжаликлари номлари ҳам узгартирилди. Масалан собиқ «1-Май», — «Сабзор», Қарл Маркс — «Зарафшон», «Партия ХХІ съезди» — «Боймоқ», «Х-беш йилик» — «Дамобод», Жданов номли — Чустий номлари билан аталди. Шунингдек, мактабларга ҳам ўзига муносиб номлар қўйилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юз берган маънавий янгилашни, хусусан, Чуста ҳам амалга оширила бошланди. Бунинг ёрқин далили қатагонлар ва тургунлик йилларида камситилиб, бўғилиб, ривожланишдан тўхтаб қолган миллий анъаналар, бетакрор урф-одатлар, диний раем-русумлар ва бошқа маънавий қадриятларни тиклаш борасида олиб борилётган ишлардир. Масалан, ҳар йили Наврўзи олам—янги йил байрами Чустнинг Мавлоно Лутфуллоҳ номли истироҳат боғидан бошлаб шаҳримиз ва қишлоқларимиздаги барча ташкилот, муассаса, корхона, хўжалик ва мактаб ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида ўтказилмоқда. Баҳорий таълик таомлар шиширилиб, ота-боболаримиз эъзозидан бўлган сумалак, ҳалим, турли туман миллий таомлар тайёрланиб дастурхонлар безатилмоқда. Санъаткорлар эса давраларни қизитмоқдалар.

Наврўз таъаналарида турли хайрли ишлар ташкил қилинмоқда. Ночор ва муҳтож оилаларга моддий ёрдам уюштирилмоқда. 1995 йилда ўтказилган шундай хайрли ишлардан Сероб маҳалласи фуқароси «Се додарон» уюшмаси раҳбари Т. Отабоевнинг маҳалладаги 30 дан ортиқ муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериши, Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Олимжон ота Ҳожиназаровнинг 18 та ночор оилага берган моддий ёрдами, Наврўз байрамида муҳтож оилаларнинг никоҳ ва хатна тўйлари ўтказилиши меҳру оқибат, қадриятни янада барқарорлашувига сабаб бўлди.

Наврўз таъаналарига ҳокимиятларимизнинг бош-қош бўлишлари анъанага айланиб бормоқда.

Президентимиз И. А. Каримов Фармонига кўра Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кунлари дам олиш кунларига айлантирилди, диний расм-русумлар бемалол ўтказилишига имкон яратилди. Бу нарса Ислам динига бўлган ҳурмат ва эҳтиром намунасидир. Худди шу мавзунини давоми сифатида қадимги даврларда ўтиб кетган алломалар руҳини шодлантириш бо-

расида иш олиб борилаётгани таҳсинга лойиқдир. Шаҳримиз-
даги маданият ва истироҳат боғи халқ орасида Мавлоно
Лутфуллоҳ номи билан аталарди. Энди эса расмий равишда



бу масканга XV—XVI асрларда яшаб ўтган, ислом дини алломаларидан, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатлари «Дил ба ёру, даст ба кор»нинг давомчиси ва ривожлантирувчиларидан бўлган, шу йўлда меҳнат қилган Мавлоно Лутфуллоҳ номи берилди. Ҳозирги кунда маданият ва истироҳат боғи ҳудудида Мавлоно мақбаралари қад ростлади. Шарқий услубдаги бу обидани Қўқон шаҳридан келган «Фарғона махсус илмий ишлаб-чиқариш—таъмирлаш устандаси»нинг усталари тиклашди. Бу хайрли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва шахсан вазирнинг биринчи ўринбосари, ҳамюртимиз Б. Абдураҳимов катта ҳисса қўшишди. Таъмирлаш ва қурилиш лойиҳалари меъмор Абдужаббор Яҳъевнинг бевосита раҳбарлигида тайёрланди. Модомики суз Мавлоно Лутфуллоҳ ҳақларида экан шу ўринда у кишининг шахслари ҳақида маълумот бериш зарурдир.

Мавлоно Лутфуллоҳ асли Пои туманининг Чодак қишлоғида таваллуд топган бўлиб, оталарининг исмлари Фатҳуллоҳ бўлган. Мавлоно Лутфуллоҳ миладий 1463 йили туғилган. Мавлоно Лутфуллоҳ саводини ўз қишлоғида чиқариб, сўнгра Марғилон, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Етук билимли Мавлоно Лутфуллоҳ ўз қишлоқларига қайтиб фидокорона меҳнат билан шуғулланганлар.

XIV асрдан кейин Урта Осиёда машҳур бўлган сулук Хожа Баҳоуддин Муҳаммад асос солган Нақшбандия сулуки (йўли) эди. Тарихда катта эҳтиром билан ном қолдирган Хожа Аҳрори Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам Нақшбандия сулукига мансуб бўлганлар. Мавлоно Лутфуллоҳ ҳам шу сулукка мансублигини унинг таржимаи ҳолидан яққол билиш қийин эмас. У Чодак қишлоғида ҳам, Звутқанд, Карнон, Чустда, Самсоқгепада ҳам, сўнгра Фарғонаю Ургутда, Оҳангарону Яккатутда, ҳатто Афғонистонга бориб Жўйи дилякуно ариғини кавлаб, катта-катта бўз ерларни ўзлаштириб халқ билан бирга бугдой экиб, боғ яратиб, моддий бойлик яратишга эътибор берिशлари «Дил ба ёру, даст ба кор» (кўнгли ёрдаю, қўл ишда) тариқати йўлидан боришнинг далилидир. Мавлоно Лутфуллоҳ ислом динини, фикҳ илмини яхши ўзлаштирган, олим, мутафаккир бўлиб, ҳеч вақт мен соҳибини илм деб қўл қовуштириб ўтирмаган инсонни латифдир.

Мавлоно Лутфуллоҳ ҳамма вақт эли ташвиши билан яшаганларининг исботи шундан иборатки, у киши қаерга бормасин, ўша ердаги халқ, фаровонлигини кўзлаб бўз ерларга сув чиқариб, бугдойзор ва боғу-роғларни кўпайтириб шу жой аҳлига ҳадя этганлар.

Бу билан ислом динининг мутафаккир олими сифатида халқни фақат ибодат билан шуғулланиб сифиниб ўтиришдан сақлаб, устозлари Баҳоуддин Нақшбандий пайрави бўлиб, дил ибодатда бўлсин, қўл доим меҳнатда бўлсин деб ўзлари бунда шахсий намуна кўрсатиб меҳнат қилганликлари ҳақида саҳиҳ маълумотлар мавжуд. Мавлоно диний олим сифатида, Нақшбандий пайрави, дунёвий илмлардан хабардор, боғбону зироаткор, олим-мироб бўлиш билан бирга илми ладунни¹⁷⁷ соҳиби ҳам бўлганлар.

Мавлоно Лутфуллоҳ 1547 йилда Чуст шаҳрида вафот қилган ва ҳозирги маданият ва истироҳат боғи ҳудудига дафн этилган.

Илгари мактабларда Пушкинхонлик маросимлари ўтказиларди. Мустақиллик шарофати билан эса ўз қадриятларини тикланмоқда. Наманган фарзанди ғазалхон шоир Машрабни эслаб, унинг номи билан аталган Наманган шаҳридаги янги боғда Машрабхонлик тантанаси ўтказилмоқда. Бу тантаналарда республикада машҳур адиблар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишмоқда. Бир томондан шоир руҳи шодлантирилса, иккинчи томондан халқнинг бағри қувончларга тўлмоқда. Чунки Машрабхонлик маросимида вилоятимиздаги юзлаб муҳтож оналарга ёрдам қўлини чўзиб, уларнинг никоҳ ва хатна тўйларини зўр шодиёна билан ўтказилиши бу оналарнинг қувончига қувонч, шодлигига шодлик қўшмоқда. Мустақиллигимизнинг шарофати туфайлигина мусулмон аҳлининг фарз амалларидан ҳаж сафарига чиқиш имконияти вужудга келди. Ҳамюртларимиздан кўпчиликлари бу амални ижро этиб Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат этиб келишди. Албатта, ислом

177. Ладунни — арабча сўз бўлиб, табиат ва инсон томонидан эмас, балки Оллоҳ томонидан айрим шахсларга ғойибдан бериладиган қобилиятдир. Бундай илм соҳибига бирчи нарса аён бўлаверади. Мавлоно Лутфуллоҳ ҳам ана шундай илм соҳиби бўлиб, бу илмдан фақатгина эл-юрт бахт-саодати йўлида, фаровонлиги ва тинчлиги йўлида фойдаланган.

диниға эътибор кучая борниш қатор масжид ва мадрасаларнинг фаолият кўрсата бошлаши ҳам фақат мустақиллик туфайлидир. Ҳозирги кунда шаҳримизда иккита масжиди жомий ишлаб келмоқда. Барча маҳаллаларда масжидлар фаолият кўрсатмоқда.

1994 йилнинг август ойида чуствлик шоир Набихон Хўжаев—Чустийнинг 90 йиллик юбилейини ўтказилиши ҳам катта бир таптанага айланиб кетди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида газалнавис шоир Чустийнинг ҳайкали очилиши маросимида Наманган вилояти Ҳокими Б. Рашидгалев, академик Иззат Султон, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, ёзувчи-шоирлар Носир Фозилов, Ҳабиб Саъдулла ва яна кўнлаб меҳмонлар қатнашишди. Юбилей катта таптана билан кўтаринки руҳда ўтди. Чустий номи билан аталган кўчада эсдалик лавҳа ўрнатилди.

Шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан ҳамшаҳарлар учрашуви тадбири амалга оширилди. Учрашувда турли шаҳарларда фаолият кўрсатиб келаётган чуствликлар бир пиёла чой устида тўиланишди, суҳбатлар ўтказишди. Учрашувда Тошкент, Самарқанд, Қарши, Наманган ва бошқа шаҳарларда меҳнат қилаётган чуствлик олимлар С. Солнев, Т. Файзуллаев, А. Валнев, С. Иномхўжаев, санъаткорлар О. Исмоилов, А. Салимов, М. Азизов, ёзувчилар Ф. Йўлчиев, М. Калонхонов ва бошқалар қатнашишди. Ҳамшаҳарлар билан дилдан суҳбат қуришди.

Бундай учрашув ҳар йили август ойида таптана билан ўтказиладиган бўлди.

Мустақиллигимизнинг иккинчи йили таптаналари шаҳар Ҳокимлиги томонидан кам таъминланган ва муҳтож, шаронти оғир oilалар фарзандларини, етим қолган ёшларни хатна ва никоҳ тўйлари ўтказилди. Марҳум ўқитувчи Умаржон Осимовнинг икки фарзандини уйлантириш ва кичик ўғлини хатна тўйини ўтказилиши, шунингдек Деҳқонобод, Хўжаобод, Пансада маҳаллаларидаги шу каби тўйлар шулар жумласидандир. Айниқса муҳтож, ночор oilалардан беш хўжаликка давлат томонидан уй қуриб берилиши ҳозирги иқтисодий тағлиқ вазиятида гоаят улуғ иш бўлди. Бу ишларнинг амалга оширилиши бевосита Президентимизнинг халққа кўрсатаётган ғамхўрлигини нишонасидир.

Мустақиллик шарофати билан, 1994 йил декабрь ойида Чуст шаҳар Ҳокими маданият ишлари бўлими қoшида халқ театрини тиклашга муваффақ бўлиди. Бу ишни амалга оширилишида артист Саиджалол Муқимов, Йўлдошвой Мирзараҳимов, Шораҳим Қаландаров, Турғунбой Темировлар катта меҳнат қилишди.

Театрни иш бошлашига дастлабки Чуст халқ театри ташкилотчиларидан бири Муҳаммаджон ҳофиз Азизовнинг фарзанди Жўраҳон Азизов бош-қoш бўлди. Жўраҳон Азизов шаҳар Ҳокими маданият ишлари бўлими бошлиғи этиб таъинлангач, юқорида кўрсатилган ишлар амалга оширилди.

Шароф Бошбековнинг «Темир хотин», Қобилжон Убайдуллаевнинг «Қиёматнинг аввалги кунлари» спектакллари саҳналантирилиб халқ эътиборига ҳавола қилинди. Театрнинг ривожланиши, разнақ топишига ҳозирги иқтисодий таъинлик тўсиқ бўлмақда. Бу тўсиқларни сизгишда театр ижодкорлари шаҳар ва туман ҳокимликлари ёрдамига муҳтождирлар.

Туманимизда 1995 йил январь ҳолатига 163 минг аҳоли истиқомат қилади.

Чуст шаҳрида ҳозирги кунда 56186 киши яшамоқда. Шаҳарда яшовчилардан 43549 киши тожик, 9910 киши ўзбек, 528 киши рус ва 2099 киши бошқа миллат вакиллари дидир. Улар ёнма-ён меҳнат қилиб, мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишнинг йўлга қўйиш мақсадида тер-тўкишмоқда. Шаҳар ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари ёрқин истиқболни кўзлаб Чустни яна кўркамлаштириш, обод этиш, чустлик ҳунарманд-усталар анъаналарини давом этдириб, барчага манзур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйишмоқда.

Республикамиз Президентининг «Элим деб, юртим деб, ёниб-янаш керак» деган сўзларига амал қилган ҳолда чустликлар шу йўлдан дадил олга қадам ташламоқдалар.

Чустнинг истиқболи ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, республикамиз мустақил бўлгач, жойларда олиб бoриладиган иқтисодий ислохотлар бу ерда ҳам ўз ўрнини топмоқда. Шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида яқин келажакда Чустда троллейбус йўналиши жорий этилади. Лойиҳа

бўйича троллейбус пуналишининг умумий узунлиги 31,5 километрга етиши мўлжалланган. Шаҳримиздаги йирик корхона «Барион» заводи базасида телевизор ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу соҳада илк қадамлар қўйилди. 1995 йилда Симферополь шаҳридан мутахассислар келиб «Барион» заводида бўлиб ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

«Истиқлол» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари халқимизни печенье, вафли ва турли шарқ ширинликлари билан таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Чустда қадимда ривожланиб келган, эндиликда эса бир мунча унут бўлган заргарликка эътибор кучайтирилмоқда. Анъанавий заргарлик касбини тиклаш, ривожлантириш мақсадида шаҳарда Тошкентдаги «Заргарлик» заводининг махсус фирма дуқони очилиши ва унинг қoшида заргарлик буюмлари устахонаси қурилиши ҳақида шартнома имзоланди.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш, ёш болалар оналарга шаронлар яратиш борасида изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Чуст марказий касалхонасининг ички касалликларни даволаш бўлими ҳудудда тoпилган шифобахш минерал сувдан унумли фойдаланиш мақсадида бу ҳудудда соғломлаштириш маркази қурилишини амалга ошириш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

Келажакда миллий ҳунармандчилик негизида кичик корхоналар қурилиши ва ривожланиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Чуст шаҳри аҳли ҳам Мустақил Республикамизнинг иқтисодий ривожланиши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш йўлида унумли меҳнат қилишмоқда. Шаҳримиз истиқболли ҳақида гап кетар экан, шаҳар босмахонаси тарихи ва фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш табирга жонздир. Чуст шаҳрида 1936 йилда ташкил этилган босмахона кўн йиллар давомида фақат район газетаси «Чуст ҳақиқати»ни чоп этиш билан шугулланарди. Кейинчалик иш қoғозлари чоп этиш бошланди. Қорхонанинг ишлаб чиқаришида туб ўзгариш 1989 йилдан бошланди. Босмахонага қайтадан раҳбар этиб тайинланган тажрибали тadbиркор мабаачи раҳбар Шукурхон Тошхожаев ишни кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, касб малакаларини мунтазам равишда ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш цехларини қайтадан жиҳозлаш, корхонани тўлиқ рекон-

струкциялаш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан бошлади. 1989 йил босмахонада жами 19 ишчи ишлаган бўлса, 1995 йилга келиб босмахонадаги ишчи-хизматчиларнинг сони 50 кишига етди.

Корхонада инженер-техник ходимлар жамоаси шаклланди. Корхонани иқтисодий қуввати ортиб борди. 1992 йили Республика районларида биринчи бўлиб Чуст шаҳар босмахонасида муҳр ва тамгалар ишлаб чиқарила бошланди.

1993 йилдан эса кичик ҳажмдаги китобчалар чоп этишга киришилиб, кўпгина ҳамюрт қалам соҳибларининг китоблари чоп этилган бўлса, ҳозирги кунга келиб босмахона маъмурияти ва меҳнат жамоаси Республикамиздаги йирик «Фан», «Чўлпон», «Мерос» каби нашриётларнинг буюртмаларини ҳам сифатли бажаришга киришди.

Бобораҳим Машрабининг «Мабдан нур» девони, ҳамшаҳримиз, ғазалнавис шоир Чустийнинг «Кўнгил тилаги» каби бадий китоблар билан бир қаторда юзлаб бадий, илмий китобларни Чуст шаҳар босмахонасида чоп этилаётганлиги шаҳримиз равнақига равнақ қўшмоқда.

Босмахонада ҳозирги кунда кирилл, лотин, араб, қирғиз ёзувидаги ҳарфларнинг мавжудлиги, бу ҳарфлар билан ишловчи мутахассисларнинг борлиги корхона буюртмачиларининг географиясини кенгайиб бориши, матбаачилик маҳсулотлар турини кўпайиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келажакда Босмахона ишини компютерлаштириш, ҳозирги замон матбаачилик технологиясига ўтиш учун корхонада олиб борилаётган ишлар бевосита корхона раҳбари Шукурхон Тошхожаев фаолияти билан боғлиқдир.

Босмахона тарихида фахрий матбаачилар Исоқжон Шодиев, Қаҳҳоржон Зондов, Салимжон Ваҳобов, Тошпўлат Эргашев, Муҳсинбой Ваҳобов, Мансурхон Тўрахоновлар билан бир қаторда ёш, қобилиятли, истиқболи кенг мутахассислардан Раҳмонжон Юлдашев, Баҳромжон Йўлчиев, Сайфуллохон Яҳёев ишчилардан Толибжон Мирзаалиев, Тоҳиржон Обидов, Комилжон Мирсултонов, Обиджон Қурбоналиев, Баротхон Ғозиев кабиларнинг фидойи меҳнатлари шаҳар босмахонасининг ривожига ривож қўшмоқда. Босмахона ҳозир-

ги кунда 2,2 миллион сўмлик 7 турдан иборат матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Умуман олганда шахримиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ходимлари мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишга эришмоқ йўлида изланмоқда, фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.

Шу ўринда XX аср кулфати ҳисобланган Афғон муаммоси ва Чернобиль фожияси туманимиз ва унинг халқи учун кўрсатган таъсирини айтиб ўтиш жоиздир. Агар бизнинг боболаримиз улуг Ватан уруши фронтларида қаҳрамонларча жон фидо этиб немис-фашист босқинчиларига қарши курашган бўлсалар, уларнинг ўғил ва набиралари Афғонистон урушида қатнашиб, кўнчиликлари ярадор бўлиб қайтишди. Собиқ Совет Иттифоқи раҳбарлари «дўстона ёрдам» деб атаган урушда ўнлаб ҳамюртларимиз қатнашишди. Уларнинг кўпчилигига ҳукуматнинг орден ва медаллари берилди. Аммо бу уруш гоят адолатсиз урушлиги туфайли кўплаб маҳлакатлар фуқаролари томонидан қораланди. Қарийиб 10 йил давом этган бу қонли урушга қайта қуриш давридагина чек қўйилди. Урушнинг қурбонлари, ота-онасининг армонлари 12 та чустлик мард йигит эса навқирон ёшида шахид бўлди. А. Муллабоев, Т. Дархонбоев, Иброҳимов...

Афғон уруши жароҳатлари эсдан чиқмай туриб, янги кулфат Чернобиль АЭСидаги ҳалокат рўй берди. Бу ҳалокатни бартараф этишга Республикамиздан ҳам кўплаб йигитлар сафарбар этилди. Чуст шахри ва туманидан 108 киши Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатиш учун жўнатилди. Улар жаҳаннам қатървсимои ҳалокат уяси Чернобилда бир неча ойлар туриб ишлаб келишди. Ҳозирги кунда Чернобиль ҳалокатини тугатишда қатнашган 108 йигитдан, 18 таси II гуруҳ ва 55 таси III гуруҳ ногирони бўлиб, давлатдан нафақа олишмоқда. Давлатимиз, ҳукуматимиз бу йигитларга яшаш ва ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб бермоқда. Улуг Ватан уруши қатнашчилари, Афғон урушида қатнашганлар ва чернобилчиларга яратилаётган имтиёзлар бир хилдир.

Чуст шахри ва тумани Афғончилар, Чернобилчилар жамиятлари ўз фаолиятларини ногирон қатнашчиларга ёрдам кўрсатиш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратишмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Республикамизнинг барча аҳолиси сингари Чустимиз аҳллари ҳам ёрқин келажак учун, Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлиши учун, юртимиз обод бўлиб, халқимиз фаровон, келажакимиз порлоқ бўлиши учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўз эли, юрти истиқболи учун меҳнат қилаётган халқ албатта ўз эзгу-мақсадига эришади.

Муаллифлар жамоасидан: Китобда учрайдиган айрим нуқсон, камчилик ва хатоликлар учун яна бир бор олдиндан узор сўраймиз.



МУНДАРИЖА

Чуст шаҳар Ҳокимининг қарори	3
Сўз боши	6
I. БОБ. Чуст кишилик жамиятининг дастлабки босқичи йилларида	11
1. Қадимий Чуст ҳақида	11
2. «Чуст» номи ҳақида	22
3. Чустликлар юрт озодлиги учун кураш йилларида	27
II. БОБ. Чуст Қўқон хонлиги ва Чоризм мустамлакачилиги ўрнатилиши даврида	36
1. Чуст Қўқон таркибида	36
2. Чуст Россия ҳукмронлиги ўрнатилиши даврида	46
III. БОБ. Чуст уездида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт	52
IV. БОБ. Чуст Шўро тузуми йилларида	67
1. Октябрь воқеаларидан кейин Чустдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт	67
2. Чустда миллий — озодлик ҳаракати	71
3. 30—йилларда Чустнинг ижтимоий ривожланиши	83
4. Чустда Ер—сув ислоҳоти	87
5. Чуст тумани ирригация ва мелiorация тизими ўтмишда ва ҳозир	103
V. БОБ. Чустликлар Ватан уруши йилларида	107
VI. БОБ. Чустликлар 50-90 йилларда	123
1. Чустнинг саноат ва ҳунармандчилиги	123
2. Чустда маориф ва маданият, ижтимоий таъминот	132
VII. БОБ. 50-90 йилларда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши	146
VIII. БОБ. Чуст Ўзбекистон мустақиллиги йилларида	161
Иқтисодий ислохотлар	165

НАЖМИДДИН ФАЙЗИДДИН ўгли

МУҲАММАД ҲАКИМ

ЖУРАХОН МУҲАММАД ҲОФИЗ ўгли

ЧУСТ ТАРИХИ

Масъул муҳаррирлар:	<i>Султонмурод СОЛПЕВ</i> <i>Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,</i> <i>Баҳриддин ТАЛАПОВ</i>
Муҳаррир:	<i>Мирзали МУҲСИНОВ</i>
Мусаввир:	<i>Алихон МАМАТОВ</i>
Тех. муҳаррир:	<i>Шукурхон ТОШХОЖАЕВ</i>
Мусахҳих:	<i>Муталибхон ФУЗАЙЛОВ</i>

Ушбу китобни тайёрлашда қатнашган босмахона мутахассислари ишлаб чиқариш устаси Баҳромжон Йўлчиев, ҳарф терувчи Тоҳиржон Обидов, саҳифаловчи Толибжон Мирзаалиев, чоп этувчи Зокиржон Алим жапов, муқоваловчилар Дилфуза Саримсоқова, Фозилжон Каримов, қогоз қирқувчи Комилжон Мирсултонов.

Босмахонага 2.08.95 да берилди. Босишга 10.08.95 да рухсат этилди. Бичими 60X84 1/16 Газета қозғизга «Литературная» гарнитурода юқори босма усулида босилди. Шарп» босма табақ, 11,2 л. Адади 5000 нусха буюртма № 944 Баҳоси шартнома восисида.

Наманган вилоят Матбуот бошқармасининг ноширлик булими 716002, Наманган шаҳри, Гагарин кўчаси 36 уй.

Чуст шаҳар босмахонаси 717200, Чуст шаҳри, Суфизода кўчаси, 8-уй.

